

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

# **ИҚТИСОДИЁТ**

**йўналиши**

**“МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ВА  
БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ  
СТРАТЕГИЯЛАРИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й  
М А Ж М У А**

**Тошкент - 2016**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ЎзМУ, иқтисод фанлари доктори, профессор Вахабов А.В.,  
ТДИУ, иқтисод фанлари доктори, профессор Расулов Т.С.,  
ТДИУ, иқтисод фанлари доктори, профессор Беркинов Б.Б.,  
ТДИУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент Асқарова М.Т,  
ТДИУ, катта ўқитувчи Умаров Ф.У.

**Такризчи:** Хижу Зу (Qiju Zhu), Хитой.

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>14</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>25</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>147</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>201</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>239</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>240</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>258</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## КИРИШ

Мазкур ишчи дастур Иқтисодиёт соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Макроиктисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегиялари” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш, кўникма ва малакаларини таркиб топтириш асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Макроиктисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегиялари” **модулининг вазифалари:**

“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билимига, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар;
- замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни;
- иқтисодий қонуниятларни ўрганишда макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиб таҳлил қилишни;
- иқтисодий ислохотларнинг мазмуни, босқичлари, асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари хусусиятларини;
- иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнларини;
- барқарор иқтисодиё ўсиш орқали макроиқтисодий ўсишга эришиш усулларини;
- макроиқтисодий моделларни тузишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- иқтисодиётнинг янги назарияларини;
- макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлларини;
- иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришдаги ўзгаришларни *билимларига* эга бўлиши лозим;

#### **Тингловчи:**

- модул блокларини тайёрлаш;
- ахборотли модул мазмунини танлаш;
- Кейс дастурий харитасини тузиш;
- Кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Модулли ва Кейс-стади таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;
- макроиқтисодий индикаторларни прогнозлаш;
- макроиқтисодий моделларни иқтисодий жараёнларда қўллашни;
- миллий иқтисодиётнинг узоқ муддатга ривожланиш сценарийларини тузишни;
- макроиқтисодий моделлар ёрдамида барқарор иқтисодий ўсиш омилларини аниқлаш;
- банк бизнесида даромадлилик ва таваккалчилик нисбатларини кўп вариантли альтернатив моделларини ишлаб чиқиш;
- аграр соҳа кўрсаткичларини макроиқтисодий моделлаштириш ва прогнозлаш;
- Миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини билишга таяниб иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш;
- макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш;

- банк фаолиятини таҳлил қилиш, банк хизматлари ва маҳсулотлари бозори муаммоларининг асосий иқтисодий талабларини ифодалаш каби **қўникмаларини** эгаллаши лозим;

**Тингловчи:**

- замонавий ва инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;

- инновацион фаолиятни ташкил этиш;

- иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодий қонунлар, илмий тушунчаларни (категорияларни) ечимлар қабул қилишда ишлата олиш;

- иқтисодий жараёнларни макроиқтисодий таҳлил қилиш;

- инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилишда макроиқтисодий моделлар тизимидан фойдаланиш;

- иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда махсус компьютер дастурларидан фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва макроиқтисодий даражадаги вазиятларда ечимлар қабул қилиш **малакаларини** эгаллаши керак;

**Тингловчи:**

- инноватор, тьютор, модератор ва фасилитаторлик фаолиятини самарали амалга ошириш;

- жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил этиш ва олинган хулосаларини кенг жамоатчиликга тушунтириб бериш ҳамда иқтисодиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

- макроиқтисодий кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликга тушунтира олиш;

- макроиқтисодий таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналар ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;

- тузилган макроиқтисодий моделларни тармоқлар ва корхоналар фаолиятига қўллаш;

- тармоқлар ва корхоналар иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- реал сектор тармоқлари ва корхоналарининг фаолиятини таҳлил қилиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, корхоналарни инновацион ва стратегик ривожлантириш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегиялари” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегиялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” субмодуллари ҳамда “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини

қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”, “Махсус фанлар” ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			жами	Назай	Амалий машғулот	
1.	Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминлаш йўналишлари	6	4	2	2	2
2.	Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари	3	3	1	2	
3.	Иқтисодий ислохотлар тамоиллари, стратегияси, босқичлари ва йўналишлари	3	3	1	2	
4.	Хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини такомиллаштириш	3	3	1	2	
5.	Иқтисодиётнинг циклли ривожланишида пул-кредит ва валюта тизимларининг ўзгариши	6	6	2	4	
6.	IS-LM модели. Халқаро молия институтлари	5	3	1	2	2
7.	Монополияга қарши сиёсат ва рақобат муҳитининг ривожланиши	3	3	1	2	
8.	Худудларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва инвестициявий жозибadorлигини баҳолаш усуллари	3	3	1	2	
	<b>Жами:</b>	<b>32</b>	<b>28</b>	<b>10</b>	<b>18</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Макроиктисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминлаш йўналишлари**

Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ўсишнинг омиллари. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш омиллари. Маърузада макроиктисодий сиёсатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрни ва мақсади, макроқўламдаги мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётни тартибга солишда бозор ва давлат механизмларини узвийлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш дастаклари, иқтисодиётни тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий услублари, уларнинг нисбати, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, иқтисодиётни молиявий жиҳатдан санациялаш, инфляцияга қарши чора тадбирларни қўллаш, монополияга қарши қонунчилик, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг шакллари, усуллари ва уни манзиллигини кучайтириш масалалари қаралади

### **2-мавзу: Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш концепциялари. «Рейганомика», Тетчеризм» ва «Маршалл» режаларининг моҳияти. «Турк йўли» ёки «Тургут Озал модели» нинг моҳияти. “Япон мўъжизаси”, “Эрхард ислоҳоти” ёки “Германия йўли”, Россиядаги “500 кун”лик дастурнинг тақдири. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари, хусусиятлари, босқичлари ва асосий йўналишлари. Маърузада ўтиш даврига оид назариялар, ўтиш даври иқтисодиётининг асосий белгилари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг “Ўзбек модели”, унинг тамойиллари ва хусусиятлари, ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси, иқтисодий ислохотларнинг амалга ошириш босқичлари ва уларнинг вазифалари, иқтисодиётда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати каби масалалар кўриб чиқилади.

### **3-мавзу: Иқтисодий ислохотлар тамойиллари, стратегияси, босқичлари ва йўналишлари**

Иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади. Иқтисодий ислохотлар стратегияси. Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш. Иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади. Иқтисодий ислохотлар тамойиллари. Иқтисодий ислохотлар стратегияси. Иқтисодий ислохотлар босқичларининг устивор вазифалари ва йўналишлари. Ислохотларнинг ҳуқуқий негизи. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш. Давлат мулкни хусусийлаштириш. Аграр ислохотлар. Институционал ислохотлар. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш. Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш. Барқарор иқтисодий ўсиш тенденциялари.

### **4-мавзу: Хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини такомиллаштириш.**

Мулк ҳуқуқларининг институционал назарияси. Ўзбекистон Республикаси мулк шакллари. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш институтлари ва механизмларини такомиллаштирилиши.

Мулк ҳуқуқларининг институционал назарияси. Ўзбекистон Республикасида мулк шакллари. Мулкчилик муносабатлари. Мулкни таксимланиши. Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш тамойиллари. Мулк ҳуқуқларни амалга ошириш. Хусусий мулк шакллари ва мулк ҳуқуқларининг таксимланиши. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик. Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш институтлари ва механизмларини такомиллаштирилиши.

### **5-мавзу: Иқтисодийнинг циклли ривожланишида пул-кредит ва валюта тизимларининг ўзгариши**

Иқтисодий цикллarning моҳияти, кўринишлари, фазалари ва ўзига хос белгилари. Иқтисодийнинг циклли ривожланишида пул массасини тартибга солишнинг асосий усуллари. Валюта курсини давлат томонидан тартибга солиш.

Маърузада иқтисодий цикллarning моҳияти, иқтисодийнинг циклли ривожланишида пул массасини тартибга солишнинг асосий усуллари, пул-кредит тизимининг давлат томонидан тартибга солиниши, валюта курсининг давлат томонидан тартибга солиниши, “девалвация”, “ревалвация” тушунчаларининг моҳияти ва аҳамияти, миллий валюта курсини ўзгаришининг бозор субъектларига таъсири, валюталарнинг харид қобилияти паритети масалалари қаралади.

### **6-мавзу. IS-LM модели. Халқаро молия институтлари.**

IS-LM моделининг моҳияти, халқаро молия институтларининг ташкил топиши ва уларнинг фаолиятлари, Умумжаҳон банкининг ривожланаётган мамлакатларда институционал ва таркибий ислохатларни амалга оширишдаги ва камбағалликка қарши курашдаги ўрни, Халқаро валюта фондининг ташкил этилиши ва асосий мақсадлари, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ва Осиё тараққиёт банкларининг ташкил этилиши масалалари кўриб чиқилади.

### **7-мавзу: Монополияга қарши сиёсат ва рақобат муҳитининг ривожланиши.**

Монополия ва монополашган бозорлар: соф монополия, монопол рақобат ва олегополия. Монопол ҳокимият ва монопол ҳокимият курсатгичлари. Монополияга қарши Шерман қонуни, “Адолатли нархни” таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат” тўғрисидаги қонуни, унинг мазмуни ва моҳияти. Рақобат муҳитини таъминлаш.

Монополашган бозор турлари, хусусиятлари, самарадорлиги, монополияга қарши Шерман қонуни, монополияда нархларни назорат қилиш, “Адолатли нархни” таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат” тўғрисидаги Қонуни ва шу қонунга кура рақобат муҳитини таъминлаш масалалари қаралади.

### **8-мавзу. Худудларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва инвестициявий жозибadorлигини баҳолаш усуллари.**

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимини бошқаришнинг иқтисодий аҳамияти. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларининг кескин ўсиб боришини қондиришда иқтисодийнинг реал сектори ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг ўрни. Жаҳон бозорида глобал рақобат кучайиб бораётган бир шароитда ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш худудир ривожлантиришнинг асосий масалалари.

Худудларни ривожлантириш стратегияси орқали юқори сифатли маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолчи имкониятларини кенгайтириш ва пул муомаласи барқарорлигини ошириш йўналишлари.

Худудий ривожланиш стратегияси сифат бошқарув тизими механизми. Худудлар ривожланишини тартибга солиш воситалари. Худудий ривожланиш дастурлари. Худудий ижтимоий – иқтисодий ривожланиш муаммолари. Худудлар ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга илмий ёндашувлар. Худудларни ривожлантириш стратегияси. Худудлар нисбий афзалликлари ва уларни амалга ошириш босқичлари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-амалий машғулот:

#### **Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминлаш йўналишлари**

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш. Иқтисодиётни тартибга солишнинг молиявий дастаклари. Давлатнинг монетар сиёсати. Давлатнинг фискал сиёсати. Иқтисодиётни тартибга солишда давлат ва бозор механизмнинг муқобил нисбатлари.

Макроиқтисодий сиёсатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрни ва мақсади, макрокўламдаги мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётни тартибга солишда бозор ва давлат механизмларини узвийлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш дастаклари, иқтисодиётни тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий услублари, уларнинг нисбати, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, иқтисодиётни молиявий жиҳатдан санациялаш, инфляцияга қарши чора тадбирларни қўллаш, монополияга қарши қонунчилик, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг шакллари, усуллари ва уни манзиллигини қучайтириш масалалари қаралади.

### 2-амалий машғулот:

#### **Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари.**

Ўтиш даври назарияси. Ўтиш даври иқтисодиётининг асосий белгилари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари ва улар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг “Ўзбек модели”, унинг тамойиллари ва хусусиятлари. Иқтисодий ислохотларнинг амалга ошириш босқичлари ва уларнинг вазифалари.

Ўтиш даврига оид назариялар, ўтиш даври иқтисодиётининг асосий белгилари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг “Ўзбек модели”, унинг тамойиллари ва хусусиятлари, ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси, иқтисодий ислохотларнинг амалга ошириш босқичлари ва уларнинг вазифалари, иқтисодиётда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати каби масалалар кўриб чиқилади.

### 3-амалий машғулот:

#### **Иқтисодий ислохотлар тамойиллари, стратегияси, босқичлари ва йўналишлари**

Иқтисодий ислохотлар босқичларининг асосий натижалари. Хусусийлаштириш босқичлари ва кўп укладли иқтисодиёт таркиби. Аграр ислохотлар натижалари. Инвестициялар таркиби ва саноат тармоқлари ривожланиши динамикаси. ЯИМ ва меҳнат унумдорлиги ўзгариш динамикаси.

Иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади. Иқтисодий ислохотлар тамойиллари. Иқтисодий ислохотлар стратегияси. Иқтисодий ислохотлар босқичларининг устивор вазифалари ва йўналишлари. Ислохотларнинг ҳуқуқий негизи. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш. Давлат мулкчини хусусийлаштириш. Аграр ислохотлар. Институционал ислохотлар. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш. Барқарор иқтисодий ўсиш тенденциялари.

### 4-амалий машғулот:

#### **Хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини такомиллаштириш**

Ўзбекистонда хусусий мулк ва умумийликдаги мулк. Хусусий мулк шакллари. Хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли, уларни кенгайтириш йўллари. Мулк ҳуқуқларининг институционал назарияси. Ўзбекистон Республикасида мулк шакллари. Мулкчилик муносабатлари. Мулкни тақсимланиши. Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш тамойиллари. Мулкчи ҳуқуқларни амалга ошириш. Хусусий мулк шакллари ва

мулкӣ ҳуқуқларнинг тақсимланиши. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш институтлари ва механизмларини такомиллаштирилиши.

#### **5-амалий машғулот:**

##### **Иқтисодиётнинг циклли ривожланишида пул-кредит ва валюта тизимларининг ўзгариши.**

Иқтисодий цикллarning моҳияти, кўринишлари, фазалари ва ўзига хос белгилари. Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати. Пул - кредит тизимини давлат томонидан тартибга солиш. Валюталарнинг "девальвацияси" ва "ревальвацияси" тушунчалари.

Иқтисодиётнинг циклли ривожланишида пул массасини тартибга солишнинг асосий усуллари, пул-кредит тизимининг давлат томонидан тартибга солиниши, валюта курсининг давлат томонидан тартибга солиниши, "девальвация", "ревальвация" тушунчаларининг моҳияти ва аҳамияти, миллий валюта курсини ўзгаришининг бозор субъектларига таъсири, валюталарнинг харид қобилияти паритети масалалари қаралади.

#### **6-амалий машғулот:**

##### **IS-LM модели. Халқаро молия институтлари.**

IS-LM моделининг моҳияти. Халқаро молия институтларининг ташкил топиши. Умумжаҳон банкининг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрни. Европа тараққиёт ва тикланиш банки ва Осиё тараққиёт банкларининг ташкил этилиши.

Халқаро молия институтларининг ташкил топиши ва уларнинг фаолиятлари, Умумжаҳон банкининг ривожланаётган мамлакатларда институционал ва таркибий ислохатларни амалга оширишдаги ва камбағалликка қарши курашдаги ўрни, Халқаро валюта фондининг ташкил этилиши ва асосий мақсадлари, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ва Осиё тараққиёт банкларининг ташкил этилиши масалалари кўриб чиқилади.

#### **7-амалий машғулот:**

##### **Монополияга қарши сиёсат ва рақобат муҳитининг ривожланиши.**

Монополия, соф монополия, монопол рақобат ва олигополия. Монопол ҳокимият ва монопол ҳокимият курсатгичлари, мисол ечиш. Монополияга қарши биринчи қонун, Шерман қонуни, "Адолатли нарх". Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат" тўғрисидаги қонуни, унинг мазмуни ва моҳияти. Рақобат муҳитини таъминлаш.

Монополияга қарши Шерман қонуни, монополияда нархларни назорат қилиш, "Адолатли нархни" таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат" тўғрисидаги Қонуни ва шу қонунга кура рақобат муҳитини таъминлаш масалалари қаралади.

#### **8-амалий машғулот:**

##### **Худудларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва инвестициявий жозибдорлигини баҳолаш усуллари.**

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимини бошқаришнинг иқтисодий аҳамияти. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларининг кескин ўсиб боришини қондиришда иқтисодиётнинг реал сектори ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг ўрни. Жаҳон бозорида глобал рақобат кучайиб бораётган бир шароитдачки ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш худудир ривожлантиришнинг асосий масалалари. Худудларни ривожлантириш стратегияси орқали юқори сифатли маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолчи имкониятларини кенгайтириш ва пул муомаласи барқарорлигини ошириш йўналишлари.

Худудлар ривожланишини тартибга солиш воситалари. Худудий ривожланиш дастурлари. Худудий ижтимоий – иқтисодий ривожланиш муаммолари. Худудлар

ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга илмий ёндашувлар. Худудларни ривожлантириш стратегияси. Худудлар нисбий афзалликлари ва уларни амалга ошириш босқичлари.

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кўзда тутилган. Тақдимот материаллар, замонавий интерфаол усуллар, электрон дарсликлар ва кўргазмали плакатлардан фойдаланилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этиш шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайдилар.

Мустақил ишида ҳар бир тингловчи битирув иши мавзусидан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашув элементларини ёритадилар.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

Тингловчи мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, тақдимот) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- махсус адабиётлар бўйича фаннинг бўлим ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фаннинг бўлим ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини мустақил бажара олиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотларини ўзлаштириш;
- илмий мақола, тезислар, турли илмий анжуманларга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

“Макроиктисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегиялари” модулидан тингловчиларнинг мустақил ишларини реферат, семинар, доклад тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзулари ҳамда курс ишларини тўлдиришга ҳаракат қилиниши лозим.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

“Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегиялари” модули бўйича тингловчи:

№	Баҳолаш турлари	Энг юқори балл	Изоҳ
1.	Модулли ўқув ахбороти ишланмаси	1,0 балл	Таълим олувчилар модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, модул мазмунини аниқ танланганлиги
			Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишда етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши
2.	Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши	1,5 балл	Вазият моделини яратилиши
			Кейс матни баён этилиши
			Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши
	Жами:	2,5 балл	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

♣“Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегиялари” ғоясини “SWOT – таҳлил” асосида таҳлил қилиш.

	<i>Таҳлил таркиблари</i>	<i>Натижаларни амалга оширишнинг хусусиятлари</i>
<b>S</b>	Кучли томонлари (ташқиллаштиришнинг ички манбалари)	- барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади; - янги лойиҳалар асоси ҳисобланади; - тўсиқларни енгиб ўтишнинг йўли бўлиши мумкин.
<b>W</b>	Кучсиз томонлари (ташқиллаштиришнинг ички муаммолари)	- ташқиллаштириш фаолияти айнан шуларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим; - янги лойиҳалар учун энг муҳим мақсад ҳисобланади; - ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда албатта ҳисобга олиниши зарур
<b>O</b>	Имкониятлар (ташқаридан)	- молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кўрсаткичи ёки ташқи манба бўлиб хизмат қилади, - улар ташқиллаштиришнинг мақсади билан ёки қанчалик мурасага келиши билан қанчалик мос келишини ҳисобга олиш зарур бўлади; - янги лойиҳаларнинг асоси ёхуд ҳамкорликни излаш манбаси бўлиши мумкин.
<b>T</b>	Хавфлар (ташқаридан)	- Ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олиниши зарур; - уларни енгиб ўтиш ёки бетараф этиш йўллари ишлаб чиқилиши керак; - баъзида мантиққа мос келмайдиган “рақиблар” “иттифоқчиларга” айланиши бўлиши мумкин.

## Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### Намуна:

Макроиқтисодий барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш йўналишлари					
Макрокўламдаги мувозанатни таъминлаш		Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари		Халқаро молия институтлари	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li><li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li><li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li></ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li><li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>

**Кейс.** Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади. Иқтисодий ўсиш суръатининг аҳамиятини иқтисодчилар томонидан қўлланилувчи “**70 миқдори қоидаси**” ёрдамида ҳам очиб бериш мумкин. Бу қоидага кўра, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ҳажмини 2 бараварга оширишда қанча вақт талаб этилишини аниқлаш учун 70 сонини йиллик ўсиш суръатига бўлиш керак бўлади. Масалан, мамлакатимиздаги ўсиш суръатининг 9% даражасида ЯИМни 2 баравар ошириш учун 7,7 йил талаб этилади (70:9). Холбуки, иқтисодий ўсишнинг 2000 йилдаги 4,0% даражасида бу кўрсаткичга 17,5 йилда (70:4) эришиш мумкин эди. Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатининг янада оширилиши бу муддатнинг аҳамиятли равишда қисқаришига олиб келади.

Ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради. Бу турлари бўйича изоҳ келтиринг.

### Кейснни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгилаб (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини изоҳи келтирилган кетма-кетлигини белгилаб (жуфтликлардаги иш).

### “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### Намуна.

**Фикр:** “Иқтисодий ўсиш натижасида миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

#### **Тест**

- 1. Ислохотлар қўйидаги йирик гуруҳларга ажратилган жавобни аниқланг?
- А. Мулкый муносабатлар, аграр, молия-кредит, социал, ташки иқтисодий алоқалар ислохотлари
- В. Аграр, молия-кредит, ташки иқтисодий алоқалар ислохотлари
- С. Мулкый муносабатлар, аграр, социал, ташки иқтисодий алоқалар ислохотлари

#### **Тушунча таҳлили**

- “Рейганомика”, Тетчеризм” ва “Маршалл” режаларининг моҳияти изоҳланг...

#### **Қиёсий таҳлил**

- “Муқобил ривожланиш” назарияси концепцияларини таҳлил қилинг?

#### **Амалий кўникма**

- “Япон мўъжизаси” ва “Ўзбекистон”да бозор муносабатларини ривожлантириш учун иқтисодий ўсишга таклиф келтиринг?

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда

текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулик изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<b>Циклларнинг асосий турлари</b>	Китчин цикли 2–4 йил, Жуглар цикли 7-12 йил, Кузнец цикли 16-25 йил, Кондратьев цикли 40-60 йил, Форрестер цикли 200 йил, Тоффлер цикли 1000-2000 йил	
<b>Монетар концепция</b>	Фоиз ставкаси ва валюта курси ўтасида боғлиқликни акс этган	
<b>Оптималь валюталар назарияси</b>	Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган интеграция жараёнлари ХВФ мутахассислари Роберт Манделл ва Маркус Флеминг томонидан 1960 – йилларда яратилган оптимал валюта ҳудудлар назариясига асосланган	
<b>Жаҳон валюта тизими эволюцияси</b>	1867–1913 йиллар Париж валюта тизими, 1922–1936 Генуя валюта тизими, 1944 – 1976 Бреттон Вудс валюта тизими, 1976-ҳозирга қадар Ямайка валюта тизими	
<b>Халқаро валюталар фонди (ХВФ)</b>	Молиявий соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминловчи ташкилот ҳисобланади ва ҳозирги пайтда 183 аъзолардан иборат. ХВФ Жаҳон банки билан бир вақтда 1945 йилда Бреттон Вудс конференцияси қарори билан ташкил этилган	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.


### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Ўзбекистоннинг халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ўзига хос хусусиятларида мобил илова маълумотларини сақлаш турлари бўйича**



### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустақамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради. **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилди ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини

таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Иқтисодий ислохотлар тамоиллари, стратегияси, босқичлари ва йўналишлари”  
бўйича тушунча беринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

<b>Ҳаракатлар мазмуни</b>	<b>Якка баҳо</b>	<b>Якка хато</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Гуруҳ баҳоси</b>	<b>Гуруҳ хатоси</b>
Иқтисодий ислохотлар стратегияси босқичлари					
Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш					
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш институтлари					
Худудларнинг ривожлантириш ва инвестициявий жозибодорлигини баҳолаш					
Тадбиркорлик ривожланиши рейтинги					

**“Инсерт” методи**

♣ **Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки катнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“√” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### Таълим технологияси модели ва технологик харитаси

✎ **Ўқув машғулотида таълим технологияси модели ва технологик харитасини ишлаб чиқиш.**

*Эслатма: топшириқни бажаришда йўриқномага амал қилинг.*

#### ЙЎРИҚНОМА

Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг **таълим модели** жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- *дастлабки маълумотлар*: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- *шакл* (маъруза, семинар ва бошқ.) ва *кўриниши* (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўқув машғулотни режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- танланган таълим модели: *усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари*;
- *таълим бериш шароити*: махсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;
- *мониторинг ва баҳолашга* асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқ.).

**Ўқув машғулотининг технология харитаси** уч қаторни ўз ичига олиб, 1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулотни бошқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

**Илова.** Ўқув жараёнининг ташкилий - дидактик вазифасини бажаради: ўқув/мустақил иш учун савол ва топшириқларни, уни баҳолаш мезонларини, ўқув иш жараёнида талабалар

амал қилиши лозим бўлган қоидалар, таълим берувчи фойдаланадиган таянч ёзмалар, шунингдек чизма, жадвал, слайдлар ва бошқа кўргазмали материаллар, режалаштирилган мақсадларга эришишни назорат қилиш учун топшириқлар (тестлар, саволлар, топшириқлар ва машқлар).

Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Фақат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши керак.

### Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

**Мавзу** (рақами) .....(номи).....

<i>Вақт: ...соат</i>	<i>Талабалар сони:...</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Маъруза (ахборотли/бирлашган дарс ва бошқ.), семинар (билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш бўйича), амалий машғулот
<i>Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши</i>	1. ... 2. ...
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i>	Шакллантириш / билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> ... билан таништириш; ... таснифини бериш; ... тушунтириш; ... очиб бериш ва бошқ.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> ... кўрсатадилар; ... таснифлайдилар; ... айтиб берадилар; ... тартибли равишда очиб берадилар
<i>Ўқитиш методлари</i>	Маъруза, инсерт, ақлий ҳужум ва бошқ.
<i>Ўқув фаолиятини ташкиллаштириш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, техника воситалари ва бошқ.
<i>Ўқитиш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
<i>Қайтар алоқанинг йўл ва воситалари</i>	Оғзаки назорат: тезкор-сўров ва бошқ. Ёзма назорат: реферат, тест ва бошқ.

### Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотида кириш (дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради	Тинглайдилар, ёзиб оладилар.  Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
2-босқич. Асосий	2.1. Тезкор-сўров / савол-жавоб/ ақлий ҳужум орқали билимларни	Жавоб берадилар Ёзадилар.

(дақ.)	фаоллаштиради. 2.2. Маъруза/ семинар/ амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади	Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар ва бош.
3-босқич. Яқуний (дақ.)	3.1.Мавзу бўйича яқунлайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди .	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар Топшириқни ёзадилар

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1- МАВЗУ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

##### Режа:

1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари.
2. Иқтисодий ўсишнинг омиллари.
3. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш омиллари.

##### 🔗 Таянч иборалар:

*Замонавий таълим, илгор тажрибалар, модул, модулли ўқув ахборотлар, модул блоklar, модулли-кредит, ECTS кредитлари ECTS ўқув режалари, Болонья декларацияси, талабанинг меҳнат сарфи, кредитлар миқдори, transferancy, aqreement, Credits-hots, Credits-Post, transcript, syllabus, ахборот пакети, ўтиш коэффициенти, blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик метод, модератор, тьютор, эдвайзер, фасилитатор.*

#### 1.1. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МАЗМУНИ, ТУРЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ.

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади.

**Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.**

Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади<sup>1</sup>.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди; иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади; учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсон ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди. Шунга кўра, иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади:

$$\ddot{Y}C = \frac{YIM_{\text{жорий давр}} - YIM_{\text{базис давр}}}{YIM_{\text{базис давр}}} \times 100\% ,$$

бу ерда:

<sup>1</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

ЎС – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;


ЯИМ<sub>базис давр</sub> – таққосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми;

ЯИМ<sub>жорий давр</sub> – жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

Айталик, 2014 йилдаги миллий ишлаб чиқариш ҳажми ( $Y_{2014}$ ) 2000 йилдаги ( $Y_{2000}$ )га нисбатан ўсди. Бу ўсиш ўз навбатида миллий ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғининг ҳам кенгайишига олиб келади (1-чизма).

*1-чизма*

### Иқтисодий ўсиш натижасида миллий иқтисодий ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши



Чизмадан кўринадики, иқтисодий ўсиш натижасида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот миқдори ортади, бу эса аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади. Иқтисодий мавжуд эҳтиёжларни янада тўлароқ қондириш имконига эга бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда унинг даражасини ҳам эътиборда тутиш лозим. Иқтисодий ўсиш суръатларининг аҳамиятлилик даражаси турли мамлакатлар реал ЯИМнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Реал ЯИМ ҳажми нисбатан кичик бўлган мамлакатлар учун 8-10% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати меъёрдаги ҳолат саналиши, реал ЯИМ ҳажми жуда катта бўлган мамлакатлар учун 2-3% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати эса аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш суръатининг аҳамиятини иқтисодчилар томонидан қўлланилувчи «**70 миқдори қондаси**» ёрдамида ҳам очиб бериш мумкин. Бу қондага кўра, миллий иқтисодий ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ҳажмини 2 бараварга оширишда қанча вақт талаб этилишини аниқлаш учун 70 сонини йиллик ўсиш суръатига бўлиш керак бўлади. Масалан, мамлакатимиздаги ўсиш суръатининг 9% даражасида ЯИМни 2 баравар ошириш учун 7,7 йил талаб этилади (70:9). Холбуки, иқтисодий ўсишнинг 2000 йилдаги 4,0% даражасида бу кўрсаткичга 17,5 йилда (70:4) эришиш мумкин эди. Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатининг янада оширилиши бу муддатнинг аҳамиятли равишда қисқаришига олиб келади.

Ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

**Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади.** Айталик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки хисса кўпайтириш учун ишлаб чиқариш омиллари миқдори икки баробар кўпайтирилиши лозим, содда қилиб айтганда мавжуд корхоналар билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва

сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна корхоналар қурилиши лозим. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

**Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади.** Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинadиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли кўпроқ устувор экстенсив ва устувор интенсив иқтисодий ўсиш турлари ҳақида сўз юритилади<sup>2</sup>.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланганлик даражаси;

б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;

в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат;

г) меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯИМ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади. Бунда иқтисодиётнинг йирик соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ҳам ўрганилади.

## 1.2. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ОМИЛЛАРИ.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар **таклиф омиллари** деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг ўсиш лаёқатини белгилаб беради:

1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;

2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;

3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми;

4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Бу омиллар ҳар бирининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш орқали иқтисодий ўсишни тавсифлаш мумкин.

Маълумки, ялпи ички маҳсулот ишчи кучи, капитал ва табиий ресурслар сарфларининг функцияси ҳисобланади, яъни:

$$Y = f(L, K, N),$$

бу ерда:

Y – ялпи ички маҳсулот;

L – ишчи кучи сарфлари;

K – капитал сарфлари;

N – табиий ресурслар сарфлари.

---

<sup>2</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

Бу функционал боғланишдан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи бир қатор хусусий кўрсаткичларни келтириб чиқариш мумкин:

1) **меҳнат унумдорлиги ( $Y/L$ )** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг жонли меҳнат сарфларига нисбати;

2) **меҳнат сиғими ( $L/Y$ )** – жонли меҳнат сарфларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

3) **капитал самарадорлиги ( $Y/K$ )** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг унга сарфланган капитал харажатларига нисбати;

4) **капитал сиғими ( $K/Y$ )** – капитал харажатларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

5) **табиий ресурслар самарадорлиги ( $Y/N$ )** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўлланилган табиий ресурслар миқдорига нисбати;

6) **маҳсулотнинг ресурслар сиғими ( $N/Y$ )** – табиий ресурслар сарфининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

7) **ишчи кучининг капитал билан қуролланганлик даражаси ( $K/L$ )** – ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган капитал ҳажмининг ишчи кучи миқдорига нисбати.

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлардан ташқари яна **кейинги қўшилган ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги** кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичлар, бошқа омиллар сарфи ўзгармагани ҳолда, ҳар бир алоҳида омил сарфининг қўшимча ўсиши таъсирида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиши ҳажмини белгилаб беради:

1) кейинги қўшилган меҳнат унумдорлиги ( $\Delta Y / \Delta L$ );

2) кейинги қўшилган капитал унумдорлиги ( $\Delta Y / \Delta K$ );

3) кейинги қўшилган табиий ресурслар унумдорлиги ( $\Delta Y / \Delta N$ ).

Бу кўрсаткичлар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсишида ҳар бир омилнинг ҳиссасини намоён этиб, у қуйидагича аниқланади:


$$Y = (\Delta Y / \Delta L)L + (\Delta Y / \Delta K)K + (\Delta Y / \Delta N)N .$$

Иқтисодий ўсишга **тақсимлаш омиллари** ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг юқори миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Реал маҳсулот икки асосий усулда кўпайтирилиши мумкин: 1) ресурсларнинг кўпроқ ҳажмининг жалб этилиши; 2) улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан (2-чизма).

Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни сусайтириб турувчи омиллар ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда республикада давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

### Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар



### 1.3. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ ВА НАТИЖАЛАРИ.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари ўртасидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилиб, ривожлантирилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминланиш мақсадида қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишига катта эътибор қаратилди:

- кенг қўламдаги тизимли бозор ислохотларини изчил амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирларини кучайтириш;
- иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш;
- экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналарни барпо этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар

томонлама пухта ўйланган сиёсатни амалга ошириш.

1-жадвал

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар % да	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3	8,2	8,0	8,1
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8	8,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8	6,9
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	15,0	13,5	15,7
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8	14,3
Давлат бюджетининг бажарилиши	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4	+0,4	+0,3	+0,2
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,6	7,0	6,8	6,1
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши	44,2	40,0	40	32	26,5	26,5	20,8	23,2
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5	23,1	17,5	16,0	10,2

**Назорат саволлари:**

1. Иқтисодий ўсишни иқтисодиётга таъсирини изохлаб беринг?
2. Иқтисодий ўсишнинг тақсимлаш омиллари ҳақида тушунча беринг?
3. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар ҳақида статистик таҳлил келтиринг?
4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш тенденцияларини изоҳланг?
5. Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида изоҳ беринг?
6. Ўзбекистонда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тушунча беринг?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

**Махсус адабиётлар**

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

## Интернет ресурслари

1. <http://www.mineconomi.uz>.
2. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
3. [www.reuter.com](http://www.reuter.com)
4. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)
5. [www.forexite.com](http://www.forexite.com)
6. <http://www.wordbank.org>.
7. <http://www.ebrd.org>.
8. <http://www.imf.org>
9. [www.undp.org](http://www.undp.org)
10. [www.ecb.int](http://www.ecb.int)

## 2-МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛЛАРИ

---

### Режа:

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепциялари.
2. «Рейганомика», Тетчеризм» ва «Маршалл» режаларининг моҳияти.
3. «Турк йўли» ёки «Тургут Озал модели» нинг моҳияти.
4. “Япон мўъжизаси”, “Эрхард ислоҳоти” ёки “Германия йўли”, Россиядаги “500 кун”лик дастурнинг тақдири.
5. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари, хусусиятлари, босқичлари ва асосий йўналишлари.

### 🔗 Таянч иборалар:

*Ўтиш даври, бозор иқтисодиёти, “Япон мўъжизаси”, “Эрхард ислоҳоти” ёки “Германия йўли”, Россиядаги “500 кун”лик дастури, «Рейганомика», Тетчеризм» ва «Маршалл» режалари, миллий моделлар, “Ўзбек модели”, иқтисодий ислоҳот, концепция, давлат ва нодавлат сектори.*

### 2.1. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ.

Бозор муносабатлари тўсатдан ва бирданига шаклланмай, балки мавжуд иқтисодий тизимдан ўсиб чиқади. Шунинг учун эски тизимни собитқадамлик билан ислоҳ қилиб бориб, бозор иқтисодиётига киришиш мумкин.

Бозор ислоҳотлари деганда халқ иштирокида, давлат томонидан ишлаб чиқилган, бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни давлат назорати остида амалга оширилиши тушунилади.

Концепция – бу бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели. Концепцияда Янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий жиҳатлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотнинг асосий йўналишлари белгиланади<sup>3</sup>. Айнан ишлаб чиқилган концепцияга таянган холда бозор ислоҳотини таъминловчи юридик қонунлар мажмуаси яратилиб улар амалга оширилади.

Ислоҳотлар қўйидаги йирик гуруҳларга булинади:

---

<sup>3</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.

- мулкий муносабатлар ислоҳоти.
- аграр ислоҳот.
- молия-кредит ислоҳоти.
- социал ислоҳотлар.
- ташки иқтисодий алоқалар ислоҳоти.

Бу ислоҳотларнинг кетма-кетлиги, ўтказиш усуллари ва муддатлари хар хил бўлади. Улар комплекс характерда бўлади ва иқтисодиётнинг ҳам м а соҳаларида ўтказилади. Бир соҳа ислоҳ этилиб, қолганлари эскичасига қолса, бозор муносабатлари шакллана олмайди, бинобарин, ислоҳотлар самарали бўлмайди.

«Муқобил ривожланиш» назарияси концепциялари.

Ривожланган ёш мамлакатлар ўз олдиларига эришиш осонроқ бўлган мақсадларни қўйиб «муқобил ривожланиш» назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўлини манна шу назариялар доирасида излашга мажбур эдилар. Бу концепцияларнинг асосийлари 1- жадвалда кўрсатилган.

2- жадвал

№	Концепциялар	Мақсад
1.	«Асосий эҳтиёжлар»	- аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини таъминлаш; - иш билан банд қилиш муаммоларини ҳ ал этиш.
2.	«Мақбул ёки тегишли технология»	- аҳоли бандлигини таъминлаш; - маҳаллий хом - ашёни, аввало қишлоқ хўжалик хом - ашёсини қайта ишлашга қаратилган серме ҳ нат технологияни ривожлантириш;
3.	« Ўз кучига жамоа б ў либ таяниш»	- мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланиш; - ривожланаётган мамлакатларгақ арамлигини камайтириш мақсадида ҳамкорликни муста ҳ камлаш;
4.	«Янги ҳалқаро иқтисодий тартиб»	- ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутулиши; - иқтисодий қолокликни тугатиш; - тенг ҳуқуқли шериклар сифатида тан олиниш; - ў з манфаатларига мувофи қ келадиган я нги нархларни, ҳалқаро савдо меъёрларини, валюта курсини белгилаш; - замонавий технологияни сотиб олиш имкониятларини кенгайтириш;

### **Бозорсиз таракқиёт, бозор экстримизми ва бошқариладиган бозорлар.**

Академик А.Аганбегян иштирокида тайёрланган ва собиқ СССР Вазирлар Кенгаши Раёсатида муҳокама қилинган муқобил дастурда бозор муносабатларига ўтишнинг турли концепциялари кўриб чиқилган. Бу концепцияларнинг моҳияти 2- жадвалда кўрсатилган.

№	Концепциялар	Мақсад
1.	Бозорсиз тараққиёт ёки «Либераллаштириш» йўли	- Бозорсиз тараққиётга ўтишдан олдин дастлаб маъмурий-буйруқбозлик тизими бағрида: а) истеъмол товарлари бозорини барқарорлаштириш; б) бюджет тақчиллигини йўқотиш; в) инвестиция соҳасини соғломлаштириш кўзланади. Сўнгра бозорга ўтиш мумкинлиги таъкидланади. - маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги бошқаришни енгил – елпи косметик таъмирлаб, йирик халқ хўжалиги миқёсидаги пропорцияларни шакллантириш ва назорат қилишни марказ ихтиёрига қолдириб, корхоналарга қисман шартнома асосида бозорга махсулот чиқаришга рухсат берилади.
2.	Бозор экстримизми ёки бозорга сакраб ўтиш йўли.	- асосий ғоя-кескин чораларни зудлик билан куриш ва XIX аср андозасидаги эркин бозорга ўтиш. - давлатнинг иқтисодга аралашувида мутлақо чек қўйиш. Бундай йўл меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини, жамиятнинг шу бугунги ва келажакдаги илмий-техника тараққиёти, экология, муҳофаа соҳаларидаги манфаатларга умуман кафолат бермайдиган бозор регуляторига умид боғлайди.
3.	Бошқариладиган ёки тартибга солинадиган бозор.	- асосий ғоя-яккаҳоқимлик тартибидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштирилган бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтиш. - давлатнинг иқтисодиётидаги салмоғини 20-30 фоизга тушириш.

Кўштирноқ ичидаги либераллаштириш йўли ҳам, бозор экстримизми ғояси ҳам қўл келмаганлигини вақт кўрсатди. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан Янги йўллари ишлаб чиқди. Бошқариладиган бозор иқтисодиёти манна шу йўлга асос қилиб олинган. Бу ҳол ниҳоятда кучли иқтисодий ислоҳот оқимини юзага келтиради. Кўпгина мамлакатлар-ривожланаётган ва ривожланган, капиталистик ва социалистик, демократик ва авторитар мамлакатлар мана шу оқимга қўшилдилар<sup>4</sup>.

«Гангитувчи терапия», «оммабоп бозор» ва «қаттиқ қаркас» концепциялари.

Жамиятнинг тараққий эттириш ва иқтисодий ислоҳ қилиш йўллари хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунга уларнинг аниқ мақсадни кўзлаб йуналтирилиши ва иқтисодиётнинг амал қилиш принциплари сабаб бўлади. Қайд қилинган концепциялар ҳам қўйилган мақсаднинг турлича бўлганидан юзага келган.

<sup>4</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

Муқобил йўллар	Асосий ғоялар
«Гангитувчи терапия» ёки «фалаж қилиб даволаш усули»	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бу йўлни жарроҳлик аралашуви ёки аччиқ, аммо зарур дори ёхуд гангитувчи терапия дейишади.</li> <li>Бу йўл номақбулдир. Чунки у амалда жуда ҳам қисқа муддатли молиявий чора-тадбирлардан бўлак бошқа ҳеч нарса эмас.</li> <li>• У амалда «терапиясиз шок» бўлиб қайтади</li> </ul>
«қаттиқ каркас йўли»	ўта муҳим товарларга давлат томонидан нарх ўрнатилади ва назорат қилинади. Бу билан ишлаб чиқариш, алмашув, таксимот қаттиқ каркас остида бўлади. Шу йўл орқали халқ хўжалиги пропорциялари, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ҳимоя марказдан туриб бошқарилади. Бу йўл «карточка» тизимини англатади.
«Оммабоп бозори» ёки бозор иқтисодиётига бошловчи йўл	Бу йўл мавжуд бошқарув тизимини тубдан ўзгартиришни талаб қилмайди. Режали тизим ўтиш даврида иқтисодиёт барқарорлигини, ишлаб чиқаришда эришилган даражани сақлашга ёрдам беради. Бозор дастлаб ишлаб чиқаришнинг бир қисмини, сўнгра бозор инфраструктурасини барпо этилиши билан асосий қисмини қамраб олади.

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, нафақат бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари, шу билан бирга, унинг андозалари ҳам хилма хилдир. Шу боисдан бозор иқтисодиётининг маълум андозалари уларни амалга оширувчи муайян мамлакатга мансублигига қараб ажратилади. Масалан : Германия, Жанубий Корея, Туркия, Полша андозалари ва ҳоказо.

## 2.2. «РЕЙГ АНОМИКА», «ТЕТЧЕРИЗМ» ВА «МАРШАЛЛ» РЕЖАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ.

Бозор муносабатлари шаклланишининг социал-иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга ўтишнинг миллий ёки ҳудудий режалари ҳам мавжуд бўлади. Буни биз энг ривожланган, капиталистик давлатлар деб қараб келинган АҚШ, Англия ва Франция мамлакатлари мисолида кўришимиз мумкин. ( 4-жадвал )

Эркин бозор моделларига ўтиш моделлари

Режалар	Асосий ғоялар
«Рейганомика» (АҚШ)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бу модел миллатнинг социал-маданий ҳолатига асосланади. Ҳар бир шахснинг ютуғига ва юқори даражадаги иқтисодий фаровонлигига йуналтирилган;</li> <li>- «социал даражадаги тенгликка эришиш» вазифаси умуман қўйилмайди;</li> <li>- аҳолининг фаол қисмининг бой бўлишига имкон беради, тадбиркорликни рағбатлантиради.</li> </ul>
«Тетчеризм» (Англия)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- иқтисодий фаолият эркинлиги;</li> <li>- хусусий мулкнинг устиворлиги;</li> <li>- кескин рақобат кураши;</li> <li>- иқтисодиётни тартиблашда давлат ролининг устивор эмаслиги;</li> <li>- нарх навонинг тўла либераллашгани.</li> </ul>
«Маршалл» режаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>- миллий иқтисодиётнинг бош йуналишларини давлат белгилайди, стратегик режалаштириш жуда ҳам кучли йўлга қўйилган;</li> <li>- нарх-наво бошқарилади;</li> <li>- рақобат рағбатлантирилади;</li> <li>- иш ҳақи устидан қатъий назорат урнатилади;</li> <li>- солиқ тизими назоратда бўлади.</li> </ul>

Бу андозалар асрлар оша тарихий-табiiй жараён сифатида амалга ошиб, узундан-узок давом этган ўзгаришлар орқали шаклланган. Бу мамлакатлар иқтисодий тараққиётнинг асосан қийинчиликларинигина енгишган, холос. Шу боис уларга бизда юз бераётган жараёнлар бегона.

Шунингдек, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларни бизларга мисол қилиб келтиришади. Улардан андоза олишни тавсия қилишади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, бу мамлакатлар қола қ пайтида ҳам уларда бозор муносабатлари мавжуд эди.

Бозор иқтисоди, хусусий мулкчилик, одамларда ўз мулкига эгалик қилиши каби тушунчалар бор эди. Капиталистик ишлаб чиқариш асослари мавжуд эди.

Бизда бу нарсалар йўқ эди. Одамларимиз бутунлай бошқа тарзда, бошқача ақидалар билан яшаганлар. Биз аввало мулкчилик масалаларини ечишимиз, уни англашимиз, моҳиятини тушунтиришимиз керак эди. Уларда хусусий мулкчилик, хўжайинчилик тушунчаларини шакллантиришимиз лозим эди.

Бошқа томондан, ю қ оридаги моделларнинг кўп жиҳатлари бошқалар учун андоза, намуна вазифасини бажариши мумкин, чунки бозор иқтисодиётининг қонун қоидалари, унинг ҳаётiiлиги бу моделларда синаб қурилган.

### **2.3. “ТУРК ЙЎЛИ” ЁКИ “ТУРГУТ ОЗАЛ МОДЕЛИ” НИНГ МОҲИЯТИ.**

Туркия икки китъада – Европа ва Осиёда жойлашган мамлакат бўлиб, унинг майдони 780,6 кв.км, аҳолиси 57 млн. У ерда етти минтақа ва 73 та вилоят бор. Туркия давлати 1923 йилда Мустафо Камол Отатурк бошчилигида тузилди.

Туркиянинг бозор иқтисодиётига ўтиши босқичма-босқич бўлган.

- \* 1923-1950 йиллар;
- \* 1950-1970 йиллар;
- \* 1970-1980 йиллар;
- \* 1980 ва кейинги йиллар.

Бозор иқтисодиётининг биринчи босқичиданок Отатурк раҳбарлигида қатор прогрессив буржуа-демократик ислохотлар ўтказилди. Жумладан:

- кўп укладли, аралаш иқтисодиётни хусусийлаштириш йўли билан эмас, балки сотиб олиш йўли билан амалга оширилди;

- Отатурк томонидан асосланган «либерал иқтисодиётда» давлатнинг аралашуви кучайтирилди;

- 1923 йилда биринчи беш йиллик режаси қабул қилинди;
- Таълим тизимини тубдан яхшилаш бўйича қатор чора – тадбирлар қурилди.

Бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичдан бошлаб:

- хусусий ташаббус ва эркин рақобатни кенгайтиришга;
- ресурсларни таксимлашда баҳо механизминини қўллаш ва унда жаҳон бозоридаги баҳоларни қўллаш;

- иқтисодиётга давлатнинг аралашувини чеклаш;
- давлат секторининг миллий даромаддаги улушини камайтириш;
- хусусий жамғармаларга таянган қурилишларни кенгайтириш каби масалаларга катта этибор берилди.

1950 йилдан этиборан хусусий секторни ривожлантириш асосий масалалар қаторига киритилди. 1961 йилдан бошлаб мунтазам равишда беш йиллик ва бир йиллик режалари тузила бошланди. 1965 йилдан бошлаб импортни чеклаш сиёсати амалга оширилди ва барча товарларни мамлакат ичида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинди. Мамлакатда 1965-1970

йилларда инфляция даражаси паст бўлган ҳ олда (5%) иқтисод ривожланди ва ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ў сиш даражаси 6-7 фоизни ташкил қилди.

Бугунги кунда Туркия эл оғзига тушган мамлакатдир. Ҳозир бизни унинг 1980 йилдан кейинги ривожланиши кизиктирмакда. Мамлакат ҳаётидаги бу шонли саҳифа кўп жиҳатдан Президент Турғут Озал номи билан боғлиқдир. 1983 йилнинг охирида Туркияда парламент сайлови ўтказилди. Т. Озал тузган Ватан партияси ушбу сайловда катта ғалабага эришди. Ғолиб партия аъзоларидан тузилган ҳукумат тараққиёт янги йўналишларини бойитди ва кенгайтди<sup>5</sup>. Жумладан, Озал дастурида:

- хусусий тадбиркорликка кенг йўл қўйиш;
- импорт сиёсатидан экспорт сиёсатига ўтиш;
- эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш, уларни ривожлантириш йўли билан очик бозор иқтисодиётига ўтиш;
- турк лираси кадр қимматини кўтариш;
- солиқ тизими ва кредит сиёсатини такомиллаштириш;
- чет эл инвестициясига кенг йўл очиб бериш;
- Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш масалалари ўз аксини топган эди.

Туркия моделининг ўзига хос хусусияти ҳам ана шулар билан изоҳланади.

Ана шу чора-тадбирларнинг изчиллик билан бажарилиши натижасида қуйидагиларга эришилди.

- тўла кадрсизланган, ижтимоий меҳнатни ўзида ифода этолмай қолган, тўлов қобилиятини йўқотаётган турк лираси курсига эркинлик берилди ва валюта чайқовчилигига чек қўйилди;

- давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кескин камайтирилди;
- хусусий сектор фаолияти кенг рағбатлана бошланди;
- кичик корхоналар сони кўпая бошлади.
- Янги технология билан қуролланган, йиғувга мос ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар сафи ошиб борди.

- Кичик ва йирик корхоналарга индустриалашган чет эл корхоналари билан ҳамкорлик қилишга кенг йўл берилди, чет эл инвестицияси кириб кела бошлади;

- Савдо эркинлиги яширин бизнеснинг юксалишига, бу эса ўз навбатида, миллиардлаб солиқ тўловлари билан давлат хазинасини тўлдиришга олиб келди, улар эвазига йўллар ва микрорайонлар қурила бошланди;

- 1989 йилда лира конвертирланган пулга айланди;

- Туркия яқин Шарқ мамлакатларига ўз таъсирини ўтказа бошлади. 1980 йилларнинг охирида ўз ҳудудидан жанубий-шарқий “йўлбарс”лардан бири бўлган Жанубий Корея фирмаларини сиқиб чиқараверди;

- Саноатнинг юксалиши қишлоқ хўжалигини ғам шиддат билан ўсишга олиб келди. Бу эса тор доирадаги “боқувчи” мамлакатлар сафига киришига сабаб бўлди, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз истеъмолидан ортиқча ишлаб чиқара бошлади;

- Иқтисодий юксалиш ва сиёсий барқарорлик Туркияга ташриф буюрувчи туристлар сонини кўпайтирди. Бир йиллик туризмдан олинаётган валюта Туркия бўйича 5 миллиард доллардан ошиб кетди.

- Минглаб, юз минглаб туркларнинг вақтинча чет элга бориб ишлаши одат тусига кирган. Бу ишсизлик муаммосини ечишга ва мамлакатга чет эл валютаси тушишига кўмаклашди. Ҳар йили Европа (аксарияти Германия ва Австрия) давлатларига 2 - 2,5 млн. киши ишга юборилади.

---

<sup>5</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

Бугунги кунда Туркия Европа ва Осиё мамлакатлари учун йирик молиявий регионал марказ кўприги бўлиб хизмат қиляпти. Туркия ҳалқи тўқ, бозор мўл қўл, четдан озик овқат импорт қилинмайди.

Туркия жаҳон бозорига дадил кириб борди. Т.Озал шиори ҳам куйидагича бўлган:

**“Ёрдам бериш эмас, балки савдо-сотикни ривожлантиришга кўмак бериш лозим”**

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришда Туркия моделининг баъзи жиҳатларини инобатга олиш ўринлидир.

Яъни:

- социал-иқтисодий ривожлантиришни изчил режали равишда олиб боришни давом эттириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида такомиллаштириш ва режа кўрсаткичларига тавсия измини бериш.

Бугунги кунда Туркия давлат режалаштириш қўмитасида банд бўлган 700 киши Бош вазир қўл остида ишлаб келмоқда. Туркия режаларининг бизниқидан фарқи шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам у режалар бажарилиб келмоқда.

- бошқариш тизимида илғор усулларни жорий этиб, уни ихчамлаштиришга эришиш;

- қўшма, кичик ва хусусий корхоналар ташаббусларини жадал суръатлар билан ривожлантиришга эришиш. Мавжуд бўлган тўсиқлар ва камчиликларни бартараф этиш (яъни, ташқил этиш тартибларини соддалаштириш, ер ажратишни қайта кўриб чиқиш, банк фоизи ва солиқни камайтириш ва ...);

- чет эл инвестициясига кенг йўл очиш ва ундан самарали фойдаланиш. Бунинг учун бюрократик расмиятчиликка чек қўйиш, давлат муҳофазаси ва гаровини тўла йўлга қўйиш, уларга белгиланган солиқни бекор қилиш, давлат ёрдамини, кредитларини, субсидияларини кенгайтириш лозим;

- ишчи кучини бошқа ривожланган мамлакатларга ташкилий равишда контракт асосида юборишни ривожлантириш;

- маркетинг ва аудит хизматларини кенг жорий этиш;

- фирмалар билан лизинг операцияларини кенгайтириш;

- суғурталаш, социал таъминот, нафақа тизимини такомиллаштириш.

Шундай қилиб Туркия модели кўп қиррали бўлиб, унинг танлаган йўли Европа бозор иқтисодиёти моделига яқин. Ҳар бир фуқаро эл бойлиги, унинг равнақи учун курашади. Фақат ўз меҳнати билан пул топишни яхши билишади. Давлатга оғзини очиб қараб турмайди, бировларнинг бойишига ёмон кўз билан қарамайди, чунки барча тадбиркорларни давлат бир хилда қўллаб қувватлашини билишади.

## **2.4. “ЯПОН МЎЪЖИЗАСИ”, “ЭРҲАРД ИСЛОҲОТИ” ЁКИ “ГЕРМАНИЯ ЙЎЛИ”, РОССИЯДАГИ “500 КУН”ЛИК ДАСТУРНИНГ ТАҚДИРИ.**

### **“Япон мўъжизаси”**

Американи капитал ва капиталистлар, Японияни меҳнат ва меҳнаткашлар мамлақати дейишади. Бу бежиз эмас. Чунки бу мамлакатлар бугунги кунда энг ривожланган мамлакатлардир.

Ер шари куруқлик қисмининг атиги 0,3 фоизини (372,2 минг кв.км), аҳолисининг – 2,5 фоизи (123,5 млн киши)ни ташқил қиладиган Япония дунё маҳсулотининг 14 фоизини етказиб берапти. Табиий ресурслари деярли бўлмаган давлат автомобил ва мотоцикллар, кема ва роботлар, аудиовидеотехника ва соатлар ишлаб чиқаришда дунёда етакчи ўринларда турибди. Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимоти бўйича фақат АҚШдан орқада. Аҳоли турмуш даражаси ҳавас қиладиган даражада. Узоқ умр кўришда ҳам Япония биринчи ўринда.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ Японияда “Додж йўли” номи билан иқтисодий ислохотни амалга оширишга киришилди. Бу ислохот олдида қуйидаги долзарб вазибалар турарди:

- монополияга чек қўйиш;
- ҳарбийлашган ишлаб чиқаришни конверсиялаш;
- ерни дехқонларга тарқатиб бериш;
- давлат томонидан барча облигацияларни аҳолидан сотиб олиш;
- банк кредитларини қисқартириш;
- аҳолининг омонат кассаларидаги пулларини музлатиб қўйиш;
- зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш;
- ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш ва ...

Қайд қилинган туб ислохотлар Япония ижтимоий тараққиётининг ўзига хос анъанавий принципларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич амалга ошира бошланди.

Японияда ишчи кучи бозори ўз хусусиятига эга. У ерда хизматчилар бир умрга ёлланади. Бу эса келажакка ишонч ҳосил қилдиради. Япон ишчилари нафақага чиққунга қадар иш билан таъминланиш кафолатига эгалар. Аммо бир иш жойидан иккинчи иш жойига кўчиш, айниқса, мартаба, лавозим пиллапоаяларига кўтарилиш имкониятлари жуда ҳам чекланган.

Японияда капиталист ишчини эмас, балки ишчи капиталист-менежерни ёллайди. Бу ерда раҳбар ишчи билан тенгма-тенг. Япония ишчилари корхона манфаатини ўзининг шахсий манфаатидан устун қўяди. Меҳнат ресурсларининг тақсимоли иш берувчилар билан қасаба уюшмалари маслаҳатлари асосида амалга оширилади. Япон иқтисодиётини бошқариш тизимидаги мўъжизанинг биттаси ана шудир.

Япон корпорациялари нафақат ўз фойдаларини максималлаштиришга, шу билан бирга ўз бозорини ривожлантиришга, қўл остида ишлаётганлар фаровонлигини оширишга кўпроқ эътибор беришади. Натижада мавжуд технология ва қаттиқ интизомга эга бўлган жамоа ёрдамида рақобатдош маҳсулотларни кам сарф қилиб кўпроқ ишлаб чиқаришга ва пастрок нархга сотишга эришади.

Иш ҳақини ошира боришни кафолатлаган фирмалар ўз ишчиларини янгиликка интилишига, самарали меҳнат қилишга ундайди. Япон мўъжизасининг асосий манбаи ҳам меҳнатсеварликдир. Ишлаб чиқаришда ҳеч қандай танаффуслар йўқ. Иш жойидан кетиб қолиш, яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Ишчилар бир йилда 2140 соат ишлашади. Бу АҚШ ишчилари ишлайдиган иш соатидан 290 соатга, Германия ва Франция ишчилари иш соатидан эса 640 соатга кўпдир.

Японияда кўпроқ озиқ-овқат ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, шунингдек инфраструктурасини ривожлантиришга устунлик беришади. Япон тажрибаси-ёрдам энг аввало технология томонидан, сўнгра эса бошқариш тизимини такомиллаштириш соҳасида бўлиши мақбул эканини исботлайди.

Японияда меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан юқори эканлиги билан характерлидир. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайишига ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошишига олиб келади.

Японияда тадбиркорларга кенг йўл очиб берилган. Улар бой бўлиб кетиши қаттиқ назорат остига олинмайди. Япония ўз ҳалқининг маънавий даражасининг юқорилигига, миллий манфаатини шахсий манфаатдан устун деб билишларига, аҳолининг мамлакат фаровонлиги учун истаган пайтда ҳар қандай сафарбарликка тайёр туришига катъий ишонади<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.

Япония андозасида хўжалик фаолиятини ташқил этишда давлатнинг иштироки анчагина каттадир. Йирик корпорациялар фаолияти режалаштирилади. Айниқса фирмалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қатъий режа асосида амалга оширилади. Фирмаларнинг бир-бирларига бўлган ишончи ҳам шу режаларнинг бекаму-кўст ва ўз вақтида бажарилиши билан характерлидир.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришда “Япон мўъжизаси”нинг ҳам баъзи жиҳатларини олиш мумкин.

Яъни:

- қаттиқ интизом, юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги;
- инновацияга, янгиликка интилиш;
- жамият, корхона манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш;
- юксак тадбиркорлик, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик;
- рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз бурчи деб билиш, ички ва ташқи бозорни ажратмаслик;
- бешта “С” га қатъий риоя қилиш, яъни:
  - Сейри - уюшқоқлик
  - Сейтон - поклик
  - Сейсо - тозалик
  - Сейкец – ахлоқлилик
  - Ситсукс – интизом
- илмий – амалий ишлар ва ихтирочиликни рағбатлантириш;
- макроиқтисодиёт миқёсида “оптимал бизнес” режасини ишлаб чиқиш;
- ҳар ойда тузиладиган бухгалтерия ҳисоби;
- “товар ёки хизматнинг ўзи учун ўзи гапирсин” шиори;
- Япония ҳалқининг меҳнатсеварлиги. У ерда меҳнат таътили муддати асосан бир ҳафтадан ошмаслигига қарамасдан, ходимлар дам олишга шошилмайдилар;
- Япон ишчиларига ёшлиқдан бошлаб бирор фирмага мансублик учун фахрланиш ҳис-туйғуси сингдирилади. Шу сабабли улар ўз фирмаларининг шон – шухрати учун билим ва истеъдодларини аямайдилар.
- Ҳозирдан келажагини яратаётган фирмаларнинг жуда кўплиги.
- Мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини давлатнинг биринчи бойлиги деб қараш.

### **“Эрхард ислоҳоти” ёки “Германия йўли”**

1940 йилларнинг бошида Германия ивтисодиётини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтказиш мақсадида катта ислоҳ ишлари бошланди. Бу ислоҳотнинг “сиёсий отаси” 1949-1963 йиллар мобайнида Германия Федератив Республикаси Иқтисодиёт вазири, 1963-1966 йиллар давомида эса федерал канцлери бўлиб ишлаган Людвиг Эрхард (1897-1977) ҳисобланади. У ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти модели учун Германия саноатчиларининг махсус стипендиясига сазовор бўлган.

1945 йил август ойида Эрхард биринчи индустрлаштириш режасини ишлаб чиқди. Унда саноат маҳсулотини 1936 йилга нисбатан 65 % га, 1938 йилга нисбатан эса 50-55 % га ривожлантириш режалаштирилди. Бундан ташқари, мазкур ислоҳот қуйидаги йўналишдаги учта масаланинг ҳал қилинишини вазифа қилиб қўйганди:

- пул ислоҳоти;
- нарх-наво ислоҳоти;
- давлатнинг иқтисодиётдаги ролини аниқлаш;

Пул ислоҳоти дастлаб эски, амалда юрган рейх маркасини Германия маркаси билан алмаштиришдан бошланди. Дастлаб ҳар бир немис фуқароси 40, сўнгра яна 20 маркадан олишди. Пенсия ва иш ҳақи 1:1 нисбат билан тўлана бошланди. Халқ қўлидаги эски рейх маркалари 1:10 нисбат билан алмаштирилди. Кейинчалик мутлақо музлатиб қўйилди. Маълум муддатдан сўнг уни ҳам 1:20 нисбат билан алмаштириб берилди.

Собиқ рейх банкларининг амалий мажбуриятлари бекор қилинди. Нарх ислоҳоти эса пул ислоҳотидан сўнг 3 кундан сўнг амалга оширилди.

### **Германия йўлининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:**

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепция заминида нафақат иқтисодий фикрлар, балки инсон шахсининг эркинлиги масаласи ҳам ётади. Уларнинг ғояси бўйича ҳар қандай иқтисодий тизим шахс эркинлиги ғоясига асосланиши шарт. Германия конституциясида бу фикрлар ўз аксини қуйидагича топган:

- инсон кадр-қиммати дахлсиздир;
- шахс эркинлиги ҳуқуқи ва тенглик қонун олдида кафолатланиши керак;
- хусусий мулкчилик жамият олдида бурчни тақозо этади;
- матбуот ва сўз эркинлиги таъминланади.
- Касб ва иш жойини эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланади.

Бу асосий ҳуқуқ ва эркинликлар конституцион норма билан кафолатланади. Германия демократик ва ижтимоий-ҳуқуқий давлат ҳисобланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини нормал шакллантириш ва амал қилиш учун қуйидаги тамойиллар муҳим ҳисобланади:

- товар ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўз қарорига кўра амалга оширилади. Бу жараёни тартибга солувчи, нарх механизмидир;

- давлат иқтисодиёт жараёнига аралашидан ўзини тийиб туради;
- “Олий ҳакам” истеъмолчи ҳисобланади;

- Корхона, фирма учун энг кам чиқим билан ишлаш олий вазифа бўлиб ҳисобланади;
- Барқарор валюта нарх-наво механизмини ишлаб туришида, талаб ва таклифларнинг мувозанатга эришишида, ишлаб чиқариш кучлари, яъни меҳнат, капитал, ер ва билимларнинг ҳар биридан самарали фойдаланишда хизмат қилади;

- Тариф автоматизацияси ижтимоий йўналтирилган бозор тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Конституциянинг 9-моддасига асосан корхоналар ва ишчилар бирлашмалари тузиш ва уларни тартибга солиш кафолатланади. Улар давлатдан мустақил равишда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитини ва маошини белгилайдилар;

- Муҳим қарорлар ишлаб чиқаришда ишчи-хизматчилар иштироки қонуний асосда ҳал этилган ёлланма ишчилар ва касаба уюшмаларининг кадрлар ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда биргаликдаги иштироклари ҳуқуқий кафолатланган;

- Германия бошқа мамлакатларга қараганда корхоналар ижтимоий эҳтиёжларига кўпроқ маблағ ажратадилар. Унинг миллий даромаддаги салмоғи 29,3 % ни ташкил этади(1990 й). Гарчи бу тадбиркорлар учун ортикча харажат бўлсада, аммо ёлланма ишчилар учун эса бу ижтимоий таъминотда кўшимча ютуққа, “иккинчи иш ҳақиға” айланади;

- Иқтисодий самарадорлик соҳасида юксак марраларга интилиш. Шу нуқтаи назардан бу тизим **фаровонликнинг тез ўсиши, турмуш даражасининг юксалиши ва бўш вақтининг кўпайишини таъминлайди.**

Қайд қилинган шарт-шароит ва тамойиллар Германияни кучли иқтисодий давлатга айланишига сабаб бўла олди. Бугунги кунда Германия :

- энг қисқа иш ҳафтаси ва йил ҳисобида энг қисқа иш вақти бўлган давлатдир. 1991 йилда йиллик иш вақти 1500 самарали иш соатини ташкил этган. Бу эса жаҳонда энг паст кўрсаткичдир;

- юқори ҳақ тўланадиган ва энг узун йиллик меҳнат таътили бор мамлакатдир. 1991 йилда бир ишчи ва хизматчига тўғри келадиган меҳнат таътилининг бир йилдаги муддати 31 кунни ташкил этди;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилишда энг қатъий тартибга риоя этувчи давлатдир;

- саноат ишлаб чиқаришининг экспортдаги энг катта улши билан ажралиб турадиган давларлар сирасига киради. У кимё моллари, станоклар, темирчилик-пресшлаш асбоб-

ускуналари, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар ва тўқувчилик ускуналарини экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўринни эгалаб турибди.

Германиянинг иқтисодий аҳволи ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг характери жаҳон бозорларида унинг фирмаларининг обрўси ортиб бориши, шунингдек бевосита чет эл инвестициялари миқдори юқори суръатларда ўсаётганлиги билан белгиланади. Яна бир жиҳат 1970 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакат валюта-кредит-молия масалаларида анча мустаҳкам мавқега эга бўлиб олганлигидир.

Германия мол айланиш ҳажми бўйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Бундан ташқари, Германия жаҳонда энг катта олтин-валюта захираларига эга. 1980 йилнинг охирига келиб ривожланган мамлакатлар экспортининг 9,6 фоизи, импортнинг эса 9,2 фоизи, халқаро Валюта жамғармасига аъзо давлатлар валюта захираларининг 11,1 фоизи ва ривожланган давлатларнинг бевосита-хусусий хориж инвестициялари умумий ҳажмининг 8,5 фоизи Германия ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур кўрсаткичлар билан Германия дунё мамлакатлари орасида мустаҳкам етакчи ўринлардан бири(3-ўрин)ни эгаллаган.

Германиядан ўрганса, ҳаётга татбиқ этса арзийдиган жиҳатлар жуда кўп.

Яъни :

- Жуда аниқ бажариш.
- Жуда пухта бажариш.
- Ўз вақтида бажариш.
- Бекамукўст бажариш.
- Ўз вақтида ҳозир бўлиш.

Бу аломатлар немис халқининг ниҳоят даражада интизомли халқ эканлигидан далолат беради:

- тариф автономияси;
- корхоналар томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағларнинг кўплиги, яъни иккинчи иш ҳақининг мавжудлиги;
- жаҳон бозорини забт этишдаги собитқадамлик;
- бандликни ўсишига қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш, рақобатни кучайтириш, иш вақтининг ўзгарувчан графигини қўллаш ёрдамида ишсизликни қисқартириш. Бугунги кунда Германияда ишсизлар сони 1 млн. киши атрофида;
- “адолатли маош” ёки “бойликни адолатли тақсимлаш” шиори ва бошқа ҳислатлар мамлакатимиз ҳаётига татбиқ қилса бўладиган ҳислатдир.

### **3. Россиядаги “500 кун”лик дастурнинг тақдири**

“Сусткашлик ўлим билан баробар” номли шиори билан “500 кун”да собиқ Иттифокда қайта қуриш ва иқтисодий ислохот ўтказиш операцияси 1990 йилда бошланди. Бу дастур Гайдар раҳбарлигида тайёрланган бўлиб, унинг олдида қуйидаги вазифалар турарди:

- барча иқтисодий субъектларга максимал эркинлик бериш;
- мулкчилик масалаларини ҳал қилиш;
- рақобат муҳитини яратиш;
- нархни либераллатириш;
- очиқ иқтисодиётга, кейинчалик эса халқаро интеграцияга эришиш;
- социал кафолатни таъминлаш.

Кўриниб турибдики сўз, бозор муносабатларига ўтиш тўғрисида кетаяпти. Ана шу вазифаларни 500 кунда амалга оширилиши режалаштирилди. (5-жадвал)

№	Кунлар	Тадбирлар
1	Биринчи 100 кун (1 октябрдан то 1991 йилгача).	I . Фавқулоддаги тадбирлар дастури: * молия-пул муомаласини соғломлаштириш; * истеъмол бозорини нормаллаштириш; * ўзаро мол етказиб беришни барқарорлаштириш; * ташқи иқтисодий алоқаларни барқарорлаштириш.
2	100-250 кунлар (1991 йилнинг январидан май охиригача)	II . Нархни либераллаштириш ва молиявий чекловларни ўрнатиш: * барча маҳсулотларга нархни эркинлаштириш; * бюджет тақчиллигини минимумга тушириш; * бозор инфраструктурасини яратиш; * тадбиркорликка кенг йўл бериш.
3	250-400 кунлар (1991 йил июн ойидан ноябр ойигача)	III . Бозорни барқарорлаштириш: * акционер жамиятларни барпо этиш; * 30-40 % саноат асосий фондларини, 50 % қурилиш асосий фондлари, 60 % савдо, умумовқатланиш корхоналари ва хизмат кўрсатиш корхоналари фондларини ижарага бериш; * уй жой бозорини барпо этиш; * рублнинг конвертациясига эришиш.
4	400-500 кунлар (1991 йил ноябр ойидан 1992 йил февралгача)	IV. Юксалишнинг бошланиши: * иқтисод ва молия тизимидаги барқарорликни мустаҳкамлаш; * рақобат муҳитини кенгайтириш; * структуравий ўрганишларни фаоллаштириш; * молиявий бозорни ривожлантириш.

Демак, 1992 йил феврал ойининг охиригача мамлакат тўла-тўқис бозор иқтисодиётига ўтиши лозим эди. Афсуски, мазкур дастур ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндошувларга асосланган дастурлари каби ислохотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан далолат берарди. Уларни рўёбга чиқариш муддатларининг “беш юз кун” деб белгилаб кўйилиши эса зарур ўзгартиришларнинг туб моҳияти ва ниҳоятда мураккаблиги тўла англаб етилмаганлигидан далолат берар эди.

Умуман, жуда ҳам қисқа ёки жуда ҳам узоқ йилларга мўлжалланган дастурларга сал шубҳа билан қараш керак. Айтайлик, бир вақтлар 2000 йилларга бориб ҳамма алоҳида уй, жойга эга бўлади, деб жар солинди. Бунинг қуруқ хомхаёл эканлиги икки-уч йилдаёқ аён бўлиб қолди. “Озиқ-овқат программаси” деган гаплар чиқди. Оқибати шу бўлдики, дўкон пештахталари бўшаб қолди.

Бу хил дастурлар ҳавойи орзу-хаёлларнинг маҳсули бўлиб, мустаҳкам асосга эга эмасди. Шунинг учун ҳам яхши мақсадларни кўзда тутган бундай дастурлар амалга ошмай қолаверди.

### 7. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари

Жаҳон тажрибасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча йўллари умумлаштирилиб, қуйидаги тўртта асосий турга бўлинади:

- 1) ривожланган мамлакатлар йўли;
- 2) ривожланаётган мамлакатлар йўли;
- 3) собиқ социалистик мамлакатлар йўли;

4) социализм ғояларини самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш механизми билан қўшиб олиб бориш йўли.

Бу йўллар турли туман ва ҳар хил бўлишига қарамай уларда умумийлик мавжуддир. Уларнинг умумийлиги шундаки, бу йўлларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига ўтишни мақсад қилиб қўяди ва мазкур иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, амал қилиш механизми кўп жиҳатдан умумий бўлади. Шу билан бирга ҳар бир йўлнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор, бу эса бозор муносабатларини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, миллий шароитлари ҳар хил бўлишидан келиб чиқади. Масалан, бозор муносабатларига ўтишнинг ривожланган мамлакатлар йўлида оддий товар хўжалигидан эркин рақобатга асосланган классик ёки эркин бозор иқтисодиётига ва ундан ҳозирги замон бозор иқтисодиётига ўтилади<sup>7</sup>.

Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил ривожланаётган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг хусусияти – бу қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтишдир. Ниҳоят, собиқ социалистик мамлакатлар йўлининг муҳим белгиси марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан ҳозирги замон ривожланган бозор тизимига ўтишдан иборатдир. Бу йўлнинг бошқа йўллардан фарқи шундаки, тоталитар иқтисодиётнинг бозор иқтисодиёти билан умумийлиги йўқ, улар батамом бир-бирига зид. Шу билан бирга маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларнинг ўзи ўтиш шароитлари, иқтисодий ривожланиш даражаси, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари билан бир-бирларидан фарқланади.

Ҳозирда узоқ давр мобайнида ижтимоий хўжаликни социализм қуриш ғоялари асосида юритиб келган, кейинчалик ушбу ғояларнинг муҳим жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда бозор механизмларини уйғунлаштириш орқали ўзига хос ўтиш йўлини яратган мамлакатлар тажрибасини ҳам алоҳида кўрсатиш мумкин. Жумладан, Хитой, Вьетнам каби илгари фақат маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётига асосланган мамлакатлар бугунги кунда туб ислохотлар орқали самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш борасида сезиларли муваффақиятларга эришмоқдалар. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларининг ўзига хос хусусиятларидир.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига **революцион йўл** билан, яъни жадал усулда ёки **эволюцион йўл** билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислохотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни бирданига ва батамом синдириш талаб этилиб, «караҳт қилиб даволаш» усули («шоковая терапия») деб аталади. Эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориб, самарали бозор иқтисодиётини шикастсиз вужудга келтириш мумкин. Ислохотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, эволюцион йўл камроқ ижтимоий ларзаларга олиб келади, анча изчил ва муқаррардир.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларигина эмас, балки унинг андозалари ҳам хилма-хилдир. Энг аввало, улар шундай бозор иқтисодиёти вужудга келтириляётган ва амал қилиб турган мамлакатларнинг миллий хусусиятлари ва анъаналари билан фарқ қилади. Шу боисдан бозор иқтисодиётининг маълум андозалари уларни амалга оширувчи муайян мамлакатга мансублигига қараб ажратилади. Масалан, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Аргентина, Польша андозалари ва ҳоказо.

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётдан ҳозирги замон бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлиги иқтисодий ўсиш экстенсив омилларидан фойдаланиш имкониятларининг тугаб бориши билан нотовар иқтисодиётнинг амал қилиш лаёқатининг пасайиши орқали ифодаланади.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими иккита аҳамиятли камчиликка эга:

---

<sup>7</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

1) унинг мослашувчан эмаслиги, рўй бераётган ўзгаришларга жуда секинлик билан мослашиб бориши;

2) хўжалик юритиш ташаббускорлигини «йўқотиб юбориш» оқибатида самарадорликнинг ўта даражада пасайиб кетганлиги.

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш кўплаб мамлакатларда умумий тенденцияга эга. Бу жараён иқтисодиётни эркинлаштириш, чуқур институционал (энг аввало, мулкчилик муносабатларида) ўзгаришларни ўз ичига олади, бироқ, бир вақтнинг ўзида молиявий барқарорлаштириш чора-тадбирларини амалга оширилишини тақозо этади. Маъмурий-буйруқбозлик тизимини ўзгартириш мазкур тизим асосининг ўзгаришини ҳамда уни сифат жиҳатидан фарқ қилувчи бозор тизимига алмаштирилишини англатар экан, бундай турдаги ўзгаришларни **тизимий ислохотлар** деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўтиш даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

**1. Иқтисодиётни эркинлаштириш. Эркинлаштириш – бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидан иборат.** У бутун иқтисодиётга татбиқ этилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш;
- ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотини тугатиш;
- нархларнинг асосан, талаб ва таклиф нисбати асосида шакллантирилишига ўтиш;
- ички ва ташқи бозорларда трансакцион битимлар устидан давлат назоратини пасайтириш.

**2. Иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини яратиш.** Бу йўналиш қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

- барча иқтисодий агентларнинг иш фаоллиги учун тенг имконият ва шароитлар яратилиши;
- бозорга хорижий рақобатчиларнинг ҳам кириши учун имкон берилиши;
- кичик бизнеснинг ривожланишига ҳалақит берувчи маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш ва тармоққа киришидаги тўсиқларни пасайтириш;
- табиий монополияларнинг нарх ва маҳсулот сотиш сиёсатини тартибга солиш ва бошқалар.

**3. Институционал ўзгаришлар.** Мазкур ўзгаришлар қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

- мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, жумладан, хусусий секторни яратиш;
- бозор инфратузилмасини (тижорат банклари, товар ва фонд биржалари, инвестиция фондлари ва ҳ.к.) шакллантириш;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги тизимини яратиш;
- бозор шароитларига мос тушувчи хўжалик қонунчилигини қабул қилиш ва бошқалар.

**4. Таркибий ўзгаришлар.** Таркибий ўзгаришлар биринчи навбатда иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номуносабатликларни юмшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилган. Иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуришдан асосий мақсад – ички ва ташқи бозорларда тўловга қодир талабга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантиришдан иборат.

**5. Макроиқтисодий, асосан, молиявий барқарорлаштириш.** Аслини олганда бу жараён тизимий ислохотлар қаторига кирмайди, чунки у бозор иқтисодиёти барқарор амал қилаётган мамлакатларда ҳам тез-тез ўтказилиб туради. Бу йўналишнинг муҳим аҳамияти шундан келиб чиқадики, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг инқирози энг аввало ва кучли равишда молиявий соҳада, айниқса юқори инфляция шаклида намоён бўлади. Инфляциянинг

узоқ вақт мавжуд бўлиши бозор муносабатларининг меъёрда қарор топишига тўсқинлик қилади, шунинг учун уни баргараф этиш ўтиш даври иқтисодиёти учун ўта муҳим ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари тизимига пул эмиссиясини чеклаш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш, ижобий фойиз ставкасини таъминлаш ва бошқалар кирди.

**6. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бозор ҳўжалигига мос бўлган тизимини шакллантириш.** Бу тизим аҳолининг нисбатан муҳтож қатламини аниқ ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўтишга йўналтирилган.

Бозор тизимининг кўрсатиб ўтилган асосий унсурлари шаклланишининг якунига етиши ўтиш даври тугаганлигидан дарак беради.

## **2.5. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

### **Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари**

Марказлашган маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда мақсад бир хил бўлса-да, турли мамлакатлар турли йўллари танлашлари мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишнинг революцион ва эволюцион йўллари мавжуд. Польша, Чехословакия, Россия ва бошқа айрим мамлакатлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг революцион йўлини, бирданига катта тўнтаришлар қилиш йўлини танладилар. Ўзбекистонда эса ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларни ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўкнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятлилик билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли танланди.

«Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади».

«Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солиди, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик», деб ёздилар мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги бешта муҳим тамойил асос қилиб олинган:

- иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устунлигини таъминлаш;
- ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши;
- бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиши, қонунлар устуворлигининг таъминланиши;
- бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.

Бозор муносабатларига ўтишда бу тамойилларнинг ҳаммаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, лекин уларнинг ичида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки тегишли ҳуқуқий негизни, бозор инфратузилмаларини яратиш, одамларда бозор кўникмаларини ҳосил қилиш, янги шароитларда ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун вақт керак бўлади<sup>8</sup>.

Ушбу ҳолатни яна бир бор эътироф этган ҳолда, Президентимиз шундай ёзадилар: «Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик. Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик». Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш фақатгина иқтисодиёт соҳаларини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган барча соҳаларини, шу жумладан сиёсий, маънавий-ахлоқий, маиший ва бошқа соҳаларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш ҳақидаги ғоя жуда муҳим ва афзал эканлигини кўрсатади. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойилини амалга ошириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ фарқлаш, бу босқичларнинг ҳар бири учун аниқ мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишни талаб қилади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида **бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида** қуйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилганлиги таъкидланади:

- тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

- Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

Шу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари аниқлаб олинди ва амалга оширилди:

- ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислохотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;

- маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;

- ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди. Шу билан бирга ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи натижалари кейинги босқичнинг стратегик мақсадлари ва устун йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

**Иккинчи босқичда** инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизда иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб И.А.Каримов мазкур босқичда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги бир қатор вазифаларни кўрсатиб берди:

---

<sup>8</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

- давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;  
- ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;

- миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;

- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш<sup>9</sup>.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида биринчи босқичда тугилган йўл давом эттирилди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги босқичда «эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир». Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги аниқ вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади:

- иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш;

- хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш;

- мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин эгаллашига эришиш;

- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимида кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш;

- иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

### **Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари**

Иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бир туридан бутунлай бошқа янги турига ўтиш, иқтисодий ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олишни тақозо қилади. **Иқтисодий ислохотлар – иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи.**

Иқтисодий ислохотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият кўрсатишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислохотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди (бу борадаги маълумотлар мазкур бобнинг 2-бандида баён этилди).

Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислохотларнинг асосий йўналишлари белгиланади<sup>10</sup>.

Республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг **асосий йўналишлари** қуйидагилардан иборат:

- мулкий муносабатларни ислоҳ қилиш;

- аграр ислохотлар;

<sup>9</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

<sup>10</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

- молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;
- бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ижтимоий ислоҳотлар.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бош бўғини **мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдир**, чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Шу сабабли республикада мулкий муносабатларни ислоҳ қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ **қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга** устунлик берилди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

- Республикада иқтисодиётида аграр соҳанинг устунликка эгаллиги, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида бандлиги, иқтисодий ўсишнинг кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқлиги;

- Республика бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил қиладиган саноатнинг кўпгина тармоқларини (пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқлиги;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (асосан пахта) ҳозирги вақтда валюта ресурслари, республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манба эканлиги;

- мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги ролининг ортиб бориши.

Мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор муносабатларига ўсиб ўтишида **молия-кредит соҳасини ислоҳ қилиш** алоҳида ўрин тутади. Молиявий муносабатларда давлат бюджети тақчиллигини камайтириб бориш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш, иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг асосий муаммоларидан бири **нархларни эркинлаштиришдир**. Нархларнинг эркин шаклланиши учун нархлар тизимини ислоҳ қилиш ҳам зарурдир. Дастлаб давлат харид нархларининг амал қилиш доираси қисқартирилади ва кейин ички нархлар жаҳон нархларига мувофиқлаштириб борилади. Шунингдек, нархларни эркинлаштиришда айрим турдаги хомашё ва маҳсулот нархлари билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасидаги тенгликка эришишга ҳаракат қилинади.

Нархлар ислоҳоти бошлангандан 1994 йилгача ҳамма турдаги хомашё ва маҳсулотлар бўйича эркин нархларга ўтилди, барча истеъмол моллари нархи устидан давлат назорати бекор қилинди.

Ислоҳ қилишнинг **дастлабки босқичида** (1992 йил) кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техник воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмол моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг келишилган нархлари ва тарифларга ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди. Нархлар ислоҳотининг **иккинчи босқичида** (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш умуман тўхтатилди. Нархларни эркинлаштиришнинг **учинчи босқичида** (1994 йил октябрь-ноябрь) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархи эркин қўйиб юборилди. Шундай қилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўлиқ эркинлаштириш билан тугади.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш **бошқаришнинг тегишли тизимини яратишни** талаб қилади. Шунга асосан республикада бутун иқтисодиётни, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги даврга мос бўлган тузилмалари ишлаб чиқилди. Кўплаб марказий иқтисодий органлар ва вазирликлар тугатилди (Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа қўмита ҳамда вазирликлар) ёки уларнинг фаолияти тубдан қайта қурилди. Фаолияти тугатилган маъмурий аппаратлар ўрнига бозор иқтисодиётига хос янги бошқариш бўғинлари тузилди.

Бошқаришнинг маҳаллий даражасида (вилоят, туман, шаҳар) ижроия-бошқарув вазифаларини бажариш учун ҳокимликлар жорий қилинди. Қуйи бўғин бошқарувида корхона ва ташкилотларга иқтисодий эркинлик берилиб, улар янги иш услубига ўтди.

Ислох қилиш натижасида таркиб топган бошқарув тизими бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан янада такомиллашиб ва ривожланиб боради.

Бозор ислохотлари **бозор инфратузилмасини яратиш** чора-тадбирларини ҳам камраб олади. Бунда молия, банк-кредит тизими муассасалари, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш тақозо қилинади. Республикада бозор инфратузилмасини яратиш бир қатор йўналишлар бўйича борди. **Биринчи йўналиш** бўйича товар-хонашў биржаси тизими ривожланди. Бу, ўз навбатида, брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келди. **Иккинчи йўналишда** капитал бозорининг ишини таъминлайдиган тузилмалар вужудга келтирилди. Кредит ресурслари бозори ва валюта бозори вужудга келтирилди ҳамда давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари тузилди. **Учинчи йўналиш** ишчи кучи бозорини шакллантиришдан иборат бўлиб, бу соҳада 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди.

Бозор ислохотлари **ташқи иқтисодий алоқаларга** ҳам тегишлидир. Бу соҳада ислохотларни амалга ошириш борасида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий комплекси мутлақо янгидан шакллантирилди, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизми вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган муассасалар (Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати) барпо этилди. Республиканинг барча вазирликлари ва идоралари, корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи махсус бўлимлар, ташкилотлар ва фирмалар тузилди<sup>11</sup>.

Амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Шу сабабли иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг бутун даври давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш объектив заруратдир.

Республикада **аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари** қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди:

**биринчи йўналиш** – нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг кадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш;

**иккинчи йўналиш** – Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш;

**учинчи йўналиш** – ислохотларнинг дастлабки босқичида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш.

---

<sup>11</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English

Республика учун ижтимоий ҳимоялаш тизимини танлаб олишда халқнинг узоқ йиллар давомида қарор топган маънавий ахлоқий қадриятлари, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятлари ҳисобга олинади. Шундай қилиб, ислоҳотларнинг барча йўналишлари мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор иқтисодиётига ўсиб ўтишига қаратилди. Бу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва халқаро миқёсда обрў-эътиборли мамлакатга айлантиришга хизмат қилди. «Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланмоқда. Мисол учун, ҳар йили дунёнинг 162 та мамлакати бўйича иқтисодий эркинлик индексини эълон қиладиган «Наследие» фонди халқаро рейтинг агентлигининг бу борадаги хулосаси эътиборга сазовор. Бу ташкилот 2000-2007 йилларда Ўзбекистонда эркинлаштириш индекси 18 пунктга яхшиланиб, 53 фоизни ташкил қилганини эътироф этади. Ҳеч шубҳасиз, бу кўрсаткич миллий иқтисодиётимизни эркинлаштириш соҳасида сезиларли даражада ривожланишга эришганимиздан далолат беради».

### **Ўзбекистонда миллий тараққиёт босқичларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти**

Маълумки, ҳар қандай даражадаги ислоҳот мавжуд тартиб, шарт-шароитлар, вазият, таркиб топган мувозанатнинг ўзгаришига олиб келади. Бутун жамиятнинг ислоҳ этилиши, яъни унинг эски – нотўғри асосга қурилган, истикболсиз тизимдан бутунлай янги – ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтилиши эса жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Шунга кўра, жамият аъзолари томонидан мазкур ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, уларда фаол иштирок этиш учун уларнинг «ҳаёт фалсафаси» ҳам ўзгариши лозим. Бу эса ислоҳот жараёнларининг секин-аста, босқичма-босқич амалга оширилишини тақозо этади. Қолаверса, тараққиётнинг юқори босқичларига эришиш учун ислоҳотларнинг маълум қуйи даражаси навбатдаги юқори, мураккаб даражаси учун махсус шарт-шароит, заминни тайёрлаши лозим. Шунга кўра, Президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг ўзига хос моделидаги муҳим тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш ҳисобланади. Ана шу моделдаги «босқичма-босқич» тамойилининг реал ҳаётдаги аҳамияти шунда бўлдики, уни амалиётда қўллаш бир томондан, ўтиш даври муаммоларини ҳал қилишда мамлакатимизнинг имконияти ва халқимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни янги юзага келган шарт-шароитларга «мослаштириб бориш» орқали ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш; иккинчидан, ўтиш даврида давлат ва бошқарув тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг дунёқараши ва ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга мос равишда уни демократик асосда шакллантириш; учинчидан, «босқичма-босқич» тамойилининг қўлланилиши мамлакатимизда бошқа бир қатор мамлакатлар ўз бошидан кечирган ички социал зиддиятларнинг кучайиб кетишининг олдини олиш; тўртинчидан, мамлакатда мавжуд бўлган муаммолар комплекси ичидан биринчи навбатда ҳал қилиниши зарур бўлган асосийларини белгилаб олиш, уларни ҳал қилиш учун барча кучларни йўналтириш имкониятларини берди. Умуман олганда, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар бир йўналиши ҳам амалга оширилган чора-тадбирларнинг босқичлилиги билан тавсифланади. Жумладан, мулкий муносабатларни ислоҳ қилишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари кичик, ўрта ва йирик корхоналар бўйича босқичма-босқич амалга оширилди. Аграр соҳадаги ислоҳотлар эса маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган давлат хўжаликларини дастлаб жамоа хўжаликларига, сўнгра ширкат хўжаликларига айлантириш, кейинчалик муайян шарт-

шароитлар, замин тайёрлангандан сўнг, уларни фермер ва деҳқон хўжаликларига айлантиришдан иборат бўлди<sup>12</sup>. Нарх ислохоти ҳам нархларни эркинлаштиришнинг бир неча босқичларини ўз ичига олди: дастлаб кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари нархи эркинлаштирилиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжида муҳим ўрин тутувчи озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси давлат томонидан белгилаб қўйилди. Кейинчалик, миллий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва иқтисодиётнинг барқарорлашиши билан деярли барча товарлар нархлари эркинлаштирилди.

Янги ХХІ асрнинг бошларига келиб, Президентимиз И.А. Каримов мамлакатимиздаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашни белгилаб берди. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилди.

2007 йилнинг 30 августда Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида Республикаимизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлишини таъкидлаб ўтди. Бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллашини билдирди.

**Жумладан, дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эгаллиги эътироф этилди.** Бу босқичда ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ қуйидаги долзарб ва муҳим вазифалар белгиланиб, амалга оширилди:

- эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

- сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини ҳолисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзига муносиб жой эгаллаш мақсадига эришиш;

- Асосий қомус – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этиш;

- туб маъмурий ислохотларни амалга ошириш, жумладан: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот, Давлат нарх, Давлат агросаноат ва кўплаб тармоқ вазирликларини тугатиш, маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил қилиш – вилоят, туман ва шаҳарларда

---

<sup>12</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

ҳокимлик институтини жорий этиш. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи тизими – маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

- судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш;

- қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизимини шакллантириш;

- мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришишдан иборат стратегик вазифани ҳал этиш;

- бозор иқтисодиёти асосларини яратиш, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатлари механизмни ишга тушириш;

- бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш, миллий валютани муомалага киритиш;

- кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг самарали механизмни ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш;

- мамлакатимизнинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қуролли Кучларни шакллантириш;

- ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш ва ҳ.к.

Белгиланган вазифаларнинг изчил ва самарали амалга оширилиши натижасида ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш борасида бир қатор салмоқли ва аҳамиятли натижалар қўлга киритилди (1-чизма).

Эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги тадбирларнинг аҳамиятли эканлигига баҳо бериб, Президентимиз қуйидагиларни таъкидлайдилар: «Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди».

**Иккинчи босқич 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олиб, у Президентимиз томонидан фаол демократик янгилашлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври деб номланди.** Ушбу даврда қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратилди ҳамда муҳим вазифалар амалга оширилди:

- ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш;

- мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали парламентга айлантирилиши;

- давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилиши;

- суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепциянинг ҳаётга татбиқ қилиниши ва ҳ.к.

**Миллий тараққийетимизнинг дастлабки босқичида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали эришилган натижалар**



Натижада, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим натижалар қўлга киритилди.

Миллий тараққийетимиз йўлида босиб ўтилган тарихий доvon мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик кадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакилларининг ҳаётга кириб келиши учун ҳар томонлама мустаҳкам замин тайёрлади. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислоҳотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир<sup>13</sup>. Энг муҳими, ҳали миллий тараққийетимиз иккинчи даврининг ўз мантиқий якунига етмаганлиги, балки мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққийетимизнинг кейинги босқичи изчил давом этаётганидир.

Президентимиз ўз маърузасида ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифаларини белгилаб берди (2-чизма). Бундан кўринадики, миллий тараққийетимизнинг ҳозирги палласида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнлари янада кучайтирилиб, пировард стратегик мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ҳаракатлар изчил равишда амалга оширилади.

<sup>13</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

## Миллий тараққиётимизнинг кейинги мантикий босқичининг муҳим дастурий вазифалари



Мазкур босқичнинг мазмуни, вазифалари ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаб етиш учун унинг асосий белгиси бўлган иқтисодий жадвал ислоҳ этиш ва модернизациялашнинг моҳияти, тамойиллари ва асосий йўналишларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### Назорат саволлари:

1. Концепция тушунчасига таъриф беринг?
2. Ислохотлар қандай йирик гуруҳларга бўлинади?
3. “Муқобил ривожланиш” назарияси концепциялари ҳақида тушунча беринг?
4. Бозорсиз тараққиёт, бозор экстримизми ва бошқариладиган бозорлар ҳақида изоҳ келтиринг?
5. “Рейганомика”, “Тетчеризм” ва “Маршалл” режаларининг моҳиятини тушунтиринг?
6. “Турк йўли” ёки “Тургут Озал модели” нинг моҳиятини тушунтиринг?

### Фойдаланилган адабиётлар:

#### Махсус адабиётлар

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

### Интернет ресурслари

1. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
2. [www.reuter.com](http://www.reuter.com)
3. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)
4. [www.forexite.com](http://www.forexite.com)

### 3-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАМОИЛЛАРИ, СТРАТЕГИЯСИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

#### Режа:

1. Иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади.
2. Иқтисодий ислохотлар стратегияси.
3. Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш.

#### 🔗 Таянч иборалар:

*Иқтисодий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар тамоиллар, иқтисодий ислохотлар босқичлари, ислохотлар ҳуқуқий негизи, кўп укладли иқтисодиёт, давлат мулкани хусусийлаштириш, аграр ислохотлар, институционал ислохот, ташқи иқтисодий фаолият, макроиктисодий барқарорлик.*

#### 3.1. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ.

Сизларга маълумки, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов бошчилигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўта бошлади.

Шундан эътиборан, Ўзбекистон кўплаб мураккаб муаммоларни яқка ўзи ҳал қилишига тўғри келди. Умуман олганда, иқтисодиётда ҳамда жамият ҳаётида маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан воз кечиш билан биз фақатгина бозор муносабатларига ўтишга дастлабки шароит ярата бошладик. Аммо, бозор муносабатларини қисқа фурсатда барпо қилиб бўлмаслиги хориж тажрибалардан маълум эди. Гап шундаки, тарихан бозор хўжалигининг ривожланиши инсоният ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини олдиндан белгилаб берувчи табиий жараён сифатида юз берган. Аслида бозор муносабатларини дастлабки куртаклари пайдо бўлиши, ибтидоий жамоа давридан бошланган. Аммо, бозор муносабатлари ўзининг такомилига фақат капиталистик ишлаб чиқариш шароитида етган.

Айтиш мумкинки, капиталистик дунёда инсон туғилганидан бошлаб уни “бозорчи” қилиб тарбиялаш бошланади. Бундай муҳит инсонни бутун умри давомида тадбиркор бўлишга ва тадбиркорликка ундайди.

Албатта биз ҳам бозор иқтисодиётига ўтишда хорижда тўпланган тажрибаларга батамом суяниб иш кўришимиз мумкин эди. Аммо, хорижда тўпланган бозор муносабатларига ўтишнинг ҳамма давлатлар учун ягона бўлган йўли, қолипи мавжуд эмас. Буларни барчаси жамиятни янгилашда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ўз йўлимизни танлашни талаб қилди. Шундай йўлни биз танладик.

Президентимиз сўзи билан айтганда: “Биз танлаган йўл – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Бу йўл жаҳон тажрибасини, халқимизнинг бой маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналарини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир. Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституцион асосга эга. Бу йўл Ўзбекистондаги барча аҳоли манфаатларига ҳар жиҳатдан мос тушади.

Бу йўлнинг пировард мақсади – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир<sup>14</sup>”.

<sup>14</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

1. *Иқтисодий мафкурадан батамом ҳоли қилиш (Иқтисодий сиёсатдан устуворлиги).*

2. *Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур (Давлат бош ислохотчи).*

3. *Бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунлар билан асосланмоғи зарур (Қонун устуворлиги).*

4. *Одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак (Кучли ижтимоий ҳимоя).*

5. *Янги иқтисодий, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич қарор топтириш лозим (Ислохотларни босқичма босқич амалга ошириш).*

Ушбу тамойиллар иқтисодий ўзгаришларни, ислохотларни амалга оширишда бирдай муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга бозорга босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ.

### **3.2. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.**

#### **Иқтисодий ислохотлар стратегияси**

##### **I-босқич**

1. Ислохотларни ҳуқуқий негизини барпо этиш. Ўзбекистоннинг давлат ва иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизлари, давлатни бошқаришга оид қонунлар.

2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Кўп укладли иқтисодий шакллантириш, мулкчилик масаласини ҳал қилиш.

3. Аграр муносабатларни янги турини шакллантириш.

4. Институционал ўзгаришлар ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш. Бозор инфратузилмасини шакллантириш.

5. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш.

##### **II-босқич**

1. Хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш.

2. Макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш.

3. Чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, аҳоли бандлигини ошириш.

4. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ва диверсификация қилиш.

Иқтисодий барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Иқтисодий барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Биз иқтисодий барқарорлаштириш бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирамиз” [2].

Ҳар бир мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат нуфузининг ошишига олиб келади.

Бундан ташқари айнан барқарор иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар ресурсларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Улар гуруҳига қуйидагилар киради [5]: табиий ресурслар миқдори ва сифати; меҳнат ресурслари миқдори ва сифати; асосий капитал ҳажми; технологиялар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мавжуд ресурслар (ёки ишлаб чиқариш омиллари) иқтисодий ўсишни таъминлаш учун тўлиқ 100 фоиз жалб қилина олмайди. Бунга сабаб, институционал механизмлар етралича ривожланмаганлиги ва трансакцион харажатларнинг юқорилиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқариш динамик (барқарор) характерга эга бўлиши бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги, улардан самарали фойдаланиш ва илмий-техника ривожига эришишга, иккинчи томондан мавжуд ресурсларни ўзлаштириш имкониятларига тўғридан-тўғри боғлиқ. Шу билан бир вақтда ички капитал танқислигининг мавжудлиги, иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи иқтисодий омилларнинг, хусусан, биринчи навбатда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ролини янада орттиради.


Шуларни ҳисобга олганда, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги иқтисодий ўсиш босқичларини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Илмий тадқиқот ишларида Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб (1991 й.) то ҳозирги кунигача (2013 й.) бўлган даврини уч босқичга бўлиб ўрганиш қабул қилинган [6].

### 3.3. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг дастлабки биринчи босқичи 1991 – 1995 йилларга тўғри келади. Бу босқич иқтисодиётни ислоҳ қилиш орқали бозор муносабатлари асосларини яратиш билан тавсифланади. Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусияти, ислохотларни бир маромда, босқичма-босқич амалга ошириш ҳамда ижтимоий – сиёсий вазиятни барқарорлигини сақлаб туриш ҳисобланади. Унда бозор иқтисодиётига ўтишнинг институционал асослари барпо этилди, давлат бошқаруви органлари функция ва вазифалари тубдан ислоҳ қилинди, хусусий тадбиркорликни ривожига учун зарурий шарт – шароитлар шакллантирилди. Бу биринчи босқич ЯИМнинг пасайиши билан тавсифланувчи давр ҳисобланади.

Шу даврда ЯИМнинг динамикаси 1991 йилда 0,5 фоизга, 1992 йил 11,1 фоизга, 1993 йил 2,3 фоизга, 1994 йил 5,2 фоизга пасайган. Умуман олиганда ЯИМнинг пасайиш суръати шу даврда 18,4 фоизга тенглиги, рецессиянинг юқори даражасига етганлигини кўрсатади.

Бу мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасига ҳам бевосита салбий таъсир кўрсатди. Аҳоли реал даромадларида ҳам мос равишда пасайиш тенденцияси кузатилди (1-расм).




1-расм. Аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг пасайиш суръатлари

1-расмдан кўриниб турибдики, 1991-1995 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ 1991 йилга нисбатан фақатгина пасайиш тенденциясини вужудга келтирган. 1992 йилда бу пасайиш 13,2 фоизни, 1995 йилга келиб 24,8 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон иқтисодиётида 1996–2003 йиллар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг иккинчи даври сифатида тавсифланади. Ушбу даврда ислохотларни чуқурлаштириш ва унинг ташкилий – ҳуқуқий базасини фаол шакллантириш ва такомиллаштириш ишлари изчил амалга оширилди. Шу билан бир шароитда, мамлакатда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича йирик ва мураккаб устувор вазифалар ҳал этилади<sup>15</sup>.

Шунингдек, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ривожланишини, барқарор ўсишни таъминлаш, мавжуд саноат салоҳиятини сақлаб қолиш, стратегик муҳим аҳамиятга эга хомашё қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш, импортни ўрнини босувчи базавий тармоқларни ривожлантириш муҳим устувор вазифалар сифатида қаралди.

Натижада мамлакатда реал ЯИМнинг ўсиши иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши, асосий капиталга киритилган инвестициялар кўпайиши орттирилиши ҳисобига таъминланди. Қуйидаги 2-расмда 1996-2003 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси ифодаланган.



**2-расм. ЯИМнинг ўсиш суръатлари (барқарорлаштириш йиллари)**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.


Мамлакатимизда 1996 йилда илк бор иқтисодий ўсишга эришилди. Умуман олганда, 1996-2003 йилларда мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг ўртача йиллик суръати салкам 4 фоизни ташкил этди. Шу даврда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати, аҳолининг йиллик ўсиш суръатига нисбатан тезроқ ўсган бўлсада (1996 йил бундан мустасно), аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг улуши кўрсаткичининг 1991 йилги ҳолатига етмаган эди.

Аҳоли жон бошига реал ЯИМ улушининг 1991 йилга нисбатан ўсиш ҳолатига

<sup>15</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн тўртинчи йилда эришилди ва ушбу ижобий ўсиш динамикаси бугунги кунгача давом этмоқда (3-расм).

Ўзбекистонда 2004 йилдан бошлаб, ҳозирги кунгача иқтисодий ўсишни юқори суръатлари таъминланган даври ҳисобланади. Ушбу даврда иқтисодиётни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, валюта бозорини, банк-молия тизимини ривожлантириш, солиқ юқини пасайтириш ва бошқа чоралар орқали макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш таъминланди.



**3-расм. Реал ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиш суръатларининг ўзгариш динамикаси (барқарор ўсиш йиллари)**


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Буни мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан олиб бориш самараси сифатида ифодалаш мумкин. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, маҳаллийлаштириш дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, транспорт ва коммуникация соҳаси, хизмат кўрсатиш каби соҳаларнинг жадаллик билан ривожлантириш натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йиллардаги энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 2007 йилга тўғри келиб, у 109,5 фоизни ташкил қилган. Аммо 2008 йилда бошланган ва бутун дунёни қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бизнинг давлат иқтисодиётига ҳам табиийки ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Бу ҳақида Президентимиз И. Каримов шундай дейди: “Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”. “Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди”[1]. Айнан шу сабабли ҳам 2008 йилги мамлакатимиз ЯИМининг ўсиш суръати 2007 йилга нисбатан 0,5 фоиз бандига паст кўрсаткични ташкил қилган бўлса, 2009 йили бу фарқ янада катталашди, 1,4 фоиз бандини ташкил этди. Узокни кўра билиш, хавф соладиган хатарни олдиндан сезиш ва уни бартараф эта олиш каби ҳақиқий йўлбошчиларга хос бўлган хусусиятларга эга бўлган Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида юртимизнинг барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолди ва 2010 ва 2011 йиллари мос равишда 8,5 ва 8,3 фоизни ташкил этди. 2012 йили ЯИМ ўсиши 8,2 ва 2013 йилда 8,0 фоизга тенг

бўлди. Ҳажми бўйича ЯИМ 2012 йилда 96,6 ва 2013 йилда 118,9 трлн. сўмдан ошиқроқ суммани ташкил этди. Ушбу кўрсаткич дунё мамлакатлари кўрсаткичларидан анча юқори ва барқарор ўсиш тенденциясига эгадир (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон ва дунё мамлакатларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари, фоизда.

Манба: Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида тузилган.

Албатта бундай кўрсаткичларга ўзидан-ўзи эришиб бўлмайди. Миллий тараққиётимизнинг дастлабки босқичидаёқ оқилона ва самарали иқтисодий сиёсат ҳаётга изчил равишда тадбиқ этилиши, барқарор ривожланиш омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият қаратилиши кейинги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишига имконият яратди<sup>16</sup>.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишининг муҳим омиллари сифатида куйидагиларни эътиборга олиш тавсия этилади:

- барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қулай институционал муҳит ва давлат кўмагини яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларида таркибий ислохотларнинг янада чуқурлаштириш учун ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишини институционал механизмларини такомиллаштириш;
- иқтисодиётни янада эркинлаштирилиши ва модернизация қилиш жараёнларини фаоллаштириш;
- иқтисодиёт тармоқларида маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга берилаётган имтиёз ва рағбатларни кенгайтириш орқали аҳолининг асосий қатламини иқтисодий фаолликка жалб қилиш;
- моддий-техника ресурслари ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизимини эркинлаштириш;
- корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига давлат назорати органлари

<sup>16</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

аралашувини янада қискартириш ва б.

#### **Назорат саволлари:**

1. Иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади деганда нимани тушунасиз?
2. Кўп укладли иқтисодий шакллантириш тўғрисида тушунча беринг?
3. Иститутуонал ислохотлар деганда нимани тушунасиз?
4. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш тўғрисида изоҳ беринг?
5. Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш омиллари нимадан иборат?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

##### **Махсус адабиётлар**

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

#### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.mineconomi.uz>.
2. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
3. [www.reuter.com](http://www.reuter.com)
4. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)
5. [www.forexite.com](http://www.forexite.com)
6. <http://www.wordbank.org>.
7. <http://www.ebrd.org>.
8. <http://www.imf.org>
9. [www.undp.org](http://www.undp.org)
10. [www.ecb.int](http://www.ecb.int)

### **4-МАВЗУ. ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

---

#### **Режа:**

1. Мулк ҳуқуқларининг институционал назарияси.
2. Ўзбекистон Республикаси мулк шакллари.
3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш институтлари ва механизмларини такомиллаштирилиши.

## **🦋 Таянч иборалар**

*Мулк, институционал назария, мулк шакллари, мулкни тақсимланиши, мулккий ҳуқуқлар, хусусий мулк шакллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, институционал механизм.*

### **4.1. МУЛК ХУҚУҚЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯСИ.**

*Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш, уларни молиявий–иқтисодий қўллаб–қувватлаш юзасидан босқичма–босқич кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Натижада йилдан–йилга Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳити яхшиланиб, бизнес юртишидаги тўсиқлар бартараф этилмоқда.*

Бунинг исботи сифатида Президентимиз Ислон Каримовнинг 2015 йил 16 январда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқидан қуйидаги сатрларни келтириш мумкин: “Мамлакатимиз 2014 йилда бизнесни юритиш шароити бўйича рейтингда 8 поғонага, солиққа тортиш борасида эса 61 поғона юқорига кўтарилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон сўнгги йилда бизнес юритишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар бўйича етакчи ўнта мамлакат қаторидан ўрин олди”. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон ҳукумати хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш, уларнинг ҳақ–ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг кескин чора-тадбирларини амалга жорий этишни давом эттирмоқда.

Ўзбекистонда фақат 2012-2014 йиллар мобайнида ушбу соҳани ривожлантиришга оид 15 дан ортиқ Қонун, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Натижада мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мамлакат ЯИМдаги улуши бўйича кўплаб хорижий давлатлар даражасига тенглашди.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлган битта ишчига ҳисоблаганда 2000 йилда 5,8 млн. сўм, 2014 йилда эса 27,3 млн. сўмга тенг маҳсулот(хизмат) ишлаб чиқарилган. Ёки битта ишчига кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш шу даврда 4,7 мартага, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши 31 физдан 56,1 фоизга ошган.

Ҳозирги кунда аҳоли ва ишбилармон доираларда Ўзбекистон Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармони кенг муҳокама қилинмоқда. Мазкур Фармонда мамлакатимизда хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф қилишга ҳамда улар ҳуқуқларини ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган 4 та йўналишда 33та аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олувчи Дастур тасдиқланган.

Дастурда қуйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган :

- тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини бузганлиги учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;

- хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш жараёнларини изчил давом эттириш;

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун молиявий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш;
- кичик бизнес субъектлари шунингдек фермер хўжаликлари фаолиятини режа асосида 4 йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектларини 3 йилда бир марта текшириш;
- солиқ ва бошқа тўловлар бўйича биринчи марта жиноят содир этган шахслар 30 кун ичида барча давлатга етказилган зарарлар бўйича тўловларни амалга оширса, улар устидан жиноят иш қўзгатмаслик ва жавобгарликдан озод қилиш;
- тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатларини бузишда айбланган шахсларга нисбатан қонуний жазо чоралари кўриш тизимини ташкил этишди;
- хокимликлар ҳузурида тадбиркорлик субъектларига “бир дарча” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатишнинг ягона марказини ташкил қилиш.

Ушбу йўналишлар бўйича дастурда белгиланган чора тадбирларни асосан 2015 йилда бажариш Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Олий хўжалик суди, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, “Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик компанияси (ДАК), “Ўзкоммунхизмат” Агентлиги, Ўзбекистон товар хомашё биржаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат ер, геодезия ва кадастр қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларга юклатилган.

Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятининг таҳлили, мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожланишини таъминлашга янада кенг йўл очиб беришга, тадбиркорларга ўз бизнесини кенгайтиришга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қаратилганлигини кўрсатади.

Уларнинг алоҳида эътиборга молик томонлари қуйидагилар ҳисобланади.

**Биринчидан**, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралashiш, хусусий мулк эгалари ҳуқуқлари бузилганлиги учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини жиноий жавобгарлик даражасигача ошириш кўзда тутилган. Хусусий мулкчиликни ҳамоясини таъминлашга қаратилган бундай ҳуқуқий норма Ўзбекистон қонунчилигида аввал эътироф этилмаган. Ушбу йўналишдаги ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида алоҳида тартиб-қоидалар сифатида ўз ифодасини топади.

**Иккинчидан**, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш институционал нормаларини янада эркинлаштириш. Жумладан, тадбиркорларни судга мурожат қилиш қоидалари соддалаштирилади, очилган жиноий ишни текшириш тадбиркорнинг адвокати иштирокида амалга оширилади; биринчи марта жиноят содир этган шахс, жиноий жавобгарликдан озод этилади, қайсики агар у давлатга етказган зарарни, жиноят очилганидан кейин 30 кун давомида тўлиқ қопласа; савдо ва дилерлик фаолиятида қилинган ҳуқуқ бузилишларни жиноий иш юридикциясидан маъмурий ишга ўтказилади; банкротликни яшириш ва ёлғон банкротлик натижасида юзага келган моддий зарарни, хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахслари тўлиқ қопланган ҳолда, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди<sup>17</sup>.

<sup>17</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

## 4.2.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУЛК ШАКЛЛАРИ.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш қонунчилигини эркинлаштириш бўйича амалга киритилаётган институционал нормалардан яна бири-бу бизнес ривожига халақит берувчи ҳамда зарар келтирувчи текширишларни тартибга солиш, яъни текширувчи ташкилотлар ва улар ваколатларини, текшириш муддатлари ва меъзонларини аниқ белгилаб қўйиш ҳисобланади. Шунга мувофиқ 2015 йилнинг 1 июлидан эътиборан, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда фермер хўжаликлари фаолияти 3 йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари 4 йилда бир марта текширилади. Молия-хўжалик фаолиятини текширишдан бошқа мақсадлардаги текширишлар 30 календар кунидан 10 кунгача қисқартирилади. Шулар билан бир вақтда қонунчиликни эркинлаштириш, хусусан Жиноят кодексига нисбатан юмшоқ жаъзо нормаларини қўллаш бўйича моддалар киритилади. Бунга ноқонуний моддий мукофот олиш ёки мансабини суистеъмол қилганлиги учун жаъзолар ҳам қиради.

**Учинчидан**, ҳозирги кунда турли ташкилотлар қошида “бир дарча” тамойили бўйича алоҳида давлат хизматларини кўрсатувчилар ўрнига, туман(шаҳар) ҳудудида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекциялар негизида “бир дарча” тамойили бўйича давлат хизмати кўрсатувчи Ягона марказ ташкил этилади. Бундай ягона марказни ташкил қилишда давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, тақдим қилинадиган ҳужжатлар сонини ва хизматлар муддатини мумкин қадар қисқартириш, хизмат кўрсатувчи шахслар фаолияти шаффофлигини ошириш механизмларини жорий этиш белгиланган. Шу билан бир вақтда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ошиқча ҳужжатларни тақдим қилиш қисқартирилади. Аммо рухсат бериш, лицензиялаш ёки бошқа давлат хизматлари кўрсатилишида тадбиркорлик субъектининг давлат регистрацияси тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини тақдим этиш шартлари сақлаб қолинади.

Тижорат фаолиятини юритиш мақсадида четдан товар олиб кирувчи якка тадбиркорларни Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигида ҳамда давлат божхона хизматларида ташқи иқтисодий фаолият субъекти сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби бекор қилинди ва ушбу мақсадларда амал қилинаётган ҳужжатлар сони қисқартирилади.

Шунингдек, тадбиркорларга ер бериш ва қурилиш учун рухсатнома олиш қоидалари янада такомиллаштирилади. Бунинг учун Давлат архитектура ва қурилиш назоратининг ҳудудий инспекциясида қурилишни рўйхатдан ўтказиш ва зарурий ҳужжатларни олишнинг олдиндан хабар қилиш тартиби жорий этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик–коммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш механизмлари, тадбиркорлар ишлаб чиқарган товар ва хизматларни давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш тартиблари соддалаштирилади.

“Электрон ҳукумат” тизими доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар, рўйхатдан ўтказувчи, назорат қилувчи органлар ҳамда кредит ташкилотлари ахборотлар базасини шакллантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун ягона электрон ҳисобот тизимини жорий қилиш ва шу каби бошқа ахборот–коммуникация лойиҳаларини амалга оширишни тезлаштириш белгиланган<sup>18</sup>.

**Тўртинчидан**, хусусий мулкчиликни устувор ривожланиши учун зарурий шароитлар ва имкониятлар яратилади. Бунинг учун тадбиркорлик субъектларини товар бозорларида иштироки даражаси оширилади. Жумладан, очиқ биржа савдоларида корхоналарнинг юқори ликвидли маҳсулотларини сотиш ҳажми кўпайтирилади ҳамда очиқ электрон савдолар орқали корпоратив ва давлат харидлари тизими кенгайтирилади.

---

<sup>18</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

### **4.3. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ИНСТИТУТЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2015–2019 йилларда тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар, шу жумладан, инвестиция мақсадларига бериладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажми 2,5 мартага кўпайтирилади.

Юридик шахс мақомини ташкил этмаган якка тадбиркорларга фаолият турига қараб биттадан учтагача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилади. Бунда якка тадбиркор тўлайдиган солиқлар бўйича имтиёзлар, ёлланган ишчи учун ҳам ўз кучида қолади. Агар якка тадбиркорлар коллеж битирувчисини ишга ёлласса, унда 12 ой мобайнида тадбиркор ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Шу билан бирга, давлат корхоналари ва устав капиталида 50 фоиздан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятларининг хайрия ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлари ўтган йилдаги соф фойданинг 10 фоизидан ошмаслиги ва уларни оммавий ахборот воситаларида ҳамда ташкилотларнинг расмий веб-саҳифасида ёритиб бориш тартиби белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини баҳолаб бориш учун ҳар чорақда республика минтақалари бўйича танлаб олинган тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровлар ўтказилади ва унинг натижалари Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этиб борилади.

Юқорида тавсифланган ҳуқуқий-институционал нормаларни амалиётга киритлиши мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришга қаратилган муҳим кадам ҳисобланади ва уларнинг янгилиги куйидагилардан иборат:

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш учун давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги оширилган;
- тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунчилиги янада эркинлаштирилган;
- тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, рухсатномалар бериш ҳамда лицензиялаш, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият юритиш қоидалари соддалаштирилган;
- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш ҳамда бизнес муҳитини янада яхшилаш учун зарурий шарт-шароит ва имкониятлар яратишнинг аниқ чоралари белгиланган.

Шундай қилиб, республика ҳукумати томонидан хусусий мулк ва кичик бизнесни тартибга солиш бўйича янги институционал нормаларни амалга киритилиши тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, уларни ҳимоя қилиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, хусусий корхоналарни ташкил қилиш, қурилиш учун рухсат олиш, электроэнергия, сув ва бошқа манбаларга уланиш ва шу каби бошқа қоидалар ҳеч шубҳасиз мамлакатимизни бизнес юритиш муҳитини эркинлаштириш бўйича янада юқори пағонага кўтаради ва бу аҳоли ичидан даромад келтирувчи мулкка эга бўлган мулкдорлар синфини кенгайтиришга асос бўлиб хизмат қилади.

#### **Назорат саволлари**

1. Мулк ҳуқуқларининг институционал назарияси деганда нимани тушунасан?
2. Ўзбекистон Республикасида мулк шакллари неча хил ва улар тўғрисида маълумот беринг?
3. Хусусий мулк шакллари ва мулк ҳуқуқларнинг тақсимланишини изоҳлаб беринг?

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш институтлари ва механизмларини такомиллаштирилиши тўғрисида маълумот беринг?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

##### **Махсус адабиётлар**

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

##### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.mineconomi.uz>.
2. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
3. [www.reuter.com](http://www.reuter.com)
4. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)
5. [www.forexite.com](http://www.forexite.com)
6. <http://www.wordbank.org>.
7. <http://www.ebrd.org>.
8. <http://www.imf.org>
9. [www.undp.org](http://www.undp.org)
10. [www.ecb.int](http://www.ecb.int)

### **5-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЦИКЛИ РИВОЖЛАНИШИДА ПУЛ-КРЕДИТ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ**

---

#### **Режа:**

1. Иқтисодий циклларнинг моҳияти, кўринишлари, фазалари ва ўзига хос белгилари.
2. Иқтисодиётнинг цикли ривожланишида пул массасини тартибга солишнинг асосий усуллари.
3. Валюта курсини давлат томонидан тартибга солиш.

#### **🔍 Таянч иборалар:**

*Иқтисодий цикл, пул массаси, пул-кредит тизими, валюта курси, “девалвация”, “ревалвация”, миллий валюта, валютанинг харид қобилияти паритети.*

## 5.1. ИҚТИСОДИЙ ЦИКЛЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, КЎРИНИШЛАРИ, ФАЗАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ.

### Иқтисодиётнинг цикли ривожланиш тарихи

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий ўсиш, иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги ва нархларнинг барқарор даражасига эришишга ҳаракат қилади. Аммо узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бир текис ва узлуксиз бормайди, у иқтисодий беқарорлик даврлари таъсирида тебраниб туради. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб туради. Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида айрим вақтларда, айрим бўғинларда узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлиши ҳисобланади. Бу ҳолат иқтисодий адабиётларда **иқтисодиётнинг цикли ривожланиши** деб аталади<sup>19</sup>.

Кўплаб иқтисодчилар ортиқча ишлаб чиқариш сабабларини очиб беришга ҳаракат қилиб, талабнинг кўпайиши ва камайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки қисқариши каби ходисаларнинг даврий тавсифига эътибор қаратдилар. Бу ходисаларнинг рўй бериш кетма-кетлигидаги маълум изчиллик ҳам аниқланди. Цикли ривожланишнинг объективлиги ва реаллиги, унинг иқтисодий жараёнлар тавсифига таъсири нуқтаи назаридан аҳамиятлилиги тўғрисида бир қатор таниқли иқтисодчилар, жумладан, А.Шпитгоф, М.Туган-Барановский, Т.Веблен, У.Митчелл, Ж.М.Кларк, Ж.Хикс, Ж.М.Кейнс, Й.Шумпетер ва бошқаларнинг илмий асарларида баён этилган.

Таъкидлаш лозимки, турли дарслик ва ўқув қўлланмаларда мазкур муаммони ёритишга ҳам турлича даражада ёндашилган. Жумладан, академиклар В.И.Видяпин, А.И.Добринин, Г.П.Журавлева ва Л.С.Тарасевич умумий таҳрири остида тайёрланган дарсликда бу муаммога алоҳида мавзу орқали кенг тўхталиб ўтилган. Унда иқтисодий циклар назарияси иқтисодий ўсиш назарияси билан бир қаторда иқтисодий динамика назариялари таркибига кириши, иқтисодий цикл табиатининг ўзи эса мунозарали ва кам ўрганилган муаммолардан бири эканлиги таъкидланган. Шунингдек, ижтимоий ҳаётда цикли ривожланишни тан олувчи ҳамда инкор этувчи икки йўналишдаги тадқиқотчилар мавжудлиги кўрсатилган. Циклнинг моҳиятини очиб беришда дастлаб унга жисмлар ўзаро таъсир жараёнининг натижаси сифатида қаралиб, фалсафий қоидалар нуқтаи назаридан изохлашга ҳаракат қилинган. Цикл фазаларини ажратишда кўрсатишда марксча саноат цикли назариясига кенг тўхтаб ўтилган. Шундан сўнг цикларнинг асосий турлари, бугунги кунга қадар мавжуд бўлган циклар тўғрисидаги назариялар баён этилган.

Баъзи бир дарсликларда эса иқтисодиётнинг цикли ривожланиши муаммоларига нисбатан қисқа, умумий тарзда тўхтаб ўтилган. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий циклнинг моҳияти ва унинг фазалари баёнига тўхталиб ўтамыз.

**Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади.** Иқтисодиётнинг ривожланишидаги ҳаракати бир цикл билан тўхтаб қолмайди, балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади. Цикли ҳаракат иқтисодий ўзгаришнинг муҳим омили, макроиқтисодий мувозанат унсурларидан бири бўлиб, миллий хўжалик турли таркибий қисмларининг амал қилишидаги нотекисликни, унинг ривожланишидаги инқилобий ва тадрижий босқичларнинг иқтисодий тараққиёт жараёнидаги алмашувини акс эттиради.

<sup>19</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

Иқтисодий цикл махсус фазалар орқали амалга ошади. Ҳар бир фаза иқтисодий ривожланишдаги муайян паллани ифодалаб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Одатда иқтисодий циклнинг **инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш** фазалари ажратиб кўрсатилади (19.1-чизма). Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жарёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.


Иқтисодий циклнинг дастлабки фазаси **инқироздан** бошланиб, у ишлаб чиқаришнинг пасайишида ифодаланади. Инқироз фазасининг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятларини мазкур бобнинг 3-бандида батафсил баён этилади.

Инқироздан кейин **турғунлик фазаси** бошланиб, у нисбатан узоқроқ давом этади. Бу фазада ишлаб чиқариш даражасининг барқарорлиги таъминлансада, у инқироз бошланишидан олдинги даражага нисбатан анча паст бўлади. Нархларнинг пасайиши тўхтаб, ссуда фоизлари пасаяди, товар захиралари барқарорлашади. Бироқ ишсизликнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Турғунлик фазаси давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига етади.

Жонланиш фазасида ишсизлик даражаси бир оз қисқариб, ишлаб чиқариш даражаси секин-аста ўсиб боради. Нархлар ҳам аста кўтарилиб, ссуда фоизи ўса бошлайди. Иқтисодиётнинг бандлик даражасининг ортиши ва фойда ҳажмининг тезлик билан ўсиши жонланиш фазасининг юксалиш босқичига ўсиб ўтишига имконият яратади. Янги цикл юксалишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади<sup>20</sup>.

Юксалиш фазасида ишчи кучига бўлган талабнинг кенгайиши ишсизликнинг бирмунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмол товарларига тўловга қодир талаб кенгайди. Пировард талабнинг ошиши, ўз навбатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат занжирли реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

### Иқтисодий цикл фазалари



#### 1-диаграмма. Иқтисодий цикл фазалари

Алоҳида иқтисодий цикллар бир-биридан давомийлиги ва интенсивлиги бўйича кескин фарқланади. Шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади.

<sup>20</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

## Иқтисодий цикл назариялари. Циклларнинг асосий турлари

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ва изчил равишда тадқиқ этилиши турли кўринишдаги иқтисодий цикл назарияларининг вужудга келишига олиб келди.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий циклларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади. **Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни экстернал назария деб аталади.**

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;
- олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;
- янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариш туриши;
- ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

**Иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария интернал назария деб аталади.**

Асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб, хизмат муддати тугаши ва унинг янгилаши кўпчилик иқтисодчилар томонидан иқтисодий циклни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралади.

Агар бир ёки бир неча тармоқда машина-ускуналарга талабнинг кескин ортишини келтириб чиқарадиган иқтисодий ўсиш бошланса, табиийки, бу ҳол машина ва ускуналар тўлиқ эскирадиган ҳар 10-15 йилдан кейин такрорланади. Фан-техника тараққиёти натижасида бу муддат қисқариб боради ва инқирозлар тез такрорланади. Шунингдек, қуйидаги бошқа ички омиллар ҳам ажратиш мумкин:

- шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);
- инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми;
- ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқишини фақат экстернал ёки интернал назария орқали тушунтириш тўғри бўлмайди. Иқтисодий цикл ва умуман иқтисодий тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар ташқи ва ички омиллар биргаликдаги таъсири оқибатида келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётнинг циклли ривожланиши сабабларини изоҳлашда бир қатор назариялар ҳам илгари сурилади. Қуйида улардан асосийларини кўриб чиқамиз.

**Соф монетар назария.** Бу назария тарафдорларининг фикрича бозор иқтисодиётида марказий ўринни пул ва кредит эгаллайди. Иқтисодиётнинг циклли ўзгариши энг аввало пул массаси оқимини ўзгартиришга боғлиқ<sup>21</sup>.

Иқтисодий фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг раванқ топиши, унинг турғунлик билан алмашилиб туришига ягона сабаб пул оқимининг ўзгаришидир. Товарларга талабнинг ортиши натижасида савдо, чакана нарх ўсиш, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади.

---

<sup>21</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

## 5.2. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЦИКЛЛИ РИВОЖЛАНИШИДА ПУЛ МАССАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ.

Пул оқими (истеъмол харажатлари суммаси) пул миқдорининг ўзгариши натижасида ўзгаради. Пул миқдорининг камайиши иқтисодий фаолият фаоллигини пасайтиради.

Пул ва кредит тизими беқарор тавсифга эга эканлиги сабабли пул оқимини барқарорлаштириш мураккаб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кредит пуллари тўлов ва муомала воситаси сифатида асосий ролни ўйнайди. Айнан банк тизими кредит пулларни яратади, шунга кўра, пул оқимининг ўзгаришида банкларнинг ҳисоб ставкалари катта аҳамият касб этади. Бу назариянинг айрим намояндалари пулни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қараб, мувозанатнинг бузилишига асосий сабаб деб кўрсатадилар.

Иккинчи гуруҳи эса пул тизими мутаносибликни бузмайди, фақат мутаносибликни бузилишига олиб келувчи бошқа омиллар учун шароит яратади, деган фикрни илгари сурадилар. Мувофиқ равишда монетар ва номонетар йўналиш вужудга келди. Монетар назариянинг эътиборли томонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) юксалиш фазаси даврида кредитни кенгайтириш туфайли келиб чиққан ишлаб чиқариш тузилмаси номутаносибликлари таҳлил қилинади;

2) мазкур номутаносибликларнинг салбий оқибати сифатида келиб чиқувчи инқирозлар таҳлил қилинади.

Шундай қилиб, бу назария тарафдорлари жамғаришнинг даврий равишда ошиб кетиши ва мутаносиблик бузилишининг асосий сабаби сифатида пулни кўрсатадилар. **Номонетар назария** тарафдорлари эса технологик ўзгаришлар, янгиликлар, ихтироларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, пул жамғаришнинг кўпайиб кетишидаги ролини кўрсатишади. Монетар ва номонетар йўналиш ўртасидаги фарқ унча катта эмас, бири иккинчисини тўлдиради. Ҳар иккала назария ҳам охир-оқибат иқтисодий фаолликнинг кучайишига истеъмол эмас, балки инвестиция сабаб бўлади, деган фикрни илгари суради.

Иқтисодий циклларни истеъмол товарларига талабнинг ўзгаришига боғлаб, акселерация принципига эътибор қаратилади. Бу принцип моҳиятига кўра техник сабаблар туфайли истеъмол товарларига бўлган талабнинг озгина ўзгариши ишлаб чиқариш учун зарур товарларга талабнинг кескин ўзгаришига олиб келади.

**Етарлича истеъмол қилмаслик назарияси.** Бу назариянинг моҳияти кўпроқ жамғариб, самарали даражада истеъмол қилмаслик жамиятни циклли ривожланишининг сабаби қилиб кўрсатилади:

1) маблағни жамғариш, бошқача айтганда хазинага айлантириш турғунликка олиб келиши мумкин, чунки бу маблағ инвестициялаш учун фойдаланилмайди;

2) пулни жамғариш истеъмол товарларига талабнинг қисқаришига олиб келади, чунки у истеъмолга сарфланмайди.

3) натижада инвестицияга нисбатан пул шаклидаги жамғариш ҳажми ўсиб бориб, истеъмол товарларига талаб камайиб боради, тақлиф эса ортади, нарх пасаяди, истеъмол товарлари бозоридаги қийинчиликлар инқирозга олиб келади.

**Жамғариш назарияси.** Бу назарияга кўра иқтисодий цикл ишлаб чиқариш воситалари ёки капиталлашган инвестицион товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Кундалик истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш цикллари ўртасида катта фарқ бор.

Кундалик истеъмол моллари доимий равишда истеъмол қилинади. Уларнинг истеъмол миқдори ўзгарган тақдирда ҳам унча катта ўзгаришлар содир бўлмайди.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни домий равишда харид қилинмайди. Балки улар истеъмолчи даромади кўпайган пайтдагина сотиб олинади. Узоқ муддат

фойдаланиладиган товарларга талаб барқарор эмас. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун капитал товарлар ишлаб чиқариш зарур.

Истеъмол ўсган сари капитал товарларга талаб ҳам ортади. Бунда ишлаб чиқариш таркибида номуносивликлар юз беради, яъни истеъмол товарлари, узоқ муддат фойдаланиладиган ва капитал товарлар ўртасида нисбатлар бузилади.

Инқирознинг сабаби пул етишмаслиги, банк резервларининг камлиги эмас, балки ана шу нисбатларнинг бузилишидир. Лекин кўпчилик иқтисодчилар етарли даражада истеъмол қилмаслик инқирознинг сабаби эмас, балки унинг оқибатидир, деб таъкидлайдилар. Яъни истеъмолчилар даромадларини кўпроқ жамғаришга ажратганлари учун эмас, балки тўлов қобилиятининг етарли эмаслиги, яъни харид қилиш учун пулнинг йўқлигидан келиб чиқади.

**Психологик назария.** Иқтисодиётнинг цикли ривожланишини тушунтиришда иқтисодий назариялар билан бир қаторда психологик назариялар ҳам кенг ўрин олиб бормоқда. Психологик назария тарафдорларига Ж.М.Кейнс, У.Митчелл, Ф.Хайек ва бошқаларни киртиш мумкин. Уларнинг фикрича, инсондаги оптимизм ва пессимизм фаолият активлигига объектив иқтисодий омиллар: фоиз меъёри, пул оқими, фойда ва бошқалар таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки кенгайиши рўй беради<sup>22</sup>.

Кредитнинг кенгайиши, талаб ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг кайфиятини кўтаради ва аксинча. Бундан ташқари кишилар борган сари ликвидлиги юқори бўлган пул жамғаришга мойиллиги ортиб бориши ва ўз навбатида иқтисодий ривожланишга таъсир этишини кўрсатишади.

Ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий циклнинг 1380 дан ортиқ турлари мавжудлиги таъкидланади. Қуйидаги жадвалда уларнинг кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган энг асосий турлари ифодаланган.

*1- жадвал*

### Циклларнинг асосий турлари

Цикл турлари	Циклнинг давомийлиги	Асосий хусусиятлари
Китчин цикли	2–4 йил	Захиралар миқдори → ЯММ, инфляция, бандликнинг тебраниши, тижорат цикллари
Жуглар цикли	7–12 йил	Инвестицион цикл → ЯММ, инфляция ва бандликнинг тебраниши
Кузнец цикли	16-25 йил	Даромад → иммиграция → уй-жой қурилиши → ялпи талаб → даромад
Кондратьев цикли	40-60 йил	Техника тараққиёти, таркибий ўзгаришлар
Форрестер цикли	200 йил	Энергия ва материаллар
Тоффлер цикли	1000-2000 йил	Цивилизацияларнинг ривожланиши

**Китчин цикли** захиралар цикли деб ҳам номланади. Бунда Жозеф Китчин (1926 й.) ўзининг эътиборини товар захираларининг ҳаракат чоғидаги молиявий ҳисоблар ва сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида 2 йилдан 4 йилгача давр давомидаги қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга қаратади. Айниқса, у циклнинг давомийлигини жаҳондаги олтин захираларининг тебранишлари билан боғлаб, уни 3 йилу 4 ойга тенг, деб ҳисоблайди. Бироқ

<sup>22</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

киска муддатли цикллар сабабларининг бундай изоҳи бугунги кунда кўпчилик иқтисодчиларни қониқтирмайди.

**Жуглар цикли** «бизнес-цикл», «саноат цикли», «ўртача цикл» ва «катта цикл» каби номлар билан ҳам аталади. Олдинги даврларда иқтисодий фан 7-12 йиллик циклларни ажратиб кўрсатганлиги туфайли, айнан шу цикл Франция, Англия ва АҚШда фоиз ставкалари ва нархдаги тебранишларни асосий таҳлил қилиш асосида саноат циклининг табиатини ўрганишга катта ҳисса қўшган Клемент Жуглар (1819-1905 йй.) номи билан аталади.

Биринчи саноат цикли 1825 йили Англияда металлургия ва бошқа етакчи тармоқларда машинали ишлаб чиқариш ҳукмрон мавқени эгаллаган даврда кузатилади. 1836 йилдаги инқироз дастлаб Англияда бошланиб, кейин АҚШга ҳам тарқалади, 1847-1848 йилларда АҚШ ва қатор Европа давлатларида бошланган инқироз туб моҳиятига кўра биринчи жаҳон саноат инқирози бўлган.

Агар XIX асрда саноат цикли 10-12 йилни ташкил қилган бўлса, XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йил ва ундан ҳам кам давргача қисқарган.

АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатлари XX асрда 12 та саноат циклини бошдан кечирган бўлиб, улардан еттита иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган.

**Кузнец цикли** кўп ҳолларда «қурилиш цикли» деб ҳам номланиб, 20 йилгача бўлган иқтисодий тебранишлар билан аниқланади. Саймон Кузнец ўзининг «Миллий даромад» (1946 й.) номли китобида миллий даромад, истеъмол сарфлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвестициялар кўрсаткичларида 20 йиллик ўзаро боғлиқ тебранишлар мавжуд бўлишини кўрсатиб берган. 1955 йилда америкалик иқтисодчининг хизматларини тан олиш рамзи сифатида саноат циклини Кузнец цикли деб номлашга қарор қилинади.

**Кондратьев цикли** «узок тўлқинлар» цикли деб ҳам аталади. Цикллиликнинг бу назариясини ишлаб чиқишга рус олими Н.Д.Кондратьев катта ҳисса қўшган. Унинг тадқиқоти Англия, Франция ва АҚШнинг 100-150 йил давомидаги ривожланишини қамраб олган. Бунда у иқтисодий ўсишнинг кўп омилли таҳлилини ўтказиб, яъни товар нархлари капитал учун фоиз, номинал иш ҳақи, ташқи савдо айланмаси каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўртача даражасини умумлаштириш натижасида бир қатор катта циклларни ажратиб кўрсатади.

I-цикл: 1787-1814 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1814-1851 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

II-цикл: 1844-1851 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1870-1896 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

III-цикл: 1896-1920 йиллар – кўтарувчи тўлқин.

Кондратьев циклининг давомийлиги ўртача 40-60 йилни ташкил қилади ва унинг асосий хусусияти техника тараққиёти ҳамда таркибий ўзгаришларни ўзида акс эттириши ҳисобланади. Кондратьев биринчи катта циклининг юксалиш фазасини Англиядаги саноат революцияси, иккинчисини – темир йўл транспортининг ривожланиши, учинчисини – электр энергияси, телефон ва радионинг кашф этилиши, тўртинчисини – автомобиль саноатининг ривожланиши билан боғлайди. Ҳозирги замон тадқиқотчилари бешинчи циклни электроника, ген инженерлиги ва микропроцессорлар ривожланиши тақозо қилишини кўрсатади.

Иқтисодий цикл барча томонлари билан намоён бўлиб, амалда иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги сабабли унинг ҳеч бир соҳаси инфляция тўлқини ёки турғунликнинг ноҳуш оқибатларидан четда қолмайди. Аммо шуни эътиборга олиш зарурки, иқтисодий цикл алоҳида шахслар турмуш даражаси ва корхоналар иқтисодий фаоллигига турли даражада таъсир кўрсатади. Одатда иқтисодий инқирозлардан саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва узок муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлари кўпроқ зарар кўрадилар.

Уй-жой ва саноат бинолари курилиши, оғир машинасозлик ҳамда инвестицион товарлар, автомобиллар, маиший хўжалик буюмлари ва шунга ўхшаш товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ саноат тармоқлари ва уларда банд бўлган ишчилар циклнинг инқироз фазасида оғир оқибатга учрайди. Бироқ, бу тармоқлар циклнинг юксалиш фазасида ўзининг ривожланиши учун юқори даражада рағбат олади.

Иқтисодиёт қийинчилиқни бошидан кечири бошлаганда ишлаб чиқарувчилар кўпинча, замонавий ускуналарни сотиб олишни ва янги заводлар куришни тўхтатади ёки қандайдир муддатга кечиктириши мумкин. Бундай конъюнктура шароитида инвестицион товарлар захираларини кўпайтириш ҳеч қандай иқтисодий мазмунга эга эмас, аксинча корхоналар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан анча тўлароқ фойдаланишлари мумкин бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан қулай даврларда, яъни циклнинг жонланиш ва юксалиш фазаларида ишлаб чиқариш воситалари одатда улар тўлиқ эскиргунга қадар алмаштирилади. Аммо таназзул даври келганида, корхоналар ўзининг эскирган ускуналарини таъмирлаб, уларни ишга туширади. Шу сабабли бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига инвестициялар кескин қисқаради. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлган айрим корхоналар, ҳатто истеъмол қилинган асосий капиталнинг ўрнини қоплашга ҳам ҳаракат қилмайди.

Қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари иқтисодий циклнинг оқибатларини нисбатан камроқ даражада сезади.

Аҳоли ёки кенг истеъмолчилар қатламига иқтисодий цикл турлича таъсир кўрсатади. Таназзул даври бошланганда, доимий даромад олувчи истеъмолчилар оила бюджетини қисқартиришларига тўғри келади, маиший техника ва автомашина каби узок муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишни тўхтатади. Ҳар қандай шароитда ҳам оила аъзолари еб-ичиши ва кийиниши зарурлиги туфайли, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар, яъни қисқа муддатда фойдаланиладиган истеъмол товарларини харид қилишни тўхтатиш мумкин эмас. Фақат, бундай товарларни харид қилиш миқдори қандайдир даражада камайиши мумкин.

Инвестицион товарлар ва узок муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи кўпчилик саноат тармоқлари юқори даражада монопол мавқега эгаллиги билан фаркланади ва натижада бозорда нисбатан кўп бўлмаган йирик фирмалар маълум давр давомида нархнинг пасайишига қарши туриши, талабнинг камайиши сабабли маҳсулот чиқариш ҳажмини чеклаш учун етарлича монопол ҳукмронликка эга бўлиши мумкин. Шу сабабли талабнинг камайиши биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва бандлик даражасига таъсир кўрсатади. Бунга тескари бўлган ҳолатни қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларида кузатиш мумкин. Бу тармоқларнинг кўпчилиги ўзларининг рақобатга лаёқатсизлиги ва ишлаб чиқариш марказлашув даражасининг пастлиги билан тавсифланади. Шу сабабли улар циклнинг салбий оқибатларига қарши тура олмаслиги мумкин ва маҳсулотларига талабнинг пасайиши ишлаб чиқариш даражасига қараганда нархларда кўпроқ акс этади.

Демак, капиталнинг тўпланиши юқори даражада бўлган тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиши ва нархларнинг нисбатан секин тушиши, тўпланиш даражаси паст бўлган тармоқларда нархларнинг сезиларли тушиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кам қисқариши кузатилади.

### **Инқирозларнинг мазмуни ва турлари**

Циклли ривожланишнинг дастлабки ва асосий фазаси инқироз ҳисобланади. Шунга кўра ушбу фазанинг мазмуни ва унинг турларини батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инқироз бир циклни ниҳоясига етказиб, яна муқаррар равишда инқироз билан тугайдиган янгисининг бошланишига асос солади; инқироз вазиятида асосий капиталнинг ортиқча жамғарилиши унинг ҳамма функционал шаклларида намоён бўлади.

Инқироз фазасида ишлаб чиқариш ва бандлик қисқаради, ammo нархлар пасайиш тамойилига берилмайди. Бу фазанинг куйи нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлик ўзининг энг паст даражасига тушиб кетиши орқали тавсифланади. **Шунга кўра, иқтисодий инқироз деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг кескин тушиб кетишига айтилади.**

Инқирознинг сабаби шундан иборатки, жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массаси тўловга қобил талабга мос келмай (ундан ошиб кетади ёки кам бўлади) қолади. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир қисми тўхтаб қолади, товарлар ишлаб чиқариш камаёди, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даври унинг тушкунлиги билан алмашинади. Иқтисодиётнинг ўсиши инфляция, яъни нарх даражасининг асоссиз равишда кескин кўтарилиши сабабли орқага кетади. Шундай даврлар ҳам бўладики, бунда иқтисодий ўсиш бандлик ва ишлаб чиқаришнинг паст даражасига ўрин беради, айрим ҳолларда нарх даражасининг кўтарилиши билан бирга ишсизлик ҳам кескин ўсади. Қисқача айтганда, иқтисодий ўсишнинг узок муддатли тамойиллари ҳам ишсизлик, ҳам инфляция оқибатида узилиб қолади ва мураккаблашади. Инқирозларнинг асосий сабаби – такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик ва номуносивликлардир. Бу аввало ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини ўзлаштириш ўртасидаги номуносивлик бўлиб, у турли ишлаб чиқариш усуллари ва иқтисодий тизимнинг ҳар хил нусхаларида турли шаклларда намоён бўлади<sup>23</sup>.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол, талаб ва таклиф ўртасидаги вақти-вақти билан юзага келиб турадиган номуносивликлар ҳам иқтисодий инқирозларнинг юзага чиқиш имкониятини сақлайди.

Ривожланган товар хўжалиги пайдо бўлгунга қадар ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши одатда табиий офатлар (қурғоқчилик, тошқинлар ва ҳ.к.) ёки урушлар ва улар келтирадиган вайронагарчиликлар билан боғлиқ бўлган. Йирик машинали ишлаб чиқаришга ўтилган даврдан кейинги вақти-вақти билан иқтисодиётни ларзага солиб турувчи иқтисодий инқирозлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга циклик тавсифни касб этади. Инқирозлар турли-туман тарзда рўй беради, уларнинг умумий, ўхшаш томонларини назарда тутиб, гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Хўжалик тизимида **мувозанатнинг бузилиши миқёсига кўра** инқирозларни умумий ҳамда айрим соҳаларда юз берадиган инқирозларга бўлиш мумкин. Умумий инқирозлар бутун миллий хўжаликни қамраб олса, иккинчиси қисман, яъни айрим соҳалар ёки тармоқлардаги танглик сифатида рўй беради.

Айрим соҳалардаги инқирозлар орасида молиявий инқироз муҳим ўрин тутиб, у ўз ичига пул-кредит соҳасидаги инқироз, валюта инқироzi, биржа инқироzi ва бошқаларни олади. Ҳозирги вақтда АҚШ ва Европанинг аксарият мамлакатларида рўй бераётган инқироз ҳам дастлаб молия соҳасида бошланиб, кейинчалик ишлаб чиқариш соҳасига ҳам тутшиб кетди.

### **5.3. ВАЛЮТА КУРСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШИ.**

**Пул-кредит соҳасидаги инқироз.** Мамлакатда пул-кредит тизимининг танг аҳволга тушиши бўлиб, бунда тижорат ва банк кредити қисқаради. Акция ва облигацияларнинг курси, банк фоизи тушиб кетиши натижасида банклар синиб, ялпи ҳолда банкротликка учрайдилар.

---

<sup>23</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

**Валюта инқирози.** Бунда миллий валютанинг обрўси тушиб кетади. Банкда валюта захираси туғаб, миллий валюта курси тушиб кетади.

**Биржа инқирози.** Бу танглик биржада қимматли қоғозлар курсининг тезда тушиб кетиши, уларни эмиссия қилишнинг қисқариши фонд биржалари фаолиятидаги чуқур тушкунликда ифодаланади.

**Экологик инқироз.** Атроф-муҳитни, энг аввало инсон соғлиғини йўқотиш, умрини қисқартиришга олиб келадиган даражада вазиятнинг вужудга келишида ифодаланади. У саноатнинг шиддатли тарзда ўсишига йўл қўймайди.

**Тармоқлар инқирози.** Бу миллий хўжаликнинг бирон бир тармоғини қамраб, ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ёки нормал хўжалик алоқаларининг бузилиши туфайли юз беради.

**Таркибий инқирозлар.** Иқтисодиётдаги инқирозлардан бир кўриниши ёки унинг бир тури таркибий инқирозлардир. Бу инқирозларни ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари билан тармоқлар ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар келтириб чиқаради.

Таркибий инқирозлар билан иқтисодий тебранишлар ва шу жумладан иқтисодий фаолликнинг мавсумий тебранишлари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, байрамлар арафасидаги харид қилиш, истеъмол товарларининг фаоллик суръатида, асосан, чакана савдода сезиларли ҳар йиллик тебранишларга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги, автомобиль саноати, қурилиш ҳам қандайдир даражада мавсумий тебранишларга дучор бўлади.

Иқтисодий фаоллик иқтисодиётдаги узоқ муддатли тамойилларга, яъни узоқ муддатли давр, масалан, 25, 50 ёки 100 йил давомида иқтисодий фаолликнинг ортиши ёки пасайишига боғлиқ. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, айрим мамлакатларда (масалан АҚШ) узоқ муддатли тамойил сезиларли иқтисодий ўсиш билан тавсифланса, бошқалари учун иқтисодий ўсишнинг секинлашуви хос.

Иқтисодий фаолликнинг тебранишини тушунтирувчи кўплаб қарашлар мавжуд бўлишига қарамасдан, кўпчилик иқтисодчилар ишлаб чиқариш ва бандлик даражасини бевосита аниқловчи омил умумий ёки ялпи сарфлар даражаси ҳисобланади, деб тасдиқлайди.

**Аграр инқироз.** Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий инқирозлар аграр инқирозлар деб аталади. Аграр инқирозлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади: 1) қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нисбий ортиқча ишлаб чиқарилиши, унинг сотилмай қолган жуда катта захираларининг тўпланиши; 2) нархларнинг пасайиши, даромадлар ва фойдаларнинг камайиши; 3) фермерларнинг оммавий равишда хонавайрон бўлиши, улар қарзларининг ортиши; 4) қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизларнинг кўпайиши.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, аграр инқирозлар ўзига хос хусусият касб этади. Аграр инқирозлар саноат циклларида қараганда одатда анча узоқ вақт чўзилиб боради. Биринчи аграр инқироз XIX асрнинг 70-йилларида бошланиб, ҳар хил шаклларда 90-йиллар ўртасигача давом этган эди. Биринчи жаҳон урушидан кейин, аҳолининг харид қобилияти жуда пасайиб кетган шароитда, 1920 йил баҳорида кескин аграр инқироз бошланиб кетди ва иккинчи жаҳон урушининг бошланишга қадар давом этди. Учинчи аграр инқироз 1948 йилдан бошланиб, 80-йилларгача давом этди. Аграр инқирозларнинг чўзилиб кетишининг асосий сабаблари қуйидагилар: а) ерга хусусий мулк монополияси шароитида, у қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишида саноатга нисбатан орқада қолишни тақозо этади; б) ер рентасининг мавжуд бўлиши ва унинг узлуксиз суръатда ўсиб бориши. Ер рентасининг, аввало абсолют рентанинг кўпайиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қимматлаштириб юборади, бунинг натижасида уни сотиш қийинлашади; в) кўплаб майда деҳқон хўжаликларининг мавжуд бўлиши. Майда ишлаб чиқарувчилар хўжаликни асосан ўзи ва оиласи учун зарур тирикчилик воситаларини топиш мақсадида юритади. Инқироз шароитида ҳам улар ишлаб чиқаришни қисқартира олмайдилар. Тирикчиликларини ўтказиш ва ижара ҳақини тўлаш учун ишлаб чиқаришни илгариги

миқисларда олиб бораверадилар. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқаришни яна ҳам кўпайтириб юборади.

Аграр инқирозлар циклли тавсифга эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқариш абсолют тавсифга эмас, балки нисбий тавсифга эга. Чунки инқироз рўй берган мамлакатларда миллион-миллион кишилар доимий суратда очликда яшайди.

2. Иқтисодиётда мувозанатнинг бузилишини **мунтазам ёки аксинча тарзда юз беришига кўра** даврий, оралик, номунтазам инқирозларга ажратиш мумкин.

**Даврий инқирозлар** маълум вақт мобайнида такрорланиб туради.

**Оралик инқирозлар** тўлиқ цикл бўйича юз бермайди. Циклнинг бирон бир фазасида тўхтатилади. Улар нисбатан унча чуқур бўлмай, қисқа муддат давом этади.

**Номунтазам инқирозлар** бирон-бир алоҳида сабабларга кўра юз беради. Масалан, табиий офат, сел, тўфон, қурғоқчилик туфайли иқтисодиёт танг аҳволга тушиб қолиши мумкин.

3. **Такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилиши тавсифига кўра** инқирозлар иккига: ортиқча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш инқирозларига бўлинади. Товарларни **ортиқча ишлаб чиқариш инқирози** турли наф келтирадиган неъматларни кўп ишлаб чиқариш, лекин уларни тўла сота олмасликда намоён бўлади.

**Тақчил ишлаб чиқариш инқирози** даврида мувозанат бузилиб, етишмовчилик натижасида танг аҳвол келиб чиқади. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг танг аҳволга тушишига фақат ортиқча ишлаб чиқариш эмас, балки тақчил ишлаб чиқариш ҳам сабаб бўлади.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувофиқлиги натижасида банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари ўта енгиллашиб, бу ҳолат кредитлардан фойдаланишда тўловга лаёқатлик даражасининг ҳисобга олинмаслигига имкон яратди. Шунингдек, мутахассислар томонидан амалдаги банк капиталини халқаро тартибга солиш (Базель II) тизими молиявий инқирознинг вужудга келиши учун замин яратганлиги эътироф этилмоқда. Маълумки, 90- йилларнинг бошида қабул қилинган банк капиталини халқаро тартибга солишнинг Базель II тизими тижорат банклари учун талаб қилинадиган капитал ёки капиталнинг етарлилиги активларнинг инвестицион сифатлари ва уларнинг риск даражаси бўйича гуруҳлашни кўзда тутди. Натижада Базель II банк капиталларини рейтинг агентликлари хулосаларига асосланган ҳолда юқори рискли активларни секьюритизациялаб, қимматли қоғозларга айлантиришни рағбатлантирган.

Иқтисодчи олим Н.Жумаевнинг фикрига кўра, Moody's, Standard & Poors ва Fitch каби рейтинг агентликлари рискли ипотекага асосланган қимматли қоғозларга AAA рейтингини берганлиги билан инқирозга ўз ҳиссасини қўшганликда айбланмоқдалар. Мазкур рейтинг агентликлари томонидан ипотека бозорларидаги қимматли қоғозлар бўйича берилган хулосаларига асосланиб фаолият юритаётган тижорат банклари ва барча ипотека кредитларининг 70% ни тақдим этувчи давлат ипотека агентликлари (Freddie Mac (the Federal Home Loan Mortgage Corporation) ва Fannie Mae (the Federal National Mortgage Association))<sup>24</sup> активлари сифат кўрсаткичларининг пасайиши кузатилди ва пировардида улар тўлиқ давлат назоратига ўтди. Юқоридаги ҳолатлар молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини, шунга кўра, ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш орқали янги, соғлом молиявий тизимни шакллантириш зарурлигини тасдиқламоқда.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келиб чиққан қуйидаги учинчи хулосани таъкидлаб ўтдилар: «**Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу**

<sup>24</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлилик даражасига боғлиқ».

XX асрнинг охирларида бошланган ва ҳозиргача давом этиб келаётган бозорларнинг глобаллашуви, капиталлар халқаро ҳаракатининг эркинлаштирилиши натижасида АҚШ бозорларида вужудга келган инқироз дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам кенг ёйилди. АҚШ банклари ва ипотека агентликларининг қимматли қоғозларига қўйилма қилинган хорижий инвесторлар молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. АҚШ молия бозорларидаги инқироз жаҳоннинг йирик фонд бозорларидаги конъюнктурага таъсир қилди ва бу ўз навбатида мазкур бозорлардаги фонд индексларида (S&P, Dow-Jones, Nasdaq, FTSE, CAC, DAX, Nikkei, Hang Seng, Shanghai composite, PTC, ММВБ ва б.) ўз аксини топди. Глобал молиявий бозорнинг асосий таркиби ва жаҳоннинг асосий молиявий марказлари ҳисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш суръатлари кейинги йилларда аҳамиятли даражада пасайиб кетди

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш суръатларида кескин ўзгариш содир бўлган. Инқироздан жиддий азият чекаётган Буюк Британия ва Германияда 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда 2008 йилга нисбатан 0,1% ва 0,2% га пасайиш кутилмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирда ривожланиб бораётган молиявий инқироз инфляция, қатор банклар ва молиявий муассасаларнинг таназзулга юз тутиши таъсирида ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва бошқалар негизида иқтисодий инқироз шаклида кучайиб бормоқда. Бундан кўринадики, ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг ўзига хос хусусияти – бу унинг иқтисодиётнинг молиявий секторидан бошланиб, реал секторига ўтганлигидир.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келтириб чиқарилган тўртинчи хулосани қуйидагича баён этдилар: **«Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бири-бири билан уйғунлигига боғлиқ».** Шунингдек, 2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлагани, ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида эмас, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланаётганлигидан дарак беришини таъкидлаб ўтдилар<sup>25</sup>.

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

---

<sup>25</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

АҚШ ҳукумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. АҚШнинг собиқ молия вазирининг ташаббуси билан Конгресс «Полсон режаси» деб номланувчи режани қабул қилди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олишди. Бу ҳолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлади. Масалан, АҚШда Федерал захира тизими қимматли қоғозларни сотиб олиш, хусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаштириш амалиётига ўтиш орқали ликвидликни тaminлашнинг янги усулига ўтди.

Буюк Британия ҳукумати банклар ва молиявий муассасалар акцияларига 37 млрд. фунт стерлинг маблағларини инвестиция қилишини эълон қилди. Германия ҳукумати эса, банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун капитал ва кредитлар бўйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратишини эълон қилди. Австралия ҳукумати эса барча омонатчилар пул жамғармаларини 3 йилга кафолатлашини эълон қилди ва ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиш учун 2,6 млрд. доллар маблағ ажратди<sup>26</sup>. Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонидан сотиб олинди.

*2-жадвал*

**Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфланган молиявий харажатлари**

<b>Мамлакат</b>	<b>Молиявий харажатлар, млрд. доллар</b>	<b>Мамлакат ЯИМга нисб. % ҳисобида (2008 йил)</b>
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Инқироздан қутқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳақидаги идеологик догмани орқага ташлаб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларида кенг фойдалана бошладилар.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетидан ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилмоқда. Уларнинг ҳажми ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиққан режалари ҳажмига асосланади. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё бўйича жами сарфланган маблағларнинг ҳажми 9400 млрд. долларни ташкил қилган. АҚШ ҳукумати сарфлаган маблағларининг ҳажми 3539

<sup>26</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 1020 млрд. долларни (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 37%), Германияда 893 млрд. долларни (23%) ташкил қилган. Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда инқироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия давлатлари нисбатан кўпроқ азият чекмоқда.

Инқирозни бартараф этиш бўйича мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган чоратadbирлар бўйича ажратиладиган маблағлар маълум мақсадли сарфланиш йўналишларига эга.

### 3- жадвал

#### Инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари

Мамлакат	Кредит маблағларига давлат кафолати		Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар		Юқори рискли, шубҳали активларнинг хариди		Бошқалар		Жами
	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	
Россия	-	-	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	393	39	79	8	-	-	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539
Германия	539	60	177	20	-	-	176	20	893
Япония	303	53	-	-	-	-	237	47	576
Хитой	-	-	-	-	-	-	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инқирозни бартараф этишга сарфланган жами маблағлар 2008 йилда 6820 млрд. долларни ташкил қилди. Кредит маблағларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланган, яъни жами ажратилган маблағлардаги салмоғи 44% ни ташкил қилган, молиявий институтлар устав капиталига мақсадли қўйилмалар 1155 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, уларнинг салмоғи 17% ни ташкил қилган. Юқори рискли шубҳали активларни харид қилиш учун сарфланган маблағлар ҳажми 674 млрд. долларни ташкил қилиб, уларнинг жами ажратилган маблағлардаги салмоғи қарийиб 10% ни ташкил қилмоқда.

#### Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири борасида Президентимиз ўз асарларида қуйидагича таъкидлайдилар: «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганлигида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида,

махсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин. Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди».

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, Ўзбекистонда инқирознинг иқтисодиётга таъсири жаҳон хомашё бозорларида экспорт маҳсулотларига талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорлар харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади<sup>27</sup>.

«Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади». Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, «ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўллари кидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан холи эмас». Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини кўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлининг танланганлиги;
- давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигининг аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;
- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асосиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

---

<sup>27</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.

- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятга эғалигини ифодалайди.

Республикамызда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир. Натижада 2008 йилда 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70% тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истикболдаги барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизнинг экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топди.

### **Хулосалар**

1. Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин-кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади. Иқтисодиётнинг ривожланишидаги ҳаракати бир цикл билан тўхтаб қолмайди, балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади.

2. Иқтисодий цикл махсус фазалар орқали амалга ошади. Ҳар бир фаза иқтисодий ривожланишдаги муайян паллани ифодалаб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Одатда иқтисодий циклнинг инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш фазалари ажратиб кўрсатилади. Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жарёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.

3. Иқтисодий цикллارни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни экстернал назария деб аташ қабул қилинган.

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади, яъни: урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар; олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши; янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши; ижтимоий ишлаб

чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

4. Интернал назария иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари туғдиради деб ҳисоблайди ва куйидаги омилларни ажратиб кўрсатади: асосий капиталнинг жисмоний хизмат муддати; шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши); инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми; ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

5. Иқтисодиётнинг циклли ривожланиши сабабларини изоҳлашда шунингдек соф монетар назария, номонетар назария, етарлича истеъмол қилмаслик назарияси, жамғариш назарияси, психологик назария кабилар ҳам илгари сурилади.

6. Ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий циклнинг 1380 дан ортиқ турлари мавжудлиги таъкидланади. Уларнинг кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган энг асосий турлари сифатида Китчин, Жуглар, Кузнец, Кондратьев циклларини келтириш мумкин.

7. Иқтисодий инқироз деб ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетишига айтилади. Инқирозлар турли-туман тарзда рўй беради, уларни умумий, ўхшаш томонларини назарда тутиб, куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: хўжалик тизимида мувозанатнинг бузилиши миқёсига кўра умумий ҳамда айрим соҳаларда юз берадиган инқирозлар; иқтисодиётда мувозанатнинг бузилишини мунтазам ёки аксинча тарзда юз беришига кўра даврий, оралик, номунтазам инқирозлар; такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилиши тавсифига кўра ортиқча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш инқирозлари.

8. 2008 йилда дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди<sup>28</sup>.

9. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асосий сабаблари бўлиб ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсати, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувининг чекланганлиги; молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши; нораціонал пул-кредит сиёсатининг, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши; молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши; қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши ва бошқалар ҳисобланади.

10. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, Ўзбекистонда инқирознинг иқтисодиётга таъсири жаҳон хомашё бозорларида экспорт маҳсулотларига талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорлар харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

11. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий

---

<sup>28</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

бўлмаганлиги қуйидаги юмшатовчи омилларнинг мавжудлиги билан изоҳланади: маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлининг танланганлиги; давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигининг аниқ белгилаб олинганлиги; Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги; оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги; аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асосиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги; давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканлиги, уларнинг ҳимоя механизмларининг қанчалик кучлилиги.

### **Назорат саволлари:**

1. Иқтисодиётнинг цикли ривожланиши тўғрисидаги қайси иқтисодчи олимлар асарларида акс эттирган?
2. Циклларнинг асосий турлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Инқирозларнинг мазмуни ва турларини мисолларда изоҳлаб беринг?
4. Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфланган молиявий харажатлари ҳақида нималарни биласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.mineconomi.uz>.
2. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
3. [www.reuter.com](http://www.reuter.com)
4. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)
5. [www.forexite.com](http://www.forexite.com)
6. <http://www.wordbank.org>.
7. <http://www.ebrd.org>.
8. <http://www.imf.org>
9. [www.undp.org](http://www.undp.org)
10. [www.ecb.int](http://www.ecb.int)

### Режа:

1. IS-LM моделининг моҳияти.
2. Халқаро молия институтларининг ташкил топиши.
3. Умумжаҳон банкининг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрни.
4. Осиё тараққиёт банкларининг ташкил этилиши

### 🔗 Таянч иборалар:

*IS-LM моделининг моҳияти, халқаро молия институтларининг ташкил топиши ва уларнинг фаолиятлари, Умумжаҳон банкининг ривожланаётган мамлакатларда институционал ва таркибий ислоҳатларни амалга оширишидаги ва камбағалликка қарши курашдаги ўрни, Халқаро валюта фондининг ташкил этилиши ва асосий мақсадлари, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ва Осиё тараққиёт банкларининг ташкил этилиши масалалари кўриб чиқилади.*

### 6.1. IS-LM МОДЕЛИНИНГ МОҲИЯТИ.

Харид қобиляти паритети концепциясининг муаллифи XX асрнинг таниқли швед иқтисодчиси Стокгольм иқтисодий мактабининг асосчиси Густав Кассельга<sup>29</sup> тегишлидир. Г.Кассель етук математик бўлганлиги учун халқаро бозорларнинг микдорий қонуниятларини аниқлашга ҳаракат қилган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг олтин стандартдан воз кечиш оқибатида валюталарнинг курси ва реал харид қобиляти орасидаги паритет бузилди. Г.Кассель Давид Рикардонинг валюта курси ва пулни ички тўлов қобиляти орасида аниқ боғлиқлик бўлиши керак деган ғоясига мурожат қилди. Г.Кассель фикрига кўра валюта курсини харид қобиляти паритетига асосан ўрнатилиши халқаро бозорларни мувозанат ҳолатига олиб келиши керак эди. Ўзининг назарий изланишларини 1916 йил эълон қилиб, урушдан кейин кенг тарғиб эта бошлади. «Харид қобиляти паритети» тушунчаси Г.Кассель томонидан 1918 йил «Economic Journal» да мақола чоп этгандан сўнг иқтисодий терминологик оборотга киритилди. У 1920 йилда Миллатлар Литасига (ҳозирги БМТ га ўхшаш ташкилот) харид қобиляти паритетидан халқаро валюта сиёсатини асоси сифатида фойдаланишни таклиф этди.

ХҚП назарияси XX аср бошида валюта курсини давлат ичидаги баҳолар даражаси билан боғлиқлиги тўғрисидаги назария асосида келиб чиққан. Аммо валюта курси баҳоларга таъсир этадими ёки баҳолар валюта курсини аниқлайдими ноаниқ эди. Г.Кассель оддий ғояга суянди. Агарда маълум вақтда товарларни баҳосига асосан АҚШ да сотиб олиш Буюк Британияга нисбатан маъқул бўлса америка товарларига талаб ортади. Натижада GBD/USD курси стабиллашади ва қаерда товар сотиб олишнинг умуман фарқи бўлмайди. Агарда валюта курслари чекланган бўлса арбитраж операциялари орқали товарлар баҳосини ўзгаришига олиб келади.

Уларнинг тебраниши товар арбитражидан тушадиган фойда йўқолгунга қадар давом этади.

---

<sup>29</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

Шундай фикр юритиш натижасида бир хил баҳо қонуни (Law of one price) га асос солинди. Унга кўра мукамал рақобат шароитида бир хил товарлар бир хил валютада ифодаланса бир хил баҳога эга бўлади.

Математик формулада бир хил баҳо қонуни қуйидагича ифодаланади:

$$P_d^1 = E_{d/f} \times P_f^1 \quad (3)$$

бу ерда:  $P_d^1 - i$  – товарнинг ички бозордаги баҳоси;

$P_f^1 - i$  – товарнинг ташқи бозордаги баҳоси;

$E_{d/f}^1$  – валюта курси.

Ягона баҳо қонунидан харид қобилияти абсолют паритети (ХҚАП) (absolute parity of purchasing power theory) келиб чиқади.

Бунга мувофиқ давлатлар орасидаги айирбошлаш курси давлатлардаги товарлар баҳолари нисбатига тенгдир. ХҚАП назариясида валюта курси қуйидаги формулада ифодаланади:

$$E_{d/f} = P_d / P_f \quad (4)$$

бу ерда:  $P_d$  – товар ва хизматларнинг ички бозордаги баҳоси;

$P_f$  – товар ва хизматларнинг ташқи бозордаги баҳоси.

ХҚАП нинг ягона баҳо қонунидан фарқи шундаки, қонун фақат битта товар баҳоси ҳисобига олади, ХҚАП назарияси эса барча товарлар баҳосини ҳисобга олади.

Аммо ички ва ташқи товарлар баҳосининг умумий қийматини қандай аниқлаш мумкин? Кўп ҳолларда статистик бўлимларда икки давлатда мавжуд бир хил товарларнинг савати тузилади. Бир хиллик бир – бирини тўлалигича ўрнини босиш ва иқтисодий нуқтаи назардан улар орасида фарқ йўқлигини билдиради.

ХҚАП назариясининг асосий ютуғи шундаки, бу назария орқали қандай қилиб миллий валюта курсини қувватини ошириш мумкин деган саволга жаваб беради. Бунинг учун инфляцияни пасайтириш орқали ички пулларнинг харид қобилиятини ошириш мумкин.

Аммо бу назариянинг асосий камчилиги эса амалда ишламаслигидир. Чунки товар ва хизматларнинг яратиш учун кетадиган харажатлар турли давлатларда турличадир. Оқибатда баҳолари ҳам турлича бўлиб чиқади.

XX аср бошларида Г.Кассель назариясига ўз қарашларини Дж.М.Кейнс билдирган. Унинг фикрича «харид қобилияти паритети катта эътибор талаб этади, аммо у валюта курсларини аниқлашнинг аниқ барометри бўлиб хизмат қилмайди». Кассель ўз назариясидаги баъзи камчиликларни тан олади, унинг фикрича, назариянинг ишламаслигига сабаб «Валютанинг келажакига ишонч бўлмаслиги оқибатида пулнинг ички қобилиятини пасайиши, спекулатив операциялар ва х.к.» бўлиши мумкин.

Шундай қилиб географик жойлашув, капиталларнинг транснационал ҳаракати, харажатлар ва ташқи савдога тўсиқлар халқаро савдога рақобатни номукамал қилади. Ундан ташқари бир хил категориядаги товарларнинг ўзи сифат ва йўналтирилганлиги жиҳатидан ҳар хил бўлади. Шунинг учун иқтисодий фан **харид қобилиятини абсолют паритетини (ХҚАП)** амалга ошмаган назария деб ҳисоблайди.

1970 йилларга келиб бу назарияни янгилашга уринишлар бўлди. Иқтисодчилар томонидан валюта курсининг ўзгаришлари баҳоларнинг абсолют ўзгаришлари эмас, балки

нисбий кўрсаткичлари орқали тушунтириш мумкин деб ҳисоблай бошладилар. Натижада харид қобилиятининг нисбий паритети **ХҚНП** назарияси вужудга келди (Relative parity of purchasing power theory). Унга мувофиқ валюта курсларининг тебраниши давлатлардаги баҳоларнинг нисбий ўзгаришига пропорционалдир. Математик формулада ХҚНП қуйидагича ифожаланади:

$$E_{d/f}^i = E_{d/f}^0 * (P_d^i / P_f^0) \quad (5)$$

бу ерда:

$$(P_f^i / P_f^0)$$

$P_d^0$  = база даврдаги ички бозорд

1 даражаси;

$P_f^0$  = база даврдаги ташқи бозордаги товарлар ва хизматлар баҳоси даражаси;

$P_d^i$  = жорий даврда ички бозорда товарлар ва хизматлар баҳоси даражаси;

$P_f^i$  = жорий даврда ташқи бозорда товарлар ва хизматлар баҳоси даражаси;

$E_{d/f}^0$  = база давридаги валюта курси;

$E_{d/f}^1$  = жорий давридаги валюта курси.

Эмпирик мақсадларда база валюта курси сифатида валюта курсининг катта, ёки ўрта тебраниш даражаси бир хил давр олинади. Баҳоларни ўлчовчи сифатида кўп ҳолларда қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади: истеъмол баҳолари индекси, ишлаб чиқарувчиларнинг улгуржи баҳолари индекси ва ЯИМ дефлятори. Валюта курсини ўзгариш динамикасини ХҚНП орқали прогнозлаш икки давлатдаги инфляция даражасини таққослаш орқали валюта курсини келгусидаги экстрополяциясига тўғри келади. Бунда у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$(E_{t+1} - E_t)$$

$$P_d - P_f = \frac{E_{t+1} - E_t}{E_t} \quad (6)$$

бу ерда:

$P_d$  ва  $P_f =$  и

$E_t$

$E_t$  ва  $E_{t+1} = t$  ва  $t+1$  даврдаги валюта курси.

ХҚНП назарияси кўп ҳолларда фойдали инструмент бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Биринчидан: унинг ёрдамида узоқ муддатли валюта курси номинал динамикаси прогнозлари тузилади. Тузилган прогнозлар асосида валюта курси ва ХҚП орасидаги мустаҳкам корреляцияни аниқлаш мумкин.

Иккинчидан: инфляциянинг юқори даражаси даврида ХҚНП орқали макроиктисодий номуносивликни баҳолаш мумкин.

Учинчидан: паритетлар асосида миллий товарлар ва хизматларнинг ҳақиқий баҳоси аниқланади.

### Монетар концепция

Бреттон Вудс валюта тизимининг таназзули ва валюта курсларининг сузиб юрувчи режимга ўтказилиши иқтисодчилардан курсни шакллантириш бўйича янги усулларни ишлаб чиқишни талаб этди. Бу борада бажарилган илк ишлар фоиз ставкаси ва валюта курси ўтасида боғлиқликни акс этган. Шу йўсинда **фоиз ставкасининг қопланмаган паритети гипотезаси** юзага келди. Бу моделнинг асосчилари бўлиб, Ж.Билсон, Ж.Лонгворт, ҳамда Р.Миз ва К.Рогофф ҳисобланишади. Гипотезага мувофиқ, икки мамлакат фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ мос даврда валюталарнинг номинал курси ўзгариши билан қопланиши

керак. Фоиз ставкасининг қопланмаган паритети гипотезасининг ишлаб чиқилиши валюта курсини таҳлил қилишнинг монетаристик концепциясига асос солди.

Асосий монетаристик модел валюта курсини аниқлаш учун еттита тенгламани ўз ичига олади. Монетаристик моделнинг энг содда кўриниши Буюк Британия пул муомаласини ўрганиш учун Ж.Рикардо, Ж.Уитли ва классик мактабнинг бошқа вакиллари томонидан қўлланиб келинган. Кейинчалик Г.Кассель биринчи жаҳон уруши даврида немис маркасининг кадрсизланиши бўйича олиб борган тадқиқоти таҳлилларида қўллаган. Монетаристларнинг замонавий модели ХВФ мутахассислари Я.Френкел (1976 йилда) ва М.Муссо (1976-1979) ишларида шакллантирилди. Модел бир қанча таркибий қисмлардан иборат: пулнинг қиймат назарияси, харид қобилияти паритети, реал ва номинал фоиз ставкалар боғланишини акс этган Фишер тенгламаси, рационал кутиш гипотезаси, самарали бозор гипотезаси.

Монетаристик моделдан келиб чиқадиган асосий хулоса эгилувчан нархлар шароитида валюта курси пул таклифи, миллий даромад ва қисқа муддатли фоиз ставкаларига боғлиқ бўлади. Бир қатор соддалаштиришларни амалга ошириб, монетаристлар очик иқтисодиётдаги мувозанатни пул бозоридаги мувозанатга боғлиқ деб эътироф этишади. Реал валюта курсининг юқори тебранувчанлиги навбатдаги янги турдаги икки моделни: умумий мувозанат ва қатъий нархлар моделларнинг шаклланишига олиб келди.

**Умумий мувозанат моделининг** асосчилари бўлиб, А.Стокмен (1980 йилда) ва Р.Лукас (1982 йилда) ҳисобланишади. Улар икки мамлакат бозорлари мувозанатини ўрганишга эътибор қаратишган. Бу товар, меҳнат, пул, валюта, ҳамда хорижий ва ички облигациялар бозоридаги баланс билан аниқланди. Модел ўз ичига иқтисодий агентларнинг фойдалилигини ошириш функциясини олган ва бу билан микро- ва макро- даражадаги таҳлилларни боғлашга ёрдам берди. Умумий мувозанат модели монетаристик моделнинг кенгайтирилган шакли сифатида тавсифланиши мумкин. Аммо унинг мураккаблиги, нафлилик функциясини баҳолаш қийинчилиги билан боғлиқ эконометрик ҳисоб – китобларни амалга ошириб бўлмаслиги оқибатида моделни валюта таҳлилидан секин – секин чиқиб кетишига олиб келган.

Қатъий нархлар билан акс этган илк монетаристик модел (валюта курсининг гиперреакция модели) Массачусетс технология институти профессори Р.Дорнбуш томонидан 1976 йилда ишлаб чиқилган. Агар товар баҳолари мутлоқ эркин бўлиб, пул таклифи сингари тебранувчан бўлганида эди, пул таклифининг реал қиймати аввалгидек сақланиб, валюта курси янги узоқ муддатли мувозанат даражасига кўтарилиши натижасида фоиз ставкалари ўзгармаган бўларди. Лекин амалда, пул таклифининг реал иқтисодиётга таъсири нейтрал бўлишига қарамасдан товар нархлари, айниқса қисқа муддатларда сезиларли қатъийликда бўлади.

Р.Дорнбуш валюта курсининг гиперреакция моделида номинал пул таклифининг кескин қисқариш ҳодисасини ўрганган. Тадқиқот натижаларига кўра, товар нархлари қисқа муддатда ўзгармаслиги сабабли, иқтисодиётда пулнинг реал таклифини тушиши кузатилади<sup>30</sup>. Шу ўринда айтиш жоизки, Р.Дорнбуш иқтисодий кўрсаткичлар гиперреакциясини таҳлил қилган биринчи тадқиқотчи ҳисобланмайди. Бу борада билдирилган фикр – мулоҳазалар А.Маршаллнинг «Иқтисодий назария тамойиллари»

---

<sup>30</sup> Keith S. Taber., *Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research*. Springer., UK, 2013, English.

китобида амалга оширилган қисқа ва узоқ муддатли нархларнинг мойиллиги таҳлилида акс этган. П.Самуэлсоннинг «Иқтисодиёт асослари» китобида Ле Шателье-Брауннинг иқтисодий жараёнларга тамойилини қўллаган бўлиб, унда баъзи кўрсаткичлар ўзгариши секин, бошқалари эса тезкорликда кузатилишини таъкидлаган.

Шундай бўлсада, Дорнбушнинг модели ўзига хос жиҳатларни камрай олган. Биринчидан, унда Манделл-Флеминг моделининг бирламчи шаклига бозорнинг мукамал бўлмаслик элементи қўшимча қилинган. Иккинчидан, Дорнбуш биринчи бўлиб, халқаро молия назариясида қатъий нархларни рационал кутиш билан туташтирган, бу эса валюта курсининг барча замонавий моделлари асосида ётади. Учинчидан, К.Рогофф таъкидлаганидек, Дорнбуш модели бошқа моделлардан фаркли ўларок, содда ва таҳлилининг аниқлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда ҳам модел яратилганлигига бир неча ўн йилликлар ўтганига қарамасдан, Дорнбушнинг гиперреакция модели маркоиктисодий таҳлилларда самарали инструмент бўлиб ҳисобланади.

### 3.2.3. Оптимал валюта ҳудудлар назарияси

Сўнгги пайтларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган интеграция жараёнлари ХВФ мутахассислари Роберт Манделл ва Маркус Флеминг томонидан 1960 – йилларда яратилган оптимал валюта ҳудудлар назариясига асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Бу назария асосида замонавий Европа валюта тизими шакллантирилган.

Оптимал валюта ҳудуди бу бир гуруҳ мамлакатларнинг келишган ҳолда, марказлашган валюта сиёсатини олиб бориши тушинилади. Бундай сиёсат ўз навбатида, ҳудудга кирган мамлакат ўртасида маълум кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлигини талаб этади. Манделл – Флеминг модели бундай шароитда валюта сиёсатининг самарадорлигини кўрсатиб берган.

Маълумки, «IS-LM» модели товар ва пул бозоридаги мувозанат орқали макроиктисодий барқарорликка эришишни акс этади. Манделл – Флеминг модели бунга қўшимча равишда, очиқ иқтисодиёт учун тенгламаларни ҳам ўз ичига олган. Модел куйидаги учта тенгламадан иборат:

$$(IS) \quad Y=C(Y-T)+I(r)+G+NX(Y,e) \quad (7)$$

$$(LM) \quad M/P=L(r,Y) \quad (8)$$

$$r=r^* \quad (9)$$

(7) тенглама – товар бозорида мувозанатга эришилганида  $Y$  даромад ва  $r$  фоиз ставкаси ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи IS эгри чизигининг тенгламасидир. Бу тенглама ялпи даромад  $C$  истеъмол,  $I$  инвестиция, давлат харажатлари ва  $NX$  соф экспорт йиғиндисига тенглигини кўрсатади. Одатий IS-LM моделидан фаркли равишда бу ерда,  $e$  валюта курси иштирок этади. Валюта курси кўтарилганида соф экспорт камаяди, курс тушганида соф экспорт ошади.

(8) тенглама – LM эгри чизигининг тенгламаси ҳисобланади. Бу тенглама пул бозорида мувозанат бўлганида  $Y$  даромад ва  $r$  фоиз ставкаси ўртасидаги муносабатни акс этади. Тенгламага мувофиқ, пул таклифи ( $M/P$ )  $r$  фоиз ставкаси ва  $Y$  даромад функцияси ҳисобланадиган пул талаби ( $L$ )га тенг бўлиши керак. Марказий банк томонидан аниқланадиган  $M$  пул таклифи ва  $P$  нархлар даражаси экзоген ўзгарувчи ҳисобланади.


(9) тенглама – ички  $r$  фоиз ставкаси  $r^*$  жаҳон даражасига тенг бўлиши кўрсатади. Моделнинг айнан шу томони кичик очик иқтисодиёт (валюта худуди) жиҳатидан келиб чиқади.

Манделл – Флеминг модели учта эндоген ўзгарувчидан таркиб топган:  $Y$  = ялпи даромад,  $r$  = фоиз ставкаси ва  $e$  = валюта курси. Ўз навбатида, учта ўзгарувчидан иборат икки ўлчамли график тузиш имкони йўқлиги туфайли, моделни иккита график орқали акс эттириш мумкин.

Манделл-Флеминг модели қатъий белгиланган ва эркин сузиб юрувчи курс режимида макроиқтисодий сиёсатни таҳлил қилиш имконини беради.

**Қатъий белгиланган валюта курсида** макроиқтисодий сиёсат йўналиши. Қатъий белгиланган валюта курси режимида Марказий банк белгиланган курс бўйича миллий валютани сотиш ёки харид қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу ҳолда, ички мувозанатни таъминлашга қаратилган макроиқтисодий сиёсат одатда, тўлов балансининг ижобий ёки салбий сальдосига олиб келади. Ташқи мувозанатнинг бундай бузилиши давлатнинг мос сиёсати билан бартараф этилиши лозим. Масалан, Марказий банк тўлов балансининг салбий сальдоси юзага келганида, интервенцияни амалга ошириши лозим, бу эса ўз навбатида олтин – валюта захирасининг камайишига олиб келади. Марказий банк интервенцияни амалга ошириши моделда LM эгри чизигининг силжишида акс этади.

**Солиқ - бюджет сиёсати.** Кичик очик иқтисодиётга рағбатлантирувчи солиқ – бюджети сиёсати оқибатларини мисол тариқасида кўриб чиқамиз (масалан давлат харажатларини оширилиши). Давлат харажатларининг кўпайиши жами талабни келтириб чиқаради – IS чизиги ўнгга  $IS_2$  гача силжийди (3 - расм). 3 - расмдан кўриш мумкинки, бунинг натижасида фойда ўсиши билан бирга фоиз ставкаси ҳам  $r_2$  гача кўтарилади, чунки фойданинг ўсиши пулга бўлган талабни кўпайтиради. Бир вақтнинг ўзида фоиз ставкасининг юқорилиги чет эл капиталини оқиб киришини фаоллаштиради, актив сальдо ҳисобини ошишига ва умуман тўлов балансини яхшиланишига олиб келади.




3 – расм. Қатъий белгиланган валюта курсида солиқ-бюджет сиёсати.

Давлатга чет эл капиталини кириб келишининг кучайиши миллий валюта курси ошишига олиб келади. (3 - расм). Валюта курсини белгиланган  $e_2$  даражада ушлаб туриш учун Марказий

Банкдан интервенция қилишни талаб этади (чет эл валютасини сотиб олиб, миллий валютани сотиш), бу ўз навбатида пул массасини ошишига олиб келади. Пул таклифини кўпайиши LM чизиғини ўнгга силжитади ва фоиз ставкасини тушишига олиб келади. Бу ҳолат ички фоиз ставкасининг жаҳондаги фоиз ставкаси билан тенглашгунча давом этади.

Шундай қилиб, қисман очик иқтисодиётда белгиланган валюта курси шароитида фойда даражаси ( $Y$ ) рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати натижасида, ёпиқ иқтисодиётдагига нисбатан юқори даражада ўсади. Бу давлат ҳаражатларининг фойда даражасига таъсирини пул массаси ошиши эффекти орқали таъсири билан изоҳланади<sup>31</sup>.

**Пул-кредит сиёсати.** Белгиланган валюта курси шароитида рағбатлантирувчи кредит – пул сиёсатини кичик очик иқтисодиётга таъсирини кўриб чиқсак. Пул таклифининг кўпайиши LM чизиғини  $LM_2$  гача ўнгга силжишини англатади (4– расм). Натижада фоиз ставкаси пасаяди, бу инвестицияларни кенгайтишига ва фойданинг ошишига олиб келади. Шунинг билан бирга, ички фоиз ставкаларини жаҳондагига нисбатан пасайиши ( $r_1 < r^*$ ) (4 – расм) капитални давлатдан чиқиб кетишига ва тўлов балансини дефицитини (камомадини) ҳосил бўлишига олиб келади.



**4-расм. Қатъий белгиланган валюта курсида пул-кредит сиёсати.**

Капитал чиқиб кетиши ва тўлов баланси дефицити чет эл валютасига бўлган талабни кўпайтиради ва миллий валюта курсини пасайишига олиб келади. (4 – расм). Агарда марказий банк миллий валюта курсини белгиланган даражада ушлаб турмоқчи бўлса валюта интервенциясини ўтказиши лозим бўлади (чет эл валютасини сотиб, миллий валютани харид қилиш). Натижада пул массаси қисқаради. Оқибатда LM чизиғи чапга  $LM_1$  ҳолатига қайтади. Пул массаси ҳажмининг қисқариши билан фоиз ставкаси кўтарилади ва капитал чиқиб кетиши тўхтаб қолган. Маълум вақтдан сўнг иқтисодиёт аввалги ҳолатига қайтади. Рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати орқали пул массасининг ўсиши фойдага таъсир этмасдан тўлов баланси орқали, «ўтиб кетади». Шундай қилиб белгиланган валюта курсида кредит-пул сиёсати самарасиз бўлиб қолади, чунки пул массасини кўпайтиришга бўлган ҳаракатлар валюта бозоридаги интервенция орқали чекланади (нейтраллаштирилади).

<sup>31</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

Энди *сузиб юрүвчи валюта курсида* макроиктисодий сиёсат оқибатлари таҳлиliga тўхталамиз. Бу шароитда Марказий Банк валюта бозори фаолиятига аралашмайди, яъни миллий валюта курси (соф экспорт миқдорига  $NX$  ҳам) тўлов балансидаги тебранишлар бартараф этилмагунча ўзгаришига йўл қўйиб беради. Бундай шароитда Марказий Банкнинг валюта резерв ва пул базасининг ўлчамлари ўзгармай қолади. Бошқача қилиб айтганда агарда давлатда сузиб юрүвчи валюта курси қабул қилинса тўлов балансининг тенглашиши давлат аралашувисиз автоматик тарзда содир бўлади.




5 – расм Сузувчи валюта курсида солиқ-бюджет сиёсати.

*Солиқ – бюджет сиёсати.* Кичик очик иқтисодиётга асосланган иқтисодиётда сузиб юрүвчи валюта курси давлат томонидан олиб борилаётган солиқ-бюджет сиёсатига қарши ишлайди ва давлатнинг барча ишлари самарасини йўққа чиқаради. Мисол тариқасида рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати оқибатларини кўриб чиқсак (5 – расм). Давлат томонидан товар ва хизматларни харид қилиниши кўпайиши жами талабни оширади (IS чизиғини  $IS_2$  гача силжитади). Даромадларнинг ошиши бир вақтнинг ўзида фоиз ставкаларини  $r_2$  даражага ўсишига олиб келади (3.5 (а) – расм). Бу капиталнинг кириб келишини ва мусбат тўлов балансини ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Сузувчи валюта курси миллий валюта қиймати тўлов баланси сальдосини тенглаштириш учун ўсади.

Валюта курсини ўсиши оқибатида соф экспортнинг  $NX$  камайишига олиб келади. IS чизиғи чапга силжийди. Валюта курси ўсиши ва соф экспорт ҳажмининг камайиши тўлов балансини актив сальдоси мавжуд вақтда, яъни ички фоиз ставкаси жаҳондаги даражадан юқори бўлган вақтда, тенглашмагунча давом этади. Тенглик бошланғич нуқтада қарор топади (3.5 (а) – расм), лекин шунинг билан бирга валюта курси ўсади (3.5 (б) – расм). Давлат ҳаражатларининг ўсиши натижасида даромаднинг ўсиши соф экспортнинг қисқариши билан мувозанатлаштирилади, натижада сузувчи валюта курси шароитида солиқ-бюджет сиёсати самарасиз бўлиб қолади.

*Пул – кредит сиёсати.* Фараз қилайлик Марказий Банк рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсатини олиб бориш натижасида пул таклифини кўпайтирди. Пул массасининг ошиши ялпи талабни ошишига олиб келади (LM чизиғи ўнгга  $LM_2$  гача силжийди) ва фоиз ставкасини  $r_2$  даражасигача пасайтириши натижасида инвестициялар ўсиши ва даромаднинг кўпайишига сабаб бўлади (6 – расм). Фоиз ставкаси пасайиши оқибатида капитал чиқиб кетиши кучаяди ва натижада тўлов баланси камомади ортади.



**б-расм. Сузувчи валюта курсида пул-кредит сиёсати.**

Сузувчи валюта курсида тўлов баланси дефицитини (камомадини) олдини олиш учун миллий валюта курсини пасайтириш лозим (3.6 (б) – расм). Марказий Банк валюта бозори фаолиятига аралашмаслигини ва алмашув курсини эркин тебранишига йўл қўйишини ҳисобга олсак, валюта курсининг қадри пасайиши соф экспортни кўпайишига ҳамда жами талаб ва даромаднинг ўсишига олиб келади.

Даромаднинг ўсиши пулга бўлган талабнинг кўпайишига ва фоиз ставкасининг ошишига олиб келади. IS эгри чизиғи ўнгга учта график бир нуқтада кесишмагунча силжийди, яъни миллий фоиз ставкаси жаҳонники билан тенглашмагунча давом этади. Шу нуқтага етганда капитал оқиб кетиши ва валюта курси пасайиши тўхтайдди. Демак, сузувчи валюта курси шароитида пул-кредит сиёсати даромадга таъсир этиш нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади. Пул массасининг кўпайиши ва миллий валюта курси натижасида соф экспорт ўсади, натижада фойда ҳам маълум даражада ўсади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, пул массасининг ўсиши ташқи талабни рағбатлантиради. Ички фоиз ставкаси аввал пасаяди, кейин эса аста секин кўтарилиб аввалги ҳолатига келади. Бундан келиб чиқадики, фойда ўсишининг асосий манбаи инвестицияларнинг ўсиши эмас балки соф экспорт бўлиб қолади.

Кичик очик иқтисодиётда турли валюта курси режимларида макроиқтисодий сиёсатнинг учраши мумкин бўлган оқибатларини кўриб чиқдик. Олинган натижаларни солиштиришдан олдин, баъзи чекинишларга йўл қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Биринчидан тадқиқот мобайнида фақат иккита валюта курси режими – катъий белгиланган ва эркин сузувчи кўриб чиқилди. Реал ҳаётда валюта курсини бошқаришни бошқа бир қанча механизмлари ишлатилади, жумладан «бошқарилувчи сузиш», «валюта коридори» ва х.к. Аммо бу механизмларнинг барчаси кўриб ўтилган валюта курси режимларининг бир кўринишидир холос. Бундан келиб чиқади, биз кўриб чиққан макроиқтисодиёт сиёсати тамойиллари ҳақиқатга яқин бўлиб, баъзи бир қўшимчаларни киритган ҳолда валюта курслари режимларининг иқтисодий оқибатларини кўриб чиқишда фойдаланса бўлади.

Иккинчидан, макроиқтисодий сиёсатни тадбиқ этиш жараёнида валюта резервлари ҳажми, пул массаси базаси ва пул таклифи орасида катъий боғланиш бор деб фараз қилдик. Албатта, стериллаштириш орқали бу ўзаро боғлиқликни вақтинча узиш мумкин: валюта

резервлари ўзгарганда тескари тарафга Марказий Банкнинг ички активлари ҳажмини параллел равишда ўзгартириш орқали (ички давлат облигациялари, миллий тижорат банкларига ссудалар). Масалан Ўзбекистон Марказий Банки ўз резервидан 10 минг долларни сўмга сотса, миллий валюта таклифи камаяди. Шу билан бирга Марказий Банк шу суммага давлат облигацияларини сотиб олса, иқтисодиётда тўлов баланси мувозанатсизлиги шароитида нореал баланд ёки паст валюта курси сунъий равишда ушлаб турилади. Аммо тўлов баланси камомади шароитида мавжуд валюта резервлари билан стериллаштириш имкониятларини қўллаш чекланган бўлади, чунки маълум вақтдан кейин бу резервлар минимал тўлов даражага етиши мумкин. Тўлов баланси профицити пайтида эса Марказий Банк учун чекловчи сифатида ички кредит миқдори бўлади. Шунинг учун стериллаштириш сиёсатини вақтинчалик чора деб қараш мумкин.

Учинчидан, таъкидлаш лозимки, ўтказилган тадқиқотдан олинган натижалар макроиқтисодий сиёсат учун қисқа муддатли оқибатларга олиб келиши мумкин, яъни баҳоларнинг умумий даражаси ўзгармасдан қолади. Шунинг учун тадқиқотда биз томонимиздан қўлланилган қисқа муддатли мувозанат моделида қисман бўлсада, баҳоларни ўзгаришини ҳисобга олиш мумкин. Баҳоларнинг умумий даражаси (P) LM эгри чизиғи тенглиги таркибига киради. Баҳоларни ўзгартириш вақтида пул таклифи реал кўрсаткичларда (M/P) ўзгаради. Шунинг учун баҳонинг кўтарилиши LM эгри чизиғини чапга силжитади, пасайиши эса LM эгри чизиғини ўнгга силжитади.

Тўртинчидан биз кичик очик иқтисодиётни кўрган бўлсакда, Манделл-Флеминг моделида қўлланган тадқиқотнинг асосий тамойиллари ривожланган хўжаликларда макроиқтисодий сиёсатни таҳлил этишда ҳам фойдаланса бўлади. Йирик иқтисодиёт учун ёпиқ ва кичик очик иқтисодиётнинг жиҳатлари ҳосдир. Шунинг учун Манделл-Флеминг модели орқали олинган хулосаларни ёпиқ иқтисодиёт учун «IS-LM» модели бериладиган хулосалари билан тўлдириш зарур (жумладан, ички фоиз ставкаларини жаҳондагидан фарқ қилишини мумкинлигини эътиборга олиш керак)<sup>32</sup>.

Очик иқтисодиётдаги макроиқтисодий сиёсат бўйича тадқиқот натижаларини кўриб чиқсак. Асосий хулоса шундан иборатки, очик иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсат валюта курси режимига қаттиқ боғланган бўлади.

Солиқ бюджети сиёсати қатъий белгиланган валюта курси шароитида ялпи даромадга таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, солиқ-бюджет сиёсати фоиз ставкаларини ўзгаришига олиб келади ва натижада капитал кириши ёки чиқиб кетишига сабаб бўлади. Тўлов баланси сальдосининг актив ёки пасив бўлиши валюта интервенциялари орқали пул массасини ўзгартиришга олиб келади ва бу нарса солиқ-бюджети сиёсати эффектини кучайтириб кўрсатади. Сузувчи валюта курси шароитида тўлов балансидаги ўзгаришлар валюта курсига боғлиқ бўлиб, экспорт ва импортнинг ҳажмига таъсир қилиш орқали давлатнинг солиқ-бюджет сиёсатининг таъсирини нейтраллаштиради.

Солиқ-бюджет сиёсатининг самарадорлиги ҳам валюта курси режимига боғлиқдир. Қатъий белгиланган валюта курсида Марказий Банк пул массаси ҳажмини бошқариш сиёсатини эркин олиб бориш шароитига эга бўлмайди. Пул массаси ҳажмига ўзгартириш борасидаги ҳар қандай ҳаракат

---

<sup>32</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

фоиз ставкаси даражасини ўзгаришига олиб келади, бу ўз навбатида капитал ҳаракати ва тўлов балансида ўзгаришларга олиб келади. Ташқи мувозанатни тиклаш учун Марказий Банк пул массаси миқдорига тесқари йўналишда таъсир этишга мажбур. Агарда давлат қатъий белгиланган валюта курсини ушлаб туришдан чекинса солиқ-бюджет сиёсати макроиқтисодий бошқаришнинг самарали воситага айланади. Бу пул массасини кенгайтириш фоиз ставкасини пасайтириш ҳамда миллий валюта курсини тушириш каби қўшимча самарали воситалар орқали ҳам эришилади. Шундай қилиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин, самарали давлат иқтисодий сиёсати мавжуд таъсир этувчи инструментлар сиёсатнинг уйғунлигига боғлиқдир.

Валюта курси режимини танлаб олиш орқали давлат ички макроиқтисодий бошқарув воситаларини ҳам танлаб олган бўлади, ва аксинча, давлатнинг ички устивор ривожланиш йўналишларига (иқтисодий ўсиш, инфляцияни пасайтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва ҳ.к.) қаратилган сиёсатни амалга ошириш орқали мақсадга эришишда ҳар қандай ташқи иқодий сиёсат ёрдам бермаслигини ёдда тутиш лозим.

Р.Манделл ва М.Флемингдан сўнг оптимал валюта ҳудудлар назариясини такомиллаштиришга Америкалик профессорлар Стэнфорд университетидан Р.Маккиннон ва Пристон университетидан П.Кененлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар ушбу оптимал валюта ҳудудини белгиловчи тизимнинг иқтисодий хусусиятларига аниқлик киритишди. Бу борада тадқиқотни янада бойитишга бағишланган ишлари билан Ж. Инграмм, Г. Грубел, У. Корден, И. Ишиям ва К. Хамада ва бошқа олимлар валюта ҳудудида иштирок этиш афзалликлари ва камчиликларини, ҳамда ундаги иштирокини баҳолашни тадқиқ қилишган<sup>33</sup>.

Валюта ҳудудининг оптималлиги очиқ иқтисодиётда ички ва ташқи мувозанатни таъминлаш доирасида макроиқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Валюта ҳудудида иштирок этишнинг асосий камчилиги бўлиб, пул – кредит сиёсати мустақиллигининг йўқолиши ҳисобланса, афзаллиги пул нафлигининг ошишида намоён бўлади. Валюта ҳудудини ташкил этишда афзаллиги ёки камчилигини баҳолашда юқоридаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Ушбу мезонлар ўзаро боғлиқдир: масалан, иқтисодиётни ташқи савдо учун очиқлиги ички нархларнинг валюта курсига нисбатан эгилувчан бўлишига таъсир этади, ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати ва аъзо мамлакатларда бюджет устуворлиги нархларнинг эгулувчанлигини талаб этмайди, бюджет устуворлигининг амал қилиши ва шоклар оқибатидан ҳимоя қилади ва бошқалар. Бу эса оптималлик мезонлари ўртасида эндоген боғлиқлик борлигидан далолат беради. Дастлабки баҳолаш бўйича валюта ҳудудида иштирок этишни билдирган номзодлар мезонларга жавоб бермасида, ҳудудда иштирок этиш унинг иқтисодий тизимини талаб даражасига етгунча ўзгартириши мумкин.

Оптимал валюта ҳудудлар назариясида икки фундаментал камчилик мавжуд. Биринчи навбатда, бу меъёрий иқтисодий назария ҳисобланиб, мукамал валюта ҳудуди қандай бўлиши кераклигини тавсифлайди. Аммо унда, валюта ҳудуди оптималлигини баҳоловчи аниқ инструментлар таҳлили кўрсатилмаган. Бундан ташқари, мазкур назарияда зиддият мавжуд. Бир томондан валюта ҳудуди иштирокчилари валюта курсларини қатъий белгилаган катта бўлмаган очиқ иқтисодиётга эга бўлиши керак. Бошқа томондан, улар ташқи шокларга бардош беришлари

---

<sup>33</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.

учун ишлаб чиқаришни диверсификациялаган бўлишлари керак, бу эса йирик ёпиқ иқтисодиётга хос хусусиятдир.

Шундай қилиб, валюта ҳудудида иштирок этишни белгиловчи оптималлик мезонлари ўртасида мавжуд камчиликлар бу борада тадқиқотларни чуқурлаштиришни талаб этади.

## 6.2. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.

Молия – кредит ва валюта тизимининг юзага келиши ўзига хос тарихий воқеликка эга. Молиявий – валюта муносабатлари аввалига якка ҳолда намоён бўлиб, икки ёқлама келишувлар доирасида бўлиб тизимли кўринишга эга бўлмаган. Кейинчалик давлатлар кўп томонлама келишувлар туза бошлашган. Шу тариқа валюта молиявий муносабатлари миллий тизим чегарасидан чиқиб, ҳудудий ва жаҳон тизимларини ташкил этган. Маълумки, валюта тизими таркибий элементлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг қай йўсинда амал қилишига қараб бутун тизимга баҳо бериш мумкин бўлади. Валюта тизимининг элементларидан бири бўлиб, валюта муносабатларини тартибга солувчи органлар фаолияти ҳисобланади. Миллий валюта тизимида бу алоҳида давлат органлари бўлса, халқаро миқёсда бу вазифани халқаро молия институтлари амалга оширишади.

### Жаҳон валюта тизими эволюциясида тартибга солувчи институционал асослари

Даври	Валюта тизими	Институционал жиҳати
1867–1913 йиллар	Париж валюта тизими	Конференция (1867 йил)
1922– 1936	Генуя валюта тизими	Конференция (1922 йил) Халқаро ҳисоблар банки (1930 йил)
1944 – 1976	Бреттон Вудс валюта тизими	ХВФ (1944 йил)
1976-ҳозирга қадар	Ямайка валюта тизими	ХВФ (1944 йил) Конференция (1976)

Халқаро молия институтлари мамлакатлараро ташкил этилгани учун кўп томонлама манфаатларга хизмат қилади ва умумлашган ёки бирхиллашган қоидаларни ишлаб чиқади. Валюта тизими айнан шу қоидаларга мувофиқ шаклланади.

Тарихан тўртта жаҳон валюта тизими амал қилган ва уларнинг ҳар бирида валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи ташкилот фаолият олиб борган (9.1-жадвалга қarang).

Халқаро молия институтлари асосан, биринчи жаҳон урушидан кейин ташкил топа бошлаган. Бу халқаро ташкилотлар аъзо мамлакатларга қарз маблағларини тақдим этиш билан бирга жаҳон валюта тизимининг фаолият юритиш тамойилларини ишлаб чиқишади ва давлатлараро валюта муносабатларини тартибга солишади.

Халқаро молия институтлари хўжалик муносабатларининг жадаллашуви, глобализация жараёнининг ривожланиши, жаҳон иқтисодида кечадиган инқирозларни биргаликда ҳал этишга эҳтиёжнинг юзага келиши билан ташкил этила бошлаган.

Халқаро молия институтларини валюта муносабатларининг ривожланишига таъсир этишига қараб, икки гуруҳга бўлиш мумкин: бевосита валюта муносабатларини ривожланишини белгилаб берадиган ташкилотлар ва билвосита кўрсатадиган хизматлари орқали таъсир этадиган институтлар (9.1-расмга қarang).

**Халқаро ҳисоблар банки (ХХБ)** 1930 йилда Бельгия, Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британия ва АҚШ таъсисидида Базель шаҳрида ташкил этилган бўлиб, унга Биринчи Жаҳон урушини якунлаб берган Версаль шартномасига мувофиқ, Германия келтирган зарарларни қоплаш учун тўловларни тартибга солиш вазифасини юклатилган эди. Шунингдек, ХХБ марказий банкларни ҳамкорликда иш олиб боришларини таъминлаш керак эди. Банк номи ҳам шу вазифалардан келиб чиқиб қўйилган. 1930 йиллардаги молиявий ва иқтисодий инқироз марказий банкларни биргаликда фаолият олиб боришни талаб этар эди. Генуя валюта тизими тамойилларида асосида ташкил этилган валюта муносабатлари ХХБ га аъзо мамлакатлар марказий банкларининг доимий йиғилишларида тартибга солиб туриладиган бўлди.

Буюк депрессия ва сиёсий зиддиятларнинг ошиб бориши натижасида жаҳон валюта тизимининг инқирозга учрашига қарамасдан, марказий банклар учун Базелда ҳар ой йиғилиб, фикр алмашишлари учун шароит яратиб берилган эди. ХХБ марказий банкларга кенг қўллашдаги хизматларни кўрсатишда давом этиб, қисқа фурсатда ўз мавқеини мустаҳлаб олишга эришди ва иқтисодий тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйди.

Иккинчи жаҳон уруши давомида, Банк омон қилиши учун барча йиғилишларни тўхтатиб қўйди ва дахлсизлик тўғрисида декларацияни қабул қилди. Ушбу декларацияга мувофиқ, банк урушда қатнашаётган томонга бошқа мамлакатдан нисбатан устунлик қилишга ёрдам берувчи банк хизматларини тўхтатиб қўйди ва марказий банкларга ўз мажбуриятларни бажаришга кўмак бериш билан чекланди.

1944 йилда Бреттон Вудс конференциясида муҳокама қилинган масалалар қаторида ХХБни тугатиш ҳам ўрин олди. Конференция қарори асосида ташкил этилган ХВФ ва Жаҳон банкининг фаолият кўлами ХХБга нисбатан кенг қамровли бўлгани учун, танлов янги институтлар ҳисобига ҳал этилиши кутилган эди. Бунга қарши Европа марказий банклари ўз институтларини сақлаб қолиш фикрини қўллаб қуватлашди. Кейинчалик ХХБ Европа мамлакатларининг молиявий тикланишида ниҳоятда катта ўринга эга бўлди. Бундан ташқари, Совуқ Уруш даврида банк икки қутб ўртасида дахлсиз бўлган музокара майдони сифатида хизмат қилди.

ХХБнинг Иккинчи жаҳон урушидан 70 – йилларгача бўлган даврда марказий банклар билан ҳамкорлиги қатъий белгиланган курсда эркин алмаштириладиган валюталарга асосланган Бреттон Вудс валюта тизими манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. 1950 йилларда Европа Тўлов Иттифоқининг (European Payments Union, EPU) агенти сифатида Банк Европа мамлакатлари валюталарини эркин алмаштиришга эришишда техник жиҳатдан катта ёрдам берган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европанинг барча мамлакатларида валюта муносабатлари қатъий тартибга солинган эди, бу эса эркин савдони сезиларли чеклади. EPU унга аъзо мамлакатларда валюта чекловларини баратарф этиб, халқаро бозорда валюталарнинг эркин алмашувини таъминлаш мақсадида ташкил этилган эди. Бу тадбир Европа учун муваффақиятли кечиб, 1958 йилнинг охирига келиб, ҳудуд бўйлаб барча валюталар эркин конвертирланадиган бўлди.

1958 йилдан сўнг Бреттон Вудс валюта тизими 1944 йилда қабул қилинган тамойиллар асосида тўлиқ ишга тушди. Аммо тизимнинг самарали ишлаши учун мамлакатлардан ҳар томонлама ўзаро ҳамқролик талаб этилди. Бундай шароитда Банкнинг резерв валюталар (доллар ва фунт стерлинг) позициясини таъминлашдаги иштирокида янада ошди. Бунда Банк марказий банклар ўртасида, мавжуд тизимни ишдан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган инқирозлардан сақлаш мақсадида, мувофиқлаштирувчи фаолият олиб борди. Бу фаолият доирасига Олтин Пулни сақлаш, своп битимлар тармоғини ташкил этиш, фунт стерлинг алмашинувини таъминлаш каби вазифалар кирган эди. Катта ўнлик (G10) томонидан белгилаган бу вазифалар ҳисобига мавжуд тизимнинг 60 – йиллардаги олтин даврида иқтисодий ўсишни таъминлашга эришилди. Шундай

бўлсада, тизимнинг сақлаб қолиш имкони бўлди ва 1973 йиллардан бошлаб, эркин сузиб юривчи валюта курси даври бошланди.

Ўттиз йилдан ортиқ ХХБ Европада валюта интергация жараёнида яқиндан қатнашиб келган. Мазкур валюта тизими тамойиллар асосида қабул қилинган «валюта илони» режимини таъминлашда Банк техник жиҳатдан катта ёрдам кўрсатган. 1964 йилдан бошлаб, Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар марказий банларидан тузилган Бошқарув Қўмитасида интеграциянинг келгуси ишлари муҳокама этила бошлади ва 1979 йилнинг 13 мартида ХХБ бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда Европа валюта тизимини тўғрисидаги келишув имзоланди

Йигирманчи асрнинг охириги ўн йилликларида молия бозорларининг кенгайиши ва глобаллашуви кучайиши натижасида, марказий банкларининг ХХБ орқали ҳамкорлиги тобора ортиб борди. ХХБ валюта ва молиявий барқарорлигини таъминлашни икки йўналишда олиб боради:

- зарурат юзага келганда фавқулотда молиявий ёрдам кўрсатиш;
- халқаро молиявий тизими барқарорлиги ва банк назорати самарадорлигини таъминлашга қаратилган стандартларни ишлаб чиқиш бўйича мутахассисларни жалб қилиш.

ХХБ марказий банкларга қуйидаги валюта операцияларини тақдим этади:

- спот, своп, форвард, опцион ва форех бозоридаги депозитлар;
- хорижий валютанинг овернайт талабларини қондириш;
- Лондон, Берн ёки Нью Йорк молия бозорларига маблағларни жойлаштириш;
- спот, аутрайт, своп ва опцион шартлар асосида олтин олди – сотдисини амалга ошириш.

ХХБнинг жаҳон валюта тизимида катта аҳамиятга эга бўлсада, алоҳида мамлакатларга, яъни аъзо бўлмаган давлатлар жумладан, Ўзбекистонда валюта муносабатлари ривожланишида ўринга эга эмас. МДХ доирасида ХХБга биргина Россия аъзо бўлган. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистон валюта соҳасида ҳамкорлик қилаётган ва тўғридан – тўғри таъсирга эга ягона ташкилот бўлиб ХВФ ҳисобланади.

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)** валюта – молиявий соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминловчи ташкилот ҳисобланади ва ҳозирги пайтда 183 аъзолардан иборат. ХВФ Жаҳон банки билан бир вақтда 1945 йилда Бреттон Вудс конференцияси қарори билан ташкил этилган. Бошқа мавжуд молия институтларидан фарқли равишда ХВФ айнан валюта муносабатларини ривожлантириш, жаҳон валюта тизимининг ишлаш тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича фаолиятни таъминлаш, мамлакатларга валюта соҳасида турли хизматларни кўрсатишга қаратилган<sup>34</sup>.

ХВФнинг вазифалари асосий мақсадидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат:

- халқаро валюта – молиявий муаммолар устида биргаликда ва доимий иш олиб боровчи ташкилот доирасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- халқаро савдони кенгайиши ва ривожланишини иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади сифатида, аҳолини юқори бандлик даражасига эришиш ва даромадларини ошириш, барча аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантириш;
- валюталар барқарорлигини таъминлаш, аъзо мамлакатлар ўртасида тартиблашган валюта режимини қўллаш, рақобатда устунлик берувчи девальвацияни олдини олиш;
- аъзо мамлакатлар ўртасида жорий операциялар бўйича қўп томонлама ҳисоб тизимини ташкил этиш, ҳамда ташқи савдо ривожланишига тўсқинлик қилаётган валюта чекловларини бартараф этиш да кўмак бериш;

---

<sup>34</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

– миллий ва халқаро даражада зиён етказадиган тадбирлардан чекланган ҳолда, аъзо мамлакатлар тўлов балансини мувофиқлаштириш учун вақтинчага валюта маблағларини тақдим этиш;

– юқоридагиларга мос равишда аъзо мамлакатлар тўлов балансидаги ташқи мувозанатнинг давомийлигини қисқартириш ва бундай номувафиқликлар кўламини камайтириш.

ХВФ асосан, тўлов балансида вақтинча қийинчиликларга эга бўлган аъзо мамлакатларга бу қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган иқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини олиб бориш шарти билан валюта маблағларини қарз берувчи ташкилот сифатида маълумдир. 1995-2003 йилларда ХВФ ажратган кредитлар ҳажми кескин ошди. Бу ҳолатни шу йилларда Осиё, Лотин Америкаси ва Европадаги молия бозори ривожланаётган мамлакатлар кечирган иқтисодий ва молиявий инқирозни бартараф этишда Фонд иштироки кенгайгани билан изоҳласа бўлади.

Расмдан кўриб турганимиздек, чизикнинг ўсиш нуқтаси 1995 йилга тўғри келган, шу санадан бошлаб, кетма-кетликда аввал Мексика, кейинчалик Осиё мамлакатлари, 1998 йилда Россияда молиявий инқирозлар бўлган ва инқирозни чеклаш мақсадида ХВФ тўлов балансини молиялаштиришга қаратилган кредитлар ҳисобига расмда кузатилаётган динамика шу даврда кўтарилган.

ХВФ ҳукуматлараро ташкилотлар орасида ўзининг тартибга солувчи, маслаҳат ва молиявий функциялари билан ажралиб туради. Бундан ташқари ХВФ ўзига юклатилган вазифаларни сифатли бажариши учун бир қатор хизмат ва ахборот функцияларни амалга оширади:

– тартибга солувчи функция халқаро жорий операциялар билан боғлиқ тўловларда чекловларни англаувчи тадбирларга нисбатан ХВФнинг расмий ваколатини ўз ичига олади. Аъзо мамлакатлар VIII – моддага мувофиқ, ХВФнинг фаолияти учун зарур ахборот ва статистик маълумотларни тақдим этишлари мажбур;

– маслаҳат (консультатив) функциялар ташкилот зиммасига Бреттонвудс валюта тизими парчалангач юклатилган бўлиб, ХВФнинг жаҳон валюта тизими устидан назоратни амалга ошириш ва аъзо давлатлар сиёсатини тартибга солиш мажбурияти билан боғлиқ. Ушбу фаолият IV моддага мувофиқ, ўз ичига аъзо давлатлар ўртасида олиб борилаётган молиявий – иқтисодий сиёсатни ўзаро кузатишни олади ва жаҳон бозорларидаги ўзгаришларни доимий бохабар бўлиш имконини беради;

– молиявий функция ХВФнинг кенг кўламдаги фаолиятини ўз ичига олиб, тўлов балансини вақтинчалик молиялаштириш ва SDR ни бошқаришдан тортиб қашшоқ давлатларга кўп йиллик имтиёзли кредит тақдим этишгача бўлган масалаларни қамраб олади (V ва VI моддалар).

– хизмат ва кўшимча маълумот функцияси юқоридагиларга нисбатан ихтиёрий хусусиятга эга бўлиб, бунда ХВФ техник таъминот ва аъзо давлатларнинг молия ва иқтисодга оид статистик маълумотларини тўплаш, тадқиқотларни олиб бориш билан боғлиқ фаолият доирасида иш олиб боради.

Шундай қилиб, ХВФ нафақат бир мамлакат доирасидаги муаммолар ҳал қилиш, балки жаҳон валюта тизимининг самарали ишлашини назорат қилиш билан шуғулланади. ХВФ халқаро валюта – молиявий ҳамкорлик форуми вазифасини бажаради ва мамлакатлардаги валюта муносабатларининг халқаро ҳуқуқ меъёрлар ва келишувларга мос келишини таъминлайди. Бундан ташқари, ХВФ нафақат бир ёки бир гуруҳ давлатларни қамраган инқироз, балки бутун жаҳон валюта тизимига салбий таъсир этиши мумкин тебранишларга нисбатан доимий тайёргарлик ҳолатида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро валюта фонди (ХВФ)га аъзолик тўғрисида”ги қонунини қабул қилди.

Ўзбекистон 1992 й. 21 сентябрда ХВФга аъзо бўлиб кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 93-Ф рақамли 1993 йил 27 мартдаги Фармойишига мувофиқ республиканинг ХВФ имзо квотасига тўлов амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати билан келишган ҳолда Молия вазирлиги ва Марказий банк юқорида қайд этилган халқаро ташкилотлар олдидаги қарз маблағлар олиш, тўлов фоизларини бериш ва республика номидан қарз мажбуриятларини жойлаштириш билан боғлиқ молиявий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажаришни таъминлайди.

Ўзбекистонга ХВФнинг миссияси техник ёрдам кўрсатади. Ҳукумат, ҳамда Марказий банкка маслаҳат хизматларини кўрсатади. Миссиянинг фаолияти иқтисод, молия шўъбаси ва статистика соҳасидаги ишнинг аҳволини ўрганишга, шунингдек, кейинги иқтисодий ислохатлар йўналишини аниқлашга қаратилган.

ХВФ экспертларининг тадқиқотлари асосида аналитик материаллар ишлаб чиқилади, макроиқтисодиёт соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида тавсиялар тайёрланади ва Марказий банк фаолиятида ҳисобга олинади.

Бундан ташқари ХВФ билан битимнинг “Валюта тартибига нисбатан мажбуриятлар” моддасига мувофиқ Фонд миссияси бир йилда камида бир марта Ўзбекистондаги жорий макроиқтисодий ва валюта сиёсати таҳлилини ўтказди. Миссия иши натижалари бўйича тегишли ҳисобот тайёрлаш билан бирга ХВФ ижрочи директорлари кенгаши муҳокамасига олиб чиқилади.

Халқаро Валюта Фонди экспертлари билан биргаликдаги ҳамкорлик ва ишлаш муайян ижобий натижаларни берди.

ХВФ банк қонунчилигини, бухгалтерияни ҳисобга олиш ҳисоб рақамлари янги режасини халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқишга, шунингдек ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг янги тизимини жорий этишга кўмаклашди, бу банк назорати самараси ва меъёрий негизи даражасини ошириш имконини берди. ХВФнинг техникавий кўмаги туловлар электрон тизимини жорий этиш ва статистик маълумотлари йиғиш тизимини яхшилашга ёрдам берди.

Бундан ташқари ХВФ ўқув муассасаларининг молиявий кўмаги билан давлат муассаса (Молия Вазирлиги, Макроиқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банк) ходимлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этади.

ХВФ кредитлари миллий валютани қўллаб-қувватлаш, тўлов балансини мустаҳкамлашга ажратилди ва бевосита Ўзбекистон ҳукуматига берилади. 1995 йил 25 январда ХВФ Ўзбекистон Республикасига тизимли қайта қуриш ҳукумат дастури доирасида биринчи маблағ ажратишни тасдиқлади, уни республика 1995 йил 1 февралда олди ва Ўзбекистон Республикаси валюта биржасидаги сотув йўли билан миллий валютани қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Асосий қарзни узиш 5,5 йилга мўлжалланган эди (1999-2005 й).

Иккинчи транш бўйича маблағ 1995 йил декабрда олинди, у ҳам миллий валютани қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

1995 йил 18 декабрда ХВФ Ўзбекистон Республикасига “Стенд-бай” кредитини берди, у 1995–1996 йиллардаги иқтисодий ислохатлар ҳукумат дастурини қўллаб-қувватлаш учун ХВФдаги Ўзбекистон Республикаси квотасининг 62,5% микдорида 15 ойга мўлжалланган. Маблағнинг қолган қисми ҳар уч ойликда 5 та тенг улушларда 1966 йил ва 1997 йил биринчи уч ойлигида ажратилди. Марказий банкнинг ХВФ билан ҳамкорлиги пул-кредит ва валюта сиёсати соҳасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида”ги 1998 йил 18 мартдаги 118 қарори билан иқтисодий ислохатларни янада ривожлантириш мақсадида валюта ва савдо тизимини янада эркинлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишга атрофлича ёндошишни ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи тузилди. Унинг зиммасига ташқи савдоси тартибга келтиришни янада яхшилаш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш, валюта тизимини эркинлаштириш ва жорий операциялар бўйича миллий

валютани алмаштиришига эришиш ҳамда бир маромдаги алмашинув курсини белгилаш, шунингдек ХВФ билан ҳамкорликка ёндошиш ва унинг тамойиллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юклатилди.

Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган аналитик таклифларда ўз вақтида амал қилаётган валюта ва савдо тартибларини ўзига хос томонлари таҳлили ўтказилган. Бундан ташқари, ҳужжатда халқаро ташкилотлар томонидан эркинлаштириш бўйича тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари муҳокама этилади, шунингдек, жорий халқаро операциялар бўйича алмаштирилиши тўғрисидаги ХВФ билан битимнинг VIII моддаси қабул қилиниши истиқболи ҳам кўриб чиқилади.

Шу билан бирга эркинлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш қисқа муддатлар ичида бир қатор нохуш вазиятларга, шу жумладан инфляция ўсишига, пул-кредит ва бюджет тизимига қисқа вақтга бўлса ҳам тазйиқ ўтказилишига, шунингдек баъзи корхоналарда вақтинчалик молиявий қийинчиликлар бўлишига олиб келиши мумкинлиги маъқулланади. Уларни минималлаштириш мақсадида эркинлаштириш ва расмийлаштириш курсини тўғрилаш билан бир вақтда, келишиб олинган тартибда пул-кредит ва бюджет сиёсатини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган.

Ўзбекистонда ХВФ ходимлари назорати остида амалга оширилган дастур доирасида 2002 йилда иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандум қабул қилинди ва унинг бажарилиши билан 2003 йилда жорий операциялар бўйича чекловларни олиб ташлашга эришилди.

Валюта муносабатларининг ривожланишида бошқа институтлар ҳам алоҳида ўрин тутади, аммо уларнинг таъсири тўғридан – тўғри бўлмасада, у ёки бу соҳани ривожлантиришга қаратган тадбирлари, молиялаштириш дастурлари ва инвестицион лойиҳалари орқали таъсири сезилиши мумкин. Шулар жумласига, Умумжаҳон савдо ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, ЕврОсиё тараққиёт банкни киритиш мумкин.

**Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ)** 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, 1948 йилда қабул қилинган Тариф ва Савдо бўйича Бош келишув (ГАТТ)нинг давомчиси ҳисобланади. УСТ нинг асосий мақсади аъзо мамлакатларда ўзаро ташқи савдо операциялар уйғунлигини таъминлаш ва камситувчи (дэмпинг) сиёсатни тартибга солишдан иборат<sup>35</sup>.

Маълумки, ташқи савдонинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан мамлакатда ўрнатилган валюта муносабатларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун УСТ аъзо бўлаётган мамлакат одига ХВФ талаблари бажарилишини илгари суради.

Ўзбекистон 1994 йилда УСТга кириш учун ариза берган ва 1995 йилдан бошлаб, ташкилот талаблари бажарилишини кузатиб борувчи гуруҳ ташкил этилган. 1998 йил сентябрида УСТ котибиятига Ўзбекистоннинг ташқи савдо режими тўғрисида Меморандум тақдим этилган.

**Европа тикланиш ва тараққиёт банк (ЕТТБ).** Ўзбекистон ЕТТБга 1992 йилда, банк акцияларининг собиқ иттифоқ республикалари ўртасида тақсимлангандан сўнг аъзо бўлади, 1993 йилда биринчи лойиҳа амалга оширилади.

ЕТТБ Ўзбекистонда ўз фаолияти етгита йўналишини белгилади. Булар қуйидаги соҳаларни ривожлантиришга қаратилади:

- молия сектори ва банк инфратузилмаси;
- кичик ва ўрта корхоналар;
- бозор инфратузилмаси;
- энергетика мажмуаси;
- пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари;
- сайёҳлик инфратузилмаси;

---

<sup>35</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

– табиий ресурсларни ўзлаштириш.

ЕТТБнинг асосий мақсади Собиқ Иттифоқ парчаланиши натижасида жаҳон майдонларига чиққан янги ривожланаётган мамлакатларда бозор ислохотларини амалга оширишга ёрдам беришдан иборат. ЕТТБ мамлакатда инвестиция лойиҳани амалга ошириш эkan қарз олувчи олдига бир қатор талабларни қўйяди. ЕТТБнинг бундай талаблари қаторида валюта масалалари ҳам алоҳида ўрин олган. Банк мамлакатда кечаётган ислохотларни доимий кузатиб боради.

**Осиё тараққиёт банки (ОТБ).** 1993 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси томонидан ОТБга аъзо бўлиб кириш учун расмий ариза берилди, унга кўра 1993 йил 6 августда ОТБ бошқарув кенгаши Ўзбекистон аъзоликка қабул қилиш ҳақида резолюция (266) қабул қилди.

1995 йил 29 июнда ЎЗР Президентининг «Ўзбекистоннинг Осиё Тараққиёт Банки»га аъзо бўлиб кириши тўғрисида»ги Фармони (ПФ №1199) чиқди.

ОТБ ҳам ЕТТБ каби асосий эътиборни бозор ислохотларини амалга оширишга қаратадиган ташкилот ҳисобланади. Ушбу ташкилот БМТнинг таклифи билан Осиё ва Тинч океани ҳудудида жойлашган мамлакатларни ривожлантириш ва камбағалликка қарши фаолият олиб бориш учун ташкил этилган.

Умуман олганда Банкнинг фаолияти валюта муносабатларига таъсирини эътироф этиш қийин, чунки ташкилотни валюта соҳасидаги масалалар қизиқитрмайди.

ОТБ нинг Ўзбекистонда валюта муносабатларига ривожланишига таъсир этиш имкониятларини Банк томонидан умумий бўлган валютани 2006 йилда муомалага чиқаришга режалаштирилаётганлиги орқали ифодаласа бўлади<sup>36</sup>.

Ушбу тадбирнинг биринчи босқичи 2006 йилда нақдсиз шаклда АСУ ҳисоб бирлигини киритишдан бошланиши керак эди. Ушбу валютанинг курси валюталар саватига киритилган валюта қимматликлари асосида аниқланиб, ушбу саватга Хитой, Жанубий Корея, Япония ва АСЕАН га аъзо 10 мамлакат валютаси киритилган<sup>37</sup>.

ХВФ мутахассислари ва Вашингтон ҳукумати ҳозирги пайтда бу валютанинг таъсирини таҳлил қилмоқда. Хитой, Янги Тайван ва Гонг Конг валюталари иштирок этган ҳар қандай валюта саватининг барқарор бўлиши шубҳасиз, АСУнинг айнан шу жиҳати жоиз бўлса, АҚШ долларини ортда қолдириши мумкин дея эътироф этилмоқда<sup>38</sup>.

Ўзбекистоннинг Осиё тараққиёт банкига аъзолигини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакат валюта захирасида бу каби валютанинг пайдо бўлиши валюта девирсификациясини амалга ошириш имкониятини янада кенгайтишига хизмат қилиши мумкин.

### **6.3. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Маълумки, ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз дунёнинг етакчи ва энг йирик молиявий ташкилотлари сафига қўшилмоқда. Ушбу ташкилотлар билан амалга оширилган лойиҳалар, улар томонидан ажратиб келинган ва келинаётган молиявий ресурслар мамлакатимиз иқтисодиёти ва бошқа секторларининг ривожига хизмат кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигининг бошланиши сифатида 1992 йилда амалга оширилган ишларни келтириб ўтиш мумкин. Айнан шу йилда мамлакатимиз дунёнинг энг йирик ва нуфузли халқаро молиявий ташкилотлари, Халқаро

<sup>36</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

<sup>37</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.

<sup>38</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

валюта фонди ва Жаҳон банки гуруҳи таркибига кирди. Ушбу интеграциялашув мамлакатимизда иқтисодий соҳасида амалга ошираётган ислохотлар учун янги йўллари очиб берди. Ўзбекистон ва халқаро молиявий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи сифатида мамлакатимизнинг митақадаги энг йирик молиявий ташкилотлар, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиб киришида намоён бўлди.

Республикамизга, ҳозирги кунга келиб асосий молиявий маблағларни ажратиб келаётган молиявий ташкилотлар ичида Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки гуруҳига кирган ташкилотлар алоҳида ўрин эгаллайдилар. Шунинг учун мамлакатимизнинг халқаро молиявий ташкилотлар билан молиявий муносабатларини таҳлил қилар эканмиз, айнан шу икки халқаро молиявий ташкилотларнинг мамлакатимиз билан алоқаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон барқарор ўсишга эришди, камбағаллик даражасини кескин пасайишига эришди ва жаҳон молиявий инқирозини енгиб ўтди.

### **Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи**

Мамлакатимиз Жаҳон банки таркибига 1992 йилда кирган бўлиб, ҳозирги кунга қадар ушбу молиявий ташкилот билан ҳамкорликда 23 лойиҳани имзолашга эришди. Ушбу лойиҳаларни имзолаш жараёнида Жаҳон банки гуруҳи томонидан Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар чуқур таҳлил этиб борилди.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий барқарорликка эришиш борасидаги дадил қадамлар Жаҳон банки гуруҳи томонидан ижобий баҳоланиб, давлатимизнинг рейтингини ошишига ва ажратилаётган кредитларни йўналишини ўзгаришига ҳамда лойиҳаларни кўпайишига олиб келди.

Лойиҳалар Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро ривожланиш ассоциацияси томонидан молиялаштирилган бўлиб, имзоланган 23 лойиҳадан 13 таси ҳозирги кунга келиб яқунланган бўлса, қолган 10 та лойиҳа ҳозирги кунда ҳам амалда. Ҳамкорлик даври давомида яқунланган лойиҳаларнинг умумий қиймати 549 млн. АҚШ долларига тенгдир.

Ҳозирги кунга қадар яқунланган лойиҳалар, асосан, инсон ресурсларини бошқариш ва ижтимоий муҳофазани кучайтириш, энергетика соҳасини такомиллаштириш ва қишлоқ худудларида иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат.

### **Жаҳон банки гуруҳи томонидан молиялаштирилган ва ниҳоясига етган лойиҳалар**

№	Лойиҳалар	Ажратилган маблағ (АҚШ доллариди, млн.)
1	Институционал ривожланиш	21
2	Иқтисодий қайта тиклаш	160
3	Пахтачилик соҳасини модернизациялаш	66
4	Иқтисодийнинг институционал ривожланиши 1	25
5	Саломатлик 1	30
6	Иқтисодийнинг институционал ривожланиши 2	28
7	Тошкент шаҳрини чиқиндилардан тозалаш	24
8	Давлат молия бошқарувидаги ислохотлар	0,9
9	Шаҳар транспортининг янгиланиши	29

10	Қишлоқ хўжалиги ҳудудидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш 1	36
11	Қишлоқ хўжалиги ҳудудида сув таъминотини яхшилаш	75
12	Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг сув таъминотини яхшилаш	40
13	Таълим 1	15
	Жами	549

Жаҳон банкининг республикамиз иқтисодиёти учун ажратган молиявий маблағлари мамлакат иқтисодий ривожланиши, ЯИМнинг ўсиши, иқтисодиётнинг модернизациялашувига қаратилган бўлиб, қуйидаги асосий тўрт йўналиш доирасида ифодаланган:

- иқтисодий ўсиш учун замин яратиш;
- қишлоқ ҳудудида иқтисодий ривожланишни таъминлаш;
- инсон ресурслари тараққиётини ва ижтимоий муҳофазани таъминлаш;
- атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва у билан боғлиқ рискларни бошқариш.

Ҳозирги кунда амалда бўлган лойиҳаларнинг умумий суммаси 630 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, лойиҳалар асосан инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, жами 10 лойиҳа доирасида молиялаштирилиб келинмоқда.

#### **Жаҳон банки гуруҳи томонидан ҳозирги кунда Ўзбекистонда молиялаштирилиб келинаётган лойиҳалар**

№	Лойиҳалар	Ажратилган маблағ (АҚШ доллариди, млн.)
1	Қишлоқ хўжалиги ҳудудидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш 2	68
2	Дренаж ва ирригацион тизимларни янгилаш	60
3	Саломатлик 2	40
4	Иккинчи умумий таълим	28
5	Фарғона сув ресурсларини бошқариш	66
6	Бухоро ва Самарқанд оқава сув тармоқларини модернизациялаш	55
7	Саноат корхоналарида энергия қувватларидан фойдаланиш самарасини ошириш	25
8	Сирдарё сув таъминотини яхшилаш	88
9	Толимаржон иссиқлик электр станциясини қуриш	110
10	Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш	93
	Жами	632,5

Ўзбекистон Республикасига киритилган дастлабки маблағ – Техник ёрдам ва мамлакатда ташкилотларнинг барпо этилишига бағишланган эди. Киритилган сумма 21 млн.

АҚШ долларига тенг бўлган бўлиб, бу лойиҳа 1994 йилдан 2000 йилгача давом этди. Лойиҳанинг асосий мазмуни иқтисодий ислохотларнинг олиб борилишига кўмаклашишдир, инфратузилмани ривожлантириш, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва албатта ижтимоий муҳофазани таъминлаш кирган эди<sup>39</sup>.

Ушбу лойиҳанинг мантикий давоми сифатида 1995 йилда 160 млн. АҚШ долларига тенг янги кредит ажратилди.

Мамлакатимизга ажратилган навбатдаги кредит 1994 йилда имзоланиб, лойиҳа 2002 йилда ниҳоясига етгунича ажратилиб келинди. Ажратилган сумма 66 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у пахта етиштирилишини ривожлантириш, техник заминини яхшилашга қаратилиши билан бирга атроф муҳитни заҳарлашга қарши ҳам етарлича эътибор берди.

Эътибор берадиган бўлсак, Жаҳон банки гуруҳининг аксарият ажратмалари атроф муҳитни тозалигини сақлашга эътибор берди. Хусусан сув тозалигини сақлашга, айнан шу соҳадаги дастлабки қадам 1992 йилда қўйилди. Имзоланган лойиҳа “Сув таъминотини яхшилаш” деб аталди ва у амалга ошириладиган ишларнинг дебчаси бўлди, деб айтсак муболаға бўлмас. Ажратилган сумма 5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Ундан сўнг 1997 йилда “Сув ва санитария” мавзусидаги лойиҳа доирасида 75 млн. АҚШ доллари ажратилди. Лойиҳа 2008 йилда тугатилди. Бунга қўшимча тарзда 2001 йилда яна бир лойиҳа доирасида 36,14 млн. АҚШ доллари берилди.

1998 йилнинг 21 майдан бошлаб эса Тошкент шаҳрида тупроқнинг шўрланишига қарши чора-тадбирларга бағишланган лойиҳа имзоланди, у 8 йил давом этиб, унинг доирасида 24 млн. АҚШ доллари банк томонидан инвестиция сифатида киритилди.

Дастлабки бобда таъкидлаб ўтилганидек, банкнинг асосий мақсадларидан бири дунёдаги инсонларнинг соғлиғини яхшилаш, айнан шу мақсадда 1998 йилда мамлакатимиз билан “Саломатлик-1”, 2004 йилда эса “Саломатлик-2” лойиҳалари имзоланди. Дастлабки лойиҳа доирасида 30 млн. АҚШ доллари ажратилган бўлса, иккинчисида 40 млн. АҚШ доллари ажратилди. Лойиҳаларнинг асосий мақсади сифатида – соғлиқни сақлаш ташкилотларининг техник базасини яхшилаш ва тажрибали кадрларни етиштириш бўлди. Дарвоқе, “Саломатлик-2” дастури 2010 йилнинг июнигача давом этди.

Иқтисодий соҳани янада ривожлантириш учун банк томонидан 1998 йилда 28 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа, 1999 йилда эса 25 млн. га тенг лойиҳа имзоланди. Ушбу лойиҳалар – Халқаро ривожланиш ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида имзоланди. Уларнинг асосий мақсади:

- иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш;
- тижорат банклари орасидаги рақобатни кучайтириш;
- банк соҳасида инновацион фаолиятни уйғотиш.

Янги асрга қадам қўйилганидан кейин ҳам Жаҳон банки гуруҳи ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси орасидаги муносабат сусаймади. Эндиликда банк кўпроқ ижтимоий соҳаларга эътиборини кучайтирди. Хусусан 2000 йилнинг майида 29 млн. АҚШ долларига тенг Транспорт соҳасини ривожлантиришга бағишланган лойиҳа имзоланди. Унинг натижасида Самарқанд, Наманган, Бухоро, Нукус, Олмалиқ шаҳарларида транспорт таъминоти яхшиланди.

---

<sup>39</sup> Keith S. Taber., *Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research*. Springer., UK, 2013, English.

Таълим соҳасига 2006 йилда имзоланган лойиҳа натижасида 15 млн. АҚШ доллари ажратилди. Бу пуллар юқори синфларда ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилди. Лойиҳа 2009 йилнинг июнигача давом этди. Лойиҳанинг Ўзбекистон томонидан иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги бўлди.

Банк янги соҳаларга кириб боришига қарамай, олдиндан ишлаб келган соҳаларни ҳам унутмади, яъни 2002 йилда “Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сув таъминотини яхшилаш” лойиҳасига 40 млн. АҚШ доллари ажратилди. Ушбу лойиҳа Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг сув таъминот хизмати томонидан амалга оширилган бўлиб, келажакда лойиҳанинг давоми ҳам молиялаштирилиши кутиляпти. Бундан ташқари Дренаж, ирригация ва мелиорация тизимларини яхшилаш учун 128 млн. АҚШ доллари тенг лойиҳа ишга тушди. Бу лойиҳа икки босқичли бўлиб, унинг биринчи босқичи доирасида 60 млн. АҚШ доллари берилиши мўлжалланган бўлса, 2008 йилда бошланган иккинчи босқичида яна 68 млн. АҚШ доллари ажратилади. Ҳар иккала лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилди.

Юқорида таъкидланган техник ёрдам ва кредитлардан ташқари Жаҳон банки гуруҳи мамлакатимизга грантларни ҳам ажратиш билан шуғулланиб келмоқда.

4-жадвал маълумотларига асосан ажратилган грантларнинг энг каттаси Иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлиliga ажратилган, ажратилган сумма 414 млн. АҚШ доллари тенг бўлиб, у мамлакатимизнинг Иқтисодий тадқиқотлар марказига ажратилган. Ушбу дастурнинг асосий мақсади – иқтисодий ўзгаришларни назарий асосларини баҳолаб бориш, уларни таҳлил қилиш ва шу билан шуғулланувчи ташкилотларнинг маъмурий техник базасини яхшилаш.

Иккинчи грант миқдори 410 млн. АҚШ доллари тенг бўлиб, у ҳам назарий асосларни такомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, статистик тизимини янгилашга йўналтирилган.

8-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳон банки томонидан 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистонга ажратилган кредитларнинг аксарият қисми ўзлаштирилган ва ҳозирги кунга келиб қолдиқ баланси 592,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади. банки томонидан молиялаштирилган лойиҳалар ҳам қамраб олинган.

Бу жаҳон банки экспертларининг ҳисобларига қараганда жуда яхши кўрсаткич бўлиб 2012 йил давомида, яъни лойиҳадар айнан шу йилни ҳам қамраб олади, уларни ўзлаштиришга имкониятлар мавжуд. Чунки, Президентнинг молия соҳасига тегишли 1438 сонли, саноатни ривожлантиришга оид 1442 сонли, инфратузулма, транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш 1446 сонли ва тизимли ўзгаришларни жадаллаштиришга йўналтирилган 1464 сонли фармонларини амалга ошириш учун Жаҳон

Бундан ташқари монополияга қарши курашга бағишланган дастур учун ва пенсия тизимидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида грантлар ажратилган.

Жаҳон банки гуруҳи ташкилотлари томонидан ажратилган пул маблағлари асосан ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга тақсимланди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ажратилган маблағлар мамлакатнинг кўпгина воҳаларида ҳолатнинг бир мунча яхшиланишига замин яратиб берди.

Жаҳон банки гуруҳи инвестициялари натижасида қуйидаги ижобий натижалар юзага келди:

- Қорақалпоғистон Республикаси худудида 44 000 га яқин инсонлар тоза сув билан таъминланди. 800 000 га яқин кишиларнинг ҳар куни истеъмол қиладиган сувлари эса ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан яхшиланди.
- Республиканинг 90% аҳолиси сув таъминотига эга бўлди. Шу пайтнинг ўзида деярли 80% инсонлар сув таъминотидан қониқиш ҳосил қилдилар.
- Ирригация тармоқларининг яхшиланишидан деярли 5000 та фермер ўз ишини яхшилаш имконига эга бўлди.
- 50 га яқин фермерлар янги, замонавий ускуналарни сотиб олиб, ўзининг иш даражаларини анчагина яхшилаб олдилар.
- 2300 поликлиника янгидан иш бошлади.
- 11 млн.га яқин чекка тумандаги кишилар замонавий ва сифатли медицинага эга бўлди.
- Касалликларнинг сони камайди.

#### **6.4. ЕВРОПА ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИКЛАНИШ БАНКИ ВА ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ.**

Ривожланаётган Осиё мамлакатлари ҳудудий халқаро банкни тузишга Марказий Африка Тараққиёт Банки (МАТБ) ва Африка Тараққиёт Банки (АФТБ) тузилгандан кейин астойдил ҳаракат қила бошлади. Осиё тараққиёт банкни (ОТБ) тузиш ҳақидаги аниқ таклиф 1963 йил сентябрида БМТнинг иқтисодий комиссияси томонидан берилди. Комиссия банк ҳудудий иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим инструменти бўлади деб умид қилган эди. Бу таклиф 1963 йил декабрида Манилада бўлиб ўтган Осиё ҳамкорлиги бўйича министрлар конференциясида қўллаб-қувватланди ва конференция ЭКАДВ Ижроия котибиятига ОТБни тузиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни илтимос қилди.

Натижада, Ижроия котибияти экспертлар гуруҳини ташкил қилди ва бу гуруҳга йирик мутахассислар жалб қилинди. ОТБ Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) ва МАТБ тажрибаларига асосланган ҳолда тузилди. Таъсисчилар ОТБнинг бир томондан ХТТБ билан, иккинчи томондан миллий банклар билан алоқасини кўзда тутган эди. Осиё мамлакатларига кўп томонли ёрдам кўрсатиш тизимини ХТТБ бошқариши керак эди.

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) - Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ривожланиш лойиҳалари учун узоқ муддатга кредит ажратиш билан шуғулланадиган йирик давлатлараро молия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Банк 1965 йилда ташкил топган, унинг бош қароргоҳи Манила шаҳри (Филиппинлар)да жойлашган. ОТБни тузишдан мақсад - Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беришдан иборат.

Токиода имзоланган ОТБ тўғрисидаги битимга кўра бу молиявий ташкилотнинг функциялари МАТБ функцияларига ўхшаш. Банк Осиё-Тинч океани ҳудуди (ОТОХ) мамлакатлари ҳудудий ҳамкорлигини, иқтисодий ривожланишини таъминлаши, аъзо мамлакатларга молиявий, иқтисодий ва техник ёрдам кўрсатиши, уларнинг иқтисодий ҳаракатларини тартибга солиб туриши керак. Осиё Тараққиёт Банкининг асосий вазифалариэтиб куйидагилар белгиланди:

- Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожига ва ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- Давлат ва хусусий фондлардан капитал қўйилмаларнинг ўсишини таъминлаш;

• ОТОХга кирувчи мамлакатларга қарзлар бериш, бунда кичик ва энг паст ривожланган давлатларни молиялаштириш, ҳамда ҳудудий-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамловчи лойиҳаларга катта эътибор бериш керак;

• Ҳудудий савдонинг ривожланишига олиб келувчи иқтисодий режаларни тартибга солишда иштирок этиш;

• Ташқи манбалардан молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш ва бажаришга техник ёрдам бериш;

• ОТОХ мамлакатлари ташқи савдосига ва иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш;

• ОТБ заиф ривожланган мамлакатлар эҳтиёжига катта эътибор беради ва ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига олиб келувчи регионал, субрегионал ва миллий лойиҳа ва режаларга катта эътибор беради<sup>40</sup>.

ОТБни ташкил этиш жараёнида ривожланаётган давлатлар тўртта асосий шартни қўйдилар :

- капиталнинг 60 % и ЭСКАТО ҳудуди мамлакатлари взнослари эвазига шакллантирилиши керак;

- банк президенти регион давлатларидан бирининг вакили бўлиши керак;

- директорлар кенгашининг 12 аъзосидан 8 таси ҳудуд давлатлари вакили бўлиши керак;

- банк штаб-квартираси ҳудуд давлатларидан бирининг пойтахтида жойлашиши керак.

ОТБ уставига биноан Банк тизимига бир нечта махсус фондлар киради:

- Имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредитлаш махсус фонди;

- Осиё ривожланиш фонди;

- Техника ёрдами махсус фонди.

Ўзбекистон Осиё Тараққиёт банкига 1995 йилнинг августида аъзо бўлиб кирди. Республикаимизнинг бу банкка аъзо бўлиши иқтисодий ўзгариш жараёнини маълум даражада тезлаштиради, ҳамда тадбиркорлик ва бизнеснинг турли хил шакллари ривожланишига қўмаклашади. 1996 йилнинг 17 декабрида ОТБ нинг Директорлар Кенгаши Ўзбекистонга 50 млн.\$ миқдорида кредит линиясини 13 йил муддатга, дастлабки 3 йилини имтиёзли шартда очишга қарор қилди. Бугунги кунда бу кредит линияси тўлиқ ўзлаштирилган бўлиб, ўнлаб кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

ОТБ асосан ўз кредитларини технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишчи капитал харажатларини қисман коплашга, қишлоқ хўжалиги секторида мавжуд ускуналарни модернизация қилиш, қайта қуроллантириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган сублойиҳаларни молиялаштиришга берилади. Бу кредит линиясининг кредитори бўлиб ЎзР ТИФ Миллий банки ҳисобланади. Қарз олувчи бўлиб хусусий, кичик ва ўрта корхоналар бўлиши мумкин (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бошқарув хусусий сектор қўлида бўлиши керак). Кредит олиш учун лойиҳа экспортбоп ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва валютада ўзини коплаши керак.

---

<sup>40</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

2003 йил охирида Осиё Тараққиёт Банки(ОТБ) Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун умумий қиймати 99,2 млн. АҚШ доллариға тенг иккита кредит линиясини очишга қарор қилди: «АМУ-ЗАНГ машина каналларини тиклаш» - 73,2 млн. АҚШ доллари ва «Бошоқли экинлар ҳосилдорлигини ошириш» - 26 млн. АҚШ доллари . ОТБ нинг Ўзбекистонга ажратган кредитининг умумий ҳажми 1млрд. 340 млн. АҚШ доллариға тенг бўлиб, 14 қўшма лойиҳани амалга оширишни назарда тутди. Шундан 745 млн. АҚШ доллариға тенг кредит бугунги кунда амалда тасарруф этилмоқда. Бу билан ОТБ мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритаётган бошқа халқаро молия ташкилотларидан ўзиб кетди.

“АМУ-ЗАНГ” машина каналлари тизимини тиклаш» лойиҳасининг мақсади Аму-Занг ирригация тизимининг мустақамлиги, самародорлиги ва барқарорлигини оширишдир. Бу тизим Амударёдаги насос станцияларини ўз ичига олиб, Сурхондарё вилоятида 100 минг гектар майдонга сув етказиб беради, вилоятдаги 400 минг кишининг турмуши асосан суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқ. Лойиҳа доирасида 3 та асосий насос станцияси – Боботоғ, Аму-Занг ва Аму-Занг 2 ни реконструкция қилиш кўзда тутилган. АМУ-Занг каналининг магистрал ирригация ва дренаж тизимини режали таъмирлаш ва тиклаш (асосий каналларнинг айрим қисмлари, гидроиншоотларни тиклаш, соҳилни бетонлаш) сув ўтказиш имкониятларини ошириш ҳамда сувнинг унумли ва ўз вақтида тақсимланишига йўналтирилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳа амалга оширилгач, мазкур ҳудудларда яшовчи 200 минг киши ижтимоий ва иқтисодий фойда кўради, яъни уларнинг даромадлари ортади, янги иш ўринлари яратилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ нинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, базавий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими, коммунал хўжалик, кичик ва ўрта бизнес соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фақат 2003 йилнинг ўзида базавий таълим, микромолиялаш, энергетика инфратузилмаси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ОТБ ўртасида умумий қиймати 198,5 млн. АҚШ доллариға тенг 4 та битим имзоланди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ОТБ 2004-2006 йилларга мўлжалланган қиймати 500млн. АҚШ доллариға тенг уч йиллик ҳамкорлик дастурини амалга ошириш борасида келишувга эришилди. Бу дастур оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ичимлик сув билан таъминлаш, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, энергетикада янги қувватларни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган қўшма лойиҳалар амалга оширишни назарда тутди.

Бундан ташқари Қорақалпоғистонда ОТБ гранти ёрдамида Гаров фонди очилди. Маблағи 120 минг АҚШ доллариға тенг бўлган бу жамғармани тузишдан мақсад, Орол бўйида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлашни йўлга қўйишда ёрдам беришдир. Ушбу гаров фонди тадбиркорлар учун 10 млн. сўмга қадар кредит олинаётганида гаровга кафолат беради.

Фонд ҳозирнинг ўзидаёқ икки тадбиркорга 12 млн. сўмлик кредит олиш учун гаров берди. Йил охиригача яна 18 тадбиркорни шу йўсинда қўллаб- қувватлаш режалаштирилган. Шу кунларда 10 та бизнес лойиҳа кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирда Қорақалпоғистонда 133 минг кичик ўрта бизнес субъекти бор. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2390 тага кўпдир. Натижада 3169 та янги иш ўринлари бунёд этилди. ОТБ нинг Тошкентдаги ваколатхонасидан хабар беришларича, банк Қорақалпоғистондаги бизнес-инкубатор билан шартнома тузган, ушбу ҳужжатга кўра кичик корхоналарни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда ОТБ Қорақалпоғистондаги ишлаб турган корхоналарга грантлар ажратмоқда. Шунингдек, 10 минг АҚШ долларигача бўлган суммага қишлоқ хўжалиги ва ускуна лизинги учун ҳам грантлар бермоқда.

Умуман олганда, тасдиқланган стратегияга мувофиқ 2005 йилгача бўлган даврда ОТБ лойиҳа ссудалари беради, техникавий ёрдам кўрсатади ва зарурат туғилганда шошилиш тўлов операцияларини ўтказди. Ўзбекистон ҳукумати Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг 585 млн. АҚШ доллари миқдорида ажратган мультитранш кредитини биринчи тоифали миллий автомагистрал қуриш учун жалб қилади. Жорий йилнинг биринчи ярмида биринчи траншни ажратиш тўғрисида келишувни имзолаш режалаштирилиб, унинг миқдори аниқлаштирилмоқда<sup>41</sup>.

Биринчи траншнинг кредит маблағлари "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов" (А-380) автоўлининг 50 км узунликдаги қисмини реконструкция қилишга йўналтирилади. Реконструкцияни амалга оширишга жорий йил декабрида киришиш режалаштирилмоқда. Қурилиш муддати – икки йил. Ўтган йил май ойида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 2009-2014 йилларда 2,6 млрд. долларга яқин қийматга эга биринчи тоифали миллий автомагистралини қуриш дастурини тасдиқлади. Дастур доирасида 2015 йилга келиб, республикада умумий узунлиги 1501 км келадиган автомобиль йўлларининг тўртта қисмини қуриш режалаштирилмоқда.

ОТБнинг маблағлари 220 км узунликдаги А-380 автомобиль йўли қисмлари реконструкциясига йўналтирилади. Дастурга мувофиқ, олти йил давомида бетон ва цемент қопламали, узунлиги 400 км келадиган тўрт тасмали йўллар, бетон-асфальт қопламали 813 км тўрт тасмали йўллари ва бетон-асфальт қопламали 288 км икки тасмали йўллари қурилади. Қурилиш шунингдек, етти та транспорт чорраҳаларини ва 1488 км йўл қувурлари ҳамда кўприклари бунёд этишни кўзда тутди. 2,6 млрд. долларга яқин қийматдаги лойиҳани молиялаштириш ОТБнинг мультитраншли кредитидан ташқари, 1,68 млрд. доллар миқдоридаги ҳукумат маблағлари ҳисобига, шунингдек, Хитой ҳукуматининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо-мамлакатлар учун кредит линияси ҳамда бошқа халқаро молия ташкилотлари ҳисобига амалга оширилади. Дастур халқаро молия ташкилотлари маблағларини бетон ва цемент қопламали йўл қисмларини қуриш ва технологиясини сотиб олиш учун жалб қилишни кўзда тутди.

Эслатиб ўтамиз, 2007 йил декабрида ОТБ Директорлар Кенгаши Ўзбекистон ҳукуматига 180 млн. доллар қийматга эга "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов" автомобиль йўли реконструкцияси учун 75,3 млн. доллар миқдорида кредит ажратилишига розилик

---

<sup>41</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

билдирган. Маълумот. Ўзбекистон автомобил йўллари умумий узунлиги 146,4 минг км.ни ташкил этади. Улардан 42,5 минг км – умумий фойдаланишдаги магистрал йўллари, жумладан 3200 км – халқаро ҳамда 18,8 минг км – давлат миқёсидаги автотрассалардир. Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 20 та халқаро транспорт маршрутлари ва йўналишлари ўтади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида ишлаб чиқарилган ҳамкорлик стратегиясига биноан мамлакатимизга техникавий кўмак йўналишлари бўлиб қуйидагилар танланди:

- инвестиция лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш;
- меъёрий негизни такомиллаштиришга кўмаклашиш;
- турли давлат муассасаларига консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- экология ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш;
- иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги миллий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш.

2010 йилга қадар ташкилот томонидан мамлакатимизга ажратилган жами пул миқдори 1 млрд. 993 млн. АҚШ долларини ташкил этаётган бўлиб, ушбу сумманинг 97%, яъни 1 млрд. 950 млн. АҚШ доллари Ўзбекистонга 35 та займ доирасида ажратилган бўлса, қолган 43 млн. 200 минг АҚШ доллари грант ёрдамлари сифатида берилган. 2010 йилда Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон Республикасига 656 млн. АҚШ долларини асосий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида ажратди, ушбу ажратилган сумма энергетика, транспорт, сув таъминоти ва кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришга сарфлаш мўлжалланган. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз Осиё тараққиёт банкининг регионал аъзолари қаторидан 15-аъзо бўлиб намоён бўлса, қарз олган мамлакатлар қаторида 14-саҳифани банд этиб келмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ЯИМ доимий равишда ўсиб келмоқда. Бунга асосий сабаб, албатта мамлакатимизда белгилаб олинган ривожланиш дастурлари ва ҳукуматимизнинг олиб бораётган сиёсати замин яратиб келмоқда, деб айтсак муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, ўсишнинг асосий сабаблари сифатида саноат ва инфратузилмани ривожлантиришга киритилган молиявий маблағларни ва уларни тўғри ва оқилона ўзлаштирилганлигини кўрсатсак бўлади.

**ОТБ томонидан Ўзбекистонга ажратилган кредитларнинг тақсимланиши (жами 1.993 млн.АҚШ долл.)**



Осиё тараққиёт банки томонидан ишлаб чиқилган ва тайёрланиб келинаётган мамлакат ривожланиш стратегияси, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодиётнинг модернизация жараёни билан узвий боғланган тарзда тузилмоқда. Хусусан, банк томонидан 2011-2014 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастурининг асосий йўналиш ва мақсадларига иқтисодий ўсишни давом эттириш ва янада ошириш, хусусий ва молиявий секторни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини ва инсон капиталини янада ривожлантириш киради. Қайд этиб ўтилган йўналишларнинг ривожланиши эса ўз-ўзидан иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш билан биргаликда янги иш ўринларини яратишга ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.


Юқорида қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимиз Осиё тараққиёт банки билан 16 йилдан ортиқ вақт давомида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу давр мобайнида амалга оширилган лойиҳаларнинг барчаси ўз олдида асосий мақсад сифатида аҳоли турмуш даражасини оширишни кўйиб келган. Бу эса ўз навбатида таълим, қишлоқ хўжалиги, транспорт, сув таъминоти, коммунал хўжалик ва кичик бизнес корхоналарига таъсир кўрсатди.

Осиё тараққиёт банки томонидан бугунги кунга қадар 35 кредит лойиҳалари ажратилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 1 млрд. 950 млн. АҚШ доллари дидир.

Осиё тараққиёт банки билан биргаликда амалга оширилган лойиҳалар қаторидан жой олган “Ўқув адабиётларнинг нашрини такомиллаштириш”га бағишланган лойиҳа натижасида мактабларда янги ўқув адабиётларни ижарага олиш инновацион тизими яратилди ва мактаб ўқувчилари янги, сифатли адабиётларга эга бўлдилар. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини оширишга ва кам таъминланган оилаларнинг болаларини ўқиш имкониятларини кенгайтди.

Ажратилган суммалар таҳлили шуни кўрсатадики, Осиё тараққиёт банки ўз стратегиясига содиқ қолган ҳолда асосан, ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор бермоқда (9-расм).

Ҳамкорлик йилларида амалга оширилган яна бир гуруҳ лойиҳалар сув ресурсларини бошқаришга қаратилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши, биринчидан шаҳарларнинг дренаж тизимларини янгиланишига ва модернизация қилинишига замин яратган бўлса, иккинчидан тупроқ унумдорлигини оширишга ва унда фаолият юритувчи деҳқонларнинг кўпроқ ҳосил олишига ёрдам беришдир.



**4-расм. Осиё тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикасига ажратилган кредитларнинг соҳалар бўйича тақсими**


Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, айниқса транспорт инфратузилмасининг яхши ривожланганлиги муҳимдир, айнан шу мақсадда, Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида амалга оширилган лойиҳалар қаторида алоҳида эътибор транспорт ривожланишига қаратилган бўлиб, темир йўл тизимининг модернизациялашуви амалга оширилди, бу эса умумий ҳисобда 660 км темир йўlining реконструкция қилинишига замин яратиб берди. Амалга оширилган янгиланиш ишлари дунё стандартлари даражасида олиб борилиб, нафақат темир йўлнинг янгиланишига, балки телекоммуникацияларнинг янгиланишига ва компьютерлаштирилишига имкон берди. Амалга оширилган ишлар нафақат моддий неъматларнинг яратилишига, балки инсон ресурсларнинг ривожланишига туртки бўлди, чунки ушбу қурилиш натижасида мамлакатимизда янги иш ўринлар очилиб, мутахассисларнинг малакаси оширилишига ёрдам берди.

Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган кредитлар давлат молия секторини янгиланишига хизмат қилди. Натижада, мамлакатимизда мавжуд бўлмаган Ҳазначилик тизими юзага келди.

Шу ўринда ажратилган кредит линиялар ижтимоий соҳа ривожига, хусусан соғлиқни сақлаш соҳасини ҳам қамраб олганлигини айтиб ўтиш зарур. Хусусан, амалга оширилган ишлар натижасида Жиззах, Гулистон ва Қарши шаҳарлари аҳолиси тоза ичимлик сувига эга бўлган бўлсалар, “Она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш” лойиҳаси натижасида эса 1600 та шифокор ва 20 000 та ҳамширалар қайта ўқитилдилар.

Осиё тараққиёт банки томонидан тайёрланган лойиҳа натижасида кўп томонлама электрэнергияни ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда, ушбу лойиҳа Толимаржон ТЭС замирида икки буғ-газ қурилмаларнинг қурилиши натижасида амалга оширилиши кутилмоқда.

Маълумки, Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар фақатгина ушбу ташкилот томонидан ажратилган пул маблағлари ҳисобидангина бўлиб қолмай, бошқа молиявий маблағларни жалб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бу ҳукумат, давлат органлари, молиявий ташкилотлар ва хусусий корхоналарнинг лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этишини таъминлайди. Бундай йўл тутилиши ўз навбатида барча манфаатдор шахс ва субъектларнинг фаолиятини тўғри йўналтиришга ёрдам беради.



**5-расм. Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга киритган маблағларининг соҳалар бўйича тақсимооти**

Ўзбекистон томонидан инвестицион лойиҳаларга 366,5 млн. АҚШ доллари ва 6 техник кўмак доирасида 3,3 млн. АҚШ доллар пул маблағлари ажратилди. Юқоридаги суммаларни алоҳида кўриб чиқар эканмиз, шунга гувоҳ бўлишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлган давр мобайнида амалга оширилган 615 та кредит лойиҳалари доирасида 259,99 млн. АҚШ доллари ажратилди. Бундан ташқари йирик маслаҳатчи компаниялар 89 шартнома доирасида 10,76 млн. АҚШ доллари суммасига тенг фаолиятни заёмлар доирасида амалга оширган бўлсалар, техник кўмак доирасида бу кўрсаткич 112 шартнома ва 3,84 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Айтиб ўтилганидек, Халқаро молиявий ташкилотларнинг мамлакатлар билан алоқалари нафақат тўғридан-тўғри йўсинда, балки қўшма лойиҳалар орқали, консорциумларнинг тузилиши натижасида молиялаштириш ишларини амалга оширади<sup>42</sup>.

Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон ўртасидаги молиявий муносабатлар ҳам бундан мустасно эмас. Осиё тараққиёт банки молиялаштирилаётган лойиҳалар БМТнинг ривожланиш дастури, Жаҳон банки ва бир қатор мамлакатлар ҳукуматлари билан биргаликда амалга оширилади. Ушбу сўзларнинг тасдиғи сифатида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва

<sup>42</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.

БМТнинг ривожланиш дастури доирасида 2006-2010 йилларда аҳоли турмуш даражасини ошириш дастурининг молиялаштирилишидир. 2008-2009 йилларда Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Халқаро валюта фонди мамлакатда молия тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширган лойиҳаларни биргаликда молиялаштирган бўлса, 2009 йилда Осиё тараққиёт банки ва Ислон тараққиёт банки Ўзбекистонда “Навоий” эркин индустриал зонасига инвестицияларни жалб қилиш борасида ўтказилган кўргазмани ташкиллаштирилишини молиялаштириб берди.

### **Назорат саволлари**

1. Харид қобилияти паритети концепцияси ҳақида маълумот беринг?
2. Умумий мувозанат моделининг асосчилари қайси олимлар ва модел ҳақида тушунча беринг?
3. Оптимал валюта ҳудудлар назарияси ҳақида изоҳ беринг?
4. Халқаро молия институтларининг иқтисодиётни ривожланишидаги ўрнини тушунтириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.mineconomi.uz>.
2. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
3. [www.reuter.com](http://www.reuter.com)
4. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)
5. [www.forexite.com](http://www.forexite.com)
6. <http://www.wordbank.org>.
7. <http://www.ebrd.org>.
8. <http://www.imf.org>
9. [www.undp.org](http://www.undp.org)
10. [www.ecb.int](http://www.ecb.int)

## 7-МАВЗУ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТ ВА РАҚОБАТ МУҲИТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

### Режа:

1. Соф монополия ва бозор ҳокимияти.
2. Монопол рақобат бозори.
3. Олигаполия.
4. Нархларни мувофиқлаштириш ва монополияга қарши қонун.

### 🔗 Таянч иборалар:

*Бозор, ялти талаб ва ялти таклиф, рақобат, моносония, ҳокимият, миллий иқтисодиёт, банк, молия, вазият, услубий кўрсатма.*

### 7.1. СОФ МОНОПОЛИЯ ВА БОЗОР ҲОКИМИЯТИ

#### Соф монополия ва бозор ҳокимияти.

Рақобатлашган бозорда жуда кўп сотувчилар ва харидорлар қатнашади, шу сабабли улардан бирортаси ҳам товар нархига таъсир қилаолмайди, нархни бозорнинг ўзи талаб ва таклифга кўра шакллантиради. Сотувчилар ва харидорлар бу нархни қабул қиладилар ва шу нархга кўра қанча маҳсулот сотиш керак ёки қанча маҳсулот сотиб олиш кераклиги бўйича қарор қабул қиладилар. Соф монополия рақобатлашган бозорнинг акси бўлиб, бу ерда битта сотувчи ва кўплаб харидорлар қатнашади. Соф монополистнинг рақобатчиси йўқ.

Соф монополия маҳсулот ўрнини босадиган бошқа маҳсулот бўлмаган ҳудудларда вужудга келади. Умуман олганда жаҳон ва миллий бозорларда битта маҳсулотни битта сотувчи томонидан сотилиши камдан-кам учрайди. Соф монополия кўпроқ маҳаллий бозорларга хос бўлади. Масалан, тумандаги ягона китоб магазини, ягона телефон станцияси, ягона тиш доктори, ягона жаррох ёки бўлмаса маҳаллий коммунал хўжалиги хизмати. Юқорида келтирилган субъектлар бозор шароитида нархга таъсир қилиш учун реал ҳокимиятга эга.

Соф монополиянинг вужудга келишига таъсир қилувчи яна бир омил бу - тармоққа кириш тўсиқларининг кучлилигидир. Бирор маҳсулотни сотишдан тушадиган иқтисодий фойда юқори бўлса, бу рақобатлашган бозор шароитида бошқа фирмаларни ҳам шу бозорга кириб келиши учун сигнал бўлар эди. Агар монопол фирма иқтисодий фойда ола бошласа, бу бошқа фирмаларни ҳам ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ундайди. Демак соф монополияни сақлаб қолиш учун, бошқа рақобатлашмоқчи бўлган фирмалар учун маҳсус тўсиқлар бўлишини тақазо қилади. Тармоқга кириш тўсиқлари - бу монопол фирма бозорига бошқа сотувчиларни кириб келишини тўхтатувчи чекланишлар<sup>43</sup>.

Тармоқга кириш тўсиқларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Давлат томонидан берилган маҳсус ҳуқуқ. Масалан маҳаллий ҳокимиятларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, почта хизмати кўрсатиш, коммунал хизмати кўрсатиш ва алоқа хизмати кўрсатиш бўйича монопол ҳуқуқлар бериб, расмий тўсиқлар яратади.

2. Патентлар ва муаллифлик ҳуқуқи, янги технология яратганлар учун патент ва муаллифлик ҳуқуқи берилиши, уларга ушбу янгиликни сотишда, ундан фойдаланиш учун лицензия беришда монопол ҳуқуқ берилади. Лекин бундай ҳуқуқ маълум муддатгача кучга эга бўлади. АҚШ да патент қонунига кўра ихтирочи ўз ихтиросига 17 йил эгалик қилади.

<sup>43</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

3. Бирор бир ишлаб чиқариш ресурси таклифига эгалик қилиш. Масалан, Американинг «Де Бирс» компанияси жаҳонда сотиладиган, қайта ишланмаган олмоснинг 85 фоизини назорат қилгани учун, олмос бозорида монопол ҳокимиятга эга. Юқоридагилардан ташқари инсоннинг ноёб қобилияти ва билими ҳам монополияни вужудга келтиради.

Ишлаб чиқариш масштаби кенгайишининг мусбат самараси ҳам тармоққа кириш учун тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, автомобиль заводи маълум миқдорда автомобиль ишлаб чиқаришга эришгандагина, унинг умумий харажатлари минимал бўлади.

**Монопол ҳокимият.** Фирма монопол ҳокимиятга эга бўлади, қачонки у ўзининг сотадиган товари нархига таъсир қилаолса, яъни ўзгартираолса. Монопол ҳокимият даражаси ушбу товар ўрнини босувчи товарнинг мавжудлиги ва товарнинг бозордаги улуши билан белгиланади. Монопол ҳокимиятга эга бўлиш учун фирманинг соф монополист бўлиши шарт эмас. Фирма маҳсулотига бўлган талаб чизиғи рақобатлашган бозордагидай горизонтал бўлмасдан, пастга ётиқ бўлиши кифоядир. Агар талаб чизиғи пастга ётиқ бўлса, фирма таклиф ҳажмини ошириб ёки камайтириб, маҳсулот нархини ўзгартириши мумкин.

Умумун олганда монополист нархни назорат қилишидан ютуққа эга бўлади. Монополистнинг таклифи рақобатлашган бозор таклифига кўра кам бўлади, товар нархи эса, рақобатлашган нархга нисбатан юқори бўлади (монопол нарх чекли харажатдан юқори).

Товарларни монопол нархда сотилиши жамият харажатини кўпайтиради, аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Нима учун деганда, ушбу товарни сотиб олувчилар кўпроқ пул сарфлайди, шу товарни сотиб олувчилар сони ҳам камаяди. Шунинг учун ҳам монополияга қарши қонун, бозорларни монополияга айланттиришга йўл қўймайди.

**Монополист маҳсулотига талаб.** Рақобатлашган бозорда фирма максимал фойда олади, агар у чекли даромад чекли харажатга тенг ҳолатни таъминлайдиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарса,

$$MR = MC.$$

Бундай маҳсулот ҳажми оптимал бўлади. Монополист ҳам шу оптимал ишлаб чиқариш шартига амал қилиши керак бўлади. Соф монополист товарига бўлган талаб ҳам бозор талаби ҳисобланади. Монополист ўз товари нархини оширса унга талаб камаяди ва аксинча, монополист товар нархини туширса унга талаб ортади.

Худди шундай соф монополист таклифи ҳам бозор таклифи ҳисобланади. Масалан товар ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан харажатлари ошса, монополист максимал фойда олиш учун товар ҳажмини қисқартиради. Таклиф ҳажмининг қисқариши ва харидорлар ўртасида рақобатнинг мавжудлиги товар нархини оширади.

Рақобатлашган бозорда фирманинг чекли даромади маҳсулот нархига тенг  $MR = P$  ва талаб чизиғи горизонтал бўлса, монопол бозорда монополист маҳсулотига бўлган талаб чизиғи пастга ётиқроқ ва монополистнинг чекли даромади ҳар доим нархдан кичик бўлади.

$$MR < P.$$

Монопол фирманинг маҳсулотига талаб билан унинг чекли ва умумий даромади ўртасидаги боғлиқликларни қуйидаги расмда кўриш мумкин.

Талаб чизиғининг эластик қисмида чекли даромад  $MR > 0$  бўлгани учун монополист маҳсулот ҳажмини нолдан,  $Q^*$  миқдоргача оширганда унинг умумий даромади  $TR$  ошади. Талаб чизиғининг эластик бўлмаган қисмида чекли даромад манфий, яъни  $MR < 0$  бўлгани учун, талаб чизиғининг ушбу қисмида ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий даромадни камайтиради. Шунинг учун ҳам монополист талаб чизиғининг эластик бўлмаган қисмидан қочишга ҳаракат қилади.


Агар монополистнинг талаб чизиғи рақобатлашган бозордагидай горизонтал бўлганда эди, у товар ҳажмини ўзгартириши билан нархга таъсир қила олмас эди. Монополлашган бозорда таклиф чизиғи маънога эга эмас. Нима учун деганда, ишлаб чиқариладиган маҳсулот (таклиф) миқдори билан нарх ўртасида пропорционал боғлиқлик йўқ. Монополистнинг қанча

миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши нафақат чекли харажатга боғлиқ, балки талаб чизиғининг шаклига ҳам боғлиқ бўлади.

Монопол бозорда талабнинг ўзгариши нархнинг ва таклифнинг рақобатлашган бозордагидай пропорционал ўзгаришига олиб келмайди. Монополист, талаб ўзгарганда маҳсулот ҳажмини ўзгартирмасдан нархни ўзгартириши ёки нархни ўзгартирмасдан маҳсулот ҳажмини ўзгартириши ёки бир вақтнинг ўзида нархни ҳамда маҳсулот миқдорини ўзгартириш мумкин.

Монополистнинг мақсади максимал фойда олиш бўлса, у товар нархини хоҳлаганча ошира олмайди. Нарх ошиши билан маҳсулотга талаб камайиб боради, нарх ошиши маълум даражага етганда умумий даромад умумий харажатни қопламайди. Монополист қандай нарх стратегиясини тутишини билиш учун даромаднинг нархга кўра талаб эластиклиги билан қандай боғлиқлигини эшлаш зарур бўлади. Талаб чизиғининг эластик бўлган қисмида  $\epsilon_p > 1$ , нархнинг пасайиши умумий даромадни ўсишига олиб келади ( $MR > 0$ ), эластиклик бирга тенг бўлганда  $\epsilon_p = 1$ , умумий даромад максимумга эришади ( $MR = 0$ ), эластик бўлмаган қисмида нархнинг пасайиши умумий даромадни пасайишига олиб келади ( $MR < 0$ ). Шунини тушунган монополист талаб чизиғининг эластик бўлмаган қисмида ҳаракат қилмайди.

Биз кўрсатамиз монополист ҳам рақобатлашган бозордаги фирма каби чекли ҳаракат билан чекли даромадни тенглигини таъминлайдиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарсагина максимал фойда олиши мумкин (1-расм). Расмда монополистнинг ўртача даромад чизиғи бирор талаби чизиғини беради. Маҳсулот нархи шу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ функция.



1- расм.  $MC = MR$  бўлганда фойдани максималлаштириш графиги.

Графикдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ҳажми  $Q^*$  га тенг бўлганда чекли харажат чекли даромадга тенг бўлади. Талаб чизиғидан фойдаланиб маҳсулот ҳажми  $Q^*$  га мос бўлган бир бирлик маҳсулотнинг монопол нархи  $P^*$  ни аниқлаймиз. Ушбу  $Q^*$  га тенг бўлган маҳсулот ҳажмида фойда максимал бўлишини кўрсатамиз. Маълумки, рақобатлашган бозорда мувозанатлик  $E$  нуқтада эришилади. Графикда  $E$  нуқта мувозанат нуқта ва унга мос келадиган ишлаб чиқариш ҳажми  $Q_e$  ва нарх  $P_e$ .

Фараз қилайлик, монополист ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори  $Q_1$  бўлсин ва у  $Q^*$  дан кичик  $Q_1 < Q^*$ , бу ҳолатга мос келадиган нарх  $P_1$  ҳам  $P^*$  дан юқори ва чекли даромад чекли харажатдан катта  $MR > MC$ .

Монополист маҳсулот ҳажмини  $Q_1$  дан оширса, у ҳар бир бирлик қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулоти учун  $MR - MC$  га тенг бўлган қўшимча фойда олиши мумкин, яъни у ўзининг умумий даромадини ошириши мумкин. Монополист маҳсулот ҳажмини ошириб, умумий фойдани ошириши мумкин то маҳсулот ҳажми  $Q^*$  га тенг бўлгунга қадар, маҳсулот ҳажми  $Q^*$  га тенг бўлганда, кейинги қўшимча бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотдан тушадиган даромад нолга тенг, нима учун деганда  $MR = MC$  бўлади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажми  $Q_1$  га тенг бўлганда монополистнинг умумий фойдаси расмдаги штрихланган  $FKM$  соҳага тенг бўлган миқдорга камаяди. Монополист учун  $Q_2$  миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам унинг умумий фойдасини камайтиради.  $Q_2$  ҳажмда чекли харажатлар чекли даромадлардан юқори  $\langle MC > MR \rangle$ . Агар монополист ишлаб чиқариш ҳажмини  $Q_2$  га нисбатан камайтирса, у ўзининг умумий фойдасини  $\langle MC - MR \rangle$  миқдорга оширган бўларди. Монополист маҳсулот ҳажмини  $Q_2$  дан  $Q^*$  га қадар қисқартириши натижасида умумий фойдани  $MEL$  штрихланган соҳа миқдорида ошириши мумкин.  $Q^*$  ҳажмдан кейин маҳсулот ҳажмини қўшимча бирликка қисқартирилиши умумий фойдани оширмайди ( $MC = MR$  бўлади). Расмда  $Q = 0$  билан  $Q^*$  ва  $MC$  ҳамда  $MR$  чизиқлар оралиғидаги соҳа монополистик томонидан кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариб ўта юқори нархда сотиш муносабати билан йўқотиладиган фойдани ифодаласа, маҳсулот ҳажми  $Q^*$  дан катта бўлгандаги ва  $MC$  билан  $MR$  оралиғидаги соҳа ниҳоятда кўп маҳсулот ишлаб чиқариб  $\langle Q > Q^* \rangle$ , паст нархларда сотилиши натижасида йўқотиладиган фойдани ифодалайди<sup>44</sup>.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми  $Q^*$  фойдани максимал қиладиган ҳажм эканлигини математик нуқтаи назардан ҳам кўрсатиш мумкин. Умумий фойдани  $\pi$  билан белгиласак

$$\pi(Q) = R(Q) - C(Q),$$

ва бу муносабатдан  $Q$  бўйича ҳосила олиб, уни нолга тенглаштириб ечамиз:

$$\frac{d\pi}{dQ} = \frac{dR}{dQ} - \frac{dC}{dQ} = 0.$$

Бу ерда  $\frac{dR}{dQ} = MR$  ва  $\frac{dC}{dQ} = MC$  бўлгани учун ҳам фойдани максималлаштириш шарти

$MR - MC = 0$  ёки  $MR = MC$  бўлади.

**Мисол 1.** Қуйидаги кўринишдаги харажатлар функцияси берилган бўлсин

$$C(Q) = 80 + Q^2,$$

ўзгармас харажат  $FC = 80$  сўм, ўртача харажат  $AC = \frac{80}{Q} + Q$  бўлади.

Талаб функцияси қуйидагича берилган бўлсин:

$$Q = 60 - P(Q) \text{ ёки } P(Q) = 60 - Q.$$

У ҳолда даромад  $R(Q)$ :  $R(Q) = Q \cdot P(Q) = 60 \cdot Q - Q^2$  кўринишда аниқланади.

Чекли даромад

$$MR = \frac{dR}{dQ} = 60 - 2 \cdot Q.$$

<sup>44</sup> Adam Szirmai, Wim Naude, Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

Чекли харажат

$$\frac{dC}{dQ} = MC = 2 \cdot Q.$$

Максималлик шартига кўра  $MC = MR$  дан  $2 \cdot Q = 60 - 2 \cdot Q$  бу тенгликдан аниқлаш мумкинки,  $Q^* = 15$  бўлганда фойда максимал миқдорга эга бўлади. Маҳсулот нархи  $Q^* = 15$  да  $P = 45$  сўмга тенг. Умумий фойда

$$\pi(Q^*) = R(Q^*) - C(Q^*) = P \cdot Q^* - C(Q^*) = 45 \cdot 15 - 305 = 370 \text{ сўм.}$$

Фараз қилайлик, монополист  $Q^* = 15$  бирлик маҳсулот ўрнига  $Q = 16$  бирлик ишлаб чиқарди дейлик. Ҳисоб-китоблар натижасида қуйидагиларни аниқлаймиз.

$$C = 80 + Q^2 = 80 + 256 = 336,$$

$$P = 44,$$

$$R = 44 \cdot 16 = 704,$$

$$\text{Фойда } \pi(16) = 704 - 336 = 368 \text{ сўм.}$$

Демак, монополист маҳсулот ҳажмини максимал фойда берадиган ҳажм 15 бирликдан оширса, яъни 16 бирлик ишлаб чиқарса унинг фойдаси 2 сўмга камаяди.

Худди шундай монополист ишлаб чиқариш ҳажмини 15 бирликдан 14 бирликка камайтирса, нарх кўтарилиб 46 сўм бўлади ва умумий фойда 370 сўмдан 368 сўмга камаяди. Демак, бундай ҳолни тушунган монополист маҳсулот ишлаб чиқаришда бу қоидага амал қилади.

**Монопол шароитда нарх белгилаш ва монопол ҳокимияти кўрсаткичи.**

Биз кўрдикки, монопол бозорда нарх чекли даромаддан юқори бўлади  $P > MR$ .

Чекли даромад  $MR$  ни қуйидагича ўзгартириб ёзамиз:

$$MR = \frac{\Delta R}{\Delta Q} = \frac{\Delta(P \cdot Q)}{\Delta Q}. \quad (1)$$

$\frac{\Delta(P \cdot Q)}{\Delta Q}$  - бу қўшимча бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида олинган қўшимча даромад бўлиб, у икки хусусиятга эга. (1)- тенгликни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$MR = \frac{\Delta P \cdot Q}{\Delta Q} + \frac{P \cdot \Delta Q}{\Delta Q} = Q \cdot \frac{\Delta P}{\Delta Q} + P. \quad (2)$$

1) Бир бирлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариб  $\Delta Q = 1$ , уни  $P$  нархда сотганимизда  $P \cdot (1) = P$  нархга тенг бўлган даромад оламиз ( $Q \cdot 0$ );

2) Монопол фирма маҳсулотига бўлган талаб чизиғи пастга ётиқ бўлгани учун қўшимча бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариб, уни сотилиши, нархни кичик миқдорга камайтиради ( $\frac{\Delta P}{\Delta Q}$  - қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш натижасида нарх қанча миқдорга камайишини кўрсатади) ва бу барча сотилган маҳсулотдан тушган даромадни камайтиради

(яъни  $Q \cdot \frac{\Delta P}{\Delta Q}$  - даромаднинг ўзгариши).

Демак,

$$MR = P + Q \cdot \frac{\Delta P}{\Delta Q} \quad (3)$$

ва бу ерда  $\frac{\Delta P}{\Delta Q}$  талаб чизиғи манфий ётиқликка эга бўлгани учун чекли даромад нарх

$P$  дан кичик бўлиши керак (нима учун деганда  $\frac{\Delta P}{\Delta Q}$  манфий).

Энди чекли даромад билан талаб чизиғи ётиқлиги ўртасидаги боғлиқликни чекли даромад билан нархга кўра талаб эластиклиги коэффициенти ўртасидаги боғлиқликка айлантирамиз. Маълумки, талабнинг нархга кўра эластиклик коэффициенти

$$E_p^D = \frac{P}{Q} \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta P},$$

бундан

$$\frac{\Delta P}{\Delta Q} = \frac{P}{Q \cdot E_p^D},$$

бу муносабатни чекли даромад тенгламаси (3) га қўйсақ қуйидагини оламиз

$$MR = P + Q \cdot \frac{P}{Q \cdot E_p^D} = P + P \cdot \frac{1}{E_p^D},$$

$$MR = P + P \cdot \frac{1}{E_p^D}. \quad (4)$$

(4)- тенглама чекли даромадни ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳажмида товар нархидан ва талабнинг нархга кўра эластиклигидан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Иккинчидан,  $MR < P$  эканлигини ҳам кўрсатади.

Фирманинг мақсади фойдани максималлаштириш бўлгани учун биз чекли даромадни чекли харажатга тенглаштириб ёзамиз:

$$MR = P + P \cdot \frac{1}{E_p^D} = MC,$$

ёки

$$\frac{P - MC}{P} = -\frac{1}{E_p^D}. \quad (5)$$

Ушбу формула монопол нарх белгилашда «Бош бармоқ» қондаси номи билан юритилади (эсан чиқармаслик керак  $E < 0$ , демак (5)-ифоданинг ўнг томони ҳар доим мусбат). (5)-тенгламанинг чап томонидаги ифода  $\frac{P - MC}{P}$  нархнинг чекли харажатдан қанчалик юқори эканлигини, нархга нисбатан фоиз ҳисобида кўрсатади ва бу фарқ тескари олинган манфий эластиклик коэффициентиға тенг<sup>45</sup>.

(5) тенгликни нархга боғлиқ ҳолда ҳам ёзиш мумкин:

$$P = \frac{MC}{1 + \left( \frac{1}{E_p^D} \right)}.$$

Масалан эластиклик  $E_p^D = -5$  бўлганда ва чекли харажат  $MC = 30$  бўлганда, маҳсулот нархи

<sup>45</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

$$P = \frac{30}{1 + \left(\frac{1}{-5}\right)} = 37,5 \text{ сўм бўлади.}$$

Рақобатлашган бозорда  $P = MC$  бўлганини кўрган эдик. Монополист нархни чекли харажатдан юқори белгилайди ( $P > MC$ ) ва бу фарқ миқдор бўйича талаб эластиклигига тескари пропорционал бўлади (5). (5)-тенгламадан шундай хулоса келиб чиқадики, агар талабнинг нарх бўйича эластиклиги қанча юқори бўлса, маҳсулот нархи шунча чекли харажатга ( $MC$  га) яқинлашади. Нарх қанчалик чекли харажатга яқин бўлса, монопол бозор рақобатлашган бозорга шунчалик яқин бўлади. Демак, талаб юқори даражада эластик бўлса, монополист оладиган кўшимча фойда шунча кичик бўлади.

**Монопол ҳокимият кўрсаткичи.** Рақобатлашган бозорда нарх чекли харажатга тенг бўлиши, максимал фойда олишнинг зарурий шarti эди. Монопол бозорда нарх чекли харажатдан юқори белгиланади ( $P > MC$ ). Ана шу фарқ ( $MC - P$ ), яъни фойдани максималлаштирадиган нарх билан чекли харажат ўртасидаги фарқ монопол ҳокимиятни ўлчаш усули бўлиши мумкин. Монопол ҳокимиятни худди ушбу усулда аниқлашни 1934 йилда иқтисодчи олим Абба Лернер томонидан таклиф қилинганлиги учун, бу кўрсаткич Лернернинг монопол кўрсаткичи деган номни олган

$$L = \frac{P_m - MC}{P_m} = -\frac{1}{E_p^D},$$

бу ерда:

$L$  - монопол ҳокимиятнинг Лернер индекси;

$P_m$  - монопол нарх;

$MC$  - чекли харажат;

$E_p^D$  - талабнинг нархга кўра эластиклиги.

Масалан, бензинга талабнинг нарх бўйича эластиклиги -5 бўлса,

$$-\frac{1}{E_p^D} = -\frac{1}{-5} = 0,2.$$

Бензин сотувчи фирманинг монопол ҳокимияти 0,2 га тенг.

Шуни таъкидлаш керакки, юқори монопол ҳокимият юқори фойда олишни кафолатламайди. Фойда ўртача харажатнинг нархга бўлган нисбатига боғлиқ. Агар икки фирмадан биринчисининг монопол ҳокимияти, иккинчи фирманикига кўра юқори бўлса ва биринчи фирманинг ўртача харажати жуда юқори бўлса, унинг оладиган фойдаси иккинчи фирма фойдасидан кичик бўлади. Юқоридаги тенглама кўрсатадики, талаб қанчалик эластик бўлмаса, шунчалик монопол ҳокимият юқори. Демак, монопол ҳокимиятнинг келиб чиқиш сабаби, талаб эластиклигидадир.

Амалиётда чекли харажатни ҳисоблаш қийин бўлгани учун, уни ўртача харажат билан алмаштиради. Бу ҳолда формула қуйидаги кўринишни олади:

$$L = \frac{P - AC}{P}.$$

Агар биз ифоданинг сурат ва махражини  $Q$  га кўпайтирсак, махражда умумий даромадни, суратда фойдани оламиз:

$$L = \frac{(P - AC) \cdot Q}{P \cdot Q} = \frac{\pi}{TR}.$$

Шундай қилиб, Лернер кўрсаткичи юқори фойда олишни монополиянинг далолати эканлигини кўрсатади.

Монопол ҳокимиятни характерлаш учун бозорни марказлашув даражаси кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич биринчи бўлиб Херфиндал-Хиршман томонидан тавсия этилгани учун, у Херфиндал-Хиршман индекси деб юритилади.

Бу индекс корхоналарнинг бозордаги улушлари йиғиндиси сифатида қаралади ва қайси фирманинг бозордаги улуши юқори бўлса, у фирма бозорда монопол ҳокимиятига эга бўлиши мумкин ёки шундай имконият мавжуд деб қаралади. Фирмалар бозордаги улушига кўра тартиблантирилади.

$$I = S_1^2 + S_2^2 + S_3^2 + \dots + S_n^2,$$

бу ерда:  $I$  - Херфиндал-Хиршман индекси;

$S_1^2$  - бозорда энг катта улушга эга бўлган фирма;

$S_2^2$  - ундан кейинги катталикдаги улушга эга фирма ва ҳоказо;

$S_n^2$  - энг кичик улушга эга бўлган фирма.


Агар тармоқда ягона фирма бўлиб, унинг маҳсулоти тармоқ маҳсулотини ташкил қилса,  $S_1^2$  қ100% бўлади ва бундай ҳол соф монополия бўлади, яъни Херфиндал-Хиршман индекси  $I = 10000$  га тенгдир.

Масалан, АҚШ да Херфиндал-Хиршман индекси  $I = 1800$  дан ошган тармоқлар, монопол тармоқларга киради. Юқоридаги индексдан монополияга қарши олиб бориладиган фаолиятда фойдаланилади. Бозорнинг катта қисмини бир неча фирмалар томонидан эгаллаб олиниш ҳолатига **бозорнинг марказлашуви** (концентрация рынка) дейилади<sup>46</sup>.

**Монопол ҳокимият ва жамият фаровонлиги.** Монопол ҳокимиятда нарх чекли харажатдан юқори бўлади. Монопол ҳокимиятда нарх ошади, ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, натижада бу фирманинг даромадини ошишига ва истеъмолчилар турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ортиқчаларини монопол ва рақобатлашган бозор шароитларида қараймиз (2-расм).

Рақобатлашган бозордаги ишлаб чиқарувчилар ва монопол ишлаб чиқаришнинг чекли харажатлари  $MC$  бир хил деб фараз қилайлик. 2-расмда монополистнинг ўртача ва чекли даромадлар чизиқлари  $AR$ ,  $MR$  ва чекли харажатлари чизиғи кўрсатилган.



4-расм. Монопол ҳокимиятидан олинадиган зарарни ифодаловчи график.

<sup>46</sup> Adam Szirmai, Wim Naude, Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

Маълумки, монополист ўз фойдасини  $MC = MR$  бўлишини ( $B$  нукта) таъминлайдиган ишлаб чиқариш ҳажмида максималлаштиради. Монополистнинг оптимал ишлаб чиқариш ҳажми  $Q_m$  га ва у белгилайдиган нарх  $P_m$  га тенг. Рақобатлашган бозорда  $P = MC$  бўлгандаги ишлаб чиқариш ҳажми максимал фойдани таъминлайди ва талаб чизиғи (2-расмда бу ўртача даромад  $AR$  чизиғи) билан таклиф чизиғи (2-расмда  $MC$  чизиғи) кесишган нукта  $E$  да мувозанат нарх  $P_e$  ва мувозанат ишлаб чиқариш ҳажми  $Q_e$  аниқланади.

Монопол нархда истеъмолчилар камроқ маҳсулот сотиб оладилар. Маҳсулотни монопол нархда сотиб олган харидорлар ўзларининг истеъмол ортиқчасининг маълум қисмини йўқотади, бу йўқотиш 2-расмда  $P_e P_m AC$  тўғри тўртбурчак юзасига тенг. Маҳсулотни  $P_e$  нархда сотиб олишни хоҳлаган, лекин  $P_m$  нархда сотиб олаолмаган истеъмолчилар ҳам, истеъмол ортиқчасининг қисмини йўқотади, 2-расмда бу йўқотиш  $AEC$  учбурчак юзасига тенг. Истеъмолчиларнинг истеъмол ортиқчасининг умумий йўқотиши  $P_e P_m AC$  тўртбурчак юзи билан  $AEB$  учбурчак юзи йиғиндисига тенг. Ишлаб чиқарувчи эса маҳсулотни юқори  $P_m$  нархда сотиб  $P_e P_m AC$  тўртбурчак юзи билан ифодаланган фойдани олади, аммо, шу билан бирга у ишлаб чиқариш ортиқчасининг  $BCE$  учбурчак юзасига тенг бўлган қисмини йўқотади, яъни у қўшимча  $Q_e - Q_m$  бирлик маҳсулот ишлаб чиқариб, уни  $P_e$  нархда сотиб олиш мумкин бўлган қўшимча фойдасини йўқотади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчининг умумий фойдаси  $P_e P_m AC$  тўрт тўртбурчак юзидан,  $BCE$  учбурчак юзасини айирмасига тенг. Энди ишлаб чиқарувчининг умумий фойдасидан истеъмолчи йўқотган истеъмол ортиқчасини айирсак  $(ABE = AEC + BCE)$ ,  $ABE$  учбурчак юзасига тенг бўлган соф йўқотишни оламиз. Бу соф йўқотиш, монопол ҳокимиятидан келиб чиқади.

$ABE$  учбурчак юзасига тенг соф йўқотиш монополиянинг «ўлик юки» бўлиб, у жамиятнинг йўқотиши ёки жамиятнинг монополиядан кўрадиган зарарини ифодалайди.

Монопол фирма ўз монополиясини сақлаб қолиш учун, бошқа фирмаларни тармоқга киришга тўсиқлар яратиш учун яна харажатлар қилса, у бу билан жамият йўқотишларини янада ошириши мумкин.

## 7.2. МОНОПОЛ РАҚОБАТ БОЗОРИ.

Монопол рақобат бозори иккита асосий хусусияти билан ажралиб туради: биринчидан, монопол бозордаги фирмалар сони кўп ва улар ўртасида рақобат мавжуд; иккинчидан фирмаларнинг бозорга ўз маҳсулотлари билан кириши чекланмаган, худди шундай фирманинг бозордан чиқиши ҳам эркин. Монопол рақобат бозорида маҳсулот дифференциялашган, яъни хар бир фирма ўзига хос маҳсулот турини ёки вариантини сотади, фирма товарлари бир-биридан сифати, безаги ва маркаси билан ажралиб туради. Монопол рақобат бозоридаги рақобат товарлар бир-бирини ўрнини босадиган товарлар бўлиб, уларнинг бирини-бирига алмаштириш нормаси юқори, лекин бир-бирини ўрнини тўлиқ боса олмайди. (бошқача қилиб айтганда бундай товарлар учун талабнинг нархга кўра эластиклиги юқори лекин чексиз эмас.)

Монополистик рақобат бозорига мисол тариқасида истеъмол товарлари бозорини келтириш мумкин. Тиш ювиш пастаси бозори, совун, шампун, дори-дармонлар, кийим-кечак бозори ва хоказолар. Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам монопол рақобат мавжуд: театр, концертлар, кийим тозалаш корхоналари ва хоказо. Истеъмолчининг у ёки бу фирманинг (масалан тиш ювиш пастасини) маҳсулотни танлашга сабаб унинг сифати яхши қадокланганлиги, безаш, унинг сотилишидаги кўрсатиладиган хизмат, магазиннинг

истеъмолчи учун ўнғай вақитда ишлаши. Худди шундай чакана савдо корхонларида сотиладиган товарлар ҳам бир-бири билан рақобатда бўлиши. Бу ерда рақобат сотишда хизмат кўрсатишнинг хар хиллиги сотувчилар тажрибаси товарлар сотиб олишнинг осонлиги, кредитга сотиш шартлари ва хоказо.

**Монопол бозор мувозанати.** Қисқа муддатли ораликда мувозанат нарх ва мувозанат махсулот хажми. Рақобатлашган бозорда талаб чизиғи  $D$  абсцисса (товар ишлаб чиқариш хажми) ўқиға параллел бўлса, монопол рақобат бозорида у пастга (манфий) ётиқроқ бўлади. Бу монопол рақобат бозорининг талаб чизиғи рақобатлашган бўзор талаб чизиғига кўра камроқ эластик бўлиб соф рақобатдаги талабга кўра эластикроқ эконлигини билдиради. Қуйидаги расмда монопол рақобат бозорининг қисқа муддатли ораликдаги мувозанат ҳолати келтирилган. Монопол рақобат бозори рақобатлашган бозорга ўхшаш бўлади, яъни бозорга янги фирмаларнинг рақобатлашувчи товар маркалари билан эркин кириши фирмалар оладиган иқтисодий фойдани нулгача туширади.

Қисқа муддатли ораликдаги мувозанат ҳолат ва бу ҳолатни аниқлайдиган мувозанат нарх  $P_m$  ва мувозанат махсулот миқдори  $Q_m$  ифодаланган. Монопол рақобат бозорида аълоҳида фирманинг махсулоти бошқа рақобатлашувчи фирмаларнинг махсулотидан фарқ қилгани учун бу фирманинг махсулотига бўлган талаб чизиғи  $D_s$  тиклиги пастга томон ётиқроқ бўлади. (бу талаб чизиғи бозор талаб чизиғи эмас балки фирманинг талаб чизиғидир, бозор талаб чизиғи махсулотга фирма чизиғига нисбатан ётиқроқ кўринишга эга). Эслатиб ўтиш керакки агар монопол рақобатдаги фирмалар махсулотлари бир-биридан умуман фарқ қилмаганда эди монопол рақобат бозори мукамал рақобатлашган бозорга айланган бўлар эди. Фақат фирмалар махсулотлардаги фарқ уларга оз бўлсада монопол ҳокимият беради. Расмда графикда фирма фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш хажми  $Q_m$  чекли даромад  $MR$  чизиғи билан чекланган харажат  $MC$  чизиғи кесишган нуқтага тўғри келади. Бу ишлаб чиқариш хажмига тўғри келадиган нарх  $P_m$  ўртача харажат  $AC$  дан каттароқ бўлгани учун фирма штрихланган соҳага тенг фойда олдаи. Демак қисқа муддатли ораликда монопол рақобатдаги фирманинг мувозанат ҳолатини ифодаловчи шарт

$$MR = MC$$

тенглиги бўлиб, бу тенгликни таъминловчи махсулот миқдори  $Q_m$  ва нарх  $P_m$  мос ҳолда мувозанат ишлаб чиқариш хажми ва мувозанат нархини боради. Фирма мувозанат ҳолатига эришганда максимал фойда олади<sup>47</sup>.

Узоқ муддатли ораликда мувозанат нарх ва мувозанат ишлаб чиқариш хажми. Қисқа муддатли ораликда фойда олиб ишлаётган фирманинг ҳолати узоқ муддатли ораликда ўзгаради. Қисқа муддатли ораликдаги фойда бозорга бошқа фирмаларни кириб келишга ундайди ва улар кириб кела бошлайди. Иккинчидан, бозордаги фирмалар ҳам махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиради. Бозорга янги фирманинг кириши фойда билан ишлаётган фирманинг бозоридаги улушини камайтиради, натижада унинг талаб чизиғи пастга силжийди.

Узоқ муддатли ораликда фирманинг чекли ва ўртача харажатлари ҳам ўзгаради. Тахлилни соддалаштириш учун  $MC$  ва  $AC$ ларни ўзгармас деб қараймиз.

### 7.3. ОЛИГОПОЛИЯ.

**Олигополия** - бу шундай бозор турики, ундаги товар таклифининг ҳаммаси, ёки деярли ҳаммаси бир неча ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан бўлиб олинган ва бу бозорга янги фирмаларнинг кириши катта тўсиқ орқали чекланган бўлади.

---

<sup>47</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.

Олигополия сўзи грекча бўлиб (*oligos* - бир неча, *poleo* - сотаман) сотувчиларнинг камлигини билдиради. Олигопол тармоқларга мисол сифатида АҚШнинг автомобиль sanoати, пўлат, алюмин, электроускуналар ва компьютер тармоқларини келтириш мумкин. Бу тармоқларда ишлаб чиқариладиган умумий маҳсулот ҳажми бир неча фирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Олигополик бозорни унинг қуйидаги учта хусусияти ажратиб туради:

- биринчидан, тармоқда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг камлиги;
- иккинчидан, тармоқга кирувчи фирмалар учун кучли тўсиқларнинг мавжудлиги;
- учинчидан, олигополик бозордаги фирмаларнинг ҳаракати бир-бирига боғлиқлиги.

Олигополик бозорнинг учинчи хусусиятига кўра, фирмаларнинг иқтисодий ҳаракатлари бир-бирига боғлиқ, яъни ҳар бир фирма бирор иқтисодий стратегияни танлаганда, бошқа фирмаларнинг ушбу стратегияга бўлган муносабатини эътиборга олиш керак бўлади.

Масалан, бир фирма ўз маҳсулотига талабни рағбатлантириш учун маҳсулотининг нархини 10 фоизга камайтирса, у асосан рақобатлашувчи фирмалар ҳисобидан ўз маҳсулотини сотиш ҳажмини анчага ошириши мумкин ва улар ҳисобидан ыз фойдасини ошириши мумкин.

Лекин фирманинг бу нарх сиёсатига жавобан бошқа рақобатлашувчи фирмалар ҳар хил иқтисодий сиёсат олиб бориши мумкин:

- биринчидан, бошқа фирмалар эътибор бермаслиги мумкин;
- иккинчидан, улар ҳам нархни 10 фоизга тушириши мумкин, натижада фирмалар оладиган фойда миқдори камаяди, ҳатто ногла тенг бўлиши ҳам мумкин;
- учинчидан, бошқа фирма бу фирмани синдириш мақсадида маҳсулотига бўлган нархни 10 фоиздан юқорироқга пасайтириши мумкин, лекин бундай ҳолатни давом этиши нархлар жангига олиб келиши мумкин.

**Нархлар жангги** - бу рақобатлашадиган фирмалар томонидан олигополик бозорда нархларни босқичма-босқич туширишидир.

Умуман олганда, олигополик бозорда фирма томонидан қабул қилинган ҳар қандай иқтисодий сиёсат - нархларни ўзгартириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш, рекламани кучайтириш - рақоботлашувчи фирмаларнинг ушбу сиёсатга бўлган муносабатини билишни ва уни прогноз қилишни талаб қилади.

Нархлар жанги нарх ўртача харажатга тенг бўлгунга қадар давом этади, яъни. Бу тенглик олигополик бозор мувозанатини беради. Мувозанат ҳолатда ҳеч бир фирма нархини камайтиришдан қўшимча фойда олаолмайди. Мувозанат ҳолатда фирмаларнинг иқтисодий фойдаси ногла тенг.

#### **7.4. НАРХЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУН.**

Бу ерда биз монопол ҳокимиятга эга бўлган монополистлар тўғрисида гап юритамиз. Лекин, ҳозирги вақтда монополиянинг ижобий томонлари борлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Йириклашган корхоналарда илмий-техник ривожланиш имконияти катта бўлади, нима учун деганда, бундай корхоналарнинг молиявий имкониятлари ҳам катта бўлганлиги учун, улар илмий изланишларга кўпроқ маблағ ажратишлари мумкин.

Йириклашган корхоналаргина масштаб самарасидан яхшироқ фойдалана оладилар, чунки уларда илмий-тадқиқот ишларини, тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларни кенг масштабда йўлга қўйиш мумкин бўлади. Бу ўз навбатида маҳсулот таннархини пасайтиришга ва унинг сифатини оширишга имкон яратади. Лекин, ҳозирги бозор

муносабатларининг ривожланганлиги, жаҳон бозорининг шаклланганлиги, халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайиб бориши шароитида кучли бозор ҳокимиятига эга монополистни топиш қийин.

Монополистларнинг жамиятга таъсир қилувчи салбий томонлари борлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Йириклашган фирмалар ўз маҳсулоти сифатини оширишга ва уни тез-тез янгилашга алоҳида эътибор беради, деб бўлмайди. Ушбу фирмаларда яратилган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни кўп ҳолларда тўхтаб қолишини ҳам кўриш мумкин.

Монополист нархни чекли харажатдан юқори қилиб белгилайди, яъни Натижада ресурсларнинг тақсимланиши самарали бўлмайди. Монопол нархнинг ўрнатилиши жамиятда йўқотишларга олиб келади. Нарх қанчалик юқори бўлса, жамиятнинг йўқотиши ҳам шунчалик кўп бўлади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда монополияга қарши қонунлар ишлаб чиқарилган.

Монополияга қарши қонун фирмаларда жамият учун хавфли бўлган монополистик ҳокимиятни тўпланишини чеклашга қаратилган. Монополистик ҳокимият юқорида айтганимиздек, монополистнинг бозор нархига таъсир қилиш кучини билдиради. Қайси фирма бозор нархига кўпроқ таъсир қила олса, у кўпроқ монополистик ҳокимиятга эга бўлади.


Кўпчилик адабиётларда монополияга қарши қонунга классик мисол сифатида АҚШнинг трестларга қарши қонуни келтирилади. 1890 йилда биринчи бўлиб Шерман қонуни деб аталувчи қонун қабул қилинган бўлиб, у асосан савдони ва тижоратни монополлаштиришга қарши қаратилган эди. Ушбу қонун савдо эркинлигини чекловчи ҳар қандай келишувни тақиқлар эди ва рақобатчиларни адолатсиз йўл билан йўқотишни жиноят деб қарар эди. Ушбу қонунни бузганлар жарима тўлашдан тортиб, фирмани тарқатиб юборишгача ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортишгача жазоланишни назарда тутар эди.

1914 йилда Клейтон ва федерал савдо комиссияси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун Шерман қонунига қараганда анча мукамаллашган қонун бўлиб, у қонунни бажарилишини назорат қилишни федерал савдо комиссияси зиммасига юклаган эди. Бундан ташқари ушбу қонунда монополиyani вужудга келишини олдини олиш бўйича қилинадиган чора-тадбирлар белгиланди.

1938 йилдаги Уилер қонуни истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилди (товар тўғрисида нотўғри ахборот бериш ва нотўғри реклама беришга қарши).

Кейинги йилларда ҳам трестларга қарши қонунчилик АҚШда ривожланди. АҚШнинг трестларга қарши қонуни бошқа давлатларда монополияга қарши қонунларни ишлаб чиқишда ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнади.

Нархларни назорат қилиш ва уларни мувофиқлаштириш кўпроқ табиий монополияларга қўлланилади. Эсласак, рақобатлашган бозорда нарх чекли харажатга тенг бўлар эди (3-расм). Лекин, бундай нархни табиий монополияларга қўллаб бўлмайди, чунки бу нархда бир қатор ишлаб чиқарувчилар зарар билан ишлаб ишдан чиқадилар. Нима учун деганда, ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари ҳар хил бўлгани учун нархлар ҳам ҳар хил бўлади.



3-расм. Табиий монополияда нархни мувофиқлаштириш.

Расмдан кўриниб турибдики, нарх рақобатлашган бозор нархига тўғри келади ва у чекли харажат билан ўртача даромад чизиқлари кесишган нуқта билан аниқланади. Нарх давлат томонидан мувофиқлаштирилмаса, монополист нархни даражада белгилаб, миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаради. Давлат эса нархни барча учун ўртача харажат даражасида (ўртача харажат чизиғи билан даромад чизиғи кесишган нуқта) белгилайди, яъни. Бу нархга тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми га тенг. бўлиши табиий монополистларга (узок муддатли рақобатлашган бозордаги фирмалар каби) нормал фойда олиш имконини беради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори оптимал ҳажмдан кичик бўлса ҳам истеъмолчилар монополист нархи тартибластирилмагандагига қараганда кўпроқ маҳсулот сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Ўртача харажат даражасида ўрнатиладиган нархни «адолатли фойда олишни таъминлайдиган нарх» деб атайдилар. АҚШда «адолатли» нархни таъминланишини жуда кўп федерал комиссиялар кузатиб боради<sup>48</sup>.

### Назорат саволлари

1. Монопол ҳокимият деганда нимани тушунаси?
2. Монопол шароитда нарх белгилаш ва монопол ҳокимияти кўрсаткичи қандай белгиланади?
3. Монопол бозор мувозанатиға таъриф беринг?
4. Олигополия қандай бозор тушунилади?
5. Нархларни мувофиқлаштириш ва монополияға қарши қонунига изоҳ беринг?

### Фойдаланилган адабиётлар:

#### Махсус адабиётлар

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

<sup>48</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai, Wim Naude, Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

#### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.mineconomi.uz>.
2. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
3. [www.reuter.com](http://www.reuter.com)
4. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)
5. [www.forexite.com](http://www.forexite.com)
6. <http://www.wordbank.org>.
7. <http://www.ebrd.org>.
8. <http://www.imf.org>
9. [www.undp.org](http://www.undp.org)
10. [www.ecb.int](http://www.ecb.int)

### **8-МАВЗУ. ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ.**

#### **Режа:**

1. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимини бошқаришнинг иқтисодий аҳамияти.
2. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларининг кескин ўсиб боришини қондиришда иқтисодиётнинг реал сектори ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг ўрни.
3. Жаҳон бозорида глобал рақобат кучайиб бораётган бир шароитда ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳудудир ривожлантиришнинг асосий масалалари.
4. Ҳудудларни ривожлантириш стратегияси орқали юқори сифатли маҳсулот ва хизматларнинг истеъмоли имкониятларини кенгайтириш ва пул муомаласи барқарорлигини ошириш йўналишлари.

#### **📌 Таянч иборалар:**

*Ҳудудий ривожланиш, стратегия, бошқарув тизими механизми, аҳоли турмуши даражаси, инсон ҳаёти сифати, стратегик истиқбол, тировард мақсад, моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлар.*

#### **8.1. ҲУДУДНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ.**

Турли миқёсдаги ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирмай, иқтисодий ривожланган давлат куриш, жамиятда сиёсий ва ижтимоий барқарорликка еришиш мушкул. “Давлат бошқаруви”, “Минтақавий бошқарув” ва «Маҳаллий бошқарув» атамалари мураккаб тизимни (давлат бошқарув фаолиятининг ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари мажмуи)ни ташкил

етадики, одатда, бошқарув мақсадлари, вазифалари, принциплари, вазифалари, усуллари, шакллари, субъектлари ва объектлари мазкур тизимнинг асосий унсурлари ҳисобланади.

Мазкур унсурлар давлат ҳокимияти ижро етувчи органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг мақоми, уларнинг мақсадлари, вазифалари ва иш принциплари, ваколатлари доираси, жавобгарлиги, ташкилий ҳуқуқий иш шакллари, шунингдек давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан вертикал йўналиш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан горизонтал йўналишда ўзаро алоқаларини белгилаш орқали ҳуқуқий расмийлаштирилади.

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатлар аниқ тақсимланган бўлмаса, бу давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Субъектив омил – тегишли мансабдор шахсларнинг ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш манфаатларида республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро самарали алоқаларини таъминлашга йўналтирилган оқилона қарорлар ишлаб чиқа олмаслиги, баъзан еса бундай қарорларни ишлаб чиқишни истамаслиги юқорида зикр етилган муаммо янада чуқурлаштирмоқда.

Бирок республика ва минтақавий ҳокимият органлари зиммасига ҳаддан ташқари кўп иш юкланганлиги, моддий-техника, молия, ахборот ва бошқа ресурсларнинг тақчиллиги натижасида мазкур ҳокимият органлари томонидан маҳаллий миқёсидаги муаммоларни ҳал йетишга йетарли еътибор берилмаяпти. Шу боис сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида юқорида зикр етилган ҳокимиятнинг уч поғонаси ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг самарали механизмини яратиш масаласи муҳим аҳамият касб етмоқда. Зотан, мазкур механизм мамлакатда маҳаллий фаолиятини янада мукаммал тартибга солиш, уни давлат сиёсати ва минтақавий сиёсатнинг мустақил соҳасига ажратиш имконини беради.

Ўзбекистонда Республикаси минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни ўзаро манфаатли асосда тақсимлаш зарурати - маҳаллий тузилмалар фаолиятининг қуйидаги муҳим муаммолари билан белгиланади:

а) маҳаллий тузилмалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

б) давлат мулкни республика, минтақа ва маҳаллий мулкларга тақсимлаш;

в) маҳаллий мулкнинг барча шаклларини муҳофаза қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

г) маҳаллий тузилмаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, минимал бюджет билан таъминлаш нормативлари асосида белгиланадиган маҳаллий бюджетларнинг минимал зарур харажатларини қоплаш учун даромад манбаларини мустаҳкамлаш йўли билан маҳаллий бюджетларнинг минимал миқдорини таъминлаш;

д) маҳаллий тузилмалар иқтисодий фаолиятининг барқарор норматив-ҳуқуқий негизини таъминлаш;

е) мамлакатдаги маҳаллий тузилмаларнинг негизини ташкил етувчи маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўйи органларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;

ж) маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг суд тартибида ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

з) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келган қўшимча харажатларнинг қопланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

и) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари берилган алоҳида давлат ваколатларини амалга оширишлари учун зарур моддий ва молиявий ресурсларнинг берилишини таъминлаш;

к) ҳуқуқнинг комплекс соҳаси сифатида маҳаллий ҳуқуқни шакллантириш, маҳаллий қурилиш ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш соҳасида қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Маҳаллий бошқарув органларига давлат томонидан кафолатлар бериш ҳамда давлат ҳокимияти ва минтақа бошқарув органлари томонидан маҳаллий ҳокимият органларига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва маҳаллий бошқарув соҳасида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро етилишини таъминлаш республика, минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни самарали тақсимлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда республика минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг қуйидаги асосий тамойилларига асосланади:

- давлат, минтақавий ва маҳаллий сиёсат мақсадлари, йўналишлари, вазифалари ҳамда ваколатларини тақсимлаш механизмларининг ягоналиги принципи;

Республика, минтақа ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва алоқа ўрнатиш принципи;

- маҳаллий ислохотни амалга оширишнинг турли босқичларида давлат сиёсатининг ворисийлигини таъминлаш принципи;

- маҳаллий бошқарув органларининг ваколатларига давлат ҳокимияти юқори органларининг аралашмаслиги принципи ва ҳ.к.

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни янада аниқ тақсимлаш давлат ҳокимиятининг мазкур бўғинларини бошқариш механизмнинг самарадорлигини ошириш, ҳар бирининг мустақиллигини кенгайтириш, муайян ваколатлар уларни мумкин қадар самарали амалга оширишга қодир ҳокимият органлари зиммасига юкланиши учун тегишли ҳудудларнинг ўзига хос (географик, иқтисодий, демографик, этник ва ҳ.к.) хусусиятларини еътиборга олишни табақалаштириш имконини беради.

Ортиқча меҳнат ресурсларининг мавжудлиги вазиятни янада оғирлаштираётган яхши ривожланмаган ҳудудларда шаҳар ва қишлоқларда майда товар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, хизматлар кўрсатиш соҳаси ва агросаноат комплексида кичик тадбиркорликни рағбатлантириш зарур.

Юқорида зикр етилган тамойилларни амалга татбиқ етиш Ўзбекистонда республика давлат бошқарувининг турли бўғинлари ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш ва МДХнинг бир қатор давлатларида кузатилган турли ижтимоий-сиёсий зиддиятларга йўл қўймаслик имконини бермоқда.

Ўзбекистонда республика маҳаллий хўжалик амалиёти жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан конституциявий ваколатларни амалга оширишнинг қуйидаги самарали шакллари қўллашни назарда тутди:

1) маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий аҳамиятга молик қуйидаги масалаларни мустақил ҳал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш:

а) маҳаллий мулкка, шу жумладан йерга егалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф етиш;

б) маҳаллий бюджетларни шакллантириш, тасдиқлаш ва ижро етиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш;

в) жамоат тартибини сақлаш билан боқлиқ чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

2) фуқароларнинг: турар жойга ега бўлиш; соғлиғини сақлаш; тиббий ёрдам олиш; билим олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун шароитлар яратиш;

3) солиқ ва бюджет ислохотлари доирасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг молиявий-иқтисодий негизини шакллантиришни ниҳоясига йетказиш, авваламбор, қуйидагилар ҳисобига бюджет ва солиқларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш:

а) Ўзбекистон Республикаси субъектларининг бирлаштирилган бюджетларга йўналтирилувчи республика бюджети маблағларини қайта

тақсимлаш, маҳаллий тузилмаларнинг ваколатлари жумласига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун мазкур тузилмаларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш;

б) давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги, шу жумладан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бериладиган алоҳида давлат ваколатларининг амалга оширилиши ва давлатнинг минимал ижтимоий стандартларини белгилаш принципларини ишлаб чиқиш;

в) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш молиявий-иқтисодий негизининг муҳим таркибий қисми – маҳаллий мулкни фаол шакллантириш;

г) кўчмас мулк бозорини ривожлантириш ва аҳоли даромадларини жалб етиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иштирокини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

д) тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ва улар хизматлар кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

е) республика, минтақавий, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатларни ҳамда тегишли моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш;

ж) маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишлари устидан самарали давлат назорати тизимини шакллантириш;

з) минтақа, республика ва халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик учун шарт-шароитлар яратиш;

и) маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини давлат томонидан илмий-услубий, ташкилий-услубий ва ахборот билан қўллаб-қувватлаш;

к) маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида ишлаш учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва кадрларнинг малакасини ошириш самарали давлат тизимини ташкил етиш..

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг саъй-ҳаракатларига қарамай, мустақиллик йилларида республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш жараёнида меъёрий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик бир қатор умумий муаммолар тўпланиб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг (Конституцияси кучга киргунга қадар) қабул қилинган республика меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг аксариятида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг конституциявий мақомига мос келмайдиган қоидалар мавжуд еди. Бундан ташқари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг алоҳида масалаларини тартибга солувчи нормалар амалдаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартиришни талаб етарди.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ташкил етиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ алоҳида масалалар қонун ҳужжатлари билан тўлиқ тартибга солинмаганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг еҳтиёжларини ҳали ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ қондирилгани йўқ. Бундан ташқари, маҳаллий ҳуқуқнинг баъзи бир нормалари турли талқин қилинаётганлиги ҳам маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг амалий фаолиятида қийинчиликлар туғдирмоқда<sup>49</sup>.

Ўзбекистоннинг бир қатор минтақаларида минтақавий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва алоҳида мансабдор шахсларнинг маҳаллий

---

<sup>49</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларига риоя қилмаслик, шу жумладан, маҳаллий ҳуқуқ нормаларини бажармаслик ҳолатлари қайд етилди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни меъёрий тартибга солиш механизмнинг номукамаллиги, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатлар ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тақсимланмаганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳал қилинмаган кўпгина масалалар маҳаллий тузилмаларнинг молиявий-иқтисодий мустақиллиги йетарли даражада таъминланмаганлиги билан боғлиқ. Маҳаллий мулкни шакллантириш, тўлақонли маҳаллий бюджетларни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш (шу жумладан, давлат молия ресурсларини тақсимлашда маҳаллий тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятларини еътиборга олиш), маҳаллий тузилмалар иқтисодий фаолиятининг барқарор меъёрий негизини яратиш ва бошқа масалалар шулар жумласидандир.

Давлатнинг ваколатларни тақсимлаш муаммоларини ҳал қилиш борасидаги фаолияти маҳаллий бошқарувни янада ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланган кучли демократик давлат куришнинг зарур шарти сифатида маҳаллий бошқарувнинг самарадорлиги, роли ва мақомини оширишга йўналтирилган давлат бошқаруви соҳасидаги ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилиши лозим.

Мазкур мақсадга еришиш учун республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш соҳасидаги сиёсат:

- фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз фаолиятига давлат томонидан кафолат берилишини назарда тутувчи конституциявий ваколатларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур:

1) фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширувчи конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бу қуйидагиларни назарда тутати:

а) фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиши, сайлаб қўйиладиган ва бошқа маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишаҳри ҳудудий ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш фаолиятини ташкил етиш орқали маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда иштирок етиш конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш;

б) маҳаллий тузилмаларнинг чегаралари ўзгарган тақдирда аҳолининг фикрини еътиборга олиш тартибини қонун ҳужжатларида белгилаш;

в) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли билан самарали ўзаро ҳамкорлиги тизимини ташкил етиш.

Мазкур механизмлардан маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли республика ва минтақавий мақсадли дастурлар доирасида комплекс фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бошқарув органларини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини янада самарали амалга оширишга ёрдам беради.

## **8.2. АҲОЛИНИНГ ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖЛАРИНИНГ КЕСКИН ЎСИБ БОРИШНИ ҚОНДИРИШДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎРНИ.**

Тармоқлар орасида асосий бўғин саноатнинг ишлаб чиқариш мажмуаси ҳисобланади. Саноат мажмуасининг муҳим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат

воситалари ва истеъмол товарлари, миллий даромаднинг катта қисми яратилади, илмий-техника тараққиётига еришилади. Аини пайтда Ўзбекистондаги меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми ҳам саноат ишлаб чиқаришида банд. Саноат ишлаб чиқариши жамиятнинг объектив иқтисодий қонунлари ҳамда республикамизда сўнги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида ривожланмоқда.

Ўзбекистон саноати аини вақтда ўз тармоқлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар учун моддий-техник воситалар ҳамда халқ еҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотларни ҳам узлуксиз тайёрлаб бермоқда. Шу боисдан ҳам саноат ишлаб чиқариши даражаси ва самарадорлигининг ўсишини таъминлаш лозим. Чунки саноат ишлаб чиқариши даражаси қанчалик юқори бўлса, республикамизнинг иқтисодий пойдевори шунча мустаҳкам, аҳолининг турмуш шароити ҳам шунча яхши бўлади.

2008-йилга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш дастурида саноатнинг стратегик муҳим тармоқлари бўлган ёқилғи-энергетика комплекси, рангли ва қора металлургия соҳасининг ўсишини таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Бунга янги табиий қонларни ўзлаштириш ва мавжуд минерал-хомашё базалари захираларининг ортиши, ана шу ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлашда самарали замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан еришиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, кимё ва йенгил саноатни, нефткимё, қурилиш материаллари саноатини, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича муҳим вазифаларни бажариш иқтисодий сиёсатимизнинг ҳал қилувчи йўналиши сифатида катта ўрин егаллайди. Барчамиз бир ўткир ҳақиқатни яхши англаб олмоқдамиз. Жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илғор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил етмай, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламай туриб иқтисодиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас<sup>50</sup>.

«Локомотив тармоқлар» - кимё, қора металлургия, рангли металлургия корхоналарининг, автомобил, йенгил ҳамда чарм саноати ва б.нинг истиқболли режалари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Бундан кўзланган мақсад - мавжуд хомашё ресурсларини айланмага киритиш, экспортни кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни локализация қилиш айниқса, корхоналарни энергияни иқтисод қилувчи янги технология ва маҳсулот турларига ўтишга йўналтирилган йенгил саноатни модернизация қилиш жадал амалга оширилди.

Локализация қилиш дастурида иштирок етаётган корхоналарга имтиёзлар 2006-2008-йиллар учун локализация дастури ҳукумат томонидан импорт товарларидан бўлган қарамликни камайтириш мақсадида қабул қилинган.

Бу дастурда иштирок етувчи корхоналар 5 йил муддатга қуйидаги тўловлардан озод қилинадилар:

1. Божхона тўловлари, жумладан, божхона йиғимлари кўшилган қиймат солиғи ва аксиз солиш;
2. локализация дастури доирасида чиқарилган маҳсулотлар учун даромад солиғи;
3. локализация дастури учун муҳим активларга мулк солиғи<sup>51</sup>.

Машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йили еришилган даражага нисбатан 29,5 %га ошди (23.5.1-жадвал). Ривожланишнинг жадал суръатлари автомобил соҳасида кузатилди (30.3%). Бу автомобил ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажмининг ошиши натижасидир

<sup>50</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

<sup>51</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

(23,6 %). Ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда юқори талабга ега маркалар ишлаб чиқарилиши ортди: бу «Матиз» автомобили ( 28,8 % га ортди), «Дамас» (32,5 % га), «Ласетти» (194,6 %га). Мамлакатимиз автомобилсозлик соҳаси ривожда янада такомиллашган тавсифга ега ассортиментдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишининг кенгайиши муҳим қадам бўлди.

«Шевроле» седан автомобилнинг янги моделини йирик блокчи ишлаб чиқариш, «УзДЕУ авто» ОАЖ ҳамда «Дженйерал моторс ДЕУ Авто ҳамда Технологиялар» йирик компанияси билан ҳамкорликда “внедорожник и минивен” русумли автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилишаҳри 2007-йилда мазкур автомобил маркаларининг 1489 та турли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Импортга боғлиқлик ҳамда маҳсулотларнинг таннархини туширишга қаратилган локализация қилувчи ишлаб чиқариш ривожланишнинг ижобий натижаси бўлди, машинасозлик маҳсулотлари нархинининг арзонлашуви йўналиши юзага келди.

Импортга боғлиқлик ҳамда маҳсулотларнинг таннархини туширишга қаратилган локализация қилувчи ишлаб чиқариш ривожланишнинг ижобий натижаси бўлди, машинасозлик маҳсулотлари нархинининг арзонлашуви йўналиши юзага келди. Ўтган йилга нисбатан машинасозлик маҳсулоти нархи индексининг ўсиши 6,1 %га пасайди ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги ўринларини мустаҳкамланишига кўмак берди. Ташқи бозорда маҳаллий автомобилсозлик маҳсулотларига бўлган доимий талаб ўтган йилга нисбатан 138,5 % ўсиш суръатида автомобил экспортини 26,5 минг донага орттириш имконини берди.

Электротехника саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг суръатини ошириш йўналиши сақланиб қолаверди. Бу кўрсаткич 47,2 % ҳамда 105,5 %га тенг бўлди. Шу билан бирга, электротехника соҳасида маиший уй буюмлари товарлари соҳасида вазият яхшиланмади. Маҳсулот - музлаткич, кондиционер, телевизор ва бошқа ишлаб чиқариш ҳажмида уларнинг улуши у қадар катта емас. Кабел-ўтказгич соҳаси, трансформатор ҳамда лифт ишлаб чиқариш ва бошқалар жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ички ҳамда ташқи бозорда талаб ортиб кетгани сабабли қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида трактор прицеplarини ишлаб чиқариш жуда ошиб кетди (ўсиш 22,5 %) ва сеялкалар (17,5%).

Ташқи бозорда қора ва рангли металга бўлган талаб, шунингдек ички бозорни маҳаллий маҳсулот билан тўлдириш зарурати металлургия мажмуасида еришилган ўсишнинг бош омили бўлди. Қора металлургия маҳсулотларининг ўсиш индекси 11,9 %ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори даражада сотилиши пўлат ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажмларининг 4,2 %га, қора металл прокатининг 5,8 %га ўсишига туртки бўлди. Металлургия комплекси маҳсулотларининг экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 125,4 % ни ташкил қилди. Бу 2007-йилга нисбатан 0,6 %га юқори.

Шуни ҳам айтиш лозимки, саноат мжмуасининг ҳар қандай тармоқни ички тузилмасидаги ўзгаришлар амалда бошқа тармоқлар – қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуасининг бошқа соҳалари, қазиб олувчи тармоқлар билан узвий боғлиқ.

Ендиликда саноатнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Истеъмол бозоридаги танқислик туфайли саноат тармоқлари илгаригига нисбатан кенг кўламда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда ҳамда хусусийлаштирилмоқда. Истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш, айниқса, четга хомашё емас, балки тайёр маҳсулот чиқариш ҳамда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш нафақат саноат ишлаб чиқаришининг аҳамиятини оширади, балки жаҳон бозорида Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончни ҳам мустаҳкамлайди.

Ҳозирги кунга келиб, саноат тармоғида ялпи ички маҳсулотнинг 17 % яратилади. Бу шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида мамлакат иқтисодиёти индустриаллашган иқтисодиёт сари ривожланмоқда. Саноат тармоқларидаги 2007 йилги 9,4 % ли ўсиш, саноат мажмуаси тармоқлари ва ишлаб чиқарган маҳсулот 8074,8 млрд. сўмликни ташкил етгани ҳам шундан далолат бермоқда. Саноат мажмуаси маҳсулотларига унинг тармоқлари қуйидагича ҳисса кўшмоқда: ёқилғи саноати ва енергетика – 18,3 %;

металлургия – 13,9 %; йенгил саноат – 18,6 %; химё саноати – 5,2 %; машинасозлик – 15,8%; озик-овқат – 10,8 %; қурилиш материаллари – 6,5 %; ёғочни қайта ишлаш – 2 % ва бошқалар.

Саноат халқ хўжалигининг йирик соҳаси бўлиб, унда 1 млн.дан ортиқ ишчи ва хизматчи банд. Бу иш билан банд аҳолининг саккиздан бир қисмини ташкил этади. Саноатда 100 дан ортиқ тармоқ бўлиб, улардан 6 таси базавий ҳисобланади. Асосий фондларнинг 40 %и саноат ҳиссасига тўғри келади, яъни ички маҳсулотнинг 16 %дан ортиқроғи саноатда яратилади. Ўзбекистон саноатида электр энергияси, газ, нефт, кўмир, бензин, пўлат, автомобиллар, тракторлар, пахта териш машиналари, электродвигателлар, трансформаторлар, аккумуляторлар, кабеллар, экскаватор, кўприкли кўтаргичлар, йиғирув машиналари, самолётлар, олтингурут кислотаси, минерал ўғитлар, сунъий толалар, семент, турли қурилиш материаллари, газламалар, пахта мойи, ун, гуруч, кийим-кечак, озик-овқат маҳсулотлари ва бошқалар ишлаб чиқарилади.

Республика саноатида тармоқларнинг тутган ўрни ҳар хил (6.1-жадвал). Саноат тармоқлари орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуасига хизмат кўрсатувчи тармоқлар тарихан йетакчи мавқега эга. Булар пахта тозалаш, шойи тўқиш, консерва, ёғ-мой ва бошқа саноат тармоқларидир. Шунингдек, кимё ва нефт кимёси, машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, йенгил ва қурилиш материаллари саноати жадал суръатларда ривожланмоқда.

Саноат тараққиётида ёқилғи-энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, нефт ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетика тармоқлари қиради. Бу мажмуанинг ҳиссаси саноат ишлаб чиқаришида 26,8 %дан иборат. Ўзбекистон жаҳондаги газ ишлаб чиқарувчи ўнта йирик мамлакат жумласига қиради. Республикада қудратли гидроэлектр станциялари ва иссиқлик электр станциялари мавжуд.

Металлургия мажмуаси таркибига маъдан хомашёси, қора ва рангли металлларни қазиб чиқарувчи корхоналар қиради. Олтин, кумуш, мис, кўрғошин, рух, волфрам, молибден, литий, уран, алюминий хомашёси, нодир металллар ва бошқа бир қатор қазилма бойликларнинг аниқланган захиралари кўп. Ўзбекистонда олтиннинг 30 та кони топилган. Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида қазиб олинган олтиннинг умумий миқдори бўйича иккинчи, кумуш, мис, кўрғошин, рух ва волфрам бўйича учинчи ўринни егаллайди, жаҳон ҳамжамиятида олтин ишлаб чиқариш миқдори бўйича саккизинчи, уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича еса бешинчи ўринда.

Кимё ва машинасозлик мажмуалари саноатнинг муҳим соҳаларидир. Янги иқтисодий шароитда бу тармоқларда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Улар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Жами истеъмол молларининг учдан бир қисми йенгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада тўқимачилик анъанавий йетакчи соҳа ҳисобланади.

Энергетика республика халқ хўжалигининг негиз тармоғи, иқтисодиёт ва техника тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган қуввати 11,5 млн.кВт бўлган 37 иссиқлик ва гидравлик электр станцияларида йилига 55 млрд. кВт.с дан ортиқ электр энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу тизимнинг барча кучланишлардаги электр тармоқлари умумий узунлиги қарийб 228 минг км. ни ташкил қилади. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 42,6 МВА га тенг. ҳозир республика энергетика тизимида 60 мингга яқин киши ишлайди.

Ўзбекистонда электр қувватидан асосан XX аср бошларидан фойдаланила бошланди. Ўша даврда Тошкентда 2 электр станция қурилган бўлиб, бири (қуввати 1450 кВт, 5 дизел) трамвайни ток билан таъминлаш, иккинчиси (Павлов электр станцияси, қуввати 125 кВт ) шаҳарни ёритиш учун ишлатилган. 1913-йилда Ўзбекистон ҳудудида умумий қуввати 3 МВт чамасида бўлган 6 кичик дизел электр станцияси бўлган, -йиллик электр энергияси ҳосил қилиш 3,3 млн.кВт.с га йетган.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда иссиқлик энергетикаси дизел ва майда буғ турбинали электр станцияларини қуриш йўналишида ривожланди. Дизел электр станциялар умумий мақсадларда ҳамда иссиқлик энергиясига еҳтиёжи бўлмаган пахта заводлари, насос станциялари, каналлар ва бошқа корхоналар қошида қурилди, дастлабки буғ турбинали электр станциялари Фарғона ва Каттакўрғон ёғ-мой заводларида барпо етилди. Фарғона ёғ-мой заводининг «Шарқ тонги» иссиқлик электр маркази (ИЕМ) умумий мақсадлардаги электр стацияси бўлган биринчи ИЕМ дир.

1934-йил 25-сентябрда Ўзбекистон еийергетика тизимининг ташкилий асоси – «Ўзбекенергия» энергетикаси бошқармаси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тузилди.

30-йиллар бошидан Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлар каскади барпо етилди. Ўзбекистонда биринчи гидроэлектрстанцияси – Бўзсув ГЭС шу трактда қурилиб, 1926-йилда ишга туширилган еди. Чирчиқ – Бўзсув гидроэнергетика қурилиши тез суръатлар билан давом еттирилиб, 1926-йилдан 1940-йилга қадар мазкур тракт гидроэлектрстанцияларида 67 минг кВт генератор қувватлари ишга туширилди.

Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги таркибида лойиха, қурилиш-монтаж, созлаш, таъмирлаш ва ишлатиш ташкилотларининг тўла мажмуаси энергетика тизимининг ишончли ишлашини ва истиқбол тараққиётини таъминлайди. Ўзбекистон энергетика тизими ҳозир республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг электр энергиясига бўлган еҳтиёжларини тўла таъминламоқда ва электр энергияни қисман қўшни давлатларга экспорт қилмоқда. 2002-йилда Ўзбекистонда 56,0 млрд. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Ёқилғи саноати. Республикада ёқилғи энергетика саноати йер қаърида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефт, табиий газ конлари негизда шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Республикада 160 га яқин нефт-газ кони очилган, уларнинг 115 таси Бухоро-Хива геологик провинциясида, 27 таси Фарғона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Конларнинг газ, газ-конденсатли турлари мавжуд. Ҳозир 71 нефт, газ ва газ-конденсат конлари, 2 кўмир конидан фойдаланилмоқда. 50 дан ортиқ нефт, газ ва газ-конденсат кони еса келажакда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати республика ёқилғи-энергетика мажмуасининг асосий тармоғини ташкил етади ва барча ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва йетказиб бериш, нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат. Улар халқ хўжалигининг барча бўғинларига хизмат кўрсатади. Йирик корхоналар Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида ёқилғи-энергетика мажмуаси маҳсулотлари салмоқли ўрин тутди (1980-йилда 8,8 %).

Республика саноатида банд бўлган ишчи-хизматчилар (саноат ишлаб чиқариши ходимлари)нинг 6 %и ёқилғи саноати тармоқларида ишлашмоқда (80 минг нафардан ортиқ). Республикада 1992-йилда ёқилғи саноатида қазиб олинган ёқилғи (шартли ёқилғи – 7000 килокалория ҳисобида) умумий ҳажмида нефтнинг ҳиссаси 8,3 %ни, газнинг ҳиссаси 87,3 %ни, кўмир ҳиссаси 4,4 %ни ташкил етган. Кўкдумалоқ нефт-газ конденсат кони оскилиши ва ишга туширилиши билан нефт саноатининг ёқилғи саноати мажмуасидаги мавқеи ортиб бормоқда. Кейинги йилларда кўрилган кескин чора-тадбирлар натижасида нефт (газ ва конденсати бирга) қазиб олиш ҳажми юқори суръатларда ўсди. Республиканинг нефт мустақиллиги таъминланди. Нефт газидан саноат мақсадларида фойдаланиш учун 15 км. узунликдаги биринчи газопровод «Андижонсаноат» Андижон шаҳри ўртасида қурилган. Газни алоҳида саноат усулида чиқариб олиш ўтган асрнинг 50-60-йилларида бошланди. Газ қазиб олиш саноати жойлашган асосий туманлар – Бухоро ва Қашқадарё, шунингдек Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидир.

Кўмир саноати. Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930-йиллар охиридан бошланган. Тошкент вилояти Оҳангарон водийсида Ангрэн кўмир, Сурхондарё вилоятида Шархун, Бойсунтоқ тошкўмир конлари бор.

1990-йилда 10,4 млн. т. кўмир қазиб чиқарилди. Кейинги йилларда бу кўрсаткич сезиларли даражада пасайди. 2004-йилда республикамизда 2700 минг т. кўмир қазиб олинди. Ангрэн ва Янги Ангрэн ГРЭСлари тўла қаттиқ ёқилғига ўтказилиши билан республиканинг кўмирга бўлган еҳтиёжи осмонда.

Металлургия саноати. Ўзбекистон йерларида рудадан металл олиш 4 минг йилдан зиёд тарихга ега. Қадимда мисдан турли безак буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудали металллар – қалай, кумуш, олтин ва бошқаларни еритиш, қуйиш ва қиздириб ишлаш ўзлаштирилган.

Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шахридаги Ўзбекистон металлургия заводидир. Заводда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат, чўян, пўлат қувурлар ва пўлат прокат) ишлаб чиқарилади, темир-терсак, металл чиқиндилари еритилади.

Рангли металлургия – республика металлургия саноатининг йетакчи тармоғи. Бу соҳа маҳаллий минерал хомашё ресурслари негизда ўтган асрнинг 30-йилларидан ривожланди. Республикада рангли камёб ва қимматли металллар (олтин, мис, кўрғошин, рух, волфрам, молибден, симоб ва бошқалар) конлари, қорамозор мис кўрғошин-рух кони, Обираҳмат, Бурчимулла, Оқтуз, Тақоб, Ингичка, қўйтош мис конлари ва бошқалар топилиб, улар саноат миқёсида ўзлаштирилиши билан рангли металлургия саноати шаклланди ва республика рангли металллар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини егаллаган мамлакатга айланди.

Республикада 2007-йилда рангли металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш индексининг ўсиши 5,0 %ни ташкил етиб, 2003-йилдаги пасайиш кўрсаткичларини қоплади. Жаҳон бозорида рангли металлларга бўлган нархларнинг ўзгариши мазкур соҳада ўсишга сабаб бўлди. Қора металлургияда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ички ва ташқи бозорда маҳсулотларга бўлган талаб ортиши билан узвий боғлиқ. Биргина 2004-йилда қора ва рангли металлларекпорти 74,4%га ортди.

Кимё саноати республика иқтисодиётида муҳим ўринни егаллайди. Ўзбекистон кимё саноатида 750 дан ортиқ номдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакат саноат маҳсулотлари умумий ҳажмда кимё саноати корхоналари маҳсулотлари ҳиссаси 4,6% ни ташкил етади. Республика кимё саноатида табиий газ, нефт, кўмир, олтингургурт, турли минераллар, оҳақтош, графит, шунингдек рангли металллар, пахта ва каноппи қайта ишлаш чиқиндиларидан хомашё тарзида фойдаланилади.

Ўзбекистон кимё саноатида ишлатиладиган хомашёнинг асосий қисми (70 %га яқини ёки 650 дан ортиқ турдаги маҳсулот) ҳамда еҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар четдан олиб келинади (Россиядан толуол, ёғоч селлюлозаси, каустик сода, Қозоғистондан фосфоритлар ва бошқалар). Айни пайтда кимё саноати маҳсулотлари (минерал ўғитлар, капролактама, кимёвий толалар ҳамда иплар, синтетик аммиак, лак-бўёғлар ва бошқалар) экспорт қилинади.

Машинасозлик саноати. Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг дастлабки корхоналари XX аср бошларида вужудга келди. Дастлабки пайтларда Ўзбекистонда металлга ишлов бериш саноати асосан 14 та кичик таъмирлаш устахоналаридан иборат еди. Уларда темир йўл, пахта тозалаш ва ёғ заводларининг таъмирлаш ишлари бажариларди. Қишлоқ хўжалиғига керак пахта териш машинаси, култиватор, трактор ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланган янги автомобилсозлик–автомобиллар (Асака автомобил заводи), уларнинг двигателлари (Тошкент мотор заводи), автомобилларга еҳтиёт қисмлар, турли жиҳозлар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқариш республика мустақиллика еришганидан кейин шакллана бошлади. Ўзбекистондаги бир неча автомобил тузатиш заводлари, йенгил машиналарга хизмат кўрсатадиган

«Ўзавтотеххизмат», «ЎзавтоВАЗхизмат» ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналар, ташкилотлар ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиб келган. Асакада йенгил автомобиллар, Самарқандда йўловчи ва юк автомобиллари чиқарилмоқда.

Республика машинасозлик тармоғи ишлаб чиқариши 2007-йилда 34,5% ортди. Бундай юқори суръатлардаги ўсишга автомобилсозлик маҳсулотларига талаб ортиши ҳисобига еришилди. Йенгил автомобиллар ишлаб чиқариш 72,6%га, уларнинг экспорти умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 52%га ортди. Асосий истеъмол бозори МДХ мамлакатлари бозорлари ҳисобланиб, уларнинг ҳисобига жами экспорт қилинган автомобилларнинг 97%и тўғри келди. Телевизор, кондиционер, музлаткич каби товарлар ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Масалан, 2003-йилда 14770 дона рангли телевизор ишлаб чиқарилган бўлса, 2004-йилда бу кўрсаткич 53345 тага йетди ёки 3,6 марта кўпайди.

Стратегик аҳамиятга ега тармоқларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни. Социалистик давлатларда миллий бойлик бутун жамиятники, яъни давлат ва кооператив ташкилотлар ихтиёрида бўлган. У халқ манфаатларига хизмат қилиб, жамият аъзоларининг тобора ошиб бораётган моддий ва маънавий еhtiёжларини тўлароқ қондиришга сарфланиши мўлжалланган еди<sup>52</sup>.

Бироқ ягона давлат режаси асосида ривожланиш иттифоқдош республикалар ва ҳудудлар миллий бойлиги халқ учун емас, балки умумиттифоқ меҳнат тақсимотини ҳисобга олиб ўтказилди. Оқибатда айрим республикалар, хусусан, Ўзбекистон ҳам хомашёга ихтисослашган ҳудудга айланиб қолди. Шунга қарамай, республика ҳудудида бу давр мобайнида фойдали қазилмаларни ўрганиш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланишда сезиларли ишлар амалга оширилди. Зеро, мамлакатимизда стратегик соҳаларни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган – уран, олтин, мис, нефт, табиий газ ва бошқа кўплаб табиий бойликлар мавжуд.

Миллий бойликни ривожлантиришда Ўзбекистон ўтган асрнинг 30-йиллари охирида бошқа республикалар қатори ўз тармоқларида сезиларли ютуқларга еришди. Лекин, Иккинчи жаҳон уруши бошланиши туфайли республика иқтисодиётини қисқа муддатларда ғарбий изга кўчиришга мажбур бўлди. Барча миллий бойлик уруш еhtiёжини қондиришга сафарбар етилди.

Республикаимизга фронтга яқин ҳудудлардан завод ва фабрикалар кўчириб келтирилди ва тез фурсатларда ишга тушурилди. Уруш йилларида электр енергетикаси, кимё саноати, рангли металлургия, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқлари ривожланиши миллий бойлик ҳажмини оширди. Мамлакатимиз тез орада кўп тармоқли индустриал ва қишлоқ хўжалиги ривожланган республикага айланди.

Тошкентга йирик самолётсозлик заводларидан бири жойлаштирилди. У ҳозирги «ИЛ-76» транспорт самолёти ишлаб чиқарадиган МДХдаги бирдан бир корхонадир. Машинасозлик ва металлургия корхоналари орасида «Бекобод металлургия комбинати», «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекқишлоқмаш», «Тошқишлоқмаш», «Чирчикқишлоқмаш», «Тошкимёқишлоқмаш» заводлари барпо етилиб, бутун иттифоқ иқтисодиётига хизмат қилган.

Ўзбекистонда минерал хомашё базаси мавжудлиги 60-80-йиллар мобайнида республика халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини, айниқса, газ, олтин ва уран ишлаб чиқариш, енергетика, кимё, рангли металлургия, руда бўлмаган хомашёлар ва қурилиш материаллари саноатларини тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини берди. Республикада топилган конлар орасида Олмалик ва Навоий тоғ-металлургия комбинати, Ангрен кимё - металлургия заводи, плавик шпат корхоналари, Ингичка ва Кўйташ бошқармалари, Мурунтоғ тоғ-металлургия комплекси, газ, нефт, бетонит, пардозлаш тошлари, турли

---

<sup>52</sup> Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English

курилиш материаллари, феруза, графит чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик корхоналар ишга туширилди.

Ҳозиргача республикада 90 хил хомашё базаси очилган. 650 та саноат миқёсидаги ва 500 истиқболдаги тоғ-кон саноати корхоналари, газ ва нефт корхоналари, шахталар, карьерлар, йирик сув иншоотлари ишлаб чиқаришининг йиллик ҳажми 120 миллион тоннани ташкил этади. Биргина 2007-йилда 59 миллиард кубометр табиий газ, 65 миллион тонна нефт қазиб чиқарилди. Бир кеча-кундузда 2500 минг кубометр йер ости сувлари олинмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида стратегик аҳамиятга ега бўлган уран, олтин мис, рух, волфрам, молибден, флюорит, шунингдек, алюминий ва магний рудалари, нодир металллар, олтингургурт, ош тузи, калий, фосфор ва бошқа табиий туз қатламлари, каолин, ўта чидамли хомашёлар, бентонит, мрамор ва бошқа безак тошлари, унча қиммат бўлмаган пардозлаш тошларининг (бирюза, оникс, холцедон, аметист ва бошқалар) улкан захиралари мавжуд. Ёқилғи ресурслари бўйича еса кўмир, табиий газ ва нефт конлари очилган бўлишига қарамадан, республикага четдан минерал хомашёлар ташиб келтирилиши жиддий иқтисодий сарф-ҳаражатларга ҳамда транспорт балансининг асоссиз равишда кучайтирилишига олиб келди.

Республикада топилган конлар орасида Олмалик тоғ-кон металлургия ва Бекабод металлургия комбинатларида хомашёни қазиб олиш, бойитиш ва иккиламчи металлни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Ангрен, Олмалик кон саноати асосан ҳудудда жойлашган рангли металлургия, мис олиш, қийин ерийдиган ва ўтга чидамли металллар, олтин ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Олмалик кон-металлургия комбинати собиқ СССРнинг бу тармоқдаги енг йирик корхонаси еди. У Ўзбекистон тасарруфига олингандан сўнг республика иқтисодиётига баракали улуш қўшиб келмоқда. Республикада аниқланган волфрам рудалари ва молибден конлари негизида Чирчиқ шаҳрида «Ўзбекистонда қийин ерийдиган ва ўтга чидамли металллар» комбинати ишлаб турибди.

Республика металлургия саноати барча саноат маҳсулоти ҳажмининг 10 %идан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Конлар фойдаланишга топширилиши республиканинг айрим ҳудудлари иқтисодиётини ўзгартириб юборди. Янги тоғ саноат комплекслари бунёд етилди. Ангрен, Олмалик, Зарафшон, Учқудуқ конлари еса тоғ ва бўз йерларнинг саноат жиҳатидан ўзлаштирилишига асосий омил бўлди. Ҳозирги даврга келиб, аниқланган миллий бойлик манбаларида ишлаб чиқариш корхоналарини узоқ муддат давомида олтин, мис, уран, кўрғошин, рух, волфрам, молибден, литий, алюминий хомашёси ҳамда бошқа нодир металллар ва фойдали қазилмаларнинг катта захиралари бор. Шуни еътиборга олганда республика металлургия саноатининг умумий саноат маҳсулоти ҳажмидаги ҳиссаси бундан буён ҳам ортиб боради.

Республика тасарруфига металлургия мажмуаси олинишининг боиси шундаки, биринчи галда рангли ва асл металлдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида камёб маҳсулотлар жумласига киради ва экспортни ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳамда мамлакат валута захирасини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Муҳим стратегик объектлар Ўзбекистон тасарруфига олиниши туфайли бу корхоналар жаҳоннинг кўпгина давлатлари (АҚШ, Канада, Австралия ва Япония) билан иқтисодий алоқалар ўрнатди, жаҳондаги машҳур фирмалар – «Нюмон», «Морибени», «Мицибиси», «Бридж-стоун», «Катйерпиллар», «Шелл», «Спектра аналитика инструменц», «Нукем», «Хитачи», «Нисса Иваи» ва бошқалар билан узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик ришталари боғланган. «Нюмонт Майнинг корпорейшин» фирмаси билан ҳамкорликда вужудга келган «Зарафшон – Нюмонт» корхонаси Мурунгов карйери чиқиндиларидан 100 тонна олтин ишлаб чиқарди.

### **8.3. ЖАҲОН БОЗОРИДА ГЛОБАЛ РАҚОБАТ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН БИР ШАРОИТДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲУДУДИР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ.**

Минтақавий сиёсатнинг ўрганиш объекти турли кўринишдаги ҳудудий нотенгликлар, яъни аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитидаги, ишсизлик ва бандликдаги, алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш суръатларидаги ва тадбиркорлик шароитидаги тафовутлар ҳисобланади.

Минтақавий сиёсат ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Унинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги барча ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги ҳудудий тафовутларни енг кам даражага келтириш, ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатини оширишга қаратилиши лозим. Минтақавий сиёсатнинг мақсади мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳалақит берадиган, ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган ҳудудий нотенгликларни бартараф етишдан иборат.

Турли мамлакатларнинг марказий ҳукуматлари, ҳудудий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари бундай тафовутларни бартараф етиш учун бир қатор (мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат тузилиши ва ички муаммолари, ҳокимият тепасида турган партияларнинг мақсадлари) омилларга боғлиқ бўлган хилма-хил воситалардан фойдаланадилар.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишдан аввал, биринчи навбатда, мамлакатдаги ҳудудий нотенгликларнинг сабаблари ўрганилади. Бунда қуйидагиларга еътибор бериш лозим:

- табиий-иқлим шароитидаги кескин тафовутларнинг мамлакатнинг айрим ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири;
- минтақалардаги мавжуд табиий ресурслар ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш даражаси;
- минтақаларнинг чекка ҳудудларда жойлашганлиги натижасида транспорт харажатларининг кўпайиши, маҳсулот нархларининг ортиши. Бу еса ўз навбатида бозорнинг торайишига олиб келади. Транспорт ва коммуникация алоқаларининг ёмонлиги четда жойлашган минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини қийинлаштиради;
- у ёки бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга таъсир етувчи технологик ривожланиш босқичи (хомашё ресурслари, оралиқ маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар);
- минтақанинг автономия даражаси, сиёсий шарт-шароитлари, ривожланиш тарихи ва ҳ.к.;
- ишлаб чиқариш инфратузилмаси: аэропортлар, транспорт тармоқлари, саноат майдонлари, телекоммуникация тизимлари ва ҳ.к. билан таъминланиши;
- ижтимоий-маданий омиллар: шаҳарлашув даражаси, аҳолининг маълумоти, илмий марказларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда минтақавий сиёсат капитал кўйилмалар қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат қиладиган қуйидаги 3 йўналишда олиб борилмоқда:

Биринчи йўналиш - кам ривожланган ва саноат тараққиёти паст минтақаларда инфратузилма объектларини барпо етиш ва уларнинг бошқа раёнлар билан алоқаларини

яхшилашдан иборат. Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат бевосита ишлаб чиқаришга аралашмайди, лекин тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш давлатнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Автомобил ва темир йўллар, электр тармоқлари, газ ва сув қувурлари, алоқа тармоқ мавжудлиги бундай ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланишига катта ёрдам беради. Ҳозирда мамлакатимизда қишлоқ аҳоли пунктларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Иккинчи йўналиш – юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий етган минтақалар, хусусан, йирик шаҳарларга нисбатан чеклаш усулларини қўллаш (маъмурий ёки молиявий чеклашлар орқали амалга оширилади). Бундай минтақаларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришга чек қўйиш орқали ҳудудий тафовутлар кучайишининг олди олинади. Мазкур усул дунёнинг деярли барча тараққий етган мамлакатларида агломерация марказларига нисбатан кенг қўлланилади. Ўзбекистонда йирик ва катта шаҳарларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришнинг олдини олиш, кичик шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Учинчи йўналиш - муаммоли минтақаларга саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва хусусий сармояларни жалб етишни рағбатлантиришаҳри. Мазкур йўналиш иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхоналарни жойлаштиришда давлат томонидан муҳим еътибор бериладиган асосий йўналиш ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг қуйидаги 2 хил усули кенг қўлланилади:

1. Адолатли усул - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра мамлакат фуқаролари қайси ҳудудда яшашларидан қатъий назар, уларнинг турмуш даражаси деярли бир хил шароит ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади.

2. Самарали усул - умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усул ҳисобланади.

Ҳар икки усул турли ҳолатларда ўзаро бир-бирини тўлдирадиган ёки бир-бирига қарама-қарши бўлиши мумкин. Бу еса муайян мамлакат иқтисодий тараққиётнинг қайси поғонасида турганлигига боғлиқ. Иқтисодий салоҳияти катта, ривожланиш даражаси юқори бўлган АҚШ, Канада, Япония ва ғарбий Йеуропа мамлакатлари минтақавий сиёсатида адолатли усул кенг қўлланилади<sup>53</sup>.

Хорижий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳудудларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича турли мамлакатларда хилма-хил йўналишлар мавжудлигига қарамай, улар ўртасида тафовутлар кам, минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги мақсадлари еса қуйидаги вазифаларни ҳал етишга қаратилган:

- иқтисодий қолоқ минтақалар ривожланишини рағбатлантириш;
- марказий ҳокимият вазифаларининг катта қисмини маҳаллий давлат органлари зиммасига юклаш;
- йирик шаҳарларда саноат ишлаб чиқариши тўпланишини чеклаш;
- янги ўзлаштирилган ҳудудларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришни рағбатлантиришаҳри.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг енг оммавий усулларидан бири ҳудудий ривожлантириш жамғармаларини ташкил етиш ҳисобланади. Биринчи марта 1975-йилда Йеуропа Иттифоқи қошида ҳудудий мувофиқлаштириш жамғармаси ташкил етилган. Бошқа бир қанча мамлакатларда ҳам айрим ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал етиш мақсадида махсус жамғармалар (Италияда давлат субсидияси ҳисобига фаолият юритадиган ва жанубий ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган

---

<sup>53</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

«Жануб хазинаси», Болгарияда айрим ҳудудлар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини таъминлаш бўйича жамғарма, Венгрияда учта мақсадли жамғармадан иборат ҳудудлар ривожланишининг марказий жамғармаси ва бошқ.) тузилган.

Кўплаб хорижий мамлакатлар минтақавий сиёсатининг муҳим хусусияти шундаки, унда йирик маъмурий-ҳудудий бирликлар (губерния, штат, провинция) емас, балки муайян шаҳар ва муниципалитетлар ҳудудий мувофиқлаштириш маконлари ҳисобланади. Жумладан, Францияда кам ривожланган жануби-ғарб минтақасининг 9 та агломерация ва 17 шаҳар, Испанияда 10 та “ривожланиш марказлари” ва 2 та “саноатни рағбатлантириш марказлари”, Японияда 10 та “саноат ривожланишининг алоҳида раёнлари”, 6 та “янги саноат шаҳарлари”, Италияда 12 та “саноатни ривожлантириш ареаллари” ва 26 та “саноатлаштириш ядролари”, Германияда 300 та “муҳим аҳоли пунктлари” ва ҳоказо. Бу соҳада нидерландияликлар ва белгияликлар тажрибаси айниқса диққатга сазовор. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Белгияда шаҳар ва қишлоқлар ривожланишини режалаштириш бўйича қонун илк бора 1915-йилда қабул қилинган.

Кўплаб мамлакатларда минтақавий сиёсат ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, турли ҳудудлар учун турлича қўлланилиши мумкин. Масалан, туғилишни камайтириш сиёсати ниҳоятда қатъий йўлга қўйилган Хитойнинг зичлик кўрсаткичлари анча паст бўлган Уйғур-Сянган автоном округи ва Тибет учун оилада болалар сони чекланмаган.

Ривожланган мамлакатлар орасида Япониянинг бу соҳадаги тажрибаси алоҳида афзалликларга эга. Аниқ мақсадга йўналтирилган узоқ муддатли дастурлар изчил амалга оширилиши натижасида Япония тарихан қисқа давр ичида дунёдаги енг тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олди.

Япония минтақавий-иқтисодий сиёсати йер ва табиий ресурсларнинг чекланганлигидан, кишилар фаолиятини табиий шароит билан уйғунлаштириш зарурати ва мамлакат турли ҳудудлари аҳолисининг турмуши бўйича бир хил шароит яратиш талабидан келиб чиқади.

Умуман, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш жамият ва давлат олдида турган мақсад ва вазифалар, уларнинг миқёси ва амалга ошириш имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади. Японияда моддий ва молиявий ресурслар ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини кам ривожланган, “чекка” минтақаларга жалб этишнинг тез мослашувчан ва қулай усули барпо этилди.

Республикамиз иқтисодиётида ҳам бозор иқтисодиётига ўтаётган бошқа мамлакатлардаги сингари “самарали” усулни қўллаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб фойдаланилмаётган захиралар ишга туширилмоқда; янги корхоналар асосан коммуникациялар билан яхши таъминланган кичик ва ўрта шаҳарларга жойлаштирилмоқда; қишлоқ хўжалигида табиий-иқлим шароитига мос екинлар екиш жорий этилмоқда.

Республикамиз мустақилликка еришгандан кейин, биринчи навбатда бой табиий-иқтисодий салоҳиятга эга ҳудуд ва шаҳарларни ривожлантириш, минтақалар иқтисодий тараққиётидаги тафовутларни камайтиришга алоҳида еътибор берилмоқда. Қишлоқда саноатни, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тизимини шакллантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, республикамизнинг турли ҳудудлари майдони, аҳоли сони, табиий-иқлим шароити, инфратузилма объектлари билан таъминланиши, шаҳарлашув даражаси, аҳолининг турмуш шароити ва бошқаларга кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Жумладан, мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликлари ўртасидаги аҳоли зичлиги бўйича енг юқори кўрсаткич Тошкент вилоятининг Тошкент туманига тўғри келса (1 км<sup>2</sup> майдонда 767 киши), аксинча енг сийрак минтақа Навоий вилоятининг Томди тумани (1 км<sup>2</sup> майдонда 0,58 киши) ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани республика маъмурий-худудий бирликлари орасида аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги бўйича энг олдинги ўринни егаллайди. 2001-йил давомида бу ёрда ҳар 1000 кишига нисбатан табиий ўсиш 26,9 кишига тўғри келган. Энг қуйи кўрсаткич еса Навоий вилоятининг Томди туманида 4,7 кишига тенг бўлган.

Аҳоли табиий кўпайишида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутлар яққол сезилиб туради. Хусусан йирик, саноатлашган ва маҳаллий миллат вакиллари нисбатан кам истиқомат қиладиган шаҳарларда аҳоли табиий кўпайиши қишлоқ жойларга нисбатан бир неча бор паст эканини кўришимиз мумкин. Жумладан, Тошкент вилоятидаги Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарларида табиий ўсиш республика ўртача кўрсаткичига нисбатан 3-5 марта камдир.

Тошкент шаҳрининг айрим туманлари орасида ҳам шундай тафовутлар учрайди. Жумладан, маҳаллий миллат вакиллари кўп истиқомат қиладиган Шайхонтохур туманида аҳолининг табиий кўпайиши Мирзо Улуғбек туманига нисбатан еса 3,7, Ҳамза туманига нисбатан 5,5 марта юқори.

Самарқанд вилояти Ургут тумани аҳоли сони бўйича мамлакат маъмурий-худудий бирликлари орасида энг юқори ўринни егаллайди. У ёрда 335 минг киши истиқомат қилади. Бухоро вилояти қоровулбозор тумани еса, аксинча, аҳолиси энг кам худуд ҳисобланади. У ёрда 13,6 минг киши яшайди.

Умуман, ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатнинг минтақавий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг мана шундай алоҳида жиҳатлари албатта ҳисобга олиниши лозим.

#### **8.4. ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ОРҚАЛИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ИСТЕЪМОЛИ ИМКОНияТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

Ўтган асрнинг 70-йилларигача «иқтисодий ривожланиш» дейилганда мамлакатнинг ишлаб чиқаришни аҳоли ўсиш суръатларидан юқорироқ суръатларда ошириш қобилияти тушунилар, ривожланиш жараёнининг миқдорий ўлчови сифатида «иқтисодий ривожланиш даражаси» тушунчаси хизмат қилар, у мамлакат миллий даромадини унинг аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланар еди. Кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асоси ҳисобланади. Демак, миллий даромадининг ўсиш суръатлари қанчалик юқори бўлса, аҳолисининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ортган мамлакатда иқтисодий ривожланиш даражаси шунчалик оша боради.

Таҳлиллар кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги юқори ўсиш суръатларига еришган бўлса-да, бу борадаги кўрсаткичларни узоқ вақт сақлаб қола олишмаган<sup>54</sup>. Чунки уларда иқтисодий ўсиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишга олиб келмаган. Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, «иқтисодий ривожланиш» тушунчаси сифат жиҳатидан бойитилиб, миллий иқтисодиёт тузилмаси, қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар нисбати, экспорт таркиби, мамлакат аҳолисининг маълумот даражаси, еҳтиёжлари таркиби ва бошқалар билан ифодалана бошлади.

Кейинчалик еса иқтисодий тадқиқотлар чуқурлашуви билан ривожланишга ижтимоий ва сиёсий омиллар сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи кўп қиррали жараён сифатида қаралди. «Иқтисоди ривожланиш» тушунчаси ўтган асрнинг охириги чорагида мазмунан

<sup>54</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

чуқурлашди. Бунга фан-техника инқилоби ва унинг таъсирида ишчи кучи сифатига кўйиладиган талаблар ошиши сабаб бўлади. «Инсон капитали» кўйилмалари самарали иқтисодий ўсишни таъминловчи объектив зарурат сифатида тан олинди. Жаҳон банкининг маърузасида (1991-й.) иқтисодий ривожланишга инсон таракқиётига қаратилган жараён сифатида қаралди. Унда таъкидланишича, «таракқиётнинг мақсади - ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобланади.

Ҳаёт сифатининг яхшиланиши, хусусан, камбағал мамлакатларда, аввало, даромадлар кўпайиши ва фақат бугина эмас, балки, яхшироқ таълим олиш, овқатланиш ва соғлиқни сақлаш имкониятлари тенглиги, шахсий еркинликни кенгайтириш ва бой маданий ҳаётни кўзда тутати. Юкоридаги таърифда шу нарсага еътибор бериш керакки, ҳаёт сифатининг яхшиланиши биринчи навбатда барча аҳоли даромадларининг ўсишига - мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадларининг ўсишига боғлиқ қилиб кўйилади. Енди еса «иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш» тушунчасини кўриб чиқайлик.

Ушбу тушунчанинг муайян таърифлари мавжуд. Масалан, В.И. Кушкин таҳрири остидаги чикқан дарсликда ифодаланишича, «иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш - ваколатли давлат органлари, ташкилотлари томонидан маълум бир ижтимоий-иқтисодий вазибалар, мақсадларга еришишга қаратилган қонунчилик ва назорат характйеридаги чора-тадбирлар тизимини кўллаш ҳисобланади». А.С. Булатов таҳрири остидаги дарсликда еса ушбу тушунча қуйидагича таърифланган: «иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш - бу, давлатнинг, жамиятнинг хўжалик ҳаётига ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнларга таъсир етиш жараёни бўлиб, унинг натижасида маълум бир доктринага асосланган давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати амалга оширилади».

Биз иккинчи таърифни маъқул кўраимиз, чунки у республикаимиз шароитига мос. Енди еса, «Худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» тушунчасига таъриф бериб кўрайлик ва унинг ўзи нимани англатишини аниқлайлик. Таъриф беришдан олдин ушбу тушунчанинг зарурати нимада еканлигини кўриб чиқамиз.

Жаҳон тажрибасига кўра иқтисодиётни давлат томонидан самарали бошқаришга маҳаллий хусусиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал етилгандагина еришилади. Бунда республика ҳокимият органлари еътибори умуммиллий хусусиятдаги қарорларни қабул қилиш, иқтисодиёт ривожланишининг истиқболли йўналишларини аниқлаш ва шу асосида фаолият юритиш, қонунни ҳимоя қилиш ва ҳимоялаш каби ишларга қаратилган бўлади.

Шундай қилиб, худудларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурати ижтимоий-иқтисодий муаммоларни (бандлик, ижтимоий ҳимоя, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва бошқалар) ўзларига бириктирилган даромадлар манбалари ҳисобига ҳал етишда кўпроқ еркинлик ва ваколатлар берилганда юзага келади. Демак, худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш-республика ҳокимият органлари томонидан худудларнинг иқтисодий ривожланишига ҳамда бу ривожланиш билан боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсир етиш воситаси бўлиб, унинг натижасида худудий сиёсат рўёбга чиқади.

«Худудий сиёсат» атамаси кенг тарқалган бўлса-да ҳали унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Бу ўринда ундан «худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» атамасига синоним сифатида фойдаланамиз, чунки худди шундай мазмунғарб адабиётларида «худудий сиёсат» атамасига берилади. Турли муаллифлар «худудий сиёсат»га турлича таъриф беришади. М.В.Степанов таҳрири остидаги ўқув кўлланмада айтилишича, «худудий сиёсат – давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми. У ўз ичига ҳам марказий (республика), ҳам маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ҳамда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш жараёнларини

тартибга солишга қаратилган турли ҳил қонунчилик, маъмурий ва иқтисодий тадбирлар мажмуасини олади».

«Бизнеснинг катта изоҳли луғати»да (Солинс) еса, «худудий сиёсат мамлакатнинг турли хил географик ҳудудлари ўртасида саноат фаолиятининг, бандлик ва фаровонликнинг мувозанатлашган тақсимотини ўрнатиш билан шуғулланувчи сиёсат» дейилган. Хуллас, «худудий сиёсат»нинг таърифлари кўп. Уларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, худудий сиёсат марказий (республика) ҳокимият органларининг худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш мақсадидаги хатти-ҳаракатидир. Худудий сиёсатнинг бош мақсади – ижтимоий зиддиятлар юзага келишига замин яратувчи, мамлакат ёки унинг худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилувчи тенгсизликларни мумкин қадар камайтиришдан иборат.

Давлат худудий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- мамлакатда худудий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;

- худудларнинг иқтисодий имкониятларидан қатъий назар, ягона минимал ижтимоий стандартлар ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;

- худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;

- атроф-муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, худудларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;

- ўта муҳим стратегик аҳамиятга ега худудларни устувор ривожлантириш;

- худудларнинг табиий - иқлим хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;

- ўзини-ўзи бошқариш кафолатланишини таъминлаш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда худудий сиёсатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, минтақаларда кўп укладли иқтисодиёт, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантириш, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва худудий бозорлари ҳамда институционал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига кўмаклашиш;

- худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидаги катта фарқларни камайтириш, уларда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустақамловчи шароитларни босқичма-босқич яратиш;

- худудлар иқтисодий тузилмасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган даражасига еришиш, бозор шароитида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- худудлараро инфратузилмавий тизимларни (транспорт, алоқа ахборот ва бошқалар) ривожлантириш;

- экологик ва фавқулодда ҳолатларга учраган, ишсизлик даражаси юқори бўлган, демографик ва миграцион муаммолар мавжуд худудларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш.

Енди еса худудий сиёсат воситаларини кўриб чиқамиз. Сиёсатни амалга ошириш воситалари сифатида микро ва макро даражада қўлланиладиган турли хил бевосита ва билвосита, маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар хизмат қилади. Худудий сиёсатни амалга ошириш воситалари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни прогноз қилиш;

- худудлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки;

- давлат буюртмаларини жойлаштириш;

- маҳаллий ҳокимият имкониятлари чегараланган фаолият соҳаларида худудларга ташкилий, ҳуқуқий ва ахборот кўмагини кўрсатиш;

- иқтисодий механизм ва воситаларни қўллаш;
- еркин иқтисодий ҳудудларни ташкил етиш.

Прогноз қилиш – ҳудудий тараққиёт стратегиясини илмий асослаш ва ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқишнинг муҳим таркибий қисми, прогнозларни ишлаб чиқишдан асосий мақсад – юз бераётган ва кутилаётган жараёнларнинг ривожланиши, ҳудудий сиёсат ва уни амалга ошириш воситаларининг вариантлари, у ёки бу бошқарув қарорларининг оқибатларини баҳолаш. Минтақавий сиёсатни амалга ошириш шаклларида бири давлатнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлари ҳисобланади. Уларга ҳозир ҳам, келажакда ҳам алоҳида ётибор бериш керак.

Ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироқи манзилли тартибга солиш йўлларида бири сифатида намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида мамлакатда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни келтириш мумкин. Ҳудудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий иқтисодий механизми бюджет тизими ҳисобланади. Бюджетлар қонуний актлар асосида қабул қилинади ва ишлатилади.

Ҳудудий ривожланишнинг макроиқтисодий воситалари давлатнинг солиқ, кредит, инвестиция, нарх, ижтимоий ва бошқа сиёсатнинг ҳудудлар бўйича дифференциациялашган параметрлари сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

### **Назорат саволлар**

1. Ҳудудларни бошқариш ва ривожланишини тартибга солиш воситаларини тушунтириб беринг?
2. Ўзбекистонда Республикаси минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларини тақсимлашнинг қуйидаги асосий тамойиллари ҳақида маълумот беринг?
3. Ўзбекистонда республика маҳаллий хўжалик амалиёти жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан конституциявий ваколатларни амалга оширишнинг қуйидаги самарали шакллари нимадандан иборат?
4. Ҳудудларни ривожлантириш стратегияси ва уларни нисбий афзалликларидан фойдаланиши ҳақида маълумот беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

### **Интернет ресурслари**

1. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-МОДУЛ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАЪЛУМОТЛАР



Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади.

**Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.**

Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилади деб қўйиш мумкин бўлади. Одатда бирон бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди; иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади; учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсон ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди. Шунга кўра, иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади:

$$\checkmark C = \frac{ЯИМ_{\text{жорий давр}} - ЯИМ_{\text{базис давр}}}{ЯИМ_{\text{базис давр}}} \times 100\% ,$$

бу ерда:

$\checkmark C$  – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;


$ЯИМ_{\text{базис давр}}$  – таққосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми;

$ЯИМ_{\text{жорий давр}}$  – жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

Айталик, 2014 йилдаги миллий ишлаб чиқариш ҳажми ( $Y_{2014}$ ) 2000 йилдаги ( $Y_{2000}$ )га нисбатан ўсди. Бу ўсиш ўз навбатида миллий ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг ҳам кенгайишига олиб келади (1-чизма).

*1-чизма*

**Иқтисодий ўсиш натижасида миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши**



Чизмадан кўринадики, иқтисодий ўсиш натижасида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот миқдори ортади, бу эса аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади. Иқтисодиёт мавжуд эҳтиёжларни янада тўлароқ қондириш имконига эга бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда унинг даражасини ҳам эътиборда тутиш лозим. Иқтисодий ўсиш суръатларининг аҳамиятлилик даражаси турли мамлакатлар реал ЯИМнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Реал ЯИМ ҳажми нисбатан кичик бўлган мамлакатлар учун 8-10% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати меъёрдаги ҳолат саналиши, реал ЯИМ ҳажми жуда катта бўлган мамлакатлар учун 2-3% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати эса аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш суръатининг аҳамиятини иқтисодчилар томонидан қўлланилувчи «**70 миқдори қоида**си» ёрдамида ҳам очиқ бериш мумкин<sup>55</sup>. Бу қоидага кўра, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ҳажмини 2 бараварга оширишда қанча вақт талаб этилишини аниқлаш учун 70 сонини йиллик ўсиш суръатига бўлиш керак бўлади. Масалан, мамлакатимиздаги ўсиш суръатининг 9% даражасида ЯИМни 2 баравар ошириш учун 7,7 йил талаб этилади (70:9). Холбуки, иқтисодий ўсишнинг 2000 йилдаги 4,0% даражасида бу кўрсаткичга 17,5 йилда (70:4) эришиш мумкин эди. Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатининг янада оширилиши бу муддатнинг аҳамиятли равишда қисқаришига олиб келади.

Ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

**Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади.** Айталик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун ишлаб

<sup>55</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

чиқариш омиллари миқдори икки баробар кўпайтирилиши лозим, содда қилиб айтганда мавжуд корхоналар билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна корхоналар қурилиши лозим. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

**Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади.** Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинadиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли кўпроқ устувор экстенсив ва устувор интенсив иқтисодий ўсиш турлари ҳақида сўз юритилади.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланганлик даражаси;
- б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;
- в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат;
- г) меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯИМ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади. Бунда иқтисодиётнинг йирик соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ҳам ўрганилади.

## 2. Иқтисодий ўсишнинг омиллари.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар **таклиф омиллари** деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг ўсиш лаёқатини белгилаб беради:

- 1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- 2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;
- 3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми;
- 4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Бу омиллар ҳар бирининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш орқали иқтисодий ўсишни тавсифлаш мумкин.

Маълумки, ялпи ички маҳсулот ишчи кучи, капитал ва табиий ресурслар сарфларининг функцияси ҳисобланади, яъни:

$$Y = f(L, K, N),$$

бу ерда:

- Y – ялпи ички маҳсулот;
- L – ишчи кучи сарфлари;
- K – капитал сарфлари;

N – табиий ресурслар сарфлари.

Бу функционал боғланишдан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи бир қатор хусусий кўрсаткичларни келтириб чиқариш мумкин:

7) **меҳнат унумдорлиги (Y/L)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг жонли меҳнат сарфларига нисбати;

8) **меҳнат сиғими (L/Y)** – жонли меҳнат сарфларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

9) **капитал самарадорлиги (Y/K)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг унга сарфланган капитал харажатларига нисбати;

10) **капитал сиғими (K/Y)** – капитал харажатларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

11) **табиий ресурслар самарадорлиги (Y/N)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўлланилган табиий ресурслар миқдорига нисбати;

12) **маҳсулотнинг ресурслар сиғими (N/Y)** – табиий ресурслар сарфининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;

7) **ишчи кучининг капитал билан қуролланганлик даражаси (K/L)** – ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган капитал ҳажмининг ишчи кучи миқдорига нисбати.

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлардан ташқари яна **кейинги қўшилган ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги** кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичлар, бошқа омиллар сарфи ўзгармагани ҳолда, ҳар бир алоҳида омил сарфининг қўшимча ўсиши таъсирида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиши ҳажмини белгилаб беради:

4) кейинги қўшилган меҳнат унумдорлиги ( $\Delta Y / \Delta L$ );

5) кейинги қўшилган капитал унумдорлиги ( $\Delta Y / \Delta K$ );

6) кейинги қўшилган табиий ресурслар унумдорлиги ( $\Delta Y / \Delta N$ ).

Бу кўрсаткичлар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсишида ҳар бир омилнинг ҳиссасини намоён этиб, у қуйидагича аниқланади:


$$Y = (\Delta Y / \Delta L)L + (\Delta Y / \Delta K)K + (\Delta Y / \Delta N)N .$$

Иқтисодий ўсишга **тақсимлаш омиллари** ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг юқори миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Реал маҳсулот икки асосий усулда кўпайтирилиши мумкин: 1) ресурсларнинг кўпроқ ҳажмининг жалб этилиши; 2) улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан (2-чизма).

*2-чизма*

### Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар



Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни сусайтириб турувчи омиллар ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда республикамизда давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

### 3. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш омиллари ва натижалари.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари ўртасидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилиб, ривожлантирилди.

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар % да	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3	8,2	8,0	8,1
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8	8,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8	6,9
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	15,0	13,5	15,7
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8	14,3
Давлат бюджетининг бажарилиши	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4	+0,4	+0,3	+0,2
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,6	7,0	6,8	6,1
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши	44,2	40,0	40	32	26,5	26,5	20,8	23,2
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5	23,1	17,5	16,0	10,2

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминланиш мақсадида қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишига катта эътибор қаратилди:

- кенг кўламдаги тизимли бозор ислохотларини изчил амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирларини кучайтириш;
- иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш;
- экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналарни барпо этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатни амалга ошириш.

## 1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари

### Иқтисодий ўсиш

- бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

### Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари

реал ЯИМ

реал ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши

Иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади:

$$\check{O}\check{N} = \frac{\beta\check{E}\check{I}^{\text{аёлов аёлов}} - \beta\check{E}\check{I}^{\text{ақсёй аёлов}}}{\beta\check{E}\check{I}^{\text{ақсёй аёлов}}} \times 100\%$$

бу ерда:

ўс

• – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;

ЯИМ<sub>базис давр</sub>

• – таккосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми;

ЯИМ<sub>жорий давр</sub>

• – жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

## Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси куйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- 1 • ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланганлик даражаси;
- 2 • ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;
- 3 • ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат;
- 4 • меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси.

## Иқтисодий ўсиш турлари

### Экстенсив иқтисодий ўсишга

- ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади.

### Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури


- шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади.

**2007-2014 ЙИЛЛАРДА ЭРИШИЛГАН АСОСИЙ  
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР**

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар % да	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3	8,2	8,0	8,1
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7	8,8	8,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0	6,8	6,9
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	15,0	13,5	15,7
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9	14,8	14,3
Давлат бюджетининг бажарилиши	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4	+0,4	+0,3	+0,2
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,6	7,0	6,8	6,1
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг осиши	44,2	40,0	40	32	26,5	26,5	20,8	23,2
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5	23,1	17,5	16,0	10,2

**4. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлар**

**ЎЗБЕКИСТОНДА 2007-2014 ЙИЛЛАРДА ЯЛПИ ИЧКИ  
МАҲСУЛОТНИНГ ЎСИШИ ДИНАМИКАСИ, фонзда**



16


## ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ НАТИЖАЛАРИ

- Ҳатта йили ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди.
- Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди.
- 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиёзлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.
- Андижон давлат университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолари барпо этилди.



48

## ҚИШЛОҚЛАРДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ҚУРИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР Сони



## 2-МОДУЛ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАЪЛУМОТЛАР

### РЕЖА:

1. • Бозор иқтисодиётига ўтиш концепциялари
2. • «Рейганомика», Тетчеризм» ва «Маршалл» режаларининг моҳияти.
3. • «Турк йўли» ёки «Тургут Озал модели» нинг моҳияти
4. • “Япон мўъжизаси”
5. • « Эрхард ислохоти” ёки “Германия йўли”
6. • Россиядаги “500 кун”лик дастурнинг такдири
7. • Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари
8. • Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари
9. • Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари
10. • Ўзбекистонда миллий таракқиёт босқичларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти

### Концепция тушунчаси .

Бозор муносабатлари тўсатдан ва бирданига шаклланмай, балки мавжуд иқтисодий тизимдан ўсиб чиқади. Шунинг учун эски тизимни собитқадамлик билан ислох қилиб бориб, бозор иқтисодиётига киришиш мумкин.

Бозор ислохотлари деганда халқ иштирокида, давлат томонидан ишлаб чиқилган, бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни давлат назорати остида амалга оширилиши тушунилади.

Концепция – бу бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели. Концепцияда Янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий жиҳатлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислохотнинг асосий йўналишлари белгиланади. Айнан ишлаб чиқилган концепцияга таянган холда бозор ислохотини таъминловчи юридик қонунлар мажмуаси яратилиб улар амалга оширилади<sup>56</sup>.

Ислохотлар қўйидаги йирик гуруҳларга булинади:

- мулкый муносабатлар ислохоти.
- аграр ислохот.
- молия-кредит ислохоти.
- социал ислохотлар.
- ташки иқтисодий алоқалар ислохоти.

Бу ислохотларнинг кетма-кетлиги, ўтказиш усуллари ва муддатлари хар хил бўлади. Улар комплекс характерда бўлади ва иқтисодиётнинг ҳам м а соҳаларида ўтказилади. Бир соҳа ислох этилиб, қолганлари эскичасига қолса, бозор муносабатлари шакллана олмайди, бинобарин, ислохотлар самарали бўлмайди.

«Муқобил ривожланиш» назарияси концепциялари.

<sup>56</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

Ривожланган ёш мамлакатлар ўз олдиларига эришиш осонроқ бўлган мақсадларни кўйиб «муқобил ривожланиш» назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўлини манна шу назариялар доирасида излашга мажбур эдилар. Бу концепцияларнинг асосийлари 1- жадвалда кўрсатилган.

1- жадвал

№	Концепциялар	Мақсад
1.	«Асосий эҳтиёжлар»	- аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини таъминлаш; - иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этиш.
2.	«Мақбул ёки тегишли технология»	- аҳоли бандлигини таъминлаш; - маҳаллий хом - ашёни, аввало қишлоқ хўжалик хом - ашёсини қайта ишлашга қаратилган серме ҳат технологияни ривожлантириш;
3.	« Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш»	- мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланиш; - ривожланаётган мамлакатларга арамлигини камайтириш мақсадида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
4.	«Янги ҳалқаро иқтисодий тартиб»	- ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутулиши; - иқтисодий қолоқликни тугатиш; - тенг ҳуқуқли шериклар сифатида тан олиниш; - ўз манфаатларига мувофиқ келадиган янги нархларни, ҳалқаро савдо меъёрларини, валюта курсини белгилаш; - замонавий технологияни сотиб олиш имкониятларини кенгайтириш;

### **Бозорсиз тараққиёт, бозор экстримизми ва бошқариладиган бозорлар.**

Академик А.Аганбегян иштирокида тайёрланган ва собиқ СССР Вазирлар Кенгаши Раёсатида муҳокама қилинган муқобил дастурда бозор муносабатларига ўтишнинг турли концепциялари кўриб чиқилган. Бу концепцияларнинг моҳияти 2- жадвалда кўрсатилган.

2- жадвал

№	Концепциялар	Мақсад
1.	Бозорсиз тараққиёт ёки «Либераллаштириш» йўли	- Бозорсиз тараққиётга ўтишдан олдин дастлаб маъмурий-буйруқбозлик тизими бағрида: а) истеъмол товарлари бозорини барқарорлаштириш; б) бюджет тақчиллигини йўқотиш; в) инвестиция соҳасини соғломлаштириш кўзланади. Сўнгра бозорга ўтиш мумкинлиги таъкидланади. - маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги бошқаришни енгил – елпи косметик таъмирлаб, йирик халқ хўжалиги миқёсидаги пропорцияларни шакллантириш ва назорат қилишни марказ ихтиёрига қолдириб, корхоналарга қисман шартнома асосида бозорга махсулот чиқаришга рухсат берилади.
2.	Бозор экстримизми ёки бозорга сакраб ўтиш йўли.	- асосий ғоя-кескин чораларни зудлик билан куриш ва XIX аср андозасидаги эркин бозорга ўтиш. - давлатнинг иқтисодга аралашувига мутлақо чек қўйиш. Бундай йўл меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини, жамиятнинг шу бугунги ва келажакдаги илмий-

		техника тараққие, экология, муффа соҳаларидаги манфаатларга умуман кафолат бермайдиган бозор регуляторига умид боғлайди.
3.	Бошқариладиган ёки тартибга солинадиган бозор.	- асосий ғоя-яккахокимлик тартибидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштирилган бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтиш. - давлатнинг иқтисодиётидаги салмоғини 20-30 фоизга тушириш.

Кўштирнок ичидаги либераллаштириш йўли ҳам, бозор экстримизми ғояси ҳам қўл келмаганлигини вақт кўрсатди. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиенинг сифат жиҳатидан Янги йўллари ишлаб чиқди. Бошқариладиган бозор иқтисодиёти манна шу йўлга асос қилиб олинган. Бу ҳол ниҳоятда кучли иқтисодий ислохот оқимини юзага келтиради. Кўпгина мамлакатлар-ривожланаётган ва ривожланган, капиталистик ва социалистик, демократик ва авторитар мамлакатлар мана шу оқимга қўшилдилар.

«Гангитувчи терапия», «оммабон бозор» ва «каттик каркас» концепциялари<sup>57</sup>.

Жамиятнинг тараққий этириш ва иқтисодий ислох қилиш йўллари хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунга уларнинг аниқ мақсадни кўзлаб йуналтирилиши ва иқтисодиётнинг амал қилиш принциплари сабаб бўлади. Қайд қилинган концепциялар ҳам қўйилган мақсаднинг турлича бўлганидан юзага келган

3-жадвал

Муқобил йўллар	Асосий ғоялар
«Гангитувчи терапия» ёки «фалаж қилиб даволаш усули»	<ul style="list-style-type: none"> <li>Бу йўлни жарроҳлик аралашуви ёки аччиқ, аммо зарур дори ёхуд гангитувчи терапия дейишади.</li> <li>Бу йўл номақбулдир. Чунки у амалда жуда ҳам қисқа муддатли молиявий чора-тадбирлардан бўлак бошқа ҳеч нарса эмас.</li> <li>У амалда «терапиясиз шок» бўлиб қайтади</li> </ul>
«каттик каркас йўли»	ўта муҳим товарларга давлат томонидан нарх ўрнатилади ва назорат қилинади. Бу билан ишлаб чиқариш, алмашув, таксимот каттик каркас остида бўлади. Шу йўл орқали халқ хўжалиги пропорциялари, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ҳимоя марказдан туриб бошқарилади. Бу йўл «карточка» тизимини англади.
«Оммабон бозори» ёки бозор иқтисодиётига бошловчи йўл	Бу йўл мавжуд бошқарув тизимини тубдан ўзгартиришни талаб қилмайди. Режали тизим ўтиш даврида иқтисодиёт барқарорлигини, ишлаб чиқаришда эришилган даражани сақлашга ёрдам беради. Бозор дастлаб ишлаб чиқаришнинг бир қисмини, сўнгра бозор инфраструктурасини барпо этилиши билан асосий қисмини қамраб олади.

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, нафақат бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари, шу билан бирга, унинг андозалари ҳам хилма хилдир. Шу боисдан бозор иқтисодиётининг маълум андозалари уларни амалга оширувчи муайян мамлакатга мансублигига қараб ажратилади. Масалан : Германия, Жанубий Корея, Туркия, Полша андозалари ва ҳоказо.

<sup>57</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

### 3. «Рейганомика», Тетчеризм» ва «Маршалл» режаларининг моҳияти.

Бозор муносабатлари шаклланишининг социал-иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга ўтишнинг миллий ёки ҳудудий режалари ҳам мавжуд бўлади. Буни биз энг ривожланган, капиталистик давлатлар деб қараб келинган АҚШ, Англия ва Франция мамлакатлари мисолида кўришимиз мумкин<sup>58</sup>. ( 4-жадвал )

Эркин бозор моделларига ўтиш моделлари

4-жадвал

Режалар	Асосий ғоялар
<b>«Рейганомика» (АҚШ)</b>	- бу модел миллатнинг социал-маданий ҳолатига асосланади. Ҳар бир шахснинг ютуғига ва юқори даражадаги иқтисодий фаровонлигига йуналтирилган; - «социал даражадаги тенгликка эришиш» вазифаси умуман қўйилмайди; - аҳолининг фаол қисмининг бой бўлишига имкон беради, тадбиркорликни рағбатлантиради.
<b>«Тетчеризм» (Англия)</b>	- иқтисодий фаолият эркинлиги; - хусусий мулкнинг устиворлиги; - кескин рақобат кураши; - иқтисодиётни тартиблашда давлат ролининг устивор эмаслиги; - нарх навонинг тўла либераллашгани.
<b>«Маршалл» режаси</b>	- миллий иқтисодиётнинг бош йуналишларини давлат белгилайди, стратегик режалаштириш жуда ҳам кучли йўлга қўйилган; - нарх-наво бошқарилади; - рақобат рағбатлантирилади; - иш ҳақи устидан қатъий назорат урнатилади; - солиқ тизими назоратда бўлади.

Бу андозалар асрлар оша тарихий-табiiй жараён сифатида амалга ошиб, узундан-узок давом этган ўзгаришлар орқали шаклланган. Бу мамлакатлар иқтисодий тараққиётнинг асосан қийинчиликларинигина енгишган, холос. Шу боис уларга бизда юз бераётган жараёнлар бегона.

Шунингдек, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларни бизларга мисол қилиб келтиришади. Улардан андоза олишни тавсия қилишади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, бу мамлакатлар қола қ пайтида ҳам уларда бозор муносабатлари мавжуд эди.

Бозор иқтисоди, хусусий мулкчилик, одамларда ўз мулкига эгалик қилиши каби тушунчалар бор эди. Капиталистик ишлаб чиқариш асослари мавжуд эди.

Бизда бу нарсалар йўқ эди. Одамларимиз бутунлай бошқа тарзда, бошқача ақидалар билан яшаганлар. Биз аввало мулкчилик масалаларини ечишимиз, уни англашимиз, моҳиятини тушунтиришимиз керак эди. Уларда хусусий мулкчилик, хўжайинчилик тушунчаларини шакллантиришимиз лозим эди.

Бошқа томондан, ю қ оридаги моделларнинг кўп жиҳатлари бошқалар учун андоза, намуна вазифасини бажариши мумкин, чунки бозор иқтисодиётининг қонун қоидалари, унинг ҳаётлиги бу моделларда синаб курилган.

<sup>58</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English

#### 4. «Турк йўли» ёки «Тургут Озал модели» нинг моҳияти

Туркия икки китъада – Европа ва Осиёда жойлашган мамлакат бўлиб, унинг майдони 780,6 кв.км, аҳолиси 57 млн. У ерда етти минтақа ва 73 та вилоят бор. Туркия давлати 1923 йилда Мустафо Камол Отатурк бошчилигида тузилди.

Туркиянинг бозор иқтисодиётига ўтиши босқичма-босқич бўлган.

\* 1923-1950 йиллар;

\* 1950-1970 йиллар;

\* 1970-1980 йиллар;

\* 1980 ва кейинги йиллар.

Бозор иқтисодиётининг биринчи босқичиданок Отатурк раҳбарлигида қатор прогрессив буржуа-демократик ислохотлар ўтказилди. Жумладан:

- кўп укладли, аралаш иқтисодиётни хусусийлаштириш йўли билан эмас, балки сотиб олиш йўли билан амалга оширилди;

- Отатурк томонидан асосланган «либерал иқтисодиётда» давлатнинг аралашуви кучайтирилди;

- 1923 йилда биринчи беш йиллик режаси қабул қилинди;

- Таълим тизимини тубдан яхшилаш бўйича қатор чора – тадбирлар қурилди.

Бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичдан бошлаб:

- хусусий ташаббус ва эркин рақобатни кенгайтиришга;

- ресурсларни таксимлашда баҳо механизминини қўллаш ва унда жаҳон бозоридаги баҳоларни қўллаш;

- иқтисодиётга давлатнинг аралашувини чеклаш;

- давлат секторининг миллий даромаддаги улушини камайтириш;

- хусусий жамғармаларга таянган қурилишларни кенгайтириш каби масалаларга катта этибор берилди.

1950 йилдан этиборан хусусий секторни ривожлантириш асосий масалалар қаторига киритилди. 1961 йилдан бошлаб мунтазам равишда беш йиллик ва бир йиллик режалари тузила бошланди. 1965 йилдан бошлаб импортни чеклаш сиёсати амалга оширилди ва барча товарларни мамлакат ичида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинди. Мамлакатда 1965-1970 йилларда инфляция даражаси паст бўлган ҳ олда (5%) иқтисод ривожланди ва ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ў сиш даражаси 6-7 фоизни ташкил қилди.

Бугунги кунда Туркия эл оғзига тушган мамлакатдир. Ҳозир бизни унинг 1980 йилдан кейинги ривожланиши кизиктирмоқда. Мамлакат ҳаётидаги бу шонли саҳифа кўп жиҳатдан Президент Тургут Озал номи билан боғлиқдир. 1983 йилнинг охирида Туркияда парламент сайлови ўтказилди. Т. Озал тузган Ватан партияси ушбу сайловда катта ғалабага эришди. Ғолиб партия аъзоларидан тузилган ҳукумат тараққиёт янги йўналишларини бойитди ва кенгайтирди. Жумладан, Озал дастурида:

- хусусий тадбиркорликка кенг йўл қўйиш;

- импорт сиёсатидан экспорт сиёсатига ўтиш;

- эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш, уларни ривожлантириш йўли билан очик бозор иқтисодиётига ўтиш;

- турк лираси қадр қимматини кўтариш;

- солиқ тизими ва кредит сиёсатини такомиллаштириш;

- чет эл инвестициясига кенг йўл очиб бериш;

- Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш масалалари ўз аксини топган эди.

Туркия моделининг ўзига хос хусусияти ҳам ана шулар билан изоҳланади.

Ана шу чора-гадбирларнинг изчиллик билан бажарилиши натижасида қуйидагиларга эришилди.

- тўла кадрсизланган, ижтимоий меҳнатни ўзида ифода этолмай қолган, тўлов қобилиятини йўқотаётган турк лираси курсига эркинлик берилди ва валюта чайқовчилигига чек қўйилди;

- давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кескин камайтирилди;

- хусусий сектор фаолияти кенг рағбатлана бошланди;

- кичик корхоналар сони кўпая бошлади.

- Янги технология билан қуролланган, йиғувга мос ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар сафи ошиб борди.

- Кичик ва йирик корхоналарга индустриалашган чет эл корхоналари билан ҳамкорлик қилишга кенг йўл берилди, чет эл инвестицияси кириб кела бошлади;

- Савдо эркинлиги яширин бизнеснинг юксалишига, бу эса ўз навбатида, миллиардлаб солиқ тўловлари билан давлат хазинасини тўлдиришга олиб келди, улар эвазига йўллар ва микрорайонлар қурила бошланди;

- 1989 йилда лира конвертирланган пулга айланди;

- Туркия яқин Шарқ мамлакатларига ўз таъсирини ўтказа бошлади. 1980 йилларнинг охирида ўз ҳудудидан жанубий-шарқий “йўлбарс”лардан бири бўлган Жанубий Корея фирмаларини сиқиб чиқараверди;

- Саноатнинг юксалиши қишлоқ хўжалигини ғам шиддат билан ўсишга олиб келди. Бу эса тор доирадаги “боқувчи” мамлакатлар сафига киришига сабаб бўлди, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз истеъмолидан ортиқча ишлаб чиқара бошлади;

- Иқтисодий юксалиш ва сиёсий барқарорлик Туркияга ташриф буюрувчи туристлар сонини кўпайтирди. Бир йиллик туризмдан олинаётган валюта Туркия бўйича 5 миллиард доллардан ошиб кетди.

- Минглаб, юз минглаб туркларнинг вақтинча чет элга бориб ишлаши одат тусига кирган. Бу ишсизлик муаммосини ечишга ва мамлакатга чет эл валютаси тушишига кўмаклашди. Ҳар йили Европа (аксарияти Германия ва Австрия) давлатларига 2 - 2,5 млн. киши ишга юборилади.

Бугунги кунда Туркия Европа ва Осиё мамлакатлари учун йирик молиявий регионал марказ кўприги бўлиб хизмат қиляпти. Туркия халқи тўқ, бозор мўл кўл, четдан озиқ овқат импорт қилинмайди.

Туркия жаҳон бозорига дадил кириб борди. Т.Озал шиори ҳам қуйидагича бўлган:

**“Ёрдам бериш эмас, балки савдо-сотикни ривожлантиришга кўмак бериш лозим”**

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришда Туркия моделининг баъзи жиҳатларини инобатга олиш ўринлидир.

Яъни:

- социал-иқтисодий ривожлантиришни изчил режали равишда олиб боришни давом эттириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида такомиллаштириш ва режа кўрсаткичларига тавсия измини бериш.

Бугунги кунда Туркия давлат режалаштириш қўмитасида банд бўлган 700 киши Бош вазир кўл остида ишлаб келмоқда. Туркия режаларининг бизникидан фарқи шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам у режалар бажарилиб келмоқда.

- бошқариш тизимида илғор усулларни жорий этиб, уни ихчамлаштиришга эришиш;

- қўшма, кичик ва хусусий корхоналар ташаббусларини жадал суръатлар билан ривожлантиришга эришиш. Мавжуд бўлган тўсиқлар ва камчиликларни бартараф этиш (яъни, ташқил этиш тартибларини соддалаштириш, ер ажратишни қайта кўриб чиқиш, банк фоизи ва солиқни камайтириш ва ...);

- чет эл инвестициясига кенг йўл очиш ва ундан самарали фойдаланиш. Бунинг учун бюрократик расмиятчиликка чек қўйиш, давлат муҳофазаси ва гаровини тўла йўлга қўйиш,

уларга белгиланган солиқни бекор қилиш, давлат ёрдамини, кредитларини, субсидияларини кенгайтириш лозим;

- ишчи кучини бошқа ривожланган мамлакатларга ташкилий равишда контракт асосида юборишни ривожлантириш<sup>59</sup>;

- маркетинг ва аудит хизматларини кенг жорий этиш;

- фирмалар билан лизинг операцияларини кенгайтириш;

- суғурталаш, социал таъминот, нафақа тизимини такомиллаштириш.

Шундай қилиб Туркия модели кўп қиррали бўлиб, унинг танлаган йўли Европа бозор иқтисодиёти моделига яқин. Ҳар бир фуқаро эл бойлиги, унинг равнақи учун курашади. Фақат ўз меҳнати билан пул топишни яхши билишади. Давлатга оғзини очиб қараб турмайди, бировларнинг бойишига ёмон кўз билан қарамайди, чунки барча тадбиркорларни давлат бир хилда қўллаб қувватлашини билишади.

## 1. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепциялари

Бозор муносабатлари тўсатдан ва бирданга шаклланмай, балки мавжуд иқтисодий тизимдан ўсиб чиқади. Шунинг учун эски тизимни собитқадамлик билан ислоҳ қилиб бориб, бозор иқтисодиётига киришиш мумкин.

Бозор ислохотлари деганда ҳалқ иштирокида, давлат томонидан ишлаб чиқилган, бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни давлат назорати остида амалга оширилиши тушунилади.

---

<sup>59</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English

## Бозорсиз тараққиёт, бозор экстримизми ва бошқариладиган бозорлар.

Академик А.Аганбегян иштирокида тайёрланган ва собиқ СССР Вазирлар Кенгаши Раёсатида муҳокама қилинган муқобил дастурда бозор муносабатларига ўтишнинг турли концепциялари кўриб чиқилган. Бу концепцияларнинг моҳияти қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

№	Концепциялар	Мақсад
1.	Бозорсиз тараққиёт ёки «Либераллаштириш» йўли	- Бозорсиз тараққиётга ўтишдан олдин дастлаб маъмурий-буйруқбозлик тизими бағрида: а) истеъмол товарлари бозорини барқарорлаштириш; б) бюджет тақчиллигини йўқотиш; в) инвестиция соҳасини соплонлаштириш кўзланади. Сўнгра бозорга ўтиш мумкинлиги таъкидланади. - маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги бошқаришни енгил – елпи юсметик таъмирлаб, йирик халқ хўжалиги миқёсидаги пропорцияларни шакллантириш ва назорат қилишни марказ ихтиёрига қолдириб, юрконаларга қисман шартнома асосида бозорга мажбулот чиқаришга ружжат бериллади.

№	Концепциялар	Мақсад
2.	Бозор экстримизми ёки бозорга сакраб ўтиш йўли.	- асосий ғоя-кескин чораларни зудлик билан куриш ва XIX аср андозасидаги эркин бозорга ўтиш. - давлатнинг иқтисодга аралашувига мутлақо чек қўйиш. Бундай йўл меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини, жамиятнинг шу бутунги ва келажакдаги илмий-техника тараққиёти, экология, муҳофаа соҳаларидаги манфаатларга умуман кафолат бермайдиган бозор регуляторига умид боғлайди.
3.	Бошқариладиган ёки тартибга солинадиган бозор.	- асосий ғоя-яккаҳоқимлик тартибидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштирилган бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтиш. - давлатнинг иқтисодиётидаги салмоғини 20-30 фоизга тушириш.

## 4. “Япон мўъжизаси”

Американи капитал ва капиталистлар, Японияни меҳнат ва меҳнаткашлар мамлакати дейишади. Бу бежиз эмас. Чунки бу мамлакатлар бугунги кунда энг ривожланган мамлакатлардир.

- Ер шари қуруқлик қисмининг атиги 0,3 фоизини (372,2 минг кв.км), аҳолисининг – 2,5 фоизи (123,5 млн киши)ни ташқил қиладиган Япония дунё маҳсулотининг 14 фоизини етказиб берапти. Табиий ресурслари деярли бўлмаган давлат автомобил ва мотоцикллар, кема ва роботлар, аудиовидеотехника ва соатлар ишлаб чиқаришда дунёда етакчи ўринларда турибди. Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимооти бўйича фақат АҚШдан орқада. Аҳоли турмуш даражаси ҳавас қиладиган даражада. Узоқ умр кўришда ҳам Япония биринчи ўринда.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ Японияда “Додж йўли” номи билан иқтисодий ислохотни амалга оширишга киришилди. Бу ислохот олдида қуйидаги долзарб вазифалар турарди:

<i>Биринчидан</i>	• монополияга чек қўйиш;
<i>Иккинчидан</i>	• ҳарбийлашган ишлаб чиқаришни конверсиялаш;
<i>Учинчидан</i>	• ерни деҳқонларга тарқатиб бериш;
<i>Тўртинчидан</i>	• давлат томонидан барча облигацияларни аҳолидан сотиб олиш;
<i>Бешинчидан</i>	• банк кредитларини кискартириш;
<i>Олтинчидан</i>	• аҳолининг омонат кассаларидаги пулларини музлатиб қўйиш;
<i>Еттинчидан</i>	• зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш;
<i>Саккизинчидан</i>	• иктимой ҳаётни демократиялаштириш ва ...

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришда “Япон мўъжизаси”нинг ҳам баъзи жиҳатларини олиш мумкин.

Яъни:

- 1 • каттик интизом, юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги;
- 2 • инновацияга, янгиликка интилиш;
- 3 • жамият, корхона манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш;
- 4 • юксак тадбиркорлик, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик;
- 5 • рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз бурчи деб билиш, ички ва ташқи бозорни ажратмаслик;

- 6 • бешта “С” га қатъий риоя қилиш, яъни:



- 7 • илмий – амалий ишлар ва ихтирочиликни рағбатлантириш;
- 8 • макроніқтисодіёт миқёсида “оптималь бизнес” режасини ишлаб чиқиш;

Бу аломатлар немис халқининг ниҳоят даражада интизомли халқ эканлигидан далолат беради:

- 1 • тариф автономияси;
- 2 • корхоналар томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағларнинг кўпчилиги, яъни иккинчи иш ҳақининг мавжудлиги;
- 3 • жаҳон бозорини забт этишдаги собитқадамлик;
- 4 • бандликни ўсишига қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш, рақобатни кучайтириш, иш вақтининг ўзгарувчан графигини қўллаш ёрдамида ишсизликни қисқартириш. Бутунги кунда Германияда ишсизлар сони 1 млн. киши атрофида;
- 5 • “адолатли маош” ёки “бойликни адолатли тақсимлаш” шиори ва бошқа ҳислатлар мамлакатимиз ҳаётига татбиқ қилса бўладиган ҳислатдир.

### Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг прогноз вариантлари

Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан мамлакатимизни барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш сифатини оширишнинг муҳим устувор вазифалар ва уларни ҳал қилиш чора–тадбирлари асослаб берилган [1]. Уларни босқичма–босқич ва изчил амалга ошириш натижасида мамлакатимизда 2000-2014 йилларда аҳолининг реал даромадлари киши бошига 10 баробар, ўртача ойлик иш ҳақи 24 баробар, пенсия 15 баробарга ошди. 2014 йилда реал даромад 18 фоизга, иш ҳақи 22 фоизга кўпайди. 2014 йилда умумий аҳоли даромадининг ярмидан кўпи тадбиркорликдан тушган даромад улушига тўғри келди. МДҲ давлатларида ушбу кўрсаткич ўртача 20-25 фоиздан ошмайди. 2014 йилда молиявий институт ва тижорат банкларида аҳоли жамғармалари 33,5 фоизга ошди, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 43 баробардан ортиқ. 2000 йилда 100 та оилага 20,1 та енгил автомобил тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 41,4 тага ошди. Тадқиқот натижаларига кўра, 11 фоиз оила иккитадан енгил автомобилга эга [2].

Шуларни инобатга олганда, иқтисодий ривожланишнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини истиқболда ўзгаришини билиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, аҳоли сонининг ўсиши, ЯИМ ишлаб чиқариш, аҳоли даромадлари, жамғармалари ҳамда уларнинг асосий капиталга инвестициялар киритиш каби кўрсаткичлари мамлакат ижтимоий–иқтисодий ривожланиши дастурларини шакллантиришда, аҳоли турмуш фаровонлигини баҳолашда асосий роль ўйнайди.

Аҳоли сони унинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари, турли хизматларга бўлган истеъмол талабларини ҳисоблаш учун асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шу билан бир вақтда ЯИМ ҳажми иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида яратилган қўшимча қийматни ўзида мужассамлаштирган (ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш) бўлиб, унинг статистик ахборотлар асосидаги прогнози мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан унинг тармоқлари ҳамда соҳаларининг ривожланиш тенденциялари ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш йўллари ҳақида хулосалар қилиш имкониятини беради.

Ушбу кўрсаткичлар ўзгариш тенденцияларини ретроспектив (статистик) маълумотлардан фойдаланиб, математик усуллар ёрдамида прогноз қилиш мумкин. Прогноз қилишнинг ёндашувларидан бири – ўтган даврда аҳоли сонининг ўртача йиллик мутлоқ ўсишлари келгусида ҳам сақланиб қолади деган ғояга асосланади. Ушбу ғояга кўра аҳоли сонини прогнозлаш турли тренд моделларидан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики [4], мамлакатимизда аҳоли сони мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. 2014 йилда Ўзбекистон аҳолиси 30759 минг кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 44,5 фоизга ёки 9,3 млн. кишига, 2005 йилга нисбатан эса қарийб 17,1 фоизга ёки 4,5 млн. кишига кўпдир.

Ушбу ўзгариш тенденцияларини истиқболга, юқорида таъкидлаганидек, 2005-2014 йиллар статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда аҳоли сони ўзгаришини прогноз қилиш учун қуйидаги чизиқли ва кўрсаткичли тренд моделлари топилади:

$$y_{I\text{-вар.}} = 494,64t + 25641; (R^2=0,95), (1)$$

$$y_{II\text{-вар.}} = 30,81t^2 + 186,47t + 26206; (R^2=0,97), (2)$$

Ушбу тренд моделларидан фойдаланиб, Ўзбекистонда аҳолининг йиллик сонининг истиқболда ўзгаришининг прогнозлари амалга оширилди. (1) ва (2) моделлар Microsoft Excel тизимидаги стандарт функциялар ёрдамида аниқланди ва прогноз ҳисоб-китоблари амалга оширилди.

Прогноз натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси 2017 йилда чизиқли (I-вариант) моделга кўра 32071,3 минг кишини, чизиқсиз модель (II –вариант) бўйича эса 32838,2 минг кишини ташкил этиши мумкин. Бу кўрсаткичлар 2014 йилга солиштирганда вариантлар бўйича 1312,3 ва 2079,2 минг кишига ёки мос равишда 4,3 ва 6,7 фоизга кўпдир.

Аҳоли ўсиш суръатлари I-вариант бўйича ўтган 2014-йилга солиштирганда ўртача 3,5 фоиз атрофида, II-вариант бўйича эса йилига ўртача 5,0 фоиздан юқори суръатлар билан кўпайиши мумкин. Ушбу прогнозларнинг ишончилиги статистик баҳолашнинг детерминация коэффициенти билан изоҳланади. Яъни аҳолининг ушбу даврда ўсишининг вариантлар бўйича 95 (I-вариант) ва 97 (II-вариант) фоизи вақт омилига боғлиқ ҳисобланади. Ушбу прогноз кўрсаткичларидан аҳоли бандлиги ҳамда меҳнат ресурсларини тармоқлар бўйича тасимланиш балансини тузишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли ҳозиргача хорижий мамлакатларда иқтисодий нобарқарорлик давом этаётганига қарамасдан, мамлакатимизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Мамлакатимизда 2014 йилда ЯИМ ҳажми ўсиши таққослама нархларда 2013 йилга солиштирганда 8,1 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 0,4; 2012 йилга нисбатан 0,1 фоиз бандига паст ҳисобланади. Шу билан бир вақтда ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 3,5 фозга тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилда 6,3 фоиз ва 2014 йилда нисбатан 6,2 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг мунтазам ўсиб боришига қарамай, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориш тенеденцияси сақланиб қолмоқда. ЯИМнинг истиқболда ўзгаришини прогнозлаш мамлакат иқтисодий ўсиш тенденцияларини баҳолашга ва унинг учун қандай даражада миллий ресурслардан фойдаланиш зарурлигини белгилашда муҳим манба бўлиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, ЯИМнинг истиқболда ўзгаришининг прогноз вариантлари асосланди. Бундай прогнозни амалга ошириш учун 2005-2014 йиллар статистик маълумотларидан фойдаланиб, чизиқли ва чизиқли бўлмаган тренд моделлари ишлаб чиқилди. Улар қуйидаги кўринишга эга:

$$y_{I\text{-вар.}} = 10328t + 646,9; (R^2=0,9749), (3)$$

$$y_{II\text{-вар.}} = 949,9 t^2 + 729t + 12046; (R^2=0,9668), (4)$$

Ушбу тренд моделларида  $t$  олдидаги коэффициентлар ЯИМнинг ўртача бир йиллик ўсиш суръатини кўрсатади ва озод ҳадлар эса ўтган йиллар даврида ЯИМнинг ўртача даражаси билан ифодаланади.

Мамлакат ЯИМ ҳажмининг истиқболда ўзгаришининг прогноз вариантлари (3) ва (4) тренд моделларини қўллаш орқали ҳисобланган ва бунда Microsoft Excel тизимидаги дастурдан фойдаланилди.

Прогноз натижаларига кўра, ЯИМ ҳажми кейинги 2016-2017 йилларда ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлади. ЯИМ ҳажми (ҳақиқатдаги баҳоларда) 2017 йилда I-вариант бўйича 2014 йилга таққослаганда 9956,9 млрд.сўмга ёки 9,3 фоиз пунктига пасайиши мумкин. Прогнознинг II –вариант бўйича эса шу даврда ЯИМ 28140,1 млрд.сўм ёки 19,4 фоизга ошиши мумкин. Ушбу II–вариант бўйича йиллик ўсиш суръатлар 12-17 фоизга тенг бўлиши кутилади. Бу вариантни мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиши билан изоҳлаш ўринли.

ЯИМ ҳажмининг прогноз вариантлари, мамлакат аҳолиси ўртача йиллик сони ўсишининг 2017 йил прогнозлари орқали, ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қийматини баҳолаш имконини беради. Прогнознинг I-варианти бўйича аҳоли жон бошига 2014 йилда 4710 минг сўм ЯИМ тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 4206 минг сўмга ёки шу даврда ушбу кўрсаткич пасайиши 8,9 фоизга тенг бўлиши мумкин. Прогнознинг II–варианти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, 2017 йилга бориб аҳоли сони ўсишига қармасдан, 5268,5 минг сўмни ташкил этиши кутилади. Ёки ушбу кўрсаткич 2017 йилда 2014 йилга нисбатан 11,8 фоизга ўсиши мумкин. Ушбу II–вариант бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши 8,3 фоиздан 10,8 фоизгача ташкил этиши мумкин. Бундай ўсиш суръатлари ЯИМ ҳажмининг аҳоли сонининг ўсиш суръатидан юқори бўлиши билан таъминланади.

Статистик маълумотларга кўра, аҳоли умумий даромади 2005-2014 йиллар даврида 11674 млрд. сўмдан 116250 млрд. сўмни ташкил этди. Ёки ушбу кўрсаткичнинг ўсиши 2014 йилда 2005 йилга нисбатан қарийб 10 мартага ошган.

Аҳолининг умумий даромадларининг ошиши, уларни истеъмоли ҳамда жамғаришининг ўсишига асос яратади. Аҳоли жамғармалари миқдори кўпайиши, уларни асосий капиталга киритаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш имкониятини берди. Республика бўйича 2005 йилда аҳоли 361,1 млрд. сўмлик асосий капиталга инвестиция киритган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 7350,5 млрд. сўмни ташкил этган. Ёки шу даврда аҳолининг асосий капиталга киритилган жами инвестициялари 20 мартага кўпайган. Шу билан бир вақтда аҳоли инвестицияларининг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 2005 йилда 11,4 фоиз бўлган бўлса, у 2014 йилда 21,8 фоиз бўлган. Ёки ушбу кўрсаткич 2014 йилда 2005 йилга нисбатан 10,4 фоиз бандига ошган.

Аҳоли даромади ва истеъмолининг ўсишини оила тадбиркорлиги ривожланиши ва уни давлат томонидан кенг қўллаб–қувватланиши натижалари сифатида баҳолаш ўринли ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда аҳоли жамғармасини орттириш учун маблағлар ажратиши, 2008 – 2011 йилларда ўсиш тенденциясидан кейин, унинг 2012 йилдан кескин кўтарилганлигини кузатиш мумкин. Аҳолининг умумий даромадлари ва харажатлари таркибидаги бундай ижобий силжишлар, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг узвийлиги натижаси ҳисобланиб, улар аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

Шу билан бир вақтда республика аҳолисининг даромади ва жамғармасини истиқболда ўзгариш тенденцияларини баҳолаш муҳим ҳисобланади<sup>60</sup>. Мамлакатимиз

---

<sup>60</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

аҳолиси даромадлари ҳақида асосланган прогноз маълумотларига эга бўлиш, давлатимиз томонидан уларни қўллаб-қувватлаш ва бир маромда барқарор иқтисодий ўсишини рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш учун катта аҳамиятга эгадир.

Аҳоли даромади ва уларни асосий капиталга инвестициялар киритиш кўрсаткичларининг прогноз вариантларини асослаш учун ҳам эконометрика усулларидан фойдаланилди [3].

Эконометрик моделларни ишлаб чиқишда мамлакат ЯИМ ҳажми, аҳолисининг сонига боғлиқ ҳолда аҳоли даромадларининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳақидаги кўп йиллик статистик маълумотлардан фойдаланилди. Ишлаб чиқилган вақт тренди моделларидан фойдаланиб, аҳоли ихтиёрида қоладиган ялпи даромадлари ва уларнинг асосий капиталга инвестициялар киритиш кўрсаткичлари прогноз қилинди.

Танланган тренд моделлари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳоли ихтиёридаги ялпи даромади (млрд. сўм)

$$y_{I\text{-вар.}} = 798,15t^2 + 1115,5t + 9180; (R^2 = 0,9997; t_{xu} = 91,2), (1)$$

$$y_{II\text{-вар.}} = 7500,7t - 391,8; (R^2 = 0,9669; t_{xu} = 8,7), (2)$$

2. Аҳолининг асосий капиталга киритган инвестициялари, млрд. сўм

$$y_{I\text{-вар.}} = 692,47t - 1247,9; (R^2 = 0,8915; t_{xu} = 91,2), (3)$$

$$y_{II\text{-вар.}} = 105,27t^2 + 360,18t + 681,9; (R^2 = 0,9973; t_{xu} = 17,4), (4)$$

(1-4) моделларнинг ишончлилигини баҳолашнинг  $R^2$  ҳамда  $t_{xu}$ – Стьюдентнинг статистик меъзонлари юқори қийматларга эга. Моделларда  $t_{xu}$ – Стьюдент меъзони қийматлари, унинг жадвал қийматларидан катта, ва бу вақт қаторида фавқулодда тебранишлардан ҳоли бўлган барқарор тенденция (ўсиш) мавжудлигини билдиради.

Прогноз ҳисоб-китобларига мувофиқ республика аҳолиси ихтиёридаги ялпи даромад ҳар иккала вариант бўйича ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга. Прогноз бўйича аҳоли ихтиёридаги ялпи даромадлари 2017 йилда I-вариант бўйича 82115,9 ва II-вариантда 118032,7 млрд. сўмга тенг бўлиши кутилади. Бу кўрсаткичлар 2014 йилга солиштирганда I-вариант бўйича 6,0 ва II-вариант бўйича 52,4 фоизга ошиқ бўлиши мумкин. Аҳоли даромадларининг ошиши, улар жамғармаларининг ҳам мос равишда ошишига имкон беради. Бу аҳолининг асосий капиталга инвестиция киритиш ҳажмини ҳам ўсишига олиб келади.

Прогноз ҳисоб-китобларига кўра, аҳолининг асосий капиталга инвестициялар киритиши 2017 йилда I-вариант бўйича 7754,2 млрд. сўм, II-вариант бўйича 13790,2 млрд. сўм бўлиши кутилади. Ушбу кўрсаткичлар 2014 йил билан солиштирганда, мос равишда 5,5 ва 87,6 фоизга кўпдир. Шу даврда аҳоли жамғармаси 14,6 трлн. сўмдан 15,2 трлн. сўм оралиғида бўлиши кутилади.

Умуман тренд моделлари асосида ҳар бир кўрсаткич бўйича олинган прогнозлар барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияларини кўрсатиш билан бирга, ушбу соҳадаги ўзаро боғлиқлик қонуниятини ҳам изоҳлашга асос яратиб беради.

Ушбу прогноз маълумотларидан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатга режалаштириш жараёнларида ишлаб чиқариш, молия ҳамда ижтимоий соҳалар ривожланишини асослашда фойдаланиш мумкин. Шу билан бир вақтда ушбу прогноз кўрсаткичлари мамлакат иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) ривожлантириш суръатларини белгилаш, уларни инвестицияларга бўлган талабларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб ишларини бажаришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## **АҲОЛИ СОНИ ВА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИНГ ЎСИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Аҳоли сонининг ўсиши ҳамда ЯИМ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини шакллантиришда асосий роль ўйнайди.

Аҳоли сони унинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари, турли хизматларга бўлган истеъмол талабларини ҳисоблаш учун асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шу билан бир вақтда ЯИМ ҳажми иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида яратилган қўшимча қийматни ўзида мужассамлаштирган (ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш) бўлиб, унинг статистик ахборотлар асосидаги прогнози мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан унинг тармоқлари ҳамда соҳаларининг ривожланиш тенденциялари ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш йўллари ҳақида хулосалар қилиш имкониятини беради.

Ушбу икки кўрсаткичнинг ўзгариш тенденцияларини ретроспектив (статистик) маълумотлардан фойдаланиб, математик усуллар ёрдамида прогноз қилиш мумкин. Прогноз қилишнинг ёндашувларидан бири – ўтган даврда аҳоли сонининг ўртача йиллик мутлоқ ўсишлари келгусида ҳам сақланиб қолади деган ғояга асосланади. Ушбу ғояга кўра аҳоли сонини прогнозлаш турли тренд моделларидан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимизда аҳоли сони мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. 2013 йилда Ўзбекистон аҳолиси 30241 минг кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 44,5 фоизга ёки 9,3 млн. кишига, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 23 фоизга ёки 5,4 млн. кишига кўпдир.

Ушбу ўзгариш тенденцияларини истиқболга, юқорида таъкидлаганидек, 2005-2013 йиллар статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда прогноз қилиш учун қуйидаги чизиқли ва кўрсаткичли тренд моделлари топилади:

$$y_{I-вар.} = 442,76t + 25802; (R^2=0,9668), (1)$$

$$y_{II-вар.} = 50,49t^2 + 38,789t + 26407; (R^2=0,9668), (2)$$

Ушбу тренд моделларидан фойдаланиб, Ўзбекистонда аҳолининг йиллик сонининг истиқболда ўзгаришининг прогнозлари амалга оширилди. (1) ва (2) моделлар Microsoft Excel тизимидаги стандарт функциялар ёрдамида аниқланди ва прогноз ҳисоб-китоблари амалга оширилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли ҳозиргача хорижий мамлакатларда иқтисодий нобарқарорлик давом этаётганига қарамасдан, мамлакатимизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Мамлакатимизда 2013 йилда ЯИМ ҳажми ўсиши таққослама нархларда 2012 йилга солиштирилганда 8,0 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 0,5; 2012 йилга нисбатан 0,2 фоиз бандига паст ҳисобланади. 2009 йилга нисбатан эса 0,1 фоиз бандига кўпдир. Шу билан бир вақтда ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 3,5 фозга тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2012 йилда 22,6 фоиз ва 2013 йилда нисбатан 21,3 фоизни ташкил қилган.

Мамлакатимизда аҳоли сонининг мунтазам ўсишига қарамай, ЯИМ ҳажмининг аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади. ЯИМнинг истиқболда ўзгаришини прогнозлаш мамлакат иқтисодий ўсиш тенденцияларини баҳолашга ва унинг учун қандай даражада миллий ресурслардан фойдаланиш зарурлигини белгилашда муҳим манба бўлиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, ЯИМнинг истиқболда ўзгаришининг прогноз вариантлари асосланди. Бундай прогнозни амалга ошириш учун 2005-2012 йиллар статистик маълумотларидан фойдаланиб, чизиқли ва чизиқли бўлмаган тренд моделлари ишлаб чиқилди. Улар қуйидаги кўринишга эга:

$$y_{I-вар.} = 10328t + 646,9; (R^2=0,9749), (3)$$

$$y_{II-вар.} = 949,9 t^2 + 729t + 12046; (R^2=0,9668), (4)$$

Ушбу тренд моделларида  $t$  олдидаги коэффициентлар ЯИМнинг ўртача бир йиллик ўсиш суръатини кўрсатади ва озод ҳадлар эса ўтган йиллар даврида ЯИМнинг ўртача даражаси билан ифодаланади<sup>61</sup>.

Прогноз натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси 2015 йилда чизикли (I-вариант) моделга кўра 30672 минг кишини, чизиксиз модель (II –вариант) бўйича эса 30944 минг кишини ташкил этиши мумкин. Бу кўрсаткичлар 2013 йилга солиштирганда вариантлар бўйича 431,8 ва 702,8 минг кишига ёки мос равишда 1,4 ва 2,3 фоизга кўпдир.

Аҳоли ўсиш суръатлари I-вариант бўйича ўтган йилларга солиштирганда 1,5 фоиз атрофида бўлиш, II–вариант бўйича эса йилига 2,5 фоиздан юқори суръатлар билан кўпаяди. Ушбу прогнозларнинг ишончлилиги статистик баҳолашнинг детерминация коэффициенти билан изоҳланади. Яъни аҳолининг ушбу даврда ўсиши 92 фоизи вақт омилига боғлиқ ҳисобланади. Ушбу прогноз кўрсаткичларидан аҳоли бандлиги ҳамда меҳнат ресурсларини тармоқлар бўйича тасимланиш балансини ҳисоблашда фойдаланиш мумкин.

Мамлакат ЯИМ ҳажмининг истиқболда ўзгаришининг прогноз вариантлари (3) ва (4) тренд моделларини қўллаш орқали ҳисобланган ва бунда Microsoft Excel тизимидаги дастурдан фойдаланилди.

Прогноз натижаларига кўра, ЯИМ ҳажми кейинги йилларда ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлади. Ҳақиқатдаги баҳоларда прогноз қилинган давр учун ЯИМ ҳажми юқори суръат билан ўсиш тенденциясини сақлаб қолади.

ЯИМ ҳажми 2015 йилда I-вариант бўйича 2012 йилга таққослаганда 17665 млрд.сўмга ёки 18,3 фоизга ошиши кутилади. Прогнознинг II –вариант бўйича эса шу даврда ЯИМ ўсиши 60417 млрд.сўм ёки 62,6 фоизга тенг бўлиши мумкин. Ушбу II–вариант бўйича йиллик ўсиш суръатлар 12-17 фоизга тенг бўлиши мумкин. Бу вариантни мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиши билан изоҳлаш ўринли.

ЯИМ ҳажмининг прогноз вариантлари, мамлакат аҳолиси ўртача йиллик сони ўсишининг прогнозлари орқали, ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қийматини баҳолаш имконини берди. Унга кўра, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари анча юқори бўлиши кутилади. Прогнознинг I-варианти бўйича аҳоли жон бошига 2012 йилда 3244 минг сўм ЯИМ тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 3725 минг сўм ёки шу даврда ушбу ўсиш суръати 14,8 фоизга тенг бўлиши мумкин. Прогнознинг II–варианти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 2015 йилга бориб 4675 минг сўмни ташкил этиш кутилади. Ёки ушбу кўрсаткич 2015 йилда 2012 йилга нисбатан 44,1 фоизга ўсиши мумкин. Ушбу II–вариант бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши 8,3 фоиздан 10,8 фоизгачани ташкил этиши мумкин. Бундай ўсиш суръатлари ЯИМ ҳажмининг аҳоли сонининг ўсиш суръатидан юқори бўлиши билан таъминланади<sup>62</sup>.

Ушбу прогноз маълумотлари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатга режалаштириш жараёнларида ишлаб чиқариш, молия ҳамда ижтимоий соҳалар ривожланишини асослашда фойдаланиш мумкин. Шу билан бир вақтда ушбу прогноз кўрсаткичлари мамлакат иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) ривожлантириш суръатларини белгилаш, уларни инвестицияларга бўлган талабларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб ишларини бажаришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

<sup>61</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

<sup>62</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English

## **Иқтисодий ўсишни жадаллаштириш омиллари.**

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар натижасида мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди. Бунга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверфикация қилиш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш орқали эришилмоқда. Шу билан бир вақтда мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ўзининг 2015 йил 15 январда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида [1] “Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини (ЯИМ) 2016-2030 йилларда 2 баробар кўпайишига эришиш” вазифасини қўйди. Бундай ўта масъулиятли ва мураккаб вазифани ҳал этиш макроиқтисодий даражада кўплаб омилларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон иқтисодиётининг мустақиллик йилларида ривожланиш босқичларига назар солсак, ҳақиқатда ҳам давлатимиз раҳбари таъкидалганидек қўйилган мақсадга эришиш учун мамлакатимизда “мустаҳкам асос ва замин борлиги яққол аён бўлади.” Шу билан бир вақтда мамлакатимизда мавжуд имкониятларни ишга солиш, бошланган ислохотларни ҳамда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш жаҳон амалиётида қўлланаётган иқтисодий ўсишни жадаллаштириш йўлларига нисбатан ёндашувларни ҳам кўриб чиқишни тақоза қилади.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий иқтисодий назарияда устунлик қилаётган ва ҳозирги вақтда турли гуруҳларда ўрганилаётган иқтисодий ўсишни жадаллаштириш йўналишларида иккита ёндашув мавжуд [2]. Биринчиси, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш мамлакатнинг фундаментал асосга эга иқтисодий ва ҳуқуқий тавсифларининг тўғри ҳолатидан боғлиқ функция ҳисобланиб, бу қандайдир махсус қўшимчаларни талаб қилмайди. Агар ушбу тавсифлар тўғри белгиланса, иқтисодий ўсиш ўз ўзидан энг юқори тезликка эришади деб таъкидланади.

Иккинчиси, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш уларни босқичларга бўлиш ва, ўз навбатида, уларни ўсиш мониторингини мунтазам ўтказиш, мазкур мониторинг таҳлили жараёнида янада тез иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилувчи тор жойларни аниқлаш ва ушбу тор жойларни аста-секин, бирин-кетин бартараф этиш асосида босқичма-босқич амалга ошириш мумкин бўлган доимий кенг қўламли ва узлуксиз давом этадиган ислохотларни назарда тутати.

Биринчи ёндашувнинг моҳиятини Америкалик иқтисодчи, Гарвард университети профессори ва АҚШнинг собиқ молия вазири Ларри Саммерснинг қуйидаги сўзлари яққол ифодалайди: менинг назаримда, мамлакат иқтисодий ўсишининг суръати асосан учта нарсага боғлиқ: глобал иқтисодиёт билан интеграциялашиш қобилияти; давлат молиясининг барқарорлигини ва пулнинг барқарорлигини сақлаб туриш имконияти; унда мулк ҳуқуқи ҳимояланган ва шартномалар шартларига амал қилинадиган институционал муҳитни яратиш қобилияти.

Бизнинг фикримизча мазкур ёндашувнинг мантиғи шундай ҳулосага олиб келадики, ҳукумат иқтисодиётда юқорида кўрсатилган адолатли ўйин қоидаларини белгилаши, сўнгра ўзини ўзи тақрор тикловчи иқтисодий ўсиш натижаларидан фойдаланиши зарур.

Иккинчи нуқтаи назар тарафдорлари Лотин Америкаси мамлакатларида 1980 - 2003 йилларда амалга оширилган ислохотларни таҳлил қилиш асосида шуни кўрсатиб беришгани, ушбу мамлакатлар томонидан биринчи ёндашув тавсиялари қабул қилинганлигига қарамай уларнинг натижалари иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан, умуман олганда, қутилган натижани бермаган.

Иккинчи ёндашув қулай моддий ва молиявий ресурслар ҳажмини, меҳнат ресурсларининг ҳажми ва сифатини оширишга, тадбиркорликни ҳимоялаш ва рағбатлантиришга, коррупция ва жинойтчиликни камайтиришга, иқтисодиётда рақобатни оширишга, мавжуд номуносивликларга барҳам беришга йўналтирилган ҳар томонлама

ислохотларни талаб қилади.

Бунда экспертлар[2,3] мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳлари бўйича бюджет харажатларини қисқартириш асосида бюджетни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ўртасидаги боғлиқлик бир хил эмас деган хулосага келишган. Боғлиқлик ҳақиқатдан ҳам ИРХТнинг ривожланган мамлакатларида анча кучли, лекин боғлиқлик Шарқий Европа мамлакатларида мавжуд эмас. Умуман олганда, иккинчи ёндашув тарафдорларининг кузатувлари шуни кўрсатдики, бюджетнинг мустаҳкамланиши инқирозни бартараф этиш ва барқарорликка эришиш имконини беради, лекин у узок муддатли истиқболда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш учун етарли эмас.

Шуларни ҳисобга олганда бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш учун биринчи навбатда иқтисодий ўсиш уларга боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш омилларининг классик иқтисодий назариясига мурожаат этиш ва уларнинг тавсифларини кўриб чиқиш фойдали ҳол ҳисобланади. Ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш потенциал мумкин бўлган иқтисодий ўсишни ошириш тўғрисидаги саволга жавоб беради. Бунда фақат меҳнат, ер ва капитал каби классик омилларни кўриб чиқиш лозимдир.

### **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланишидаги ўрни**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш, маънавий янгилиниш учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари, танланган йўл тўғрилиги ва таъсирчанлиги ҳаёт синовларида текширилиб, жамоатчилик томонидан маъқулланди. Ҳозирги кунда мазкур тамойилларни амалга ошириш натижасида, Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатлари кенг жорий этилиб, макроиқтисодий барқарорлик ва сезиларли иқтисодий ўсиш амалга оширилмоқда. Натижада республикада тегишли ҳуқуқий асос яратилиб, бозор инфратузилмаларини шакллантиришга, иқтисодиётни янгилинишига ва бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шаклларига асосланган корхоналар сони кўпайишига олиб келмоқда<sup>63</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ошиши улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот (кўрсатиладиган хизматлар) ҳажмининг ўсиши билан кузатилади. Бу ўз навбатида, умуман мамлакат иқтисодиётида ҳам, унинг алоҳида тармоқларида ҳам йилдан-йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ролини ошишига олиб келмоқда. Ўтган йилларда кичик тадбиркорлик тузилмавий кўрсаткичларининг яхшиланганлиги қайд этилди. Иқтисодиёт ушбу секторининг тармоқ тузилмасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 57,8 %и иқтисодиётнинг реал сектори субъектларига – қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилишга тўғри келмоқда. Уларнинг энг катта салмоғи аввалгидек қишлоқ хўжалиги секторига тўғри келади. Саноат ва қурилишда маҳсулотнинг ўсганлиги ижобий омил ҳисобланади. Айни пайтда чакана савдо ва юк ташишда йил давомида кичик тадбиркорлик фаолиятида ҳам ўсиш пасайганлиги қайд этилди. Жумладан, 2014 йил охирига келиб ишлаб чиқариш ҳажми қишлоқ хўжалигида 29984 млрд.сўм, чакана савдода 26609 млрд.сўм, саноатда 23986 млрд.сўм, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 1004 млрд. сўм ва қурилишда 13897 млрд. сўмни ташкил этган (1-жадвал).

Таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати бошқа тармоқларга нисбатан паст бўлса ҳам, бу соҳа кичик бизнесда асосий ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади. Бу соҳада ишлайдиган кичик бизнес субъектлари

<sup>63</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

томонидан жами тармоқда яратилган маҳсулотнинг 98,2 % (2014 йил) ишлаб чиқарилган. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишда кичик бизнес соҳасининг улуши 44,7 % (2012 й.)дан 46,7 % (2014 й.)гача ошди.

1-жадвал

**Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида кичик тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариш динамикаси**

Тармоқлар	Ишлаб чиқариш ҳажми улуши, %				
	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2014 й.
Саноат	16,9	19,6	25,0	22,2	24,8
Қишлоқ хўжалиги	97,9	97,9	97,9	98,0	98,2
Чакана савдо	46,5	50,4	47,0	45,3	46,3
Пуллик хизмат	48,7	47,7	46,4	44,7	46,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Саноатда ишлаб чиқарилган кичик тадбиркорлик маҳсулоти ҳажми 2014 йилда 23986,7 млрд. сўмни, ўсиш суръати 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 158,3 %ни ташкил қилди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 2012 йилдаги 22,2 %дан 2014 йилда 31,9 %гача кўпайди. Кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳиссаси ортиб, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 24,2 %ни ташкил қилди. Саноатда кичик тадбиркорлик эришган натижалар кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 7 %дан 5 %гача туширилганлиги ва яқка тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ миқдори ўрта ҳисобда 1,3 баравар камайтирилганлиги билан боғлиқ.

Йирик саноати ривожланган Андижон, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми нисбатан паст даражада. Уларнинг улуши (2014 й.) кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг тегишлича 17,4 %; 16,9 %; ва 10,2 % тўғри келади. Аксинча ҳолатни Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида кўришимиз мумкин. Бу ҳудудларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 40 %дан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. (2-жадвал)

**Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотларни  
ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

Худудлар	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
	ҳажми, млрд. сўм	улуши, %	ҳажми, млрд. сўм	улуши, %	ҳажми, млрд. сўм	улуши, %
Республика бўйича	6568,8	22,2	15154,2	24,8	23986,7	31,9
Қорақалпоғистон Р.	93,6	29,0	243,3	24,2	461,3	34,6
Андижон	352,6	12,3	970,7	11,7	1668,7	17,4
Бухоро	244,4	24,9	631,3	25,3	1093,6	32,0
Жиззах	134,9	41,4	356,8	45,1	430,4	42,9
Қашқадарё	981,8	9,0	587,2	10,1	1068,5	16,9
Навоий	121,6	6,3	369,5	5,9	767,1	10,2
Наманган	253,8	4,1	798,2	48,8	1098,4	55,9
Самарқанд	608,1	38,3	1391,9	42,2	1973,8	45,3
Сурхондарё	99,7	25,7	296,56	26,1	415,1	29,2
Сирдарё	131,2	36,8	389,1	21,6	615,4	30,4
Тошкент	729,2	21,9	1656,3	18,4	2803,8	25,3
Фарғона	339,0	19,0	958,6	21,2	1596,9	27,8
Хоразм	143,8	34,6	367,0	35,8	450,6	29,7
Тошкент ш.	2334,4	40,9	6176,8	46,1	9485,6	68,9

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

3-жадвал маълумотларидан республикада истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳиссаси салмоқли эканлигини кўришимиз мумкин. 2014 йилда Республика бўйича жами 29787,5 млрд. сўмлик истеъмол товарлари яратилган бўлса, унинг 10872,4 млрд. сўми ёхуд 36,5 % кичик бизнес соҳасига тўғри келади.

3-жадвал.

**Ўзбекистонда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес  
субъектларининг айрим вилоятлар кесимидаги улуши**

Худудлар	2010 йил			2014 йил		
	жами, млрд. сўм	шундан, кичик бизнес субъектлари		жами, млрд. сўм	шундан, кичик бизнес субъектлари	
		млрд. сўм	улуши, %		млрд. сўм	улуши, %
Бухоро	693,0	243,7	35,2	1422,7	496,5	34,9
Жиззах	212,9	124,0	58,2	453,6	565,8	58,6
Навоий	272,7	109,4	40,1	875,2	383,3	43,8
Самарқанд	1326,6	481,8	36,3	2837,3	1120,7	39,5
Сирдарё	195,3	136,7	70,0	671,7	392,3	58,4
Тошкент	1326,1	703,8	53,1	3471,0	1874,3	54,0
Тошкент шаҳри	3358,9	1414,8	42,1	5861,8	2614,3	44,6
Республика	13355,9	4525,4	33,9	29787,5	10872,4	36,5

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кичик бизнес вакилларининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда нисбатан фаол кўрсаткичларга эришганларини қайд этишимиз мумкин. Улар 58,6 %, 58,4 % ҳамда 54,0 % кўринишда яратилган истеъмол товарларига улуш қўшганлар.

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик корхоналари ва уларда банд бўлган ишчилар сонининг ўсиши, энг аввало, давлат ижтимоий, инвестиция ва тармоқлараро дастурларини, шунингдек, улар хиссасига бажарилган ишларнинг асосий ҳажми тўғри келувчи маҳаллийлаштириш, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, уй-жой қуриш, ижтимоий соҳа объектлари, йўлларни реконструкция қилиш ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг тармоқ ва ҳудудий таркибининг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу соҳада ижобий натижаларга эришилган. Бу мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда, айниқса, ЯИМ ўсишининг юқори суръатларини ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий роль ўйнамоқда. Кейинги йилларда кичик бизнеснинг саноат, қурилиш, транспорт соҳаларида барқарор ривожланиш кузатимоқда. Шунинг учун ҳам иқтисоднинг бу муҳим соҳаларида кичик корхоналар ривожланиши учун яна ҳам зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим ҳисобланади.

### **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги ва иқтисодий ўсишдаги улушининг прогноз вариантлари**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳозирги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, давлатимиз тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ... “Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган<sup>64</sup>.

Ана шу йўналишдаги ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик кўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан” деб алоҳида таъкидлади.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш орқали маҳсулотлар ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, даромадлар даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади. Кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (1-жадвал).

Ўзбекистонда 2010 – 2014 йилларда ўртача 970 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилган. Уларнинг ўртача 60 фоиздан кўпи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади.

---

<sup>64</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

**Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда  
кичик бизнес субъектларининг улуши (минг киши)**

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари	950,0	956,2	973,5	975,5	980,5
шу жумладан:					
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда	480,0	600,1	602,2	605,0	615,0
Фоиз ҳисобида	50,5	62,8	61,9	62,0	62,7
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги бандларнинг жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, %	74,4	74,8	75,0	75,1	76,5

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўтган 2014 йил давомида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтакавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 980,5 мингдан ошиқ киши иш билан таъминланган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу соҳаларда 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бу эса кичик бизнес соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши йилдан-йилга ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Агар мустақил тараққиётнинг дастлабки палласи—1991 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотигаги улуши атиги 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 31 фоизга, 2013 йилда эса 55,8 фоизга етди, ёки кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2015 йилда 2000 йилга нисбатан 25,7 фоиз бандига ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиёт бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2005 йилдаги 10,0 фоиздан 2014 йилда 24,8 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 85,7 фоиздан 98,2 фоизга, савдода 43,7 фоиздан 46,3 фоизга, хизматларда 24,6 фоиздан 48,5 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 24,0 фоиздан 35,2 фоизга, экспорт ҳажмида эса 6,0 фоиздан 18,0 фоизга қадар ошган.

Шуларни ҳисобга олиб, давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз қилинди. Унинг натижалари 2-жадвалда келтирилган. Прогноз 2016 йилгача бўлган давр учун амалга оширилган ва у 2 вариантдан иборат. Прогнозлашда тренд усулидан фойдаланилди. Прогнознинг 1-варианти кичик бизнес ривожланишининг ҳозирги тенденцияларига мос тушади, яъни унинг ривожини таъминловчи омилларнинг ўсиши ҳозирги суръатларда давом этади. Прогнознинг 2-варианти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига таъсир этувчи омиллар фаоллашади ва улар ўсиши ортади.

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози**

Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014 (ҳақиқат)	2016-йил прогнози	
			1-вариант	2-вариант
Кичик бизнесда бандлар сони	минг киши	9897,5	10293,0	10313,2
ЯИМда кичик бизнес улуши	%	56,1	57,2	58,5
Кичик бизнес корхоналари сони	минг бирлик	221,1	228,1	231,0
Саноат	млрд. сўм	23986,7	26625,2	27584,7
Асосий капиталга инвестициялар	млрд. сўм	11716,6	13356,9	13474,4
Қишлоқ хўжалиги	млрд. сўм	29984,8	32083,7	32253,7
Қурилиш	млрд. сўм	13896,9	16064,8	16328,8
Чакана савдо айланмаси	млрд. сўм	26609,1	29935,2	30999,6
Пулли хизматлар	млрд. сўм	1004,3	128,75,0	13040,1
Экспорт	млн. АҚШ долл.	3661,9	4357,7	4577,4
Импорт	млн. АҚШ долл.	6328,6	9176,5	9303,0

**Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган (тренд усули билан).**

Кичик бизнесдаги банд бўлганлар сони прогнознинг ҳар иккала вариантыда ҳам 2014 йилга солиштирганда ўсиб бориш тенденциясига эга. 2016 йилга бориб кичик бизнесдаги бандлар сони 2014 йилга таққослаганда 4,0 %дан 4,2 %гача ёки 395,5 мингдан 415,7 минг кишига кўпайиши мумкин. Бандлар сонининг ошиши, асосан, кичик бизнес субъектлари кўпайиши орқали юз берди. Кўриб чиқилаётган даврда кичик бизнес корхоналари сони (фаолият юритаётганлари) 7 мингдан (1-вариант) 9,9 минггача кўпайиши кутилади.

Прогноз даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча йўналишларида ўсиш кузатилади. Шу туфайли ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 1-вариант бўйича 57,2 фоизни ва 2-вариант прогнози бўйича 58,5 фоизни ташкил қилиши мумкин. Кичик бизнес корхоналарида прогноз даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,9 фоиздан (1-вариант) 15,0 фоизгача (2-вариант) кўпайиши кутилади. Ёки шу даврда саноат ишлаб чиқариши 2638,5 млрд. сўмдан 3598,0 сўмгача кўпайиши мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ўз фаолиятига киритган инвестициялар 2014 йилда 11716,6 млрд. сўмдан 2016 йилда 13474,4 млрд. сўмгача (2-вар.) кўпайиши мумкин. Ёки шу даврда кичик бизнесга киритилаётган инвестициялар 14 фоиздан 15 фоизгача ошиши кутилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг прогноз даврида қишлоқ хўжалиги, қурилиш, чакана савдо, пулли хизматлар тармоқларидаги фаолиятида ҳам ўсиш кутилади. Буларнинг барчаси кичик бизнес корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти ривожига ўз таъсирини кўрсатади. Прогноз вариантларига кўра, 2016 йилда кичик бизнес корхоналарининг экспорт ҳажми 19 %дан 25 %гача ўсиши мумкин. Импорт ҳажми эса 45 фоиздан (1-вариант) 47 фоизгача (2-вариант) ўсиши мумкин. Бундай ўсиш суръати импорт ҳажмини бутун экспорт-импортда 67 фоиз бўлишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур соҳани иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланишида

мамлакатимиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда.


Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши барқарор равишда ўсиб бориши мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

## 5-МОДУЛ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАЪЛУМОТЛАР

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий ўсиш, иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги ва нархларнинг барқарор даражасига эришишга ҳаракат қилади. Аммо узок муддатли иқтисодий ўсиш бир текис ва узлуксиз бормади, у иқтисодий беқарорлик даврлари таъсирида тебраниб туради. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб туради. Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида айрим вақтларда, айрим бўғинларда узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт нумутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлиши ҳисобланади. Бу ҳолат иқтисодий адабиётларда **иқтисодиётнинг цикли ривожланиши** деб аталади<sup>65</sup>.

Пировард талабнинг ошиши, ўз навбатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида нумутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат занжирли реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

### Иқтисодий цикл фазалари



<sup>65</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

Алоҳида иқтисодий цикллар бир-бирдан давомийлиги ва интенсивлиги бўйича кескин фарқланади. Шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади.

### **Иқтисодий цикл назариялари. Циклларнинг асосий турлари**

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ва изчил равишда тадқиқ этилиши турли кўринишдаги иқтисодий цикл назарияларининг вужудга келишига олиб келди.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий циклларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади.



**Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни экстернал назария деб аталади.**

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;
- олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;
- янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;
- ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

**Иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария интернал назария деб аталади.**

Хозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий циклнинг 1380 дан ортиқ турлари мавжудлиги таъкидланади. Қуйидаги жадвалда уларнинг кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган энг асосий турлари ифодаланган.

*жадвал*

### Циклларнинг асосий турлари<sup>66</sup>

Цикл турлари	Циклнинг давомийлиги	Асосий хусусиятлари
Китчин цикли	2–4 йил	Захиралар миқдори → ЯММ, инфляция, бандликнинг тебраниши, тижорат цикллари
Жуглар цикли	7–12 йил	Инвестицион цикл → ЯММ, инфляция ва бандликнинг тебраниши
Кузнец цикли	16-25 йил	Даромад → иммиграция → уй-жой қурилиши → ялпи талаб → даромад
Кондратьев цикли	40-60 йил	Техника тараққиёти, таркибий ўзгаришлар
Форрестер цикли	200 йил	Энергия ва материаллар
Тоффлер цикли	1000-2000 йил	Цивилизацияларнинг ривожланиши

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА  
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

Халқаро молия муносабатлари - бу халқаро молия бозори иштирокчиси бўлган шахснинг қарорига мувофиқ тарзда ўзига тегишли бўлган хорижий валюталарнинг ҳаракат жараёнини тавсифловчи фундаментал иқтисодий категориядир.

**INTERNATIONAL FINANCE**

<sup>66</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

Илк олтин монеталар илк Лидияда чиққарила бошлаган. Лидияликлар греклар билан савдоларда зарб қилинган монеталар – **статерлардан** фойдаланишган.

Қирол Крез томонидан чиқарилган монеталар – **кризид** деб номлана бошлади.



## **ХАЛҚАРО ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

- ✘ пулни алмаштириш – Қадимги Греция ва Рим
- ✘ вексель ярмаркаларининг вужудга келиши – Лион
- ✘ банкноталарнинг пайдо бўлиши – Антверпен, Гамбург, Амстердам
- ✘ марказий банкнинг вужудга келиши – Швеция ва Англия

## ПАРИЖ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТИЗИМИ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

- ✦ пул бирликларининг олтин таркибини белгилаш ва қатъий таъминлаш
- ✦ олтин жаҳон пули вазифасини бажариши
- ✦ банкноталар олтинга эркин алмаштирилиши
- ✦ валюталар курси монета паритетининг «олтин пунктлари» доирасида тебраниши
- ✦ тўлов баланси дефицити олтин билан қопланиши мумкин
- ✦ резерв валюта – Англия фунт стерлинги

### 6-МОДУЛ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАЪЛУМОТЛАР

Харид қобилияти паритети концепциясининг муаллифи XX асрнинг таниқли швед иқтисодчиси Стокгольм иқтисодий мактабининг асосчиси Густав Кассельга<sup>67</sup> тегишлидир. Г.Кассель етук математик бўлганлиги учун халқаро бозорларнинг микдорий қонуниятларини аниқлашга ҳаракат қилган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг олтин стандартидан воз кечиш оқибатида валюталарнинг курси ва реал харид қобилияти орасидаги паритет бузилди. Г.Кассель Давид Рикардонинг валюта курси ва пулни ички тўлов қобилияти орасида аниқ боғлиқлик бўлиши керак деган ғоясига мурожат қилди. Г.Кассель фикрига кўра валюта курсини харид қобилияти паритетига асосан ўрнатилиши халқаро бозорларни мувозанат ҳолатига олиб келиши керак эди. Ўзининг назарий изланишларини 1916 йил эълон қилиб, урушдан кейин кенг тарғиб эта бошлади. «Харид қобилияти паритети» тушунчаси Г.Кассель томонидан 1918 йил «Economic Journal» да мақола чоп этгандан сўнг иқтисодий терминологик оборотга киритилди. У 1920 йилда Миллатлар Литасига (ҳозирги БМТ га ўхшаш ташкилот) харид қобилияти паритетидан халқаро валюта сиёсатини асоси сифатида фойдаланишни таклиф этди.

ХҚП назарияси XX аср бошида валюта курсини давлат ичидаги баҳолар даражаси билан боғлиқлиги тўғрисидаги назария асосида келиб чиққан. Аммо валюта курси баҳоларга таъсир этадими ёки баҳолар валюта курсини аниқлайдими ноаниқ эди. Г.Кассель оддий ғояга суянди. Агарда маълум вақтда товарларни баҳосига асосан АҚШ да сотиб олиш Буюк Британияга нисбатан маъқул бўлса америка товарларига талаб ортади. Натижада GBP/USD курси стабиллашади ва қаерда товар сотиб олишнинг умуман фарқи бўлмайди. Агарда

<sup>67</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

валюта курслари чекланган бўлса арбитраж операциялари орқали товарлар баҳосини ўзгаришига олиб келади.

Уларнинг тебраниши товар арбитражидан тушадиган фойда йўқолгунга қадар давом этади.

Шундай фикр юритиш натижасида бир хил баҳо қонуни (Law of one price) га асос солинди. Унга кўра мукамал рақобат шароитида бир хил товарлар бир хил валютада ифодаланса бир хил баҳога эга бўлади.

Математик формулада бир хил баҳо қонуни қуйидагича ифодаланади:

$$P_d^1 = E_{d/f} \times P_f^1 \quad (3)$$

бу ерда:  $P_d^i$  –  $i$  – товарнинг ички бозордаги баҳоси;

$P_f^i$  –  $i$  – товарнинг ташқи бозордаги баҳоси;

$E_{d/f}^f$  – валюта курси.

Ягона баҳо қонунидан харид қобилияти абсолют паритети (ХҚАП) (absolute parity of purchasing power theory) келиб чиқади.

Бунга мувофиқ давлатлар орасидаги айирбошлаш курси давлатлардаги товарлар баҳолари нисбатига тенгдир. ХҚАП назариясида валюта курси қуйидаги формулада ифодаланади:

$$E_{d/f} = P_d / P_f \quad (4)$$

бу ерда:  $P_d$  – товар ва хизматларнинг ички бозордаги баҳоси;

$P_f$  – товар ва хизматларнинг ташқи бозордаги баҳоси.

ХҚАП нинг ягона баҳо қонунидан фарқи шундаки, қонун фақат битта товар баҳоси ҳисобига олади, ХҚАП назарияси эса барча товарлар баҳосини ҳисобга олади.

### **Ўзбекистоннинг халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ўзига хос хусусиятлари.**

Маълумки, ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз дунёнинг етакчи ва энг йирик молиявий ташкилотлари сафига қўшилмоқда. Ушбу ташкилотлар билан амалга оширилган лойиҳалар, улар томонидан ажратиб келинган ва келинаётган молиявий ресурслар мамлакатимиз иқтисодиёти ва бошқа секторларининг ривожига хизмат кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигининг бошланиши сифатида 1992 йилда амалга оширилган ишларни келтириб ўтиш мумкин. Айнан шу йилда мамлакатимиз дунёнинг энг йирик ва нуфузли халқаро молиявий ташкилотлари, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки гуруҳи таркибига кирди. Ушбу интеграциялашув мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида амалга ошираётган ислохотлар учун янги йўللарни очиб берди. Ўзбекистон ва халқаро молиявий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи сифатида мамлакатимизнинг митақадаги энг йирик молиявий ташкилотлар, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиб киришида намоён бўлди.

Республикамизга, ҳозирги кунга келиб асосий молиявий маблағларни ажратиб келаётган молиявий ташкилотлар ичида Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки гуруҳига кирган ташкилотлар алоҳида ўрин эгаллайдилар. Шунинг учун мамлакатимизнинг халқаро молиявий ташкилотлар билан молиявий муносабатларини таҳлил қилар эканмиз, айнан шу икки халқаро молиявий ташкилотларнинг мамлакатимиз билан алоқаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон барқарор ўсишга эришди, камбағаллик даражасини кескин пасайишига эришди ва жаҳон молиявий инқирозини енгиб ўтди.

### **Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи**

Мамлакатимиз Жаҳон банки таркибига 1992 йилда кирган бўлиб, ҳозирги кунга қадар ушбу молиявий ташкилот билан ҳамкорликда 23 лойиҳани имзолашга эришди. Ушбу лойиҳаларни имзолаш жараёнида Жаҳон банки гуруҳи томонидан Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар чуқур таҳлил этиб борилди.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий барқарорликка эришиш борасидаги дадил қадамлар Жаҳон банки гуруҳи томонидан ижобий баҳоланиб, давлатимизнинг рейтингини ошишига ва ажратилаётган кредитларни йўналишини ўзгаришига ҳамда лойиҳаларни кўпайишига олиб келди.

Лойиҳалар Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро ривожланиш ассоциацияси томонидан молиялаштирилган бўлиб, имзоланган 23 лойиҳадан 13 таси ҳозирги кунга келиб яқунланган бўлса, қолган 10 та лойиҳа ҳозирги кунда ҳам амалда. Ҳамкорлик даври давомида яқунланган лойиҳаларнинг умумий қиймати 549 млн. АҚШ долларига тенгдир.

Ҳозирги кунга қадар яқунланган лойиҳалар, асосан, инсон ресурсларини бошқариш ва ижтимоий муҳофазани кучайтириш, энергетика соҳасини такомиллаштириш ва қишлоқ ҳудудларида иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат.

### **Жаҳон банки гуруҳи томонидан молиялаштирилган ва ниҳоясига етган лойиҳалар**

№	Лойиҳалар	Ажратилган маблағ (АҚШ доллариди, млн.)
1	Институционал ривожланиш	21
2	Иқтисодиётни қайта тиклаш	160
3	Пахтачилик соҳасини модернизациялаш	66
4	Иқтисодиётнинг институционал ривожланиши 1	25
5	Саломатлик 1	30
6	Иқтисодиётнинг институционал ривожланиши 2	28
7	Тошкент шаҳрини чиқиндилардан тозалаш	24
8	Давлат молия бошқарувидаги ислохотлар	0,9
9	Шаҳар транспортининг янгиланиши	29
10	Қишлоқ хўжалиги ҳудудидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш 1	36
11	Қишлоқ хўжалиги ҳудудида сув таъминотини яхшилаш	75
12	Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг сув таъминотини яхшилаш	40

13	Таълим 1	15
	Жами	549

Жаҳон банкининг республикамиз иқтисодиёти учун ажратган молиявий маблағлари мамлакат иқтисодий ривожланиши<sup>68</sup>, ЯИМнинг ўсиши, иқтисодиётнинг модернизациялашувига қаратилган бўлиб, қуйидаги асосий тўрт йўналиш доирасида ифодаланган:

- иқтисодий ўсиш учун замин яратиш;
- қишлоқ ҳудудида иқтисодий ривожланишни таъминлаш;
- инсон ресурслари тараққиётини ва ижтимоий муҳофазани таъминлаш;
- атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва у билан боғлиқ рискларни бошқариш.

Ҳозирги кунда амалда бўлган лойиҳаларнинг умумий суммаси 630 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, лойиҳалар асосан инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, жами 10 лойиҳа доирасида молиялаштирилиб келинмоқда.

**Жаҳон банки гуруҳи томонидан ҳозирги кунда Ўзбекистонда молиялаштирилиб келинаётган лойиҳалар**

№	Лойиҳалар	Ажратилган маблағ (АҚШ доллариди, млн.)
1	Қишлоқ хўжалиги ҳудудидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш 2	68
2	Дренаж ва ирригацион тизимларни янгилаш	60
3	Саломатлик 2	40
4	Иккинчи умумий таълим	28
5	Фарғона сув ресурсларини бошқариш	66
6	Бухоро ва Самарқанд оқава сув тармоқларини модернизациялаш	55
7	Саноат корхоналарида энергия қувватларидан фойдаланиш самарасини ошириш	25
8	Сирдарё сув таъминотини яхшилаш	88
9	Толимаржон иссиқлик электр станциясини қуриш	110
10	Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш	93
	Жами	632,5

Ўзбекистон Республикасига киритилган дастлабки маблағ – Техник ёрдам ва мамлакатда ташкилотларнинг барпо этилишига бағишланган эди. Киритилган сумма 21 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлиб, бу лойиҳа 1994 йилдан 2000 йилгача давом этди. Лойиҳанинг асосий мазмуни иқтисодий ислохотларнинг олиб борилишига қўмаклашишдир,

<sup>68</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

инфратузилмани ривожлантириш, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва албатта ижтимоий муҳофазани таъминлаш кирган эди.

Ушбу лойиҳанинг мантикий давоми сифатида 1995 йилда 160 млн. АҚШ долларига тенг янги кредит ажратилди.

Мамлакатимизга ажратилган навбатдаги кредит 1994 йилда имзоланиб, лойиҳа 2002 йилда ниҳоясига етгунича ажратилиб келинди. Ажратилган сумма 66 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у пахта етиштирилишини ривожлантириш, техник заминини яхшилашга қаратилиши билан бирга атроф муҳитни заҳарлашга қарши ҳам етарлича эътибор берди.

Эътибор берадиган бўлсак, Жаҳон банки гуруҳининг аксарият ажратмалари атроф муҳитни тозалигини сақлашга эътибор берди. Хусусан сув тозалигини сақлашга, айнан шу соҳадаги дастлабки қадам 1992 йилда қўйилди. Имзоланган лойиҳа “Сув таъминотини яхшилаш” деб аталди ва у амалга ошириладиган ишларнинг дебчаси бўлди, деб айтсак муболага бўлмас. Ажратилган сумма 5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Ундан сўнг 1997 йилда “Сув ва санитария” мавзусидаги лойиҳа доирасида 75 млн. АҚШ доллари ажратилди. Лойиҳа 2008 йилда тугатилди. Бунга қўшимча тарзда 2001 йилда яна бир лойиҳа доирасида 36,14 млн. АҚШ доллари берилди.

1998 йилнинг 21 майдан бошлаб эса Тошкент шаҳрида тупрокнинг шўрланишига қарши чора-тадбирларга бағишланган лойиҳа имзоланди, у 8 йил давом этиб, унинг доирасида 24 млн. АҚШ доллари банк томонидан инвестиция сифатида киритилди.

Дастлабки бобда таъкидлаб ўтилганидек, банкнинг асосий мақсадларидан бири дунёдаги инсонларнинг соғлиғини яхшилаш, айнан шу мақсадда 1998 йилда мамлакатимиз билан “Саломатлик-1”, 2004 йилда эса “Саломатлик-2” лойиҳалари имзоланди. Дастлабки лойиҳа доирасида 30 млн. АҚШ доллари ажратилган бўлса, иккинчисида 40 млн. АҚШ доллари ажратилди. Лойиҳаларнинг асосий мақсади сифатида – соғлиқни сақлаш ташкилотларининг техник базасини яхшилаш ва тажрибали кадрларни етиштириш бўлди. Дарвоқе, “Саломатлик-2” дастури 2010 йилнинг июнигача давом этди.

Иқтисодий соҳани янада ривожлантириш учун банк томонидан 1998 йилда 28 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа, 1999 йилда эса 25 млн. га тенг лойиҳа имзоланди. Ушбу лойиҳалар – Халқаро ривожланиш ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида имзоланди. Уларнинг асосий мақсади:

- иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш;
- тижорат банклари орасидаги рақобатни кучайтириш;
- банк соҳасида инновацион фаолиятни уйғотиш.

Янги асрга қадам қўйилганидан кейин ҳам Жаҳон банки гуруҳи ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси орасидаги муносабат сусаймади. Эндиликда банк кўпроқ ижтимоий соҳаларга эътиборини кучайтирди. Хусусан 2000 йилнинг майида 29 млн. АҚШ долларига тенг Транспорт соҳасини ривожлантиришга бағишланган лойиҳа имзоланди. Унинг натижасида Самарқанд, Наманган, Бухоро, Нукус, Олмалиқ шаҳарларида транспорт таъминоти яхшиланди.

Таълим соҳасига 2006 йилда имзоланган лойиҳа натижасида 15 млн. АҚШ доллари ажратилди. Бу пуллар юқори синфларда ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилди. Лойиҳа 2009 йилнинг июнигача давом этди. Лойиҳанинг Ўзбекистон томонидан иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги бўлди.

Банк янги соҳаларга кириб боришига қарамай, олдиндан ишлаб келган соҳаларни ҳам унутмади, яъни 2002 йилда “Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сув таъминотини яхшилаш” лойиҳасига 40 млн. АҚШ доллари ажратилди. Ушбу лойиҳа Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг сув таъминот хизмати томонидан амалга оширилган бўлиб, келажакда лойиҳанинг давоми ҳам молиялаштирилиши кутиляпти. Бундан ташқари Дренаж, ирригация ва мелиорация тизимларини яхшилаш учун 128 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа ишга тушди. Бу лойиҳа икки босқичли бўлиб, унинг биринчи босқичи доирасида 60 млн. АҚШ доллари берилиши мўлжалланган бўлса, 2008 йилда бошланган иккинчи босқичида яна 68 млн. АҚШ доллари ажратилади. Ҳар иккала лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилди.

Юқорида таъкидланган техник ёрдам ва кредитлардан ташқари Жаҳон банки гуруҳи мамлакатимизга грантларни ҳам ажратиш билан шуғулланиб келмоқда.

4-жадвал маълумотларига асосан ажратилган грантларнинг энг каттаси Иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлилига ажратилган, ажратилган сумма 414 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у мамлакатимизнинг Иқтисодий тадқиқотлар марказига ажратилган. Ушбу дастурнинг асосий мақсади – иқтисодий ўзгаришларни назарий асосларини баҳолаб бориш, уларни таҳлил қилиш ва шу билан шуғулланувчи ташкилотларнинг маъмурий техник базасини яхшилаш.

Иккинчи грант миқдори 410 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у ҳам назарий асосларни такомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, статистик тизимини янгилашга йўналтирилган.

8-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳон банки томонидан 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистонга ажратилган кредитларнинг аксарият қисми ўзлаштирилган ва ҳозирги кунга келиб қолдиқ баланси 592,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади. банки томонидан молиялаштирилган лойиҳалар ҳам қамраб олинган.

Бу жаҳон банки экспертларининг ҳисобларига қараганда жуда яхши кўрсаткич бўлиб 2012 йил давомида, яъни лойиҳадар айнан шу йилни ҳам қамраб олади, уларни ўзлаштиришга имкониятлар мавжуд. Чунки, Президентнинг молия соҳасига тегишли 1438 сонли, саноатни ривожлантиришга оид 1442 сонли, инфратузулма, транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш 1446 сонли ва тизимли ўзгаришларни жадаллаштиришга йўналтирилган 1464 сонли фармонларини амалга ошириш учун Жаҳон

Бундан ташқари монополияга қарши курашга бағишланган дастур учун ва пенсия тизимидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида грантлар ажратилган.

Жаҳон банки гуруҳи ташкилотлари томонидан ажратилган пул маблағлари асосан ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга тақсимланди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ажратилган маблағлар мамлакатнинг кўпгина воҳаларида ҳолатнинг бир мунча яхшиланишига замин яратиб берди.

Жаҳон банки гуруҳи инвестициялари натижасида қуйидаги ижобий натижалар юзага келди:

- Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 44 000 га яқин инсонлар тоза сув билан таъминланди. 800 000 га яқин кишиларнинг ҳар куни истеъмол қиладиган сувлари эса ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан яхшиланди.
- Республиканинг 90% аҳолиси сув таъминотига эга бўлди. Шу пайтнинг ўзида деярли 80% инсонлар сув таъминотидан қониқиш ҳосил қилдилар.

- Ирригация тармоқларининг яхшиланишидан деярли 5000 га фермер ўз ишини яхшилаш имконига эга бўлди.
- 50 га яқин фермерлар янги, замонавий ускуналарни сотиб олиб, ўзининг иш даражаларини анчагина яхшилаб олдилар.
- 2300 поликлиника янгидан иш бошлади.
- 11 млн.га яқин чекка тумандаги кишилар замонавий ва сифатли медицинага эга бўлди.
- Касалликларнинг сони камайди.

### **Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги**

Ривожланаётган Осиё мамлакатлари ҳудудий халқаро банкни тузишга Марказий Африка Тараққиёт Банки (МАТБ) ва Африка Тараққиёт Банки (АФТБ) тузилгандан кейин астойдил ҳаракат қила бошлади. Осиё тараққиёт банкини (ОТБ) тузиш ҳақидаги аниқ таклиф 1963 йил сентябрида БМТнинг иқтисодий комиссияси томонидан берилди. Комиссия банк ҳудудий иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим инструменти бўлади деб умид қилган эди. Бу таклиф 1963 йил декабрида Манилада бўлиб ўтган Осиё ҳамкорлиги бўйича министрлар конференциясида қўллаб-қувватланди ва конференция ЭКАДВ Ижроия котибиятига ОТБни тузиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни илтимос қилди<sup>69</sup>.

Натижада, Ижроия котибияти экспертлар гуруҳини ташкил қилди ва бу гуруҳга йирик мутахассислар жалб қилинди. ОТБ Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) ва МАТБ тажрибаларига асосланган ҳолда тузилди. Таъсисчилар ОТБнинг бир томондан ХТТБ билан, иккинчи томондан миллий банклар билан алоқасини кўзда тутган эди. Осиё мамлакатларига кўп томонли ёрдам кўрсатиш тизимини ХТТБ бошқариши керак эди.

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) - Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ривожланиш лойиҳалари учун узоқ муддатга кредит ажратиш билан шуғулланадиган йирик давлатлараро молия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Банк 1965 йилда ташкил топган, унинг бош қароргоҳи Манила шаҳри (Филиппинлар)да жойлашган. ОТБни тузишдан мақсад - Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга ёрдам беришдан иборат.

Токиода имзоланган ОТБ тўғрисидаги битимга кўра бу молиявий ташкилотнинг функциялари МАТБ функцияларига ўхшаш. Банк Осиё-Тинч океани ҳудуди (ОТОХ) мамлакатлари ҳудудий ҳамкорлигини, иқтисодий ривожланишини таъминлаши, аъзо мамлакатларга молиявий, иқтисодий ва техник ёрдам кўрсатиши, уларнинг иқтисодий ҳаракатларини тартибга солиб туриши керак. Осиё Тараққиёт Банкнинг асосий вазифалариэтиб куйидагилар белгиланди:

- Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожига ва ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- Давлат ва хусусий фондлардан капитал қўйилмаларнинг ўсишини таъминлаш;
- ОТОХга кирувчи мамлакатларга қарзлар бериш, бунда кичик ва энг паст ривожланган давлатларни молиялаштириш, ҳамда ҳудудий-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамловчи лойиҳаларга катта эътибор бериш керак;

---

<sup>69</sup> Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

- Худудий савдонинг ривожланишига олиб келувчи иқтисодий режаларни тартибга солишда иштирок этиш;
- Ташқи манбалардан молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш ва бажаришга техник ёрдам бериш;
- ОТОХ мамлакатлари ташқи савдосига ва иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш;
- ОТБ заиф ривожланган мамлакатлар эҳтиёжига катта эътибор беради ва худуднинг иқтисодий ривожланишига олиб келувчи регионал, субрегионал ва миллий лойиҳа ва режаларга катта эътибор беради.

ОТБни ташкил этиш жараёнида ривожланаётган давлатлар тўртта асосий шартни қўйдилар :

- капиталнинг 60 % и ЭСКАТО худуди мамлакатлари взнослари эвазига шакллантирилиши керак;
  - Банк президенти регион давлатларидан бирининг вакили бўлиши керак;
  - директорлар кенгашининг 12 аъзосидан 8 таси худуд давлатлари вакили бўлиши керак;
  - банк штаб-квартираси худуд давлатларидан бирининг пойтахтида жойлашиши керак.
- ОТБ уставига биноан Банк тизимига бир нечта махсус фондлар қиради:
- Имтиёзли шартларда узок муддатли кредитлаш махсус фонди;
  - Осиё ривожланиш фонди;
  - Техника ёрдами махсус фонди.

Ўзбекистон Осиё Тараққиёт банкига 1995 йилнинг августида аъзо бўлиб кирди. Республикамининг бу банкка аъзо бўлиши иқтисодий ўзгариш жараёнини маълум даражада тезлаштиради, ҳамда тадбиркорлик ва бизнеснинг турли хил шакллари ривожланишига кўмаклашади. 1996 йилнинг 17 декабрида ОТБ нинг Директорлар Кенгаши Ўзбекистонга 50 млн.\$ миқдорида кредит линиясини 13 йил муддатга, дастлабки 3 йилини имтиёзли шартда очишга қарор қилди. Бугунги кунда бу кредит линияси тўлиқ ўзлаштирилган бўлиб, ўнлаб кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

ОТБ асосан ўз кредитларини технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишчи капитал харажатларини қисман қоплашга, қишлоқ хўжалиги секторида мавжуд ускуналарни модернизация қилиш, қайта қуроллантириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган сублойиҳаларни молиялаштиришга берилади. Бу кредит линиясининг кредитори бўлиб ЎзР ТИФ Миллий банки ҳисобланади. Қарз олувчи бўлиб хусусий, кичик ва ўрта корхоналар бўлиши мумкин (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бошқарув хусусий сектор қўлида бўлиши керак). Кредит олиш учун лойиҳа экспортбоп ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва валютада ўзини коплаши керак.

2003 йил охирида Осиё Тараққиёт Банки(ОТБ) Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун умумий қиймати 99,2 млн. АҚШ долларига тенг иккита кредит линиясини очишга қарор қилди: «АМУ-ЗАНГ машина каналларини тиклаш» - 73,2 млн. АҚШ доллари ва «Бошоқли экинлар ҳосилдорлигини ошириш» - 26 млн. АҚШ доллари . ОТБ нинг Ўзбекистонга ажратган кредитининг умумий ҳажми 1млрд. 340 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, 14 кўшма лойиҳани амалга оширишни назарда тутди. Шундан 745 млн. АҚШ долларига тенг кредит бугунги кунда амалда тасарруф этилмокда. Бу билан ОТБ

мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритаётган бошқа халқаро молия ташкилотларидан ўзиб кетди.

“АМУ-ЗАНГ” машина каналлари тизимини тиклаш» лойиҳасининг мақсади Аму-Занг ирригация тизимининг мустаҳкамлиги, самародорлиги ва барқарорлигини оширишдир. Бу тизим Амударёдаги насос станцияларини ўз ичига олиб, Сурхондарё вилоятида 100 минг гектар майдонга сув етказиб беради, вилоятдаги 400 минг кишининг турмуши асосан суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқ. Лойиҳа доирасида 3 та асосий насос станцияси – Боботоғ, Аму-Занг ва Аму-Занг 2 ни реконструкция қилиш кўзда тутилган. АМУ-Занг каналининг магистрал ирригация ва дренаж тизимини режали таъмирлаш ва тиклаш (асосий каналларнинг айрим қисмлари, гидроиншоотларни тиклаш, соҳилни бетонлаш) сув ўтказиш имкониятларини ошириш ҳамда сувнинг унумли ва ўз вақтида тақсимланишига йўналтирилган. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳа амалга оширилгач, мазкур ҳудудларда яшовчи 200 минг киши ижтимоий ва иқтисодий фойда кўради, яъни уларнинг даромадлари ортади, янги иш ўринлари яратилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ нинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, базавий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими, коммунал хўжалик, кичик ва ўрта бизнес соҳаларида кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фақат 2003 йилнинг ўзида базавий таълим, микромолиялаш, энергетика инфратузилмаси соҳаларида кўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ОТБ ўртасида умумий қиймати 198,5 млн. АҚШ долларига тенг 4 та битим имзоланди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ОТБ 2004-2006 йилларга мўлжалланган қиймати 500млн. АҚШ долларига тенг уч йиллик ҳамкорлик дастурини амалга ошириш борасида келишувга эришилди. Бу дастур оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ичимлик сув билан таъминлаш, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, энергетикада янги қувватларни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган кўшма лойиҳалар амалга оширишни назарда тутди.

Бундан ташқари Қорақалпоғистонда ОТБ гранти ёрдамида Гаров фонди очилди. Маблағи 120 минг АҚШ долларига тенг бўлган бу жамғармани тузишдан мақсад, Орол бўйида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлашни йўлга қўйишда ёрдам беришдир. Ушбу гаров фонди тадбиркорлар учун 10 млн. сўмга қадар кредит олинаётганида гаровга кафолат беради.

Фонд ҳозирнинг ўзидаёқ икки тадбиркорга 12 млн. сўмлик кредит олиш учун гаров берди. Йил охиригача яна 18 тадбиркорни шу йўсинда қўллаб-қувватлаш режалаштирилган. Шу кунларда 10 та бизнес лойиҳа кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирда Қорақалпоғистонда 133 минг кичик ўрта бизнес субъекти бор. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2390 тага кўпдир. Натижада 3169 та янги иш ўринлари бунёд этилди. ОТБ нинг Тошкентдаги ваколатхонасидан хабар беришларича, банк Қорақалпоғистондаги бизнес-инкубатор билан шартнома тузган, ушбу ҳужжатга кўра кичик корхоналарни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда ОТБ Қорақалпоғистондаги ишлаб турган корхоналарга грантлар ажратмоқда.

Шунингдек, 10 минг АҚШ долларигача бўлган суммага кишлок хўжалиги ва ускуна лизинги учун ҳам грантлар бермоқда.

Умуман олганда, тасдиқланган стратегияга мувофиқ 2005 йилгача бўлган даврда ОТБ лойиҳа ссудалари беради, техникавий ёрдам кўрсатади ва зарурат туғилганда шошилиш шартлари билан шартли рағбатларни ўтказиши. Ўзбекистон ҳукумати Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг 585 млн. АҚШ доллари миқдорида ажратган мультитранш кредитини биринчи тоифали миллий автомагистрал қуриш учун жалб қилади.

Биринчи траншнинг кредит маблағлари "Ўздор-Бухоро-Нукус-Бейнов" (А-380) автойўлининг 50 км узунликдаги қисмини реконструкция қилишга йўналтирилади. Реконструкцияни амалга оширишга жорий йил декабрида киришиш режалаштирилмоқда. Қурилиш муддати – икки йил. Ўтган йил май ойида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 2009-2014 йилларда 2,6 млрд. долларга яқин қийматга эга биринчи тоифали миллий автомагистрални қуриш дастурини тасдиқлади. Дастур доирасида 2015 йилга келиб, республикада умумий узунлиги 1501 км келадиган автомобиль йўлларининг тўртта қисмини қуриш режалаштирилмоқда.

ОТБнинг маблағлари 220 км узунликдаги А-380 автомобиль йўли қисмлари реконструкциясига йўналтирилади. Дастурга мувофиқ, олти йил давомида бетон ва цемент қопламали, узунлиги 400 км келадиган тўрт тасмали йўллар, бетон-асфальт қопламали 813 км тўрт тасмали йўллари ва бетон-асфальт қопламали 288 км икки тасмали йўллари қурилади. Қурилиш шунингдек, етти та транспорт чорраҳаларини ва 1488 км йўл қувурлари ҳамда кўприкларни бунёд этишни кўзда тутади. 2,6 млрд. долларга яқин қийматдаги лойиҳани молиялаштириш ОТБнинг мультитраншли кредитдан ташқари, 1,68 млрд. доллар миқдоридаги ҳукумат маблағлари ҳисобига, шунингдек, Хитой ҳукуматининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо-мамлакатлар учун кредит линияси ҳамда бошқа халқаро молия ташкилотлари ҳисобига амалга оширилади. Дастур халқаро молия ташкилотлари маблағларини бетон ва цемент қопламали йўл қисмларини қуриш ва технологиясини сотиб олиш учун жалб қилишни кўзда тутади.

Эслатиб ўтамиз, 2007 йил декабрида ОТБ Директорлар Кенгаши Ўзбекистон ҳукуматига 180 млн. доллар қийматга эга "Ўздор-Бухоро-Нукус-Бейнов" автомобиль йўли реконструкцияси учун 75,3 млн. доллар миқдорида кредит ажратилишига розилик билдирган. Маълумот. Ўзбекистон автомобил йўллари умумий узунлиги 146,4 минг км.ни ташкил этади. Улардан 42,5 минг км – умумий фойдаланишдаги магистрал йўллари, жумладан 3200 км – халқаро ҳамда 18,8 минг км – давлат миқёсидаги автотрассалардир. Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 20 та халқаро транспорт маршрутлари ва йўналишлари ўтади.

## **7-МОДУЛ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАЪЛУМОТЛАР**

Рақобатлашган бозорда жуда кўп сотувчилар ва харидорлар қатнашади, шу сабабли улардан бирортаси ҳам товар нархига таъсир қилаолмайди, нархни бозорнинг ўзи талаб ва таклифга кўра шакллантиради. Сотувчилар ва харидорлар бу нархни қабул қиладилар ва шу нархга кўра қанча маҳсулот сотиш керак ёки қанча маҳсулот сотиб олиш кераклиги бўйича қарор қабул қиладилар. Соф монополия рақобатлашган бозорнинг акси бўлиб, бу ерда битта сотувчи ва кўплаб харидорлар қатнашади. Соф монополистнинг рақобатчиси йўқ.

Соф монополия маҳсулот ўрнини босадиган бошқа маҳсулот бўлмаган ҳудудларда вужудга келади. Умуман олганда жаҳон ва миллий бозорларда битта маҳсулотни битта

сотувчи томонидан сотилиши камдан-кам учрайди. Соф монополия кўпроқ маҳаллий бозорларга хос бўлади. Масалан, тумандаги ягона китоб магазини, ягона телефон станцияси, ягона тиш доктори, ягона жаррох ёки бўлмаса маҳаллий коммунал хўжалиги хизмати. Юқорида келтирилган субъектлар бозор шароитида нархга таъсир қилиш учун реал ҳокимиятга эга.

Соф монополиянинг вужудга келишига таъсир қилувчи яна бир омил бу - тармоққа кириш тўсиқларининг кучлилигидир<sup>70</sup>. Бирор маҳсулотни сотишдан тушадиган иқтисодий фойда юқори бўлса, бу рақобатлашган бозор шароитида бошқа фирмаларни ҳам шу бозорга кириб келиши учун сигнал бўлар эди. Агар монопол фирма иқтисодий фойда ола бошласа, бу бошқа фирмаларни ҳам ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ундайди. Демак соф монополияни саклаб қолиш учун, бошқа рақобатлашмоқчи бўлган фирмалар учун махсус тўсиқлар бўлишини тақазо қилади. Тармоқга кириш тўсиқлари - бу монопол фирма бозорига бошқа сотувчиларни кириб келишини тўхтатувчи чекланишлар.

Тармоқга кириш тўсиқларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Давлат томонидан берилган махсус ҳуқуқ. Масалан маҳаллий ҳокимиятларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, почта хизмати кўрсатиш, коммунал хизмати кўрсатиш ва алоқа хизмати кўрсатиш бўйича монопол ҳуқуқлар бериб, расмий тўсиқлар яратади.

2. Патентлар ва муаллифлик ҳуқуқи, янги технология яратганлар учун патент ва муаллифлик ҳуқуқи берилиши, уларга ушбу янгиликни сотишда, ундан фойдаланиш учун лицензия беришда монопол ҳуқуқ берилади. Лекин бундай ҳуқуқ маълум муддатгача кучга эга бўлади. АҚШ да патент қонунига кўра ихтирочи ўз ихтиросига 17 йил эгалик қилади.

3. Бирор бир ишлаб чиқариш ресурси таклифига эгалик қилиш. Масалан, Американинг «Де Бирс» компанияси жаҳонда сотиладиган, қайта ишланмаган олмоснинг 85 фоизини назорат қилгани учун, олмос бозорига монопол ҳокимиятга эга. Юқоридагилардан ташқари инсоннинг ноёб қобилияти ва билими ҳам монополияни вужудга келтиради.

Монопол ҳокимият. Фирма монопол ҳокимиятга эга бўлади, қачонки у ўзининг сотадиган товари нархига таъсир қилаолса, яъни ўзгартираолса. Монопол ҳокимият даражаси ушбу товар ўрнини босувчи товарнинг мавжудлиги ва товарнинг бозордаги улуши билан белгиланади. Монопол ҳокимиятга эга бўлиш учун фирманинг соф монополист бўлиши шарт эмас. Фирма маҳсулотига бўлган талаб чизиғи рақобатлашган бозордагидай гаризонтал бўлмасдан, пастга ётиқ бўлиши кифоядир. Агар талаб чизиғи пастга ётиқ бўлса, фирма таклиф ҳажмини ошириб ёки камайтириб, маҳсулот нархини ўзгартириши мумкин.

Умумун олганда монополист нархни назорат қилишидан ютуққа эга бўлади. Монополистнинг таклифи рақобатлашган бозор таклифига кўра кам бўлади, товар нархи эса, рақобатлашган нархга нисбатан юқори бўлади (монопол нарх чекли харажатдан юқори).

Товарларни монопол нархда сотилиши жамият харажатини кўпайтиради, аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Нима учун деганда, ушбу товарни сотиб олувчилар кўпроқ пул сарфлайди, шу товарни сотиб олувчилар сони ҳам камаёди. Шунинг учун ҳам монополияга қарши қонун, бозорларни монополияга айланттиришга йўл қўймайди.

---

<sup>70</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

Монополист маҳсулотига талаб. Рақобатлашган бозорда фирма максимал фойда олади, агар у чекли даромад чекли харажатга тенг ҳолатни таъминлайдиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарса,

$$MR = MC.$$

Бундай маҳсулот ҳажми оптимал бўлади. Монополист ҳам шу оптимал ишлаб чиқариш шартига амал қилиши керак бўлади. Соф монополист товарига бўлган талаб ҳам бозор талаби ҳисобланади. Монополист ўз товари нархини оширса унга талаб камаяди ва аксинча, монополист товар нархини туширса унга талаб ортади.

Худди шундай соф монополист таклифи ҳам бозор таклифи ҳисобланади. Масалан товар ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан харажатлари ошса, монополист максимал фойда олиш учун товар ҳажмини қисқартиради. Таклиф ҳажмининг қисқариши ва харидорлар ўртасида рақобатнинг мавжудлиги товар нархини оширади.

Рақобатлашган бозорда фирманинг чекли даромади маҳсулот нархига тенг  $MR = P$  ва талаб чизиғи горизонтал бўлса, монопол бозорда монополист маҳсулотига бўлган талаб чизиғи пастга ётиқроқ ва монополистнинг чекли даромади ҳар доим нархдан кичик бўлади.

$$MR < P.$$

Монопол фирманинг маҳсулотига талаб билан унинг чекли ва умумий даромади ўртасидаги боғлиқликларни қуйидаги расмда кўриш мумкин.

Талаб чизиғининг эластик қисмида чекли даромад  $MR > 0$  бўлгани учун монополист маҳсулот ҳажмини нолдан,  $Q^*$  миқдоргача оширганда унинг умумий даромади  $TR$  ошади. Талаб чизиғининг эластик бўлмаган қисмида чекли даромад манфий, яъни  $MR < 0$  бўлгани учун, талаб чизиғининг ушбу қисмида ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий даромадни камайтиради. Шунинг учун ҳам монополист талаб чизиғининг эластик бўлмаган қисмидан қочишга ҳаракат қилади.


Агар монополистнинг талаб чизиғи рақобатлашган бозордагидай горизонтал бўлганда эди, у товар ҳажмини ўзгартириши билан нархга таъсир қила олмас эди. Монополлашган бозорда таклиф чизиғи маънога эга эмас. Нима учун деганда, ишлаб чиқариладиган маҳсулот (таклиф) миқдори билан нарх ўртасида пропорционал боғлиқлик йўқ. Монополистнинг қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши нафақат чекли харажатга боғлиқ, балки талаб чизиғининг шаклига ҳам боғлиқ бўлади.

Монопол бозорда талабнинг ўзгариши нархнинг ва таклифнинг рақобатлашган бозордагидай пропорционал ўзгаришига олиб келмайди. Монополист, талаб ўзгарганда маҳсулот ҳажмини ўзгартирмасдан нархни ўзгартириши ёки нархни ўзгартирмасдан маҳсулот ҳажмини ўзгартириши ёки бир вақтнинг ўзида нархни ҳамда маҳсулот миқдорини ўзгартириш мумкин.

Монополистнинг мақсади максимал фойда олиш бўлса, у товар нархини хоҳлаганча ошира олмайди. Нарх ошиши билан маҳсулотга талаб камайиб боради, нарх ошиши маълум даражага етганда умумий даромад умумий харажатни қопламайди. Монополист қандай нарх стратегиясини тутишини билиш учун даромаднинг нархга кўра талаб эластиклиги билан қандай боғлиқлигини эшлаш зарур бўлади. Талаб чизиғининг эластик бўлган қисмида  $\epsilon_p > 1$ , нархнинг пасайиши умумий даромадни ўсишига олиб келади  $MR > 0$ , эластиклик бирга

тенг бўлганда  $\epsilon_p = 1$  умумий даромад максимумга эришади ( $MR=0$ ), эластик бўлмаган қисмида нархнинг пасайиши умумий даромадни пасайишига олиб келади ( $MR < 0$ ). Шунинг тушунган монополист талаб чизиғининг эластик бўлмаган қисмида ҳаракат қилмайди.

Биз кўрсатамиз монополист ҳам рақобатлашган бозордаги фирма каби чекли ҳаракат билан чекли даромадни тенглигини таъминлайдиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарсагина максимал фойда олиши мумкин (1-расм). Расмда монополистнинг ўртача даромад чизиғи бирор талаби чизиғини беради. Маҳсулот нархи шу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ функция.



## 8-МОДУЛ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ВА КЕЙС - СТАДИЛАР

### Ўзбекистон ҳудудларида ишлаб чиқариш унумдорлиги кўрсаткичлари рейтинги

Минтақалар, вилоятлар	Аҳоли жон бошига ЯИМ, (минг сўм)	Тармоқда бандлар сонига ҳисоблаганда, минг сўм					Рейтинг баллари йиғидиси		Ўрин	
		саноат маҳсулоти	қишлоқ хўжалик маҳсулоти	қурилиш ишлари	кичик бизнес корхоналари маҳсулоти	чет эл инвестицияси бор корхоналар маҳсулоти	2001 й.	2012 й.	2001 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	1317,2	16515,9	4314,0	9802,9	435,9	33555,6	15	16	14	14
вилоятлар:										
Андижон	2211,0	39531,3	7687,3	8001,2	807,6	265395,7	62	53	5	5-6
Бухоро	3145,6	22000,0	9058,9	11444,4	794,9	82178,6	63	58	4	3
Жиззах	1767,9	21723,3	7273,6	13210,9	762,4	64125,0	33	41	11	9
Қашқадарё	2687,9	66625,7	7323,6	7262,7	622,8	607586,2	28	51	12	7
Навоий	5736,7	51325,4	12171,4	12477,1	1267,1	69818,2	66	69	1	1
Наманган	1540,8	12625,7	8761,5	7655,5	836,6	76255,8	25	33	13	10
Самарқанд	1793,7	19127,3	8335,8	10646,0	995,3	142716,0	44	53	8	5-6
Сурхондарё	1640,2	17573,8	6368,0	8513,4	359,4	117571,4	43	28	9-10	13
Сирдарё	2070,0	45245,0	6414,1	10190,3	939,9	54000,0	45	48	6-7	8
Тошкент	3450,6	31768,6	10476,2	8832,5	1560,5	53509,4	65	56	2-3	4
Фарғона	1973,5	18965,0	4994,0	7930,2	674,8	74230,8	45	29	6-7	12
Хоразм	1794,6	18285,1	6739,8	8472,8	558,8	70238,1	43	30	9-10	11
Тошкент ш.	6097,8	44249,2	-	13636,6	7075,5	98271,3	65	64	2-3	2
Ўзбекистон Республикаси	3244,1	32114,8	7488,9	10398,9	1276,6	117024,4				

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил маълумотлари асосида тузилган.

## Ўзбекистон ҳудудларининг

### асосий капиталга киритилган инвестициялар ва тадбиркорлик ривожланиши кўрсаткичлари рейтингли

Минтақалар, вилоятлар	Иқтисодий фаол аҳоли ичида яқка тадбиркор- ларнинг улуши, %	2012 йилда ташкил қилинган корхонларни нг 2011 йилда ташкил этилган корхоналарда ги фонзи	Кичик бизнес корхоналари маҳсулоти нинг ЯИМдаги улуши, %	Умумий бандлар сонига кичик бизнес корхоналари нинг улуши, %	Капитал қўйилмалар ҳажми, млрд. сўм	Инвестиция ларнинг умумий ҳажмида		Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми, млрд. сўм	Рейтинг баллари йиғиндиси		Ўрин	
						корхоналар ва аҳоли маблағлари нинг улуши, %	давлат бюджети улуши, %		2001 й.	2012 й.	2001 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	4,9	4,9	66,5	71,0	1168,8	45,3	2,6	355,9	50	43	13	14
вилоятлар:												
Андижон	5,2	9,6	57,4	82,8	1158,2	66,6	4,9	103,1	70	73	3	3
Бухоро	6,2	5,5	65,7	77,3	2277,8	31,6	3,5	1212,2	65	64	5	6
Жиззах	5,8	3,9	79,9	80,3	678,5	61,3	2,1	24,8	57	52	9	9-11
Қашқадарё	4,2	9,1	52,4	77,0	2875,9	55,1	3,0	712,8	60	60	7	8
Навоий	6,2	3,2	36,9	58,8	1625,8	51,8	3,7	405,8	44	50	14	12
Наманган	7,6	6,8	79,0	80,7	758,7	63,6	2,9	29,6	54	68	11	4
Самарқанд	7,9	7,2	76,3	81,8	1383,3	69,0	9,7	56,4	63	76	6	2
Сурхондарё	3,3	5,3	74,2	77,5	845,5	57,5	3,7	107,7	58	52	8	9-11
Сирдарё	3,3	3,3	80,0	77,5	628,3	45,2	13,5	17,2	56	44	10	13
Тошкент	5,5	9,4	56,7	71,2	1872,4	59,2	2,9	323,6	82	62	1	7
Фарғона	7,1	8,7	61,8	77,3	1390,9	45,1	18,0	167,1	66	67	4	5
Хоразм	3,7	4,9	73,8	79,1	700,1	58,9	4,0	74,8	51	52	12	9-11
Тошкент ш.	9,3	18,1	53,6	57,3	5433,1	51,6	25,8	1062,3	76	77	2	1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Ўзбекистон ҳудудлари аҳолисининг  
даромадлари ва харажатлари кўрсаткичлари рейтинги**

Минтақалар, вилоятлар	Аҳоли жон бошига пул даромадлари, минг сўм	Аҳоли даромадларида истеъмол харажатлари улуши, %	Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси, минг сўм	Минтақадаги ўртача иш хақининг унинг Ўзбекистон бўйича ўртача даражасига нисбати, %	Молиялашти- ришнинг ҳамма манбалари хисобига уй- жойларни ишга тушириш, минг. кв. метр	Рейтинг баллари йиғиндиси		Ўрин	
						2001 й.	2012 й.	2001 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	1894,8	78,1	678,6	140,3	769,4	27	20	13	13
вилоятлар:									
Андижон	2376,7	96,8	1036,4	153,1	615,9	42	49	6	2
Бухоро	3168,7	79,5	1314,9	143,6	674,9	45	43	4	6
Жиззах	1787,1	80,3	971,6	140,4	505,1	21	21	14	12
Қашқадарё	2161,8	88,3	915,5	142,0	876,2	38	37	7	8-9
Навоий	4213,5	60,5	1660,8	132,5	455,0	49	32	1-2	10-11
Наманган	1980,2	81,5	887,9	141,1	1020,5	34	32	8-10	10-11
Самарқанд	2309,1	89,2	903,5	145,2	1089,1	32	46	11	4
Сурхондарё	2131,7	78,3	1018,0	142,8	968,1	31	37	12	8-9
Сирдарё	2570,2	75,0	903,2	140,2	354,6	34	19	8-10	14
Тошкент	2813,8	90,5	1513,0	133,3	797,2	43	45	5	5
Фарғона	2223,5	92,3	989,5	147,5	857,0	49	48	1-2	3
Хоразм	2501,5	80,8	954,4	144,5	722,5	34	38	8-10	7
Тошкент ш.	5203,4	102,1	3634,7	147,2	635,2	46	59	3	1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг  
маъмурий-ҳудудий бўлиниши**

Минтақалар номи	маъмурий-ҳудудий бирликлар сони							
	вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	қишлоқ туманлари	шаҳарлар таросидаги туманлар	туманга бўйсунувчи шаҳарлар	шаҳарчалар	қишлоқ фуқароллик қишлоғи	қишлоқ аҳоли пунктлари	маҳалла йиғинлари
Қорақалпоғистон Республикаси	2	14	-	10	16	123	1183	159
вилоятлар:								
Андижон вилояти	3	14	-	8	5	95	536	844
Бухоро вилояти	2	11	-	9	2	121	1536	264
Жиззах вилояти	1	12	-	6	8	104	558	277
Навоий вилояти	2	8	-	4	7	54	627	343
Наманган вилояти	1	11	-	7	11	99	509	640
Самарқанд вилояти	2	14	-	9	12	125	1949	1018
Сирдарё вилояти	3	8	-	2	5	72	284	287
Сурхондарё вилояти	1	14	-	7	7	114	847	667
Тошкент вилояти	6	13	-	9	18	146	954	1202
Фарғона вилояти	4	13	-	3	10	164	1180	968
Хоразм вилояти	1	10	-	2	7	101	612	345
Қашқадарё вилояти	1	13	-	11	4	146	1063	339
Тошкент шаҳри	-	-	11	-	1	-	-	448
Республика бўйича	29	159	11	89	113	1464	11838	7801

**Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича таркиби**

(яқунга нисбатан % да)

Ҳудудлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 й.да 2012 й.га нисбатан (+, -)
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	-
Қорақалпоғистон Республикаси	5,2	8,6	11,4	6,2
<b>вилоятлар:</b>				
Андижон	5,2	4,4	4,2	-1
Бухоро	10,5	10	9,8	-0,7
Жиззах	2,8	3,5	3	0,2
Қашқадарё	12,8	12,2	11,7	-1,1
Навоий	7,1	5,9	4,6	-2,5
Наманган	3,3	3,7	4,8	1,5
Самарқанд	6,1	6,6	6,5	0,4
Сурхондарё	3,7	4,2	4,1	0,4

Сирдарё	2,8	2,9	2,7	-0,1
Тошкент	8,3	10,4	10,8	2,5
Фарғона	6,3	6,5	5,8	-0,5
Хоразм	3	3,9	3,6	0,6
Тошкент ш.	22,7	17,1	16,7	-6

**Худудлар бўйича асосий капиталга инвестициялар**

Худудлар	2012		2013		2014	
	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %
Ўзбекистон Республикаси	22067	111,6	27557,3	109,8	33715,3	109,6
Қорақалпоғистон Республикаси	1145,1	120,4	2366	179,6	3840,3	143,4
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1139,9	128,6	1215,2	96,7	1407,5	105,2
Бухоро	2307,3	107,5	2753,8	100,4	3308,3	101,8
Жиззах	622,4	117,3	960,2	129,4	1026,7	97,1
Қашқадарё	2824,4	126,6	3352,9	102,5	3944,4	105,6
Навоий	1559,7	110,4	1622,7	96,9	1544,4	87,2
Наманган	728	112,6	1016,7	121,7	1620	140,2
Самарқанд	1356,6	110,9	1813,2	120	2185,7	103,4
Сурхондарё	807,9	112,9	1147,7	123	1377,4	106,3
Сирдарё	620,8	100,2	788,9	108,1	920,4	105,1
Тошкент	1822,9	77	2861,7	143,4	3633,9	116,8
Фарғона	1382,1	108,4	1796,6	112,2	1963	96,3
Хоразм	657,4	106,3	1083,3	136	1220,6	97,9
Тошкент ш.	5014,3	126,5	4706,1	80,9	5642,8	108

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Аҳоли сони унинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари, турли хизматларга бўлган истеъмол талабларини ҳисоблаш учун асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шу билан бир вақтда ЯИМ ҳажми иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида яратилган қўшимча қийматни ўзида мужассамлаштирган (ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш) бўлиб, унинг статистик ахборотлар асосидаги прогнози мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан унинг тармоқлари ҳамда соҳаларининг ривожланиш тенденциялари ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш йўллари ҳақида хулосалар қилиш имкониятини беради.

Ушбу кўрсаткичлар ўзгариш тенденцияларини ретроспектив (статистик) маълумотлардан фойдаланиб, математик усуллар ёрдамида прогноз қилиш мумкин. Прогноз қилишнинг ёндашувларидан бири – ўтган даврда аҳоли сонининг ўртача йиллик мутлоқ ўсишлари келгусида ҳам сақланиб қолади деган ғояга асосланади. Ушбу ғояга кўра аҳоли сонини прогнозлаш турли тренд моделларидан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики [4], мамлакатимизда аҳоли сони мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. 2014 йилда Ўзбекистон аҳолиси 30759 минг кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 44,5 фоизга ёки 9,3 млн. кишига, 2005 йилга нисбатан эса қарийб 17,1 фоизга ёки 4,5 млн. кишига кўпдир.

Ушбу ўзгариш тенденцияларини истиқболга, юқорида таъкидлаганидек, 2005-2014 йиллар статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда аҳоли сони ўзгаришини прогноз қилиш учун қуйидаги чизикли ва кўрсаткичли тренд моделлари топилади:

$$y_{I\text{-вар.}} = 494,64t + 25641; (R^2=0,95), (1)$$

$$y_{II\text{-вар.}} = 30,81t^2 + 186,47t + 26206; (R^2=0,97), (2)$$

Ушбу тренд моделларидан фойдаланиб, Ўзбекистонда аҳолининг йиллик сонининг истиқболда ўзгаришининг прогнозлари амалга оширилди. (1) ва (2) моделлар Microsoft Excel тизимидаги стандарт функциялар ёрдамида аниқланди ва прогноз ҳисоб-китоблари амалга оширилди.

Прогноз натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси 2017 йилда чизикли (I-вариант) моделга кўра 32071,3 минг кишини, чизиксиз модель (II –вариант) бўйича эса 32838,2 минг кишини ташкил этиши мумкин. Бу кўрсаткичлар 2014 йилга солиштирганда вариантлар бўйича 1312,3 ва 2079,2 минг кишига ёки мос равишда 4,3 ва 6,7 фоизга кўпдир.

Аҳоли ўсиш суръатлари I-вариант бўйича ўтган 2014-йилга солиштирганда ўртача 3,5 фоиз атрофида, II-вариант бўйича эса йилига ўртача 5,0 фоиздан юқори суръатлар билан кўпайиши мумкин. Ушбу прогнозларнинг ишончлилиги статистик баҳолашнинг детерминация коэффициенти билан изоҳланади. Яъни аҳолининг ушбу даврда ўсишининг вариантлар бўйича 95 (I-вариант) ва 97 (II-вариант) фоизи вақт омилига боғлиқ ҳисобланади. Ушбу прогноз кўрсаткичларидан аҳоли бандлиги ҳамда меҳнат ресурсларини тармоқлар бўйича тасимланиш балансини тузишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли ҳозиргача хорижий мамлакатларда иқтисодий нобарқарорлик давом этаётганига қарамасдан, мамлакатимизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Мамлакатимизда 2014 йилда ЯИМ ҳажми ўсиши таққослама нархларда 2013 йилга солиштирганда 8,1 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 0,4; 2012 йилга нисбатан 0,1 фоиз бандига паст ҳисобланади. Шу билан бир вақтда ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 3,5 фозга тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилда 6,3 фоиз ва 2014 йилда нисбатан 6,2 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг мунтазам ўсиб боришига қарамай, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориш тенденцияси сақланиб қолмоқда. ЯИМнинг истиқболда ўзгаришини прогнозлаш мамлакат иқтисодий ўсиш тенденцияларини баҳолашга ва унинг учун қандай даражада миллий ресурслардан фойдаланиш зарурлигини белгилашда муҳим манба бўлиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, ЯИМнинг истиқболда ўзгаришининг прогноз вариантлари асосланди. Бундай прогнозни амалга ошириш учун 2005-2014 йиллар статистик маълумотларидан фойдаланиб, чизикли ва чизикли бўлмаган тренд моделлари ишлаб чиқилди. Улар қуйидаги кўринишга эга:

$$y_{I\text{-вар.}} = 10328t + 646,9; (R^2=0,9749), (3)$$

$$y_{II\text{-вар.}} = 949,9 t^2 + 729t + 12046; (R^2=0,9668), (4)$$

Ушбу тренд моделларида  $t$  олдидаги коэффициентлар ЯИМнинг ўртача бир йиллик ўсиш суръатини кўрсатади ва озод ҳадлар эса ўтган йиллар даврида ЯИМнинг ўртача даражаси билан ифодаланади.

Мамлакат ЯИМ ҳажмининг истиқболда ўзгаришининг прогноз вариантлари (3) ва (4) тренд моделларини қўллаш орқали ҳисобланган ва бунда Microsoft Excel тизимидаги дастурдан фойдаланилди<sup>71</sup>.

Прогноз натижаларига кўра, ЯИМ ҳажми кейинги 2016-2017 йилларда ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлади. ЯИМ ҳажми (ҳақиқатдаги баҳоларда) 2017 йилда I-вариант бўйича 2014 йилга таққослаганда 9956,9 млрд.сўмга ёки 9,3 фоиз пунктига пасайиши мумкин. Прогнознинг II –вариант бўйича эса шу даврда ЯИМ 28140,1 млрд.сўм ёки 19,4 фоизга ошиши мумкин. Ушбу II–вариант бўйича йиллик ўсиш суръатлар 12-17 фоизга тенг бўлиши кутилади. Бу вариантни мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиши билан изоҳлаш ўринли.

ЯИМ ҳажмининг прогноз вариантлари, мамлакат аҳолиси ўртача йиллик сони ўсишининг 2017 йил прогнозлари орқали, ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қийматини баҳолаш имконини беради. Прогнознинг I-варианти бўйича аҳоли жон бошига 2014 йилда 4710 минг сўм ЯИМ тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 4206 минг сўмга ёки шу даврда ушбу кўрсаткич пасайиши 8,9 фоизга тенг бўлиши мумкин. Прогнознинг II–варианти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, 2017 йилга бориб аҳоли сони ўсишига қармасдан, 5268,5 минг сўмни ташкил этиши кутилади. Ёки ушбу кўрсаткич 2017 йилда 2014 йилга нисбатан 11,8 фоизга ўсиши мумкин. Ушбу II–вариант бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши 8,3 фоиздан 10,8 фоизгачани ташкил этиши мумкин. Бундай ўсиш суръатлари ЯИМ ҳажмининг аҳоли сонининг ўсиш суръатидан юқори бўлиши билан таъминланади.

Статистик маълумотларга кўра, аҳоли умумий даромади 2005-2014 йиллар даврида 11674 млрд. сўмдан 116250 млрд. сўмни ташкил этди. Ёки ушбу кўрсаткичнинг ўсиши 2014 йилда 2005 йилга нисбатан қарийб 10 мартага ошган.

Аҳолининг умумий даромадларининг ошиши, уларни истеъмоли ҳамда жамғаришининг ўсишига асос яратади. Аҳоли жамғармалари миқдори кўпайиши, уларни асосий капиталга киритаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш имкониятини берди. Республика бўйича 2005 йилда аҳоли 361,1 млрд. сўмлик асосий капиталга инвестиция киритган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 7350,5 млрд. сўмни ташкил этган. Ёки шу даврда

---

<sup>71</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

аҳолининг асосий капиталга киритилган жами инвестициялари 20 мартага кўпайган. Шу билан бир вақтда аҳоли инвестицияларининг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 2005 йилда 11,4 фоиз бўлган бўлса, у 2014 йилда 21,8 фоиз бўлган. Ёки ушбу кўрсаткич 2014 йилда 2005 йилга нисбатан 10,4 фоиз бандига ошган.

Аҳоли даромади ва истеъмолининг ўсишини оила тадбиркорлиги ривожланиши ва уни давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши натижалари сифатида баҳолаш ўринли ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда аҳоли жамғармасини орттириш учун маблағлар ажратиши, 2008 – 2011 йилларда ўсиш тенденциясидан кейин, унинг 2012 йилдан кескин қўтарилганлигини кузатиш мумкин. Аҳолининг умумий даромадлари ва харажатлари таркибидаги бундай ижобий силжишлар, мамлакатда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг узвийлиги натижаси ҳисобланиб, улар аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

Шу билан бир вақтда республика аҳолисининг даромади ва жамғармасини истиқболда ўзгариш тенденцияларини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолиси даромадлари ҳақида асосланган прогноз маълумотларига эга бўлиш, давлатимиз томонидан уларни қўллаб-қувватлаш ва бир маромда барқарор иқтисодий ўсишини рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш учун катта аҳамиятга эгадир.

Аҳоли даромади ва уларни асосий капиталга инвестициялар киритиш кўрсаткичларининг прогноз вариантларини асослаш учун ҳам эконометрика усулларидан фойдаланилди [3].

Эконометрик моделларни ишлаб чиқишда мамлакат ЯИМ ҳажми, аҳолисининг сонига боғлиқ ҳолда аҳоли даромадларининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ҳақидаги кўп йиллик статистик маълумотлардан фойдаланилди. Ишлаб чиқилган вақт тренди моделларидан фойдаланиб, аҳоли ихтиёрида қоладиган ялпи даромадлари ва уларнинг асосий капиталга инвестициялар киритиш кўрсаткичлари прогноз қилинди.

Танланган тренд моделлари қуйидагилардан иборат:

3. Аҳоли ихтиёридаги ялпи даромади (млрд. сўм)

$$y_{I\text{-вар.}} = 798,15t^2 + 1115,5t + 9180; (R^2 = 0,9997; t_{xu} = 91,2), (1)$$

$$y_{II\text{-вар.}} = 7500,7t - 391,8; (R^2 = 0,9669; t_{xu} = 8,7), (2)$$

4. Аҳолининг асосий капиталга киритган инвестициялари, млрд. сўм

$$y_{I\text{-вар.}} = 692,47t - 1247,9; (R^2 = 0,8915; t_{xu} = 91,2), (3)$$

$$y_{II\text{-вар.}} = 105,27t^2 + 360,18t + 681,9; (R^2 = 0,9973; t_{xu} = 17,4), (4)$$

(1-4) моделларнинг ишончилигини баҳолашнинг  $R^2$  ҳамда  $t_{xu}$  – Стьюдентнинг статистик меъзонлари юқори қийматларга эга. Моделларда  $t_{xu}$  – Стьюдент меъзони қийматлари, унинг жадвал қийматларидан катта, ва бу вақт қаторида фавқулодда тебранишлардан ҳоли бўлган барқарор тенденция (ўсиш) мавжудлигини билдиради.

Прогноз ҳисоб-китобларига мувофиқ республика аҳолиси ихтиёридаги ялпи даромад ҳар иккала вариант бўйича ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга. Прогноз бўйича аҳоли ихтиёридаги ялпи даромадлари 2017 йилда I-вариант бўйича 82115,9 ва II-вариантда 118032,7 млрд. сўмга тенг бўлиши кутилади. Бу кўрсаткичлар 2014 йилга солиштирганда I-вариант бўйича 6,0 ва II-вариант бўйича 52,4 фоизга ошиқ бўлиши мумкин. Аҳоли даромадларининг ошиши, улар жамғармаларининг ҳам мос равишда ошишига имкон беради. Бу аҳолининг асосий капиталга инвестиция киритиш ҳажмини ҳам ўсишига олиб келади.

Прогноз ҳисоб-китобларига кўра, аҳолининг асосий капиталга инвестициялар киритиши 2017 йилда I-вариант бўйича 7754,2 млрд. сўм, II-вариант бўйича 13790,2 млрд.

сўм бўлиши кутилади. Ушбу кўрсаткичлар 2014 йил билан солиштирганда, мос равишда 5,5 ва 87,6 фоизга кўпдир. Шу даврда аҳоли жамғармаси 14,6 трлн. сўмдан 15,2 трлн. сўм оралиғида бўлиши кутилади.

Умуман тренд моделлари асосида ҳар бир кўрсаткич бўйича олинган прогнозлар барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияларини кўрсатиш билан бирга, ушбу соҳадаги ўзаро боғлиқлик қонуниятини ҳам изоҳлашга асос яратиб беради.

### **Иқтисодий ўсишни жадаллаштириш омиллари**

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар натижасида мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди. Бунга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверфикация қилиш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш орқали эришилмоқда. Шу билан бир вақтда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ўзининг 2015 йил 15 январда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида [1]<sup>72</sup> “Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини (ЯИМ) 2016-2030 йилларда 2 баробар кўпайишига эришиш” вазифасини қўйди. Бундай ўта масъулиятли ва мураккаб вазифани ҳал этиш макроиқтисодий даражада кўплаб омилларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон иқтисодиётининг мустақиллик йилларида ривожланиш босқичларига назар солсак, ҳақиқатда ҳам давлатимиз раҳбари таъкидалганидек қўйилган мақсадга эришиш учун мамлакатимизда “мустаҳкам асос ва замин борлиги яққол аён бўлади”<sup>73</sup>. Шу билан бир вақтда мамлакатимизда мавжуд имкониятларни ишга солиш, бошланган ислохотларни ҳамда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш жаҳон амалиётида қўлланаётган иқтисодий ўсишни жадаллаштириш йўллариغا нисбатан ёндашувларни ҳам кўриб чиқишни тақоза қилади.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий иқтисодий назарияда устунлик қилаётган ва ҳозирги вақтда турли гуруҳларда ўрганилаётган иқтисодий ўсишни жадаллаштириш йўналишларида иккита ёндашув мавжуд[2]. Биринчиси, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш мамлакатнинг фундаментал асосга эга иқтисодий ва ҳуқуқий тавсифларининг тўғри ҳолатидан боғлиқ функция ҳисобланиб, бу қандайдир махсус қўшимчаларни талаб қилмайди. Агар ушбу тавсифлар тўғри белгиланса, иқтисодий ўсиш ўз ўзидан энг юқори тезликка эришади деб таъкидланади. Иккинчиси, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш уларни босқичларга бўлиш ва, ўз навбатида, уларни ўсиш мониторингини мунтазам ўтказиш, мазкур мониторинг таҳлили жараёнида янада тез иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилувчи тор жойларни аниқлаш ва ушбу тор жойларни аста-секин, бирин-кетин бартараф этиш асосида босқичма-босқич амалга ошириш мумкин бўлган доимий кенг кўламли ва узлуксиз давом этадиган ислохотларни назарда тутади.

Биринчи ёндашувнинг моҳиятини Америкалик иқтисодчи, Гарвард университети профессори ва АҚШнинг собиқ молия вазири Ларри Саммерснинг қуйидаги сўзлари яққол ифодалайди: менинг назаримда, мамлакат иқтисодий ўсишининг суръати асосан учта нарсага боғлиқ: глобал иқтисодиёт билан интеграциялашиш қобилияти; давлат молиясининг

<sup>72</sup> Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.

<sup>73</sup> Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

барқарорлигини ва пулнинг барқарорлигини сақлаб туриш имконияти; унда мулк ҳуқуқи ҳимояланган ва шартномалар шартларига амал қилинадиган институционал муҳитни яратиш қобилияти.

Бизнинг фикримизча мазкур ёндашувнинг мантиғи шундай ҳулосага олиб келадики, ҳукумат иқтисодиётда юқорида кўрсатилган адолатли ўйин қоидаларини белгилаши, сўнгра ўзини ўзи такрор тикловчи иқтисодий ўсиш натижаларидан фойдаланиши зарур.

Иккинчи нуқтаи назар тарафдорлари Лотин Америкаси мамлакатларида 1980 - 2003 йилларда амалга оширилган ислохотларни таҳлил қилиш асосида шунини кўрсатиб беришгани, ушбу мамлакатлар томонидан биринчи ёндашув тавсиялари қабул қилинганлигига қарамай уларнинг натижалари иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан, умуман олганда, қутилган натижани бермаган.

Иккинчи ёндашув қулай моддий ва молиявий ресурслар ҳажмини, меҳнат ресурсларининг ҳажми ва сифатини оширишга, тадбиркорликни ҳимоялаш ва рағбатлантиришга, коррупция ва жинойатчиликни камайтиришга, иқтисодиётда рақобатни оширишга, мавжуд номутаносибликларга барҳам беришга йўналтирилган ҳар томонлама ислохотларни талаб қилади.

Бунда экспертлар[2,3] мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳлари бўйича бюджет харажатларини қисқартириш асосида бюджетни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ўртасидаги боғлиқлик бир хил эмас деган ҳулосага келишган. Боғлиқлик ҳақиқатдан ҳам ИРХТнинг ривожланган мамлакатларида анча кучли, лекин боғлиқлик Шарқий Европа мамлакатларида мавжуд эмас. Умуман олганда, иккинчи ёндашув тарафдорларининг кузатувлари шунини кўрсатдики, бюджетнинг мустаҳкамланиши инқирозни бартараф этиш ва барқарорликка эришиш имконини беради, лекин у узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш учун етарли эмас.

Шуларни ҳисобга олганда бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш учун биринчи навбатда иқтисодий ўсиш уларга боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш омилларининг классик иқтисодий назариясига мурожаат этиш ва уларнинг тавсифларини кўриб чиқиш фойдали ҳол ҳисобланади. Ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш потенциал мумкин бўлган иқтисодий ўсишни ошириш тўғрисидаги саволга жавоб беради. Бунда фақат меҳнат, ер ва капитал каби классик омилларни кўриб чиқиш лозимдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳозирги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, давлатимиз тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ... “Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами sanoat маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўлсам” деб алоҳида таъкидлади.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш орқали маҳсулотлар ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, даромадлар даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади. Кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (1-жадвал).

Ўзбекистонда 2010 – 2014 йилларда ўртача 970 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилган. Уларнинг ўртача 60 фоиздан кўпи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади.

1-жадвал

**Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда  
кичик бизнес субъектларининг улуши (минг киши)**

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари	950,0	956,2	973,5	975,5	980,5
шу жумладан:					
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда	480,0	600,1	602,2	605,0	615,0
Фоиз ҳисобида	50,5	62,8	61,9	62,0	62,7
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги бандларнинг жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, %	74,4	74,8	75,0	75,1	76,5

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўтган 2014 йил давомида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 980,5 мингдан ошиқ киши иш билан таъминланган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу соҳаларда 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бу эса кичик бизнес соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Агар мустақил тараққиётнинг дастлабки палласи—1991 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 31 фоизга, 2013 йилда эса 55,8 фоизга етди, ёки кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2015 йилда 2000 йилга нисбатан 25,7 фоиз бандига ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайтириши иқтисодиёт бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2005

йилдаги 10,0 фоиздан 2014 йилда 24,8 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 85,7 фоиздан 98,2 фоизга, савдода 43,7 фоиздан 46,3 фоизга, хизматларда 24,6 фоиздан 48,5 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 24,0 фоиздан 35,2 фоизга, экспорт ҳажмида эса 6,0 фоиздан 18,0 фоизга қадар ошган.

Шуларни ҳисобга олиб, давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогноз қилинди. Унинг натижалари 2-жадвалда келтирилган. Прогноз 2016 йилгача бўлган давр учун амалга оширилган ва у 2 вариантдан иборат. Прогнозлашда тренд усулидан фойдаланилди. Прогнознинг 1-варианти кичик бизнес ривожланишининг ҳозирги тенденцияларига мос тушади, яъни унинг ривожини таъминловчи омилларнинг ўсиши ҳозирги суръатларда давом этади. Прогнознинг 2-варианти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига таъсир этувчи омиллар фаоллашади ва улар ўсиши ортади.

2-жадвал

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози**

Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014 (ҳақиқат)	2016-йил прогнози	
			1-вариант	2-вариант
Кичик бизнесда бандлар сони	минг киши	9897,5	10293,0	10313,2
ЯИМда кичик бизнес улуши	%	56,1	57,2	58,5
Кичик бизнес корхоналари сони	минг бирлик	221,1	228,1	231,0
Саноат	млрд. сўм	23986,7	26625,2	27584,7
Асосий капиталга инвестициялар	млрд. сўм	11716,6	13356,9	13474,4
Қишлоқ хўжалиги	млрд. сўм	29984,8	32083,7	32253,7
Қурилиш	млрд. сўм	13896,9	16064,8	16328,8
Чакана савдо айланмаси	млрд. сўм	26609,1	29935,2	30999,6
Пулли хизматлар	млрд. сўм	1004,3	128,75,0	13040,1
Экспорт	млн. АҚШ долл.	3661,9	4357,7	4577,4
Импорт	млн. АҚШ долл.	6328,6	9176,5	9303,0

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган (тренд усули билан).

Кичик бизнесдаги банд бўлганлар сони прогнознинг ҳар иккала вариантыда ҳам 2014 йилга солиштирганда ўсиб бориш тенденциясига эга. 2016 йилга бориб кичик бизнесдаги бандлар сони 2014 йилга таққослаганда 4,0 %дан 4,2 %гача ёки 395,5 мингдан 415,7 минг кишига кўпайиши мумкин. Бандлар сонининг ошиши, асосан, кичик бизнес субъектлари кўпайиши орқали юз берди. Кўриб чиқиладиган даврда кичик бизнес корхоналари сони (фаолият юритаётганлари) 7 мингдан (1-вариант) 9,9 минггача кўпайиши кутилади.

Прогноз даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча йўналишларида ўсиш кузатилади. Шу туфайли ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 1-вариант бўйича 57,2 фоизни ва 2-вариант прогнози бўйича 58,5 фоизни ташкил қилиши мумкин. Кичик бизнес корхоналарида прогноз даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,9 фоиздан (1-вариант) 15,0 фоизгача (2-вариант) кўпайиши кутилади. Ёки шу даврда саноат ишлаб чиқариши 2638,5 млрд. сўмдан 3598,0 сўмгача кўпайиши мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ўз фаолиятига киритган инвестициялар 2014 йилда 11716,6 млрд. сўмдан 2016 йилда 13474,4 млрд. сўмгача (2-вар.) кўпайиши мумкин. Ёки шу даврда кичик бизнесга киритилаётган инвестициялар 14 фоиздан 15 фоизгача ошиши кутилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг прогноз даврида қишлоқ хўжалиги, қурилиш, чакана савдо, пулли хизматлар тармоқларидаги фаолиятида ҳам ўсиш кутилади. Буларнинг барчаси кичик бизнес корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти ривожига ўз таъсирини кўрсатади. Прогноз вариантларига кўра, 2016 йилда кичик бизнес корхоналарининг экспорт ҳажми 19 %дан 25 %гача ўсиши мумкин. Импорт ҳажми эса 45 фоиздан (1-вариант) 47 фоизгача (2-вариант) ўсиши мумкин. Бундай ўсиш суръати импорт ҳажмини бутун экспорт-импортда 67 фоиз бўлишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур соҳани иқтисодийнинг етакчи бўғинига айланишида мамлакатимиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши барқарор равишда ўсиб бориши мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда

### **Миллий иқтисодий ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари.**

1. Тўқимачилик тармоғида 1 йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун иш ҳаққи миқдори 30 млн сўми, тўланган солиқлар ва тўловлар миқдори 20 млн сўми, фойда миқдори 20 млн сўми ташкил этди. Бунда истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати 70 млн сўми ташкил этди, шундан 40 млн сўми хом ашё, ёнилғи материаллар учун ва 30 млн сўм амортизация учун сарфланди. Тармоқдаги ички миллий маҳсулот миқдорини аниқланг.

2. Пахтани қайта ишлаш тармоғида иш ҳаққи 50 млн сўми, тўланган солиқлар 25 млн сўми, фойда 30 млн сўми амортизация ажратмалари 40 млн сўми ва хом ашё материаллар сарфи 140 млн сўми ташкил этди. Тармоқдаги ЖИМ миқдорини ва ИММ миқдорини аниқланг.

4. Ялпи ички маҳсулот қийматини аниқлашда қўлланиладиган усулларни тушинтириб беринг.

5. Корхонада 1-йил жалб қилинган капитал миқдори 120 минг сўм, ишчилар сони 100 та 2-йил эса жалб қилинган капитал миқдори 150 минг сўм, ишчилар сони 120 та, олинган умумий маҳсулот миқдори 1-йил 100 минг сўм, 2-йил эса 130 минг сўм, қўшилган омиллар унумдорлигини аниқланг.

6. Ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс харажатлари 850 минг сўм, олинган фойда 255 минг сўм бўлганда ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқланг.

7. Корхонада ойига 1500 дона маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулот бирлигининг баҳоси 500 сўм, ишлаб чиқариш харажатлари 350 сўм бўлса, корхонанинг ялпи фойдаси неча сўмни ташкил қилади?

8. Мамлакат халқ хўжалигида 2011 йилда 9664,1 млрд.сўмлик ЯММ ишлаб чиқарилган, 2010 йил ЯММ қиймати 7469,3 млрд.сўмни ташкил этган. 2010 йилда ЯММ нарх индексини аниқланг.

9. Қуйидаги жадвални тўлдилинг.

Йиллар	Номинал ЯММ (млрд \$)	Нарх индекси	Реал ЯММ
2008	105	121	
2009	54	91	
2010	98	100	

10. Амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси 40 минг сўм, асосий капиталнинг қиймати 20 млн сўмни ташкил этса, амортизация нормасини аниқланг.

11. Шахсий даромад қандай аниқланади.

12. Номинал ЯММ 480 млрд.сўмдан 600 млрд сумгача, ЯММ Дефлятори эса 120% дан 150% гача кутарилди. Бундай ҳолатда реал ЯММ ҳажмини аниқланг.

13. Мамлакат халқ хўжалигида 2011 йилда 4210,5 млрд. долларлик ЯММ ишлаб чиқарилган, 2010 йилда эса ЯММ қиймати 3213,6 млрд. долларни ташкил этган. 2010 йилга ЯММ нарх индексини аниқланг.

14. Қуйидаги жадвални тўлдилинг.

Йиллар	Номинал ЯММ Млрд. \$	Дефлятор %	Реал ЯММ
2007	1700	50	
2008	2100	70	
2009	3200	100	
2010	4800	120	

15. Номинал ЯММ 500 млрд.сўмдан 450 млрд.сўмгача, ЯММ дефлятори эса 125 % дан 100 % гача камайган бундай ҳолатда реал ЯММ ҳажмини аниқланг.

16. Миллий иктисодиётда 3294,5 млрд.сўм, асосий капиталга килинган харажатлар 1136 млрд.сўм бўлганда СММ микдорини аниқланг.

### Ялпи талаб ва таклиф<sup>74</sup>

1. Ўқув қуролларига бўлган нархнинг 10% га ошиши талаб микдорининг 5% камайишига олиб келди. Бундай ҳолатда талабнинг эгилувчанлик даражасини аниқланг.

<sup>74</sup> Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

2. Ўқув қуролларига бўлган нархнинг 10% ошиши таклиф миқдорини 15% га ошишига олиб келди. Бу ҳолатдаги таклифнинг эгилувчанлик даражасини аниқланг.

3. Доимий харажатлар 72 минг сўм, ўзгарувчан харажатлар 188 минг сўм бўлганда 520 дона маҳсулот ишлаб чиқарилса, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган умумий харажатлар неча сўмни ташкил қилади?

4. Ун маҳсулотларига бўлган ялпи талабнинг 20%га ошиши миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмининг кўпайишига ва нарх даражасининг 0,7%га ошишига олиб келди.

Сут маҳсулотларига бўлган ялпи талаб 10 фоизга камайганда миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳам камаяди. Нарх даражаси эса ўзгаришсиз қолди. Храповикли самарани аниқланг.

5. Тўқимачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми 20 млн сўм, ресурс харажатлари эса 4 млн сўм бўлганда унумдорлик қанча? Ресурс харажатлари 1 млн сўмга кўпайганда маҳсулот ишлаб чиқариш реал ҳажми 5 % га камаяди. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш реал ҳажми неча сўмни ташкил этади ва унумдорлик қанчага камаяди?

6. Корхонада ўтган йили 120 нафар ишчи кучи ёрдамида 150 минг сўмлик маҳсулот олинган бўлса, бу йил 10 нафар кўшилган ишчи ёрдамида 45 минг сўмлик кўшилган маҳсулот олинди.

Бу йилги олинган умумий маҳсулот миқдори қанча?

7. Бозорда байрам олди истеъмол турларига нархлар ошиб, байрамлар ўтганидан кейин ялпи талаб камайсада, нархлар олдинги даражасига тезда ва хамиша ҳам қайтиб келавермайди. Бу ҳолат иқтисодиётда қандай номланади?

8. «Пиғу самараси» ялпи таклифга қандай даражада таъсир этишини тушунтириб беринг.

9. Корхонага давлат томонидан бериладиган субсидияларнинг ортиши ёки солиқ юкининг камайиши ишлаб чиқариш харажатлари ва ялпи таклифга қандай таъсир этади?

10. Корхонада ўтган йили 100 нафар ишчи кучи ёрдамида 100 минг сўмлик маҳсулот олинган бўлса, бу йил 20 нафар кўшилган ишчи ёрдамида 30 минг сўмлик кўшилган маҳсулот олинди.

Бу йилги олинган умумий маҳсулот миқдори қанча?

11. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми 965 млн доллар, ресурс харажатлари 450 млн доллар. Ялпи таклиф омили бўлган унумдорликни аниқланг.

12. Ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган маҳсулотнинг реал ҳажми тенг бўлганда иқтисодиётнинг ҳолатини тушунтириб беринг.

13. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган нархнинг 14,5 % ошиши таклиф миқдорини 19% га ошишига олиб келди. Бу ҳолатдаги таклифнинг эгилувчанлик даражасини аниқланг.

14. . Ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс харажатлари 850 минг сўм, олинган фойда 255 минг сўм бўлганда ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқланг.

15. Вальрас моделининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

### **Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар.**

1. Шахсий даромад 65000 сўм бўлиб, унинг 52000 сўми истеъмолга кетса, истеъмолга ўртача мойиллик неча фоизни ташкил этади?

2. 65000 сўм шахсий даромаддан 13000 сўми жамғарма сифатида ишлатилса, жамғармага ўртача мойиллик неча фоизни ташкил этади?

3. Жамғариш фонди 8.8 млрд сўм, миллий даромад эса 22 млрд сўмни ташкил этса, бунда жамғариш нормасини аниқланг.

4. Қайси ҳолатда инвестициялаш самарали ҳисобланади, кутилаётган соф фойда нормаси фоиз ставкасидан ортиқ бўлгандами ёки аксинча фоиз ставкаси кутилаётган соф фойда нормасидан ортиқ бўлгандами?

5. 2004 йилда 2003 йилга нисбатан даромад даражаси 300 млрд. сўмга, истеъмол даражаси 200 млрд. сўмга ошган. Истеъмолга қўшилган мойиллик даражасини аниқланг.

6. Миллий иқтисодиётда 2003 йилда миллий даромад 1500 млрд. сўм, 2004 йилда 1800 млрд. сўм, жамгарма эса 2003 йилда 200 млрд. сўм, 2004 йилда 300 млрд. сўмни ташкил этади. Бунда жамгармага қўшилган мойилликни аниқланг.

7. Жамғариш фонди 12,6 млрд. сўм, жамғариш нормаси эса 60 % бўлганда миллий даромад неча сўмни ташкил этади.

8. Қуйидаги жадвални тўлдилинг.

Даромад даражаси	Истеъмол (И)	Жамгарма (Ж)	ИЎМ	ЖЎМ
1500	1300			
1800	1500			
2200	1700			
2400	3000			

7. Қуйидаги қайси ҳолатда инвестициялаш самарали амалга оширилади:

а) кутилаётган соф фойда нормаси 10 %, фоиз ставкаси эса 7%ни ташкил этади.

б) фоиз ставкаси 12%, кутилаётган соф фойда нормаси эса 10% ни ташкил этади.

10. Мамлакатда ЯММ миқдори 200 млрд долл., истеъмолга ўртача мойиллик 0,75. ЯММ миқдорини 400 млрд долларга кўтариш учун инвестиция миқдори қанча бўлиши керак.

11.  $MPS=0,5$  бўлганда даромадни 2000 бирликка кўпайтириш учун инвестиция миқдори қанчага ошиши керак.

12. Мамлакатда миллий даромад базис йилда 5 млрд сўмни жорий йилда эса 7,5 млрд сўмни ташкил этган. Жорий йилдаги инвестицион сарфлар суммаси 4 млрд сўм бўлганда инвестициялар самарадорлиги неча %ни ташкил этади.

13. Қуйида берилган истеъмол функцияси формуласи бўйича жадвални тўлдилинг.  
 $C=80 + 0,5 Y$

Даромад	Истеъмол	Жамгарма
0		
100		
200		
300		
400		
500		

14. Жамғариш фонди 12,6 млрд сўм, миллий даромад эса 21 млрд сўмни ташкил этса, бунда жамғариш нормасини аниқланг.

15. Мамлакатда миллий даромад 24 млрд сўм, жамғариш нормаси 40 % бўлганда жамғариш фонди миқдорини аниқланг.

## **Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик<sup>75</sup>**

1. Тикувчилик фабрикасининг 1-йил ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми 200 та, корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни келгуси йилда 2 ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона куради. Бунда иқтисодий ўсишнинг қайси тури амалга ошди?

2. Агар ўтган йили реал ЯММ 80 млрд сўмни ва жорий йилда 95 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, бу ҳолда иқтисодий ўсиш суръатини аниқланг.

3. Реал маҳсулот ўсишига таъсир этувчи омилларни аниқлаб беринг.

4. Агар ЯММ базис йилда 300 млрд сўм, жорий йилда 500 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, унинг ўсиш суръати неча % ни ташкил этади.

5. Иқтисодий ресурслар миқдорининг ишлаб чиқариш натижасидан тез ўсиб бориши иқтисодий ўсишнинг қайси типини характерлайди.

6. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни аниқлаб беринг.

7. Ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш, техника билан қайта курулантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 2 ҳисса ошириш иқтисодий ўсишнинг қайси тури орқали амалга оширилади?

8. Миллий бойликнинг 3та йирик таркибий қисмларини таърифлаб беринг.

9. Мамлакат аҳолисининг сони 2003 йилда 24,8 млн киши, реал ЯММ нинг ҳажми 640 млн доллар, 2004 йилда эса аҳоли сони 26 млн киши, реал ЯММ ҳажми эса 965 млн доллар. Аҳоли жон бошига реал ЯММ нинг ўсиш суръатини аниқланг.

10. Агар ўтган йили ЯММ 130 млн доллар, ўсиш суръати 115,4% бўлса, жорий йилдаги реал ЯММ ҳажми қанча миқдорни ташкил этади.

11. ЯММ ишлаб чиқариш учун ресурс харажатлари 720 млн доллар, олинган умумий фойда 125 млн доллар бўлганда ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқланг.

12. Агар номинал ЯММ 6% га ошса, нарх-наво эса 10 % га ошса, реал ЯММ қанчани ташкил этади?

13. Мамлакатда аҳоли сони 1% га ошса, реал ЯММ эса 3%га кўпайса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯММ миқдори ошадими ёки камаядими?

### **Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари ва мувозанати.**

1. Иқтисодий мувозанатлилиқ ва иқтисодий мутаносиблик ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг.

2. Инвестицион сарфларнинг 8 млрд.сўмга кўпайиши СММ нинг 24 млрд сўмга кўпайшига олиб келса, мультипликатор самараси қандай миқдорни ташкил этади?

3. Агар инвестицион сарфлар 4,7 млрд сўмга кўпайганда мультипликатор самараси 3,5 га тенг бўлади. Бунда СММ даги ўзгаришни аниқланг.

4. Жорий йилда ҳар бирининг нархи 2 доллардан бўлган 200 бирлик истеъмол товарлари ва ҳар бирининг нархи 4 доллар бўлган 10 бирлик инвестицион товарлар ишлаб чиқарилган. ЯММ ҳажмини хисобланг.

---

<sup>75</sup> Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.

5. Номинал ЯММ 1700 млрд доллар дефлятор даражаси эса 50 % ни ташкил этади, реал ЯММ миқдорини аниқланг.

6. Жадвалнинг охириги қаторини тўлдилинг.

Номинал ЯММ	Дефлятор даражаси %	Реал ЯММ
2000	50	
2100	70	
3200	100	
4800	120	

7. Иқтисодий мувозанатлилиқ даражасини аниқлаш усулларини ифодалаб беринг.

8. Тўлиқ бандлик шароитида ялпи сарфлар СММ ҳажми билан мос келмаслиги мумкин. Бу мос келмаслик рецессион ёки инфляцион фарқда қандай ифодаланади.

9. Агар СММ даги ўзгариш 30 млрд сўм бўлганда мультипликатор самараси 5 га тенг бўлса, инвестицион сарфларнинг қанчага кўпайишини ҳисобланг?

10. Аграр инвестицион сарфлар 9,5 долларга кўпайса, СММ 26,5 млн долларга кўпайишига олиб келади. Бундай ҳолатдаги мультипликатор самарасини аниқланг.

11. Иқтисодиётда макроиқтисодий мувозанатлик қуйидаги шартлар асосида шаклланган: уй хўжаликлари даромади 900 бирлик, аҳоли қўлидаги ўртача касса қолдиқлари 200 бирликка тенг. Агар аҳоли 300 бирлик давлат облигацияларини сотиб олган бўлса, унда истеъмолчилиқ харажатларини аниқланг.

12. Фирма аҳолига уларга тегишли бўлган ишлаб чиқариш омиллари хизмати учун 16000 бирлик рағбатлантириш маблағи тўлади, 20000 бирлик товарлар сотилди ва ҳисоб рақамига 5000 бирлик пул миқдори кўпайтирилди. Фирманинг давлат облигациялари пакети қанчага камайди?

13. Уй хўжалиқларининг йиллик иш ҳақи 1000 бирлик, шундан 800 бирлик товар ва хизматлар учун сарфланади, 280 бирлик қимматбаҳо қозғаларни харид қилиш учун сарфланади. Бундай ҳолатда уй хўжалиқларининг режаси тўлиқ амалга ошадими?

14. Агар номинал ЯММ 2200 млрд доллар, реал ЯММ миқдори 3143 млрд долларга тенг бўлганда дефлятор даражасини аниқланг.

15. Номинал ЯММ 105 млрд доллар, нарх индекси 121 % , реал ЯММ миқдори қанча?

### Иқтисодиётнинг циклиги ва макроиқтисодий беқарорлик

1. Жадвалда таҳлил қилинаётган даврнинг 1 ва 5-йиллардаги ишчи кучи ресурслари ва бандлик маълумотлари берилган. 1 ва 5-йилдаги ишсизлар сони ва ишсизлик даражасини аниқланг.

	1-йил	2-йил
Ишчи кучи	82500	95300
Иш билан бандлар	80700	87000
Ишсизлар сони	?	?
Ишсизлик даражаси	?	?

2. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизликнинг ўсиши, товар захираларининг ўсиши, капиталнинг пул шаклида ортиқча жамгарилиши ва корхоналарнинг оммавий синиши иқтисодий циклнинг қайси фазасига тегишли?

3. Иқтисодиётнинг стагнация ҳолатини тушунтириб беринг.

4. Иқтисодий циклнинг юксалиш фазасида иш билан бандлар сони 12,5 млн кишини ташкил этган, иқтисодиётнинг стагнация ҳолатида ишсизлар сони 1,6 млн кишига етган. Ишсизлик даражасини аниқланг. . Иқтисодиётнинг стагфляция ҳолатини тушунтириб беринг.

5. Иқтисодиётнинг стагфляция ҳолатини тушунтириб беринг

6. Иш билан бандлар 85 млн киши, ишсизлар сони 15 млн киши, ишсизлик даражасини аниқланг.

7. 85 млн иш билан бандлардан 0,5 млн киши ишдан бўшатилади, рўйхатдаги 15 млн ишсизлардан 1млн киши ишга жойлашди. Иш билан бандлар сони, ишсизлик сони ва ишсизлик даражасини аниқланг.

8. Аграр инқирозларнинг чўзилиб кетишининг асосий сабабларини тушунтириб беринг.

9. Номинал ЯММ 750 млрд доллар, ишсизликнинг табиий даражаси 5 %, ҳақиқий ишсизлик даражаси 9%. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми қанчага камайган?

10. Иқтисодий цикл назарияларини таърифлаб беринг.

#### **Ялпи ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик**

1. Агар мамлакатда ишчи кучи 12,5 млн кишини, ишсизлар сони 1,3 млн кишини ташкил қилса, ишсизлик даражаси неча фоизни ташкил қилади?

2. Артур Оукен қонунини изохлаб беринг.

3. Ишсизликнинг табиий даражаси 4% ни, ҳақиқий даражаси 9,3 % ни ташкил қилса, Оукен қонуни бўйича ЯММ нинг орқада қолиши неча фоизни ташкил қилади?

4. Миллий иқтисодиётда номинал ЯММ 560 млрд сўмни, ишсизликнинг табиий даражасидан ортиқлиги туфайли ЯММ нинг орқада қолиши 9,65% ни ташкил қилса иқтисодиёт қанча маҳсулот йўқотган бўлади?

5. Ишсизлик даражаси 7,5% ёки кўзда тутилган 4% ли табиий даражадан 3,5% юқори бўлган. Бунда ЯММ нинг орқада қолиши қанчага тенг?

6. Мамлакатда йил бошида иш билан бандлар сони 180 млн киши, ишсизлар сони эса 20 млн киши. Йил давомида ҳар ойда ўртача 1% ишчилар турли сабабларга кўра ишдан бўшаган, ишсизлар сонидан 20 %и эса ишга жойлашган. Ишсизликнинг табиий даражасини аниқланг.

7. Ишчи кучи 15,5 млн кишини, ишсизлик даражаси 11,6% ни ташкил этса ишсизлар сонини аниқланг.

8. Артур Оукен қонунига биноан ишсизлик даражасининг 1 фоизга ошиши ЯММ нинг неча фоизга камайишига олиб келади?

9. Миллий иқтисодиётда номинал ЯММ 330 млрд сўм, ишсизликнинг неча фоизли табиий даражасига эришилганда иқтисодиёт 29 млрд сўмлик маҳсулотни йўқотган бўлади?

10. Мамлакатда номинал ЯММ 650 млрд сўмни, ишсизликнинг табиий даражасидан ортиқлиги туфайли ЯММ нинг орқада қолиши 9,65 % ни ташкил қилса, иқтисодиёт қанча маҳсулот йўқотган?

11. Мамлакатда ишсизликнинг табиий даражаси 9,5 ёки кўзда тутилган 5 % табиий даражадан 4,5 % юқори бўлган. Бундай ҳолатда ЯММнинг орқада қолиши қанчага тенг?

12. Иқтисодиётни инқирозга учраганлиги сабабли ўз иш ўрнини йўқотганлар ишсизликнинг қайси категориясига мансуб?

#### **Молия тизими ва молиявий сиёсат.**

34. Солиқ олинадиган даромад 80.000 сўм, солиқ суммаси эса 25.000 сўмни ташкил этса солиқ ставкасини аниқланг?

35. Агар истеъмолчилик товарларига нарх индекси 2000 йил 113,6, 2001 йил 118,8 га тенг бўлса инфляция суръати неча % ни ташкил этади?

36. Сотилган товарлар суммаси 150 млн. сўм бўлиб шундан 50 млн. сўми муддати келган қарзлар ва бошқа тўловлар 40 млн сўм пулни айланиши тезлиги 7 га тенг бўлганда муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқланг.

#### **Пул – кредит тизими. Банклар ва уларнинг иқтисодиётдаги роли.**

1. Агар тижорат банки 11% ссуда олиб, уни ўз мижозларига 20% ли ставкада кредит қилиб берса, банк маржаси қандай бўлади?

2. Мижоз банкдан йиллик фоиз ставкаси 30% бўлган 10 млн сўм миқдорига ссуда олди. У умумий ҳисобда банкка қанча пул қайтаради, агар ссудани тўлаш бир йилдан кейин бошланиб, ҳар ойда амалга оширилиб борилса?

3. Марказий банк пул сиёсатини юритишда учёт (ҳисоб) ставкасини оширади. Бу аввало (нимага) қандай ҳолатга олиб келади?

4. Марказий банкнинг давлат қимматли қоғозларининг катта қисмини аҳолига сотиш нимага олиб келади?

5. Мижоз банкдан олган 15 млн. сўм миқдорига ссудасини бир йилдан кейин 18 млн қилиб қайтаради. Фоиз ставкасини аниқланг.

6. Мамалакатда пул таклифи 100 млн долл.ни ташкил этади. Номинал ЯИМ эса 500 млн.долл. Агар пул таклифи 2 марта ортса пул айланиш тезлиги қандай ўзгаради (классик миқдорий пул назариясига кўра)?

7. Мажбурий резерв меъёри 5% га тенг. Банк тизими 20 млн. сўм ссуда берганда пул таклифи қандай ўзгаради?

8. Мажбурий резерв меъёри – 2% тижорат банки марказий банкдан 30 млн сўмга облигация сотиб олди. Банк депозитлари суммаси қандай ўзгаради?

9. Сиз банкдан 10 млн. сўм миқдорига ссуда олдингиз. Шундан сўнг бошқа фирма томонидан шу банкка 4 млн. сўм омонат пули қўйди. Пул таклифи қандай бўлади?

#### **Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг иқтисодий роли.**

1) Иккинчи жаҳон урушдан кейинги даврда АҚШ да ҳукумат харажатларининг йиллик улуши ўртача олганда ЯИМ нинг 20% ни ташкил қилиб келади.

П.Самуэльсоннинг фикрича, жамиятда қатор муаммолар (соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар) борки, уларни соф бозор усуллари билан ҳал қилиб бўлмайди. А.Смит нуқтаи назарига кўра эса давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили – бу «арзон давлат» тамойили бўлиши керак.

Юқорида келтирилган жумлалар устида фикр юритинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг.

А) Соф бозор иқтисодиёти тушунчасини қандай тавсифлаш мумкин?

Б) «Аралаш иқтисодиёти» тушунчасига қандай фикр бердингиз?

2. Қуйидаги маълумотларга диққат билан эътибор қилинг.  
АҚШ федерал ҳукуматининг бюджет структураси, 1990 йил.

Даромад	%
-индивидуал	44,1
-корпаратив	11,1
-солиққа тортишнинг бошқа турлари	
харажатлари	44,8
-миллий мудофа	26,3
-фундаментал фанлар	1,2
-солиқни сақлаш	4,5
-бошқа харажатлар	68

Ушбу маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг:

- 1) Жамият неъматлари нима?
- 2) Одатдаги хусусий неъматларни истеъмол қилишдан фарқли (ўлароқ) жамият неъматларини истеъмол қилишнинг хусусияти нимада?
- 3) Жамият неъматларини ишлаб чиқаришни ким ва нима учун молиялаштиради?
- 4) Қуйидаги келтирилган фактик материалларни таҳлил қилинг:  
1990 йил АҚШ федерал бюджетда табиатни муҳофаза қилишга ажратилган харажатлар 14,4 млрд долл.ни ташкил қилади.

Июль ойида Парижда «катта еттилик» йиғилиши қатнашчилари мурожаат қилдилар: «Ернинг экологик балансини аниқлаштириш ва сақлаш учун шошилиш чора қабул қилиш зарур. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларидаги умумий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида планетада соғлом, мувозанатли атроф-муҳитни яратиш ва сақлашга эришиш учун биз ўз имконият ва кучларимизни бирлаштирамиз».

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- 1) Салбий экстерналлар деганда нимани тушунасиз?
- 2) Нима учун кўпинча айнан бозор тизимидаги давлатлар салбий экстреналларни минималлаштириш муаммолари билан шуғулланади?
- 3) Макроиктисодий сиёсий мақсадлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:  
ЯММ, бандлик, нархларининг барқарорлиги, мувозанатли тўлов баланси, иқтисодий ўсиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

1) Давлат мақсадлардан баъзиларини танлаши мумкинми?

2) Давлат мақсадлардан баъзиларини танлаши мумкинми?

Тахминан охириги 50 йил ичида АҚШ да аҳолининг турли табақалари даромадлари ўртасидаги фарқ камайди.

Қуйидаги саволлар юзаидан ўзингизнинг мустақил фикрингизни баён қилинг.

1) Даромадларни қайта тақсимлаш Давлат макроиктисодий сиёсатининг дастгоҳи ҳисобланадими?

2) Давлат қандай қилиб даромадларни қайта тақсимлашни амалга оширади.

3) Даромадлар тенгсизлиги адолатданми ёки даромадлар тенглиги адолатсизликми?

**Муаммо.** Корхона иқтисодий барқарорлиги асосий курсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш. Таҳлил натижалари асосида корхонани иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш.

**Вазифалар**

- Корхонанинг иқтисодий натижаларини омилли таҳлил қилиш асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.

- Корхона **иқтисодий барқарорлигини** ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларнинг “Корхона йиллик ҳисоботи”да ифодаланишини ўрганиш.

- “Корхона йиллик ҳисоботи” 1-2-3-шакл маълумотлари асосида тавсия қилинган жадвалларни тўлдириш ҳамда жадвал маълумотлари асосида корхонанинг асосий воситаларининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни комплекс ва системали тарзда омилли таҳлил қилиш.

**Ечиш кетма-кетлиги**

1. Корхонада юз берган вазият таҳлил қилинади, муаммо ва уни ечиш кетма-кетлиги, асосий вазифалари билан танишилади.

2. Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: Корхона фаолияти натижаси қандай бўлган ва қандай бўлиши мумкин?

3. Комплекс ва системали тарзда таҳлил қилиш ёрдамида вазиятнинг асосий муаммоси ечилади, баҳоланади, яхшилаш чора-тадбирлари тавсия қилинади.

**Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма**

<b>Таҳлил босқичлари</b>	<b>Тавсия ва маслаҳатлар</b>
1. Кейс билан танишиш	1. Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. 2. Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг. 3. Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	1. Корхона фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг ҳақиқатда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг. 2. Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин? 3. Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.
3. Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш	1. Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган хулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: иқтисодий барқарор корхона, иқтисодий хатарли корхона, иқтисодий ночор корхона: ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга; ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаган корхоналар.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий ночорлик кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффиценти ( $K_{тк}$ );
- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ( $K_{хм}$ );
- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ( $P_{их}$ ),
- Активлар рентабеллиги. ( $P_a$ ):
- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ( $K_{хк}$ );
- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти:
- Эскириш коэффиценти ( $K_{эск}$ )
- молиявий мустақиллик коэффиценти ( $K_{фн}$ );

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англаувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сиғими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

**1. Тўлов қобилияти коэффиценти ( $K_{тк}$ )** корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{тк} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}$$

Бу ерда: А2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва хоказолар); П2 – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва хоказо), бухгалтерия балансининг 770 сатри; ДО– узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар **тўлов қобилияти коэффиценти** ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

**2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ( $K_{хм}$ )** корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{xм} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2}$$

П<sub>1</sub> – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

A<sub>1</sub> – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо). Дзк2 – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффициентнинг минимал қиймати - 0,2.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (*P<sub>ux</sub>*),

$$P_{ux} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

4. Активлар рентабеллиги. (*P<sub>a</sub>*):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти (*K<sub>хк</sub>*) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{қф} = \frac{Q \text{ ҳақиқий}}{Q_{лойиха.} - (Q_{ижара.} + Q_{консерв.})}$$

7. Эскириш коэффициенти (*K<sub>эск</sub>*) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{эск} = \frac{Ав.эс}{Ав.бк}$$

*Рентабеллик кўрсаткичлари* барча корхоналар фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир.

Корхона фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Активлар рентабеллиги. (*P<sub>a</sub>*):

бу ерда: CΦ – соф фойда

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

ЖАйк – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.  
2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги ( $P_{CM}$ ):

$$P_{CM} = \frac{C\Phi}{CCT}$$

Бу ерда:  $P_{CM}$  – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$Я\Phi$  – ялпи фойда;

$C\Phi$  – соф фойда;

$CCT$  – маҳсулот сотишдан соф тушум.

3. Хусусий капитал рентабеллиги ( $P_{ХК}$ ):

$$P_{ХК} = \frac{C\Phi}{ХК}$$

Бу ерда:  $C\Phi$  – соф фойда;  $ХК$  – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ( $P_{ИХ}$ ),

$$P_{ИХ} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

Бу ерда:  $C\Phi$  – соф фойда;  $МИТ$  – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

5. Асосий воситалар рентабеллиги.

**$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$**

6. Айланма (*оборот*) активлар рентабеллиги.

**$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$**

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

**$\text{Соф фойда} * 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$**

3. Тўлдириш учун тавсия қилинган жадваллар

**Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг  
асосий кўрсаткичлари динамикаси**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2011 й.</b>	<b>2012й.</b>	<b>2013й.</b>	<b>2013 й. 2011 й.га нисбатан ўзгариш, %</b>
1. Махсулот хажми	Минг сўм	1340528	1921424	2054768	
1. Сотув хажми	Минг сум	1340528	1921424	2054768	
2. Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	841913	1116421	1251824	
3. Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	498615	805003	802944	
4. Ходимлар сони	Киши	65	71	76	
5. Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	Минг сўм	374506	381618	694427	
6. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	273094	298834	556298	
7. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	101412	82784	138129	
8. Иш хақи фонди	Минг Сум	230490	298370,4	373920	
9. Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	20623	27062	27036	
10. Ўртача иш ҳақи	Сўм	295500	350200	410000	
11. Солиқ тўлағунча фойда	Минг сум	53699	226730	76252	
12. Соф фойда	Минг сум	7762	120500	1374	
13. Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	0,9	10,8	0,1	
14. Корхонанинг умумий маблағлари(барча активлар)	Минг сум	502347	696200	819485	
15. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	278532	610937	500401	
16. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	165250	199250	310657	
17. Асосий воситаларнинг фаол қисми	Минг сум	181458	184732	218965	
18. Ишлаб чиқариш ускуналари суммаси	Минг сум	159549	140921	165233	

## Иқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳисоблаш учун маълумотлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1. Активларнинг умумий ўртача қиймати	минг сўм	502347	696200	819485
2. Узоқ муддатли активлар	минг сўм	374506	381618	694427
3. Жорий активлар	минг сўм	278532	610937	819485
4. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	165250	199250	310657
5. мажбуриятлар (П2)	Минг сум	251300	265800	301205
6. узоқ муддатли қарз ва кредитлар (ДО)	Минг сум	-	-	-
7. узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар (Дзк2)	Минг сум	301500	320600	475800
8. Қлойиха.- максимал, лойихавий ишлаб чиқариш қуввати	Минг сум	1450210	2025100	2105700
9. Қижара. –ижарага бериб юборилган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми	Минг сум	-	-	-
10. Қ консерв. – консервация қилинган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми	Минг сум	-	-	-

## Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2011 йилга	2012 йилга	2013 йилга	Ўзгариши (+,-)
1		2	3	4=3-2
1. Тўлов қобилияти коэффиценти				
2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти				
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги				
4. Активлар рентабеллиги				
5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти				
6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти				
7. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти				

## Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2013й.да 2011й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2011й.	2012й.	2013й.	
1.Активлар рентабеллиги				
2. Сотиш рентабеллиги				
3.Хусусий капитал рентабеллиги				
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги				
5.Асосий воситалар рентабеллиги				
6.Оборот активлар рентабеллиги				
7.Қарз маблағлари рентабеллиги				

**Кейсологнинг жавоб варианты**

4-жадвал

**Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг  
асосий курсаткичлари динамикаси**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2011 й.</b>	<b>2012й.</b>	<b>2013й.</b>	<b>2013й. 2011й.га Нисбатан ўзгариш, %</b>
2. Махсулот хажми	Минг сўм	1340528	1921424	2054768	153
19. Сотув хажми	Минг сум	1340528	1921424	2054768	153
20. Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	841913	1116421	1251824	148
21. Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	498615	805003	802944	161
22. Ходимлар сони	Киши	65	71	76	116
23. Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	Минг сўм	374506	381618	694427	185
24. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	273094	298834	556298	203
25. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	101412	82784	138129	136
26. Иш хақи фонди	Минг Сум	230490	298370,4	373920	162
27. Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	20623	27062	27036	131
28. Ўртача иш ҳақи	Сўм	295500	350200	410000	305
29. Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	53699	226730	76252	141
30. Соф фойда	Минг сум	7762	120500	1374	17
31. Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	0,9	10,8	0,1	-
32. Корхонанинг умумий маблағлари(барча активлар)	Минг сум	502347	696200	819485	163
33. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	278532	610937	500401	179
34. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	165250	199250	310657	187
35. Асосий воситаларнинг фаол қисми	Минг сум	181458	184732	218965	120
36. Ишлаб чиқариш ускуналари суммаси	Минг сум	159549	140921	165233	103

Корхона охирги уч йиллик фаолияти давомида (13-жадвал) маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2013 йилга келиб 153%га ортган. Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ҳажми га мос равишда ортиб борган ва таҳлил даврининг охирида 2011 йилга нисбатан 148% га ортган. Корхонанинг ходимлари сони ҳам ортиб борган таҳлил даврининг бошида 65 кишидан 2013 йили 76 кишигача ортган. Корхонанинг асосий воситалари ҳам таҳлил даври давомида ошиб борган ва 2013 йили 2011 йилига нисбатан 185%ни ташкил этган. Лекин асосий воситаларнинг эскириши ҳам тез суръатларда ўсиб борган ва уч йил давомида икки баробарни ташкил этган.

Корхонанинг иш ҳақи фонди ва ўртача иш ҳақи қиймати ошиб борган, бу корхонада кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлигига ишорадир.

Корхона соф фойдаси 2011 йилда 7762 минг сўмни ташкил этган, бунда кичик сумма бўлишига сабаб асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлари бўйича харажатлар ва солиқ ҳамда бошқа тўловлар бўйича ажратмалар кўп бўлган. 2012 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, ортиқча харажатларнинг камайтирилиши оқибатида фойда 120500 минг сўмга чикқан, шунга кўра рентабеллик ҳам кескин ортиб 10.8% ни ташкил этган. 2013 йилда соф фойда кредитларни қайтариш ҳисобига камайиб 1374 минг сўмга тушиб қолган, рентабеллик эса 0.1%ни ташкил этган.

### 3.1. “МУHAMMAD QODIR SHOH” хусусий корхонаси иқтисодий барқарорлиги кўрсаткичлари ва уни яхшилаш йўналишлари

5- ж а д в а л

#### Иқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳисоблаш учун маълумотлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1. Активларнинг умумий ўртача қиймати	минг сўм	502347	696200	819485
2. Узоқ муддатли активлар	минг сўм	374506	381618	694427
3. Жорий активлар	минг сўм	278532	610937	819485
4. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	165250	199250	310657
5. Мажбуриятлар (П2)	Минг сум	251300	265800	301205
6. Узоқ муддатли қарз ва кредитлар (ДО)	Минг сум	-	-	-
7. Узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли	Минг сум	301500	320600	475800

қарз ва кредитлар (Дзк2)				
8. Қлойиҳа.- максимал, лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати	Минг сум	1450210	2025100	2105700
9. Қижара. –ижарага бериб юборилган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми	Минг сум	-	-	-
10. Қ консерв. – консервация қилинган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми	Минг сум	-	-	-

Манба: Корхона маълумотлари асисда муаллиф томонидан тузилди.

**1. Тўлов қобилияти коэффиценти ( $K_{тк}$ )** корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{тк} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}$$

Агар тўлов қобилияти коэффиценти ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

$$2011 \text{ й. } 278532 / 251300 = 1.10$$

$$2012 \text{ й. } 610937 / 265800 = 2.29$$

$$2013 \text{ й. } 819485 / 301205 = 2.72$$

**2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ( $K_{хм}$ )** корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хм} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2}$$

$П1$  – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

$A1$  – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Дзк2 – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия баланснинг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффицентнинг минимал қиймати - 0,2.

$$2011 \text{ й. } (165250 + 301500 - 374506) / 278532 = 92244 / 278532 = 0.33$$

$$2012 \text{ й. } (199250 + 320600 - 381618) / 610937 = 138232 / 610937 = 0.22$$

$$2013 \text{ й. } (310657 + 475800 - 694427) / 819485 = 92030 / 819485 = 0.11$$

**3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ( $P_{иx}$ ),**

$$P_{иx} = \frac{CF}{MIT_{26}}$$

2011 йилда  $P_{ix} = 7762 / 841913 = 0.009$   
 2012 йилда  $P_{ix} = 120500 / 1116421 = 0.10$   
 2013 йилда  $P_{ix} = 1374 / 1251824 = 0.001$

4. Активлар рентабеллиги. ( $P_a$ ):

$$P_a = \frac{CF}{ЖАЙк}$$

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

2011 йилда  $P_a = 7762 / 502347 = 0.015$   
 2012 йилда  $P_a = 120500 / 696200 = 0.17$   
 2013 йилда  $P_a = 1374 / 819485 = 0.0016$

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ( $K_{хк}$ ) (жорий молиявий мустақиллик коэффиценти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

2011 й.  $165250 / (251300 - 0) = 0.65$   
 2012 й.  $199250 / (265800 - 0) = 0.74$   
 2013 й.  $310657 / (301205 - 0) = 1.03$

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти:

$$K_{қф} = \frac{Q \text{ ҳақиқий}}{Q_{\text{лойиҳа}} - (Q_{\text{ижара}} + Q_{\text{консерв}})}$$

2011 й.  $1340528 / (1450210 - 0) = 0.92$   
 2012 й.  $1921424 / (2025100 - 0) = 0.94$   
 2013 й.  $2054768 / (2105700 - 0) = 0.97$

7. Эскириш коэффиценти ( $K_{эск}$ ) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{эск} = \frac{Ав.эс}{Ав.бқ}$$

2011 йил  $273094 / 374506 = 0.72$   
 2012 йил  $298834 / 381618 = 0.78$   
 2013 йил  $556298 / 694427 = 0.8$

## Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2011 йилга	2012 йилга	2013 йилга	Ўзгариши (+,-)
	1	2	3	4=3-2
1. Тўлов қобиляти коэффиценти	1.10	2.29	2.72	+1.62
2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти	0.33	0.22	0.11	-0.22
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	0.009	0.10	0.001	-0.008
4. Активлар рентабеллиги	0.015	0.17	0.0016	-0,0134
5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти	0.65	0.74	1.03	+0.38
6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти	0.92	0.94	0.97	+0.05
7. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти	0.72	0.78	0.8	+0.08

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, корхонанинг иқтисодий барқарорлик ҳолатига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда коэффицентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, Тўлов қобиляти коэффиценти 2011 йилга нисбатан 1.62 коэффицентга ўсган. 2011 йилдан ташқари ҳар бир йил учун тўлов қобиляти коэффиценти ҳисобот йилининг охирида меъердаги 1.25 дан юқори бўлган. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти давр охирида -0.22 пунктга камайган, бу ўз навбатида белгиланган меъёрдан, яъни бирдан анча кам. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ҳам меъердаги 0.05дан 2011 ва 2013 йиллари кам бўлган.

Даврнинг 2012 йили давомида 10% бўлган. Активлар рентабеллиги давр охирида 2011 йилга нисбатан камайган бўлиб, 2012 йили меъерда бўлган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти 2013 йили давр бошидан +0,38 пунктга ортган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффицентининг қиймати давр охирида 2013 йил бирдан юқори бўлган, бу корхонада молиявий хавф хатар (риск) мавжуд эмаслигининг аломатидир. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти ҳар йили 0.5 дан юқори бўлган. Корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш юқори даражада деб қабул қилиш мумкин. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти 0.5 дан юқори бўлган, яъни меъёрлар даражасида эмасдир.

Мазкур коэффицентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини жорий 2013 йилда нисбатан 2011 йилда бирмунча нотекис ўзгариб бораётганлигидан далолат беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг

иктисодий барқарорлик коэффициентлари ўрганилганда, ушбу коэффициентларнинг ўзгариши ижобий бўлмаган.

### 3.2. Корхона фаолияти рентабеллик даражаси

Рентабеллик кўрсаткичлари барча корхоналар фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир. Корхона фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Активлар рентабеллиги ( $P_a$ ):

$$\text{бу ерда: } C\Phi - \text{соф фойда; } P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк} * 100$$

ЖАйк – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

$$2011 \text{ йилда } P_a = 7762 / 502347 = 0.015$$

$$2012 \text{ йилда } P_a = 120500 / 696200 = 0.17$$

$$2013 \text{ йилда } P_a = 1374 / 819485 = 0.0016$$

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги ( $P_{CM}$ ):

$$\text{ёки } P_{CM} = \frac{Я\Phi}{\frac{CCT}{C\Phi}}$$

Бу ерда:  $P_{CM}$  – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$Я\Phi$  – ялпи фойда;

$C\Phi$  – соф фойда;

$CCT$  – маҳсулот сотишдан соф тушум.

$$2011 \text{ йилда } P_{CM} = 7762 * 100 / 1340528 = 0.57 \%$$

$$2012 \text{ йилда } P_{CM} = 120500 * 100 / 1921424 = 6.3 \%$$

$$2013 \text{ йилда } P_{CM} = 1374 * 100 / 2054768 = 0.07 \%$$

3. Хусусий капитал рентабеллиги ( $P_{хк}$ ):

$$P_{хк} = \frac{C\Phi}{ХК}$$

Бу ерда:  $C\Phi$  – соф фойда;

$ХК$  – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

$$2011 \text{ йилда } P_{хк} = 7762 * 100 / 165250 = 4.69 \%$$

$$2012 \text{ йилда } P_{хк} = 120500 * 100 / 199250 = 60\%$$

$$2013 \text{ йилда } P_{хк} = 1374 * 100 / 310657 = 0.44 \%$$

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ( $P_{иx}$ ),

$$P_{иx} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

Бу ерда:

$C\Phi$  – соф фойда;

$МИТ$  – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

2011 йилда  $R_{ix} = 7762 / 841913 = 0.009$   
2012 йилда  $R_{ix} = 120500 / 1116421 = 0.10$   
2013 йилда  $R_{ix} = 1374 / 1251824 = 0.001$

5. Асосий воситалар рентабеллиги.

**$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$**

2011 йил  $7762 * 100 / 374506 = 2\%$   
2012 йил  $120500 * 100 / 381618 = 31\%$   
2013 йил  $1374 * 100 / 694427 = 0.1\%$

6. Айланма (оборот) активлар рентабеллиги.

**$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$**

2011й.  $7762 * 100 / 278532 = 2.8\%$   
2012й.  $120500 * 100 / 610937 = 19\%$   
2013й  $1374 * 100 / 500401 = 2.7\%$

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

**$\text{Соф фойда} * 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$**

2011 йил  $7762 * 100 / 251300 = 3.1\%$   
2012 йил  $120500 * 100 / 265800 = 45\%$   
2013 йил  $1374 * 100 / 301205 = 0.45\%$

Таҳлил корхонанинг молиявий ҳисоблари асосида охириги уч йилдаги молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (15-жадвал).

«MUNHAMMAD QODIR SHOH» хусусий корхонаси нинг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили (16-жадвал) маълумотларидан кўринадик, биз таҳлил қилаётган «MUNHAMMAD QODIR SHOH» хусусий корхонаси да 2013 йилда ўтган йилларга нисбатан барча рентабеллик турлари бўйича камайиш кузатилган.

Бу шундан далолат бермоқдаки, 2013 йилда корхонанинг самарадорлиги тушиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати ёмонлашаётганлигидан далолатдир. Маълумотлардан кўринадик, 2013 йилда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум миқдори бироз ортган бўлса, бунга мос равишда маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари ҳам ортган, бошқа турдаги активлар эса ўсган. Соф фойда миқдори эса олдинги йилларга нисбатан 2013 йилда кнскин камайган. Натижада аксарият рентабеллик кўрсаткичларида камайиш тенденцияси ҳосил бўлган.

## Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2013й.да 2011й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2011й.	2012й.	2013й.	
1.Активлар рентабеллиги	0.015	0.17	0.0016	-0,0134
2. Сотиш рентабеллиги	0.57	6.3	0.07	-0.5
3.Хусусий капитал рентабеллиги	4.69	60	0.44	-4,25
4.Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	0.009	0.10	0.001	-0.008
5.Асосий воситалар рентабеллиги.	2	31	0.1	-1.9
6.Оборот активлар рентабеллиги.	2.8	19	2.7	-0.1
7.Қарз маблағлари рентабеллиги.	3.1	45	0.45	-2,65

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми товарлар сифати, миқдори, шартнома ва бозордаги баҳоларнинг ўзгаришлари билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, сотиш учун мўлжалланган товарларнинг туриб қолишидан сифатининг бузилиши, ишлаб чиқаришдаги браклар ҳажмига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик ўзгаришлар эвазига, бажарувчиларнинг лаёқатсизлиги ва масъулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган камчиликлар таъсирида товарлар сифатининг пасайиши ва брак маҳсулотлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

**Ўзбекистон ҳудудларида  
ишлаб чиқариш унумдорлиги кўрсаткичлари рейтинги**

Минтақалар, вилоятлар	Аҳоли жон бошига ЯИМ, (минг сўм)	Тармоқда бандлар сонига ҳисоблаганда, минг сўм					Рейтинг баллари йиғидиси		Ўрин	
		саноат маҳсулоти	қишлоқ хўжалик маҳсулоти	қурилиш ишлари	кичик бизнес корхоналари маҳсулоти	чет эл инвестицияси бор корхоналар маҳсулоти	2001й.	2012й.	2001й.	2012й.
Қорақалпоғистон Республикаси	1317,2	16515,9	4314,0	9802,9	435,9	33555,6	15	16	14	14
вилоятлар:										
Андижон	2211,0	39531,3	7687,3	8001,2	807,6	265395,7	62	53	5	5-6
Бухоро	3145,6	22000,0	9058,9	11444,4	794,9	82178,6	63	58	4	3
Жиззах	1767,9	21723,3	7273,6	13210,9	762,4	64125,0	33	41	11	9
Қашқадарё	2687,9	66625,7	7323,6	7262,7	622,8	607586,2	28	51	12	7
Навоий	5736,7	51325,4	12171,4	12477,1	1267,1	69818,2	66	69	1	1
Наманган	1540,8	12625,7	8761,5	7655,5	836,6	76255,8	25	33	13	10
Самарқанд	1793,7	19127,3	8335,8	10646,0	995,3	142716,0	44	53	8	5-6
Сурхондарё	1640,2	17573,8	6368,0	8513,4	359,4	117571,4	43	28	9-10	13
Сирдарё	2070,0	45245,0	6414,1	10190,3	939,9	54000,0	45	48	6-7	8
Тошкент	3450,6	31768,6	10476,2	8832,5	1560,5	53509,4	65	56	2-3	4
Фарғона	1973,5	18965,0	4994,0	7930,2	674,8	74230,8	45	29	6-7	12
Хоразм	1794,6	18285,1	6739,8	8472,8	558,8	70238,1	43	30	9-10	11
Тошкент ш.	6097,8	44249,2	-	13636,6	7075,5	98271,3	65	64	2-3	2

Ўзбекистон Республикаси	3244,1	32114,8	7488,9	10398,9	1276,6	117024,4				
-------------------------	--------	---------	--------	---------	--------	----------	--	--	--	--

**Ўзбекистон ҳудудларининг  
асосий капиталга киритилган инвестициялар ва тадбиркорлик ривожланиши кўрсаткичлари рейтинги**

Минтақалар, вилоятлар	Иқтисодий фаол аҳоли ичида яқка тадбиркор- ларнинг улуши, %	2012 йилда ташқил қилинган корхонларнинг 2011 йилда ташқил этилган корхоналардаг и фоизи	Кичик бизнес корхоналари маҳсулоти нинг ЯИМдаги улуши, %	Умумий бандлар сонида кичик бизнес корхоналари нинг улуши, %	Капитал қўйилмалар ҳажми, млрд. сўм	Инвестиция ларнинг умумий ҳажмида		Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми, млрд. сўм	Рейтинг баллари йиғиндиси		Ўрин	
						корхоналар ва аҳоли маблағлари нинг улуши, %	давлат бюджети улуши, %		2001 й.	2012 й.	2001 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	4,9	4,9	66,5	71,0	1168,8	45,3	2,6	355,9	50	43	13	14
вилоятлар:												
Андижон	5,2	9,6	57,4	82,8	1158,2	66,6	4,9	103,1	70	73	3	3
Бухоро	6,2	5,5	65,7	77,3	2277,8	31,6	3,5	1212,2	65	64	5	6
Жиззах	5,8	3,9	79,9	80,3	678,5	61,3	2,1	24,8	57	52	9	9-11
Қашқадарё	4,2	9,1	52,4	77,0	2875,9	55,1	3,0	712,8	60	60	7	8
Навобий	6,2	3,2	36,9	58,8	1625,8	51,8	3,7	405,8	44	50	14	12
Наманган	7,6	6,8	79,0	80,7	758,7	63,6	2,9	29,6	54	68	11	4
Самарқанд	7,9	7,2	76,3	81,8	1383,3	69,0	9,7	56,4	63	76	6	2
Сурхондарё	3,3	5,3	74,2	77,5	845,5	57,5	3,7	107,7	58	52	8	9-11

Сирдарё	3,3	3,3	80,0	77,5	628,3	45,2	13,5	17,2	56	44	10	13
Тошкент	5,5	9,4	56,7	71,2	1872,4	59,2	2,9	323,6	82	62	1	7
Фарғона	7,1	8,7	61,8	77,3	1390,9	45,1	18,0	167,1	66	67	4	5
Хоразм	3,7	4,9	73,8	79,1	700,1	58,9	4,0	74,8	51	52	12	9-11
Тошкент ш.	9,3	18,1	53,6	57,3	5433,1	51,6	25,8	1062,3	76	77	2	1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Ўзбекистон ҳудудлари аҳолисининг  
даромадлари ва харажатлари кўрсаткичлари рейтинги**

Минтақалар, вилоятлар	Аҳоли жон бошига пул даромадлари, минг сўм	Аҳоли даромадларида истеъмол харажатлари улуши, %	Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси, минг сўм	Минтақадаги ўртача иш ҳақининг унинг Ўзбекистон бўйича ўртача даражасига нисбати, %	Молиялашти- ришнинг ҳамма манбалари ҳисобига уй-жойларни ишга тушириш, минг. кв. метр	Рейтинг баллари йиғиндиси		Ўрин	
						2001 й.	2012 й.	2001 й.	2012 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	1894,8	78,1	678,6	140,3	769,4	27	20	13	13
вилоятлар:									
Анджон	2376,7	96,8	1036,4	153,1	615,9	42	49	6	2
Бухоро	3168,7	79,5	1314,9	143,6	674,9	45	43	4	6

Жиззах	1787,1	80,3	971,6	140,4	505,1	21	21	14	12
Қашқадарё	2161,8	88,3	915,5	142,0	876,2	38	37	7	8-9
Навоий	4213,5	60,5	1660,8	132,5	455,0	49	32	1-2	10-11
Наманган	1980,2	81,5	887,9	141,1	1020,5	34	32	8-10	10-11
Самарқанд	2309,1	89,2	903,5	145,2	1089,1	32	46	11	4
Сурхондарё	2131,7	78,3	1018,0	142,8	968,1	31	37	12	8-9
Сирдарё	2570,2	75,0	903,2	140,2	354,6	34	19	8-10	14
Тошкент	2813,8	90,5	1513,0	133,3	797,2	43	45	5	5
Фарғона	2223,5	92,3	989,5	147,5	857,0	49	48	1-2	3
Хоразм	2501,5	80,8	954,4	144,5	722,5	34	38	8-10	7
Тошкент ш.	5203,4	102,1	3634,7	147,2	635,2	46	59	3	1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг  
маъмурий-ҳудудий бўлиниши**

Минтақалар номи	маъмурий-ҳудудий birlikлар сони							
	вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	юшалоқ туманлар	шаҳарлар тарови даги туманлар	туманга бўйсунувчи шаҳарлар	шаҳарчалар	юшалоқ фуқароларлик қончиликлари	юшалоқ аҳоли пунктлари	маданий йилмаклар
Қорақалпоғистон Республикаси	2	14	-	10	16	123	1183	159
вилоятлар:								
Андижон вилояти	3	14	-	8	5	95	536	844
Бухоро вилояти	2	11	-	9	2	121	1536	264
Жиззах вилояти	1	12	-	6	8	104	558	277
Навоий вилояти	2	8	-	4	7	54	627	343
Наманган вилояти	1	11	-	7	11	99	509	640
Самарқанд вилояти	2	14	-	9	12	125	1949	1018
Сурхондарё вилояти	3	8	-	2	5	72	284	287
Сурхондарё вилояти	1	14	-	7	7	114	847	667
Тошкент вилояти	6	15	-	9	18	146	954	1202
Фарғона вилояти	4	15	-	5	10	164	1180	968
Хоразм вилояти	1	10	-	2	7	101	612	345
Қашқадарё вилояти	1	13	-	11	4	146	1063	339
Тошкент шаҳри	-	-	11	-	1	-	-	448
Республика бўйича	29	159	11	89	113	1464	11838	7801

## Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича таркиби

(яқунга нисбатан % да)

Ҳудудлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 й.да 2012 й.га нисбатан (+, -)
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	-
Қорақалпоғистон Республикаси	5,2	8,6	11,4	6,2
<b>вилоятлар:</b>				
Андижон	5,2	4,4	4,2	-1
Бухоро	10,5	10	9,8	-0,7
Жиззах	2,8	3,5	3	0,2
Қашқадарё	12,8	12,2	11,7	-1,1
Навоий	7,1	5,9	4,6	-2,5
Наманган	3,3	3,7	4,8	1,5
Самарқанд	6,1	6,6	6,5	0,4
Сурхондарё	3,7	4,2	4,1	0,4
Сирдарё	2,8	2,9	2,7	-0,1
Тошкент	8,3	10,4	10,8	2,5
Фарғона	6,3	6,5	5,8	-0,5
Хоразм	3	3,9	3,6	0,6
Тошкент ш.	22,7	17,1	16,7	-6

## Ҳудудлар бўйича асосий капиталга инвестициялар

Ҳудудлар	2012		2013		2014	
	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %
Ўзбекистон Республикаси	22067	111,6	27557,3	109,8	33715,3	109,6
Қорақалпоғистон Республикаси	1145,1	120,4	2366	179,6	3840,3	143,4
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1139,9	128,6	1215,2	96,7	1407,5	105,2
Бухоро	2307,3	107,5	2753,8	100,4	3308,3	101,8

Жиззах	622,4	117,3	960,2	129,4	1026,7	97,1
Қашқадарё	2824,4	126,6	3352,9	102,5	3944,4	105,6
навоий	1559,7	110,4	1622,7	96,9	1544,4	87,2
наманган	728	112,6	1016,7	121,7	1620	140,2
Самарқанд	1356,6	110,9	1813,2	120	2185,7	103,4
Сурхондарё	807,9	112,9	1147,7	123	1377,4	106,3
Сирдарё	620,8	100,2	788,9	108,1	920,4	105,1
Тошкент	1822,9	77	2861,7	143,4	3633,9	116,8
Фарғона	1382,1	108,4	1796,6	112,2	1963	96,3
Хоразм	657,4	106,3	1083,3	136	1220,6	97,9
Тошкент ш.	5014,3	126,5	4706,1	80,9	5642,8	108

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил тайёргарлик учун мавзулар:

▪ Ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қабул қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари;

- Беш тамоил мазмун – моҳияти;
- Иқтисодий укладлар мазмуни;
- хусусийлаштиришнинг тамоиллари, мақсад ва вазифалари;
- ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари тарифлари;
- институционал ислоҳотлар босқичлари;
- барқарор иқтисодий ўсиш тенденциялари;
- бозор иқтисодиётида мулкчилик муносабатлари;
- хусусий мулкчилик ва мулкчилик муносабатлари тўғрисидаги қонунчилик

ҳужжатлари;

- хусусий мулк ва корпоратив мулк;
- Ўзбекистонда шаклланган хусусий мулкчилик объектларининг ўзгариш динамикаси;
- ҳудудларни бошқариш ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг қонунчилик

асослари.

- Ўзбекистоннинг ҳудудий тавсифи.
- ҳудудда саноатни ривожлантириш.
- ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.
- Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ривожланишини тавсифловчи

макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси.

▪ Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш йўллари.

- Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш йўллари.
- Мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш омиллари.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан таъминлашдаги ўрни.
- Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳитни шакллантириш босқичлари.
- Мамлакат пул бозори ва мувозанатга эришиш.
- Солиқларнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни.
- Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари.
- Давлат бюджети таркиби ва уни такомиллаштириш йўллари.
- Пул-кредит сиёсати ва улардан фойдаланиш амалиёти таҳлили.
- Замонавий иқтисодий ўсиш моделлари.
- Валюта курсининг расмий тартибга солиниши.
- Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳиятини кучайтириш йўллари.
- Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатини тартибга солиш.
- Очiq иқтисодиётда бюджет-солиқ сиёсати.
- Очiq иқтисодиётда пул-кредит сиёсати.
- Ташқи савдо таркибини такомиллаштириш ва диверсификациялаш йўллари.
- Иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделлари.
- Иқтисодий ўсишда ижтимоий иқтисодий моделлар.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Аҳолининг бандлиги – the employment of the population</b>	Ижтимоий ишлаб чиқаришни фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан аниқланган нормаларга мос равишда ҳисобга олинadиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.	The working age population who employed in the civil sector of social production and defined by the legislation of the country
<b>Аҳоли бандлиги муаммоси - the employment problem</b>	Бу инсонларни меҳнат фаолиятига жалб этиш муаммоси ва уларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини иш ўринлари билан қаноатлантириш даражаси.	It is the problem of attracting people to work and the level of jobs satisfaction to their labour needs
<b>Бандлик даражаси – employment rate</b>	Бандлар умумий сонини меҳнатга лаёқати ёшдаги аҳоли сонига нисбати.	The ratio of total number of employed population to the working age population
<b>Баланс усули - balance method</b>	Ўзаро боғлиқ кўрсаткичларнинг боғланишини ва мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун фойдаланиладиган усуллар йиғиндиси тушунилади.	The collection of methods which is used in order to provide the connection and appropriation of mutual related indicators
<b>Баҳо - price</b>	Товар қийматининг пул орқали ифодаланиши.	The expression of the value of goods through money
<b>Бюджет даври - budget period</b>	Бюджетни ижро этиш жараёнини амалга ошириш вақти.	Implementation time of the execution of the budget process
<b>Бюджет–солиқ сиёсати - Fiscal policy</b>	Бюджет сиёсатида бюджет харажатлари ва даромадларини шакллантирган ҳолда уч хил бюджет сиёсати юритилади. Бюджет харажатлари, трансфер харажатлари шаклидаги харажатлар. Даромадлар эса уч манбадан келиши мумкин: солиқлардан, хазина томонидан чиқарилган қимматбаҳо	In the condition of forming of budget incomes and expenses, fiscal policy is put into practice in three ways. Budget expenses, in terms of transfer expenses. Incomes can come from three sources: taxes, sale of securities and the emission of central bank. Accordingly, fiscal policy is carried through the management

	қоғозларнинг сотилишидан ва маълум қисми марказий банки эмиссияси ҳисобига. Шунга кўра давлат харажатлари ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсати юритилади.	of state expenses and incomes
<b>Бюджетдан маблағ олувчи</b> (бюджет муасасаси) – receiver of funds from budget (budget institution)	Бу ижроия ҳокимияти органи томонидан нотижорат хусусиятига эга бўлган функциялар (бошқарув, муҳофаа, ижтимоий-маданий тадбирлар ва б.)ни амалга ошириш учун ташкил этилган ва смета тартибида молияланувчи ташкилот.	It is an organization which is established for carrying out non-profit functions (for example: management, defence, social and cultural measures). This organization is financed in accordance with estimates
<b>Бюджет даромадлари - budget incomes</b>	Давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ихтиёрига беғараз ва қайтаришсиз тартибда келиб тушувчи пул маблағлари.	It is the amount of money funds which come to state authorities and local self-governing bodies in terms of disinterested and not having return
<b>Бюджетларнинг солиқдан ташқари даромадлари – budget incomes besides taxes</b>	Давлатнинг иқтисодий фаолияти ёки олинган даромадларни бюджет тизимининг даражалари бўйича қайта тақсимлаш натижасида ҳосил бўлади.	
<b>Бюджет харажатлари - budget expenditures</b>	Давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вазифалари ва функцияларини молиялашга йўналтириладиган пул маблағлари.	The amount of money which is directed to finance functions of the state and local self-governing bodies
<b>Бюджетни прогноз қилиш - the budget forecast</b>	Бу юзага келган тенденциялар, муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва истиқболни баҳолаш асосида бюджетни ривожлантиришнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш ва асослашдан ва шу асосда уни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар бериш демакдир.	Giving offers on the basis of occurred trends, certain socio-economic conditions and the evaluation of prospect to examine optimal ways of development budget

<b>Бюджет тақчиллиги - budget deficit</b>	давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.	A status in which expenditures exceed revenue
<b>Вазифа - function</b>	бу режалаштириш даври доирасида маълум вақт оралиғида эришилиши кўзда тутилган мақсадлар. Вазифалар режалаштирилаётган давр мобайнида амалга оширилиши лозим.	Targets which will be achieved within the planning period. Functions is implemented during the planning period
<b>Валюта курси - exchange rate</b>	мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.	The expressed value of country's currency in other country's currency
<b>Давлат бюджети – state budget</b>	асосан давлат (шаҳар, туман, муассаса, ташкилот ва бошқалар) нинг маълум муддатдаги (йил, квартал, ой) даромадлари ва харажатларининг пул ҳисоби.	Mainly, it is an account of expenses and income of the country (city, district, organization and)
<b>Давлат ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнози – the forecast of socio-economic development of the country and region</b>	бюджет лойиҳасини тузиш учун асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади ва у ўз навбатида ҳисобот давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш маълумотлари, режалаштирилаётган йил учун ривожланиш тенденциялари ва бошқа кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилади.	It is the main source of the establishment of budget project. Furthermore, it is done on the basis of socio-economic development information, developing trends for certain years and other indicators
<b>Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими – indicators system of socio-economic development of the country</b>	умумлаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар ва республика кўрсаткичларнинг чекланган доираси бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларини ўз ичига олади.	General macroeconomic indicators and it includes other indicators which describe life standard socio-economic indicators of people
<b>Дастур - Program</b>	бу ходиса ривожининг мақсадли йўналишлари ва уларга эришишнинг режалаштирилаётган	It is a system of achieving and development ways of the event

	йўллари тизими.	
<b>Демографик прогноз қилиш – demographic forecast</b>	бу аҳоли ҳаракатининг асосий параметрлари ва демографик вазият: аҳоли сони, ёш-жинс ва оилавий таркиби, туғилиши, ўлими, миграциясини илмий асосланган олдиндан кўра билиш демақдир.	It is the main parameters of population movement and demographic situation: the number of people, family composition, birth, death, migration
<b>Директив режалаштириш – directive development</b>	манзилли топшириқларни белгилаш ва уларни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режа ижрочилари ўртасида тақсимлаш орқали амалга оширилади.	Determining tasks address assignment and allocating necessary resources on given address tasks
<b>Доиравий режалаштириш – framework planning</b>	фақат 10 йилдан 20 йилгача мўлжалланган глобал мақсадлар ва стратегияларни шакллантиради. У халқ ва жаҳон хўжалиги, аҳоли, технологиялар ва ҳоказоларнинг тахминий прогноз тенденциялари асосида узок муддатли ривожланиш имкониятларини баҳолаш учун хизмат қилади.	It forms only global targets and strategies are designed from 10 to 20 years. It serves to evaluate the opportunities of the development of people, world agriculture, technology and others
<b>Етакчи бўғинларни ажратиш – separating leading segments</b>	стратегик режалаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий тизимларда ва унинг объектларидаги мувазанат учун зарур бўлган шароитларни яратиш имконини берувчи муҳим йўналиши.	It is an important direction of the creation of necessary conditions for strategic development of socio-economic systems and objects
<b>Фоиз – percent</b>	даромад, ўз мулкининг бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга фойдаланишга бериш ва шундан фойда олиш.	Income, giving own property to other physical and legal persons in order to get profit
<b>Фоиз ставкаси – interest rate</b>	кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўловни фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгисини бир бирлигига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.	The proportion of a loan that is charged as interest to the borrower, typically expressed as an annual percentage of the loan outstanding

<b>Идеал - idea</b>	бу эришилиб бўлмайдиган, лекин унга чексиз равишда яқинлашиш мумкин бўлган мақсад.	It is a target that you can't achieve but you can close infinitely
<b>Ижтимоий-иқтисодий таҳлил – socio-economic analysis</b>	ижтимоий-иқтисодий ҳақиқатни ҳар томонлама ўрганишни, ижтимоий муносабатлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг илғор тенденцияларини ва уларни такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш мақсадида ҳодисаларнинг ички алоқалари ва боғлиқлигини билишни ўзида намоён этади.	It is the social science that studies how economic activity affects and is shaped by social processes. In general it analyzes how societies progress, stagnate, or regress because of their local or regional economy, or the global economy.
<b>Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари – socio-economic development forecast</b>	демографик, илмий-техникавий, экологик, иқтисодий, ижтимоий, шунингдек тармоқ, минтақавий ва фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа соҳаларини акс эттиради.	demographic, scientific, technical, environmental, economic, social, as well as a network of regional and other spheres of social activity is an important reflection.
<b>Ижтимоий соҳа вазирликлари ҳамда бошқа вазирлик ва ташкилотлар – Social sector ministries, as well as other ministries and organizations -</b>	ривожланишнинг мос йўналишлари бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.	development trends of analytical and forecasting documents.
<b>Ижтимоий сугурта – Social insurance -</b>	аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий унсури ҳисобланиб, унинг мақсади касал бўлиш ҳолатида ва қариялик даврида, бахтсиз ҳодисалар ва ишлаб чиқариш бўйича касалланишлар, ишсизлик муносабати билан инсоннинг иқтисодий ҳимояланишини таъминлашдан иборат.	The aim of the key elements of the social protection of the population during the position to be sick and the elderly, accidents and diseases in the production, due to unemployment is to ensure the protection of man.
<b>Илмий олдиндан кўра билиш – According to the advance of scientific</b>	бу табиат, жамият ва тафаккур қонунларини билишга асосланган ҳақиқатни олдиндан акс	this nature, society and thought to reflect the fact that, based on a knowledge of the laws in

knowledge -	эйтиришдир.	advance.
<b>Импорт</b> – import -	мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. У халқ хўжалиги, вақтни тежаш, халқ еҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.	for foreign goods sold on the domestic market of the country, to bring capital and technology. He said the national economy, to save time, help us to successfully solve the needs of the people.
<b>Инвестиция</b> – investment -	ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодийнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.	the country or abroad in order to improve the production of long-term capital investments in various sectors of the economy. Its financial and real types.
<b>Индекслар</b> – Indexes -	ЯИМ дефляторлари – ЯИМ кўрсаткичларини солиштирма нархларда акс этириш учун ишлатиладиган индекслар гуруҳи, буларга нархларни агрегат индекси, ЯИМ дефлятори нархлари индекси, истеъмолчи нархлар индекси, шунингдек махсус ташкил қилинган индекслар киради.	Reduc- used to reflect on the GDP figures for comparable prices indexes, including the aggregate of the prices index, the GDP deflator price index, the consumer price index, as well as specialized indices.
<b>Индикатив режалаштириш</b> – Indicative planning -	давлат бошқарувининг онгли фаолияти сифатида таърифланадиган макроиқтисодий режалаштиришнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади маълум вақт ўтиши билан умуман миллий иқтисодийни исталган ҳолатга олиб келишдан иборат.	is described as a conscious state is a type of macro-planning, the aim of the national economy as a whole over time to take in any situation.
<b>Индикатив режалаштириш</b> – Indicative planning -	ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат-ҳуқуқий муносабатлари соҳасига, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасига тааллуқли бўлган институтдир.	state-legal relations in the sphere of economic, civil-legal relations in the field related to the institution.

<p><b>Индикатив режалаштириш фани</b> – Indicative planning science -</p>	<p>келажакни аниқ асослаш имконини берувчи режа ва прогноз ҳисоб-китоблари тамойиллари, усуллари, уларнинг босқичма-босқичлигини, иқтисодий олдиндан кўра билиш индикаторларини танлашни белгилаб берувчи ягона методологияга амал қилади.</p>	<p>allowing for a clear justification of the future, plan, forecast and estimates of principles, methods, and their step-by-step, where one can learn to anticipate economic indicators has been selected to methodology.</p>
<p><b>Индикатив режалаштириш тизими</b> – Indicative planning system -</p>	<p>ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига мос келувчи иқтисодиёт ҳолатини ва ривожланишини тавсифловчи индикаторларни (кўрсаткичларни) шакллантириш ҳамда ушбу индикаторларга эришиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш чораларини белгилаш ҳисобланади.</p>	<p>the government's socio-economic policy compatible with economic development and the status of the indicators (indicators) as well as the formation of these indicators in order to achieve social and economic processes of government regulatory measures.</p>
<p><b>Индикатив режалаштириш методикаси</b> – Indicative planning methodology -</p>	<p>бу барча даражадаги прогнозлар, дастурлар, режалар ва режа кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш тизимининг вақт чегараларини ишлаб чиқиш, асослаш ва таҳлил қилиш усулларининг йиғиндиси.</p>	<p>all these levels of growth, programs, plans and indicators of the plan to account for the development of the limits of the system, the collection and analysis methods.</p>
<p><b>Индикатив режалаштиришнинг методологик тамойиллари</b> – Indicative planning methodological principles -</p>	<p>ривожланиш қонунларининг умумий ҳаракатини ифодаловчи ҳамда дастурлар, лойиҳалар ва режаларнинг вазибаларини, йўналишларини ва бажарилиш имкониятларини белгилаб берувчи объектив категорияга асосланади.</p>	<p>representing the movement of the general laws of the development of programs, projects and plans, objectives, and the implementation of the guidelines is based on the objective to determine the category.</p>
<p><b>Индикаторлар мажмуини қўллаш</b> – The application of a set of indicators -</p>	<p>бу қулай ижтимоий-иқтисодий муҳитни билвосита шакллантириш усулидир.</p>	<p>This method of formation of a favorable socio-economic environment indirectly.</p>

<b>Индикатив режа –</b> Indicative plan -	бу узоқ муддатли истиқболда бошқарув буткул объекти (корхона, минтақа, мамлакат)нинг ҳолатини илмий жиҳатдан олдиндан кўра билиш.	This long-term management overhaul facilities (enterprises, regional, national) in the state of scientific predictions.
<b>Индикатив режалаштириш усули –</b> Indicative planning method -	бозор иқтисодиётига ўтиш билан давлат ва нодавлат секторларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни онгли равишда бошқариш усули.	market economy with government and non-government sectors of socio-economic processes of conscious management style.
<b>Инфляция –</b> inflation -	пулнинг қадрсизланиши, муомаладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очиқчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.	inflation, the devaluation of money in circulation, the money supply is provided with the goods as a result of the rule of mass emergence of money. Commodity price inflation leads to increased openly and secretly.
<b>Инфляция даражаси –</b> The inflation rate -	маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражаси фоиз ўзгариши.	within a certain period of time (month, year) percentage change in the price level.
<b>Иқтисодий-математик усуллар</b> Economic-mathematical methods	ижтимоий-иқтисодий тизимларни, иқтисодиётнинг мувозанатини таҳлил қилиш, иқтисодий ўсишни прогноз қилишнинг ўзига хос усулларини намоён этади.	social and economic systems, the analysis of the balance of the economy, the economic growth projection to show specific methods.
<b>Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими –</b> The economy and social sphere of socio-economic	тармоқлар, тармоқлараро мажмуалар, шунингдек республика аҳолисига хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланишининг муҳим йўналишларини акс эттиради.	networks, industrial complexes, as well as the population reflects the main directions of development of the services sector.

development indicators -		
<b>Иқтисодий таҳлил</b> economic analysis	ўтмиш ва ҳозирги давр тўғрисидаги ахборотни баҳолаш сифатида иқтисодий ишнинг мустақил унсури сифатида кўриб чиқилади.	economic evaluation of information about the past and the present case is considered as an independent element.
<b>Иқтисодий ўсиш –</b> Economic growth -	реал миллий даромаднинг ёки реал миллий даромадни (маҳсулотни) аҳоли жон бошига ўсиши сифатида аниқлаш мумкин.	real national income or real national income (product) per capita growth as possible.
<b>Ишчи кучи –</b> Workforce -	одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида у ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.	people's ability to work, he favors the production process for solving the physical and spiritual forces.
<b>Иш вақти – Working</b> time -	ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақти ҳажми.	the size of the population employed in the manufacture of the working time.
<b>Йиғма молиявий</b> <b>баланс – Consolidated</b> financial balance -	бу давлатда ёки муайян ҳудудда яратилган ва фойдаланилган молиявий ресурслар баланси.	in this country, or in the balance and the use of financial resources.
<b>Жамиятнинг</b> <b>эҳтиёжлари – The</b> needs of society -	бу мураккаб, динамик тизим бўлиб, у қуйидаги кичик тизимлардан таркиб топган: а) моддий неъматларга бўлган эҳтиёж; б) номоддий эҳтиёжлар.	this is a complex, dynamic system, which is composed of the following subsystems: a) the need for the material blessings; b) non-material needs.
<b>Конъюнктура</b> <b>прогнози – Market</b> forecasts -	бу шуни англатадики, режа ижрочиларининг субъектив ҳаракатлари асосида уларнинг хўжалик муҳити мавжуд бўлишининг объектив қонуниятларини тушуниши ва ундан фойдаланиши: бозор механизмини билиш ва режалаштиришнинг дастлабки қисми сифатида прогнозни ишлаб чиқиш ётади.	This means that the executors of the plan on the basis of subjective actions of their economic environment, an understanding of the objective laws and how they use it: to know the mechanism of the market lies in the development and planning as part of the initial forecast.
<b>Концепция – Concept -</b>	бу глобал мақсадлар ва режа даврида ижтимоий-иқтисодий	During this global goals and plan reflects the determination of

	<p>тизимнинг устувор йўналишларини белгилашда ўз ифодасини топувчи прогнозлар, дастурлар лойиҳалари ва режаларнинг умумий мақсади ҳамда унга эришиш йўллари, шакллари ва усулларини аниқлаш.</p>	<p>the priority areas of socio-economic system constitute forecasts, development projects and ways to achieve the overall objective of the plans and to determine the forms and methods.</p>
<p><b>Концернлар, компаниялар, уюшмалар, хиссадорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар</b> – Concerns, companies, associations, joint stock companies and other economic entities -</p>	<p>режалаштираётган давр учун ишлаб чиқариш-хўжалик юритиш ва корхонанинг молиявий фаолияти ривожланишига оид таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.</p>	<p>production is planned for the period of economic and financial activities related to the development of analytical and forecasting documents.</p>
<p><b>Лойиҳалаштириш</b> – design</p>	<p>режалаштиришнинг барча тартиботларининг яқунловчи босқичи. Унинг мақсади барча даражалар ва вақт горизонтлари индикатив режаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборат.</p>	<p>the final phase of the planning procedures. His goal is for all levels and time horizons indicative of draft plans.</p>
<p><b>Марказий Банк</b> – Central Bank -</p>	<p>индикатив режалаштиришда пул-кредит агрегатлари ва пул-кредит сиёсатини асосий йўналишлари бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини, банк тизими актив ва пассив баланс кўрсаткичларини, монетаризация даражаси бўйича ахборот тайёрлайди.</p>	<p>indicative planning of the monetary and credit aggregates and the main directions of the monetary policy analysis and forecasting, as indicators of the balance of assets and liabilities of the banking system, prepare the information on the level of monetarizatsiya.</p>
<p><b>Мақсадлар</b> – goals -</p>	<p>индикатив режалаштиришда идеал ҳолат ёки режалаштириш объектининг маълум вақт оралиғида</p>	<p>Indicative planning is the status of the object or planning to operate in a certain period of</p>

	фаолият кўрсатиш натижалари сифатида тушунлади.	time results as tushunladi.
<b>Мақсадларни шакллантириш –</b> Establishing goals -	бу кейинги ҳаракатлар учун аниқ, таркибланган ва амалга ошириш учун яроқли бўлган меъёрлар тизимини яратиш.	This next part of the action and the creation of a system suitable for the implementation of the principles.
<b>Мақсадларни тартибга келтириш, мақсадлар дарахтини шакллантириш –</b> Objectives to regulate the formation of the tree of goals	бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг динамик тизимини шакллантириш, уларни вақт оралиқлари бўйича тақсимлаш вазифасидир.	This dynamic socio-economic development targets system, the duty of the distribution of time intervals.
<b>Мақсадлар дарахти –</b> Tree -	ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг тизимлаштирилган тўплами.	socio-economic development objectives structured package.
<b>Методологик ёндашув –</b> Methodological approach -	бу барча даражадаги прогнозлар, дастурлар, режалар ва вақт горизонтларини ишлаб чиқишда стратегик режалаштириш мантиғи, тамойиллари ва усулларидан фойдаланишнинг яхлит йўналиши.	This growth programs at all levels, development plans and the time horizons of the logic of strategic planning, the principles and methods of use of a single direction.
<b>Молия вазирлиги –</b> The Ministry of Finance -	индикатив режалаштиришда давлат бюджетининг даромад ва харажатлари ва бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари: бюджетнинг даромад ва харажат кўрсаткичлари, давлатнинг ташқи қарзи, бюджет дефицити ва уни молиялаштириш бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.	indicative planning revenues and expenditures of the state budget and fiscal policy: the budget revenue and expenditure figures, the country's foreign debt, budget deficit and finance the preparation of analytical and forecasting documents.
<b>Молия-бюджет сиёсати (бюджетлар)</b> – Financial and budgetary policy (budget)	бу ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ўз функцияларини бажариш учун молиявий муносабатлардан фойдаланиш ва бюджет тизимини	This is carried out by the authorities to perform the functions of their financial affairs and budget management, the sum of events and activities.

	бошқариш бўйича ҳаракатлар ва тадбирлар йиғиндисидир.	
<b>Молиявий режалаштириш – Financial Planning -</b>	молиявий ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини бошқариш.	make sure that financial resources allocation, distribution and consumption processes.
<b>Молиявий режалар тизими – Plans for the financial system -</b>	умумдавлат ва ҳудудий даражаларда молиявий режалаштириш қиймат ифодасидаги моддий ва меҳнат мувазанатини таъминловчи тизим.	national and regional levels in terms of the value of financial planning system that provides material and labor muvazanatini.
<b>Муаммоларни ташхис қилиш – To diagnose problems</b>	бу мақсад билан режалаштиришнинг қандайдир даври учун объектнинг прогноз қилинаётган ҳолати ҳақидаги тасаввур ўртасидаги фарқларни аниқлаш.	This purpose of planning for any period predictable differences between the idea of the condition of the facility.
<b>Муқобил вариант – Alternative -</b>	бу белгиланган мақсадга эришишнинг бошқа эҳтимолий усуллардан фарқ қилувчи усули.	other possible ways of achieving the goal set different way.
<b>Нархлар индекси – The index of prices</b>	икки ҳар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанатини ўзгаришини акс эттирувчи кўрсаткич.	two different time periods indicator reflecting the change in the balance of goods and services.
<b>Нархлар коррективировкаси – Adjustment of the prices -</b>	бозор вазияти ўзгаришига нархларнинг мослашув жараёни.	The process of change in market prices compatibility.
<b>Норматив прогнознинг асосий мақсади – The main objective of the normative forecast</b>	демографик жараёнларнинг айрим кўнгилли ҳолатига эришиш учун муайян тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.	demographic processes in some volunteers develop specific recommendations for the state.
<b>Олдинга қўйилган мақсадларга эришиш – Forward to achieving</b>	хўжалик юритиш объекти ходимларининг шахсий ва жамоавий манфаатларининг қониқишини белгилаб беради.	The object of managing staff determines the interests of individual and collective satisfaction.

<b>Оммавий баҳолаш –</b> The assessment of the media	аҳолининг алоҳида гуруҳларининг социологик тадқиқотлар жараёнида режалаштиришнинг қандайдир муаммосининг моҳияти юзасидан фикрларини аниқлаш.	special groups of the population, sociological research planning process to identify any views on the nature of the problem.
<b>Прогноз – the forecast -</b>	ҳодиса ривожининг истиқболларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқот олдиндан кўра билишнинг бир шакли ҳисобланади.	According to scientific research aimed at determining the prospects for the development of the event in advance is a form of knowledge.
<b>Режа – plan -</b>	бу олдинга қўйилган мақсадга эришиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор.	measures to achieve the desired goal in this decision.
<b>Режалаштириш –</b> planning -	бу ўз мақсадларига эришиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг оқилона хатти-ҳаракатини иқтисодий асослаш жараёнидир.	to achieve the goals of this undertaking, the rational behavior of economic processes.
<b>Режалаштириш –</b> planning -	давлат, бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг мамлакат, минтақалар, тармоқлар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти.	State governments, businesses, regions, sectors, enterprises of all forms of social and economic development prospects of the development of a purposeful activity.
<b>Режалаштириш</b> <b>тизими – Planning</b> <b>System</b>	бу режалаштириш алоҳида қисмларининг тартибга солинган таркибий тузилиши.	is planning a special part editing structure.
<b>Режа</b> <b>қўрсаткичларини</b> <b>тасдиқлаш жараёни –</b> The process of approval of the plan indicators	режа лойиҳасининг даставвал манфаатдор тузилмавий бўғинлар томонидан, сўнгра эса юқори раҳбарият томонидан муҳокама этилишини назарда тутди.	concerned by the structural joints in the beginning of the project plan, and then to be discussed by the top leadership.
<b>Режалаштириш</b> <b>тамойили – The</b> principle of planning -	ривожланиш қонунларининг умумий ҳаракатини ифодаловчи ҳамда дастурлар, лойиҳалар ва	representing the movement of the general laws of the development of programs,

	режаларнинг вазифаларини, йўналишларини ва бажарилиш имкониятларини белгилаб берувчи объектив категория.	projects and plans, objectives, define the areas of performance and capabilities of the lens category.
<b>Республика туманлари ва шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими</b> – Cities and districts of the republic's socio-economic development indicators -	республика маҳаллий тузилмалари ҳудудлари иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг ривожланишини тавсифлайди.	development of local structures in areas of economy and social sphere.
<b>Сарф-харажатлар баланси</b> – The balance of costs	макроиқтисодиётда ЯИМни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлари ва яратилган ялпи миллий маҳсулоти охиригача истеъмол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.	Macroeconomic GDP the total cost of production and the balance between the gross national product used for the purpose of final consumption.
<b>Солиқлар</b> – taxes -	миллий даромадни тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади.	in the process of distribution of national income and its form part of the state. Tax money to the budget and off-budget funds, the main tool.
<b>Стратегик режалаштириш мантиғи</b> – The logic of strategic planning -	бу стратегик режалаштириш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ тартиботларнинг тартибга келтирилган изчиллиги, асосланганлиги.	this is related to the solution of the problems of strategic planning based on the consistency of the procedures.
<b>Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланиши индикаторлари</b>	иқтисодиёт реал секторининг нодавлат ва давлат корхоналари ҳамда ижтимоий соҳа тармоқлари бюджет ташкилотлари (муассасалари)нинг ривожланиш	and non-state enterprises of the real sector of the economy and social sphere of budgetary institutions (institutions) in the development of indicators.

<b>тизими</b> – The system of indicators of socio-economic development of the undertakings	индикаторларини ўз ичига олади.	
<b>Эксперт (баҳолаш) ёки эвристик усуллар</b> – Evaluation (assessment) or heuristic methods -	билвосита ва тўлиқсиз ахборотдан, эксперт мутахассислар тажрибасидан, ички ҳиссиётдан фойдаланишга асосланган.	indirect and incomplete information, and expert professional experience, based on the use of internal emotions.
<b>Шартномавий режалаштириш</b> – Contract Planning -	корхоналар, бирлашмалар, банклар, ҳокимият ва бошқарув органлари ўртасида ихтиёрий ва ўзаро фойдали асосда қуриладиган тижорат муносабатларини тартибга солади.	enterprises, associations, banks, governments and agencies, based on a voluntary and mutually beneficial commercial relations between the regulation.
<b>Йўл қўйиладиган қийматлар соҳаси</b> – Allowable values -	бу ҳозирги вақтда режани тузувчининг ихтиёрида мавжуд бўлган амалга ошириш учун яроқли ҳисобланган кўплаб муқобил вариантлар. Ушбу муқобил вариантлар бир бирини инкор этадиган даражада шакллантирилиши керак.	is currently available for the disposal of the compiler of the plan for the implementation of a number of alternative options available. This is one of the alternative options they will need to be formed.
<b>Тактик режалаштириш</b> – Tactical planning -	тактик вазифаларни танлашни ва маълум стратегия ва идеал доирасида уларга эришиш воситаларини танлашни назарда тутди.	tactical objectives and strategy, and refers to the selection of the ideal means of achieving them.
<b>Ташкилотлараро ишчи гуруҳ</b> – Working group -	ўрта муддатли режани ишлаб чиқишда иқтисодий органлар ўртасида мувофиқлаштирувчи бўғин сифатида фаолият юритади.	the medium-term economic development plan as a coordinating link between the well.
<b>Тизимли-мажмуавий ёндашув</b> – A systematic and integrated approach -	турли ижтимоий тизимлар (мажмуалар) – корхоналар, минтақалар ва жамиятга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.	different social systems (complexes) - businesses, regions and society as a systematic approach to identification.

<p><b>Тизимли-дастурий (дастурий-мақсадли) ёндашув – System software (software-based) approach -</b></p>	<p>стратегик режалаштириш объектларининг йирик локал илмий, техник, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал этишга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.</p>	<p>strategic planning of large local scientific, technical, social, economic and other problems to a systematic approach to the identification.</p>
<p><b>Тизимли-мультипликацион ёндашув (мультипликация – кўпайтириш) – A systematic approach to cartoon (animation) will</b></p>	<p>самаралари пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этишга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.</p>	<p>study the effects of the processes associated with the formation of a systematic approach to the identification.</p>
<p><b>Тизимли-меъёрий ёндашув – Systematic regulatory approach -</b></p>	<p>режалаштириш субъектларининг талабларини индикатив режалаштиришга, унинг объектларига нисбатан (меҳнат, моддий ва ҳ.к.) ресурслардан оптимал тарзда фойдаланиш бўйича тизимли ёндашувни аниқлаштириш.</p>	<p>planning requirements of the indicative planning of subjects, objects (labor, material, etc.) to determine the optimal way to use a systematic approach to resource.</p>
<p><b>Тизимли-динамик ёндашув – Systematic and dynamic approach -</b></p>	<p>индикатив режалаштириш объектларини ривожлантириш, сифат хусусиятларини оширишга йўналтирилган тадбирларни тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш ва асослашга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.</p>	<p>development of indicative planning activities aimed at improving the quality characteristics of the study devoted to the development and feasibility study to determine a systematic approach.</p>
<p><b>Узоқ муддатли режалаштириш – Long-term planning -</b></p>	<p>инвестициялар ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига маҳсулотнинг муайян груҳига хос бўлган режа горизонтигача муайянлаштиради ва одатда, 10 йилгача бўлган муддатни қамраб олади.</p>	<p>Investment and production of software products specific to a particular group of horizontal and define the plan usually covers a 10-year term.</p>
<p><b>Функционал прогноз қилиш – Functional prognosis -</b></p>	<p>бу у ёки бу ташкилотлар, фирмалар, корпорациялар, давлат органлари, ўқув муассасаларининг муайян</p>	<p>these or those organizations, firms, corporations, government agencies, educational institutions</p>

	амалий мақсадлари ва вазифаларига хизмат қилувчи прогноз.	and the specific goals and objectives of the practical service forecast.
<b>Функционал демографик прогноз қилиш – Functional demographic forecasts -</b>	бу айрим ўзига хос мақсадлар учун бўлажак талаб ва таклифни олдиндан айтиб берувчи теғламалар шаклига келтирилган аҳоли ёш-жинс таркибини прогноз қилиш.	some of the specific goals for the future shape of the teglamalar predict supply and demand forecasting age-sex structure of the population.
<b>Ўрта муддатли режалаштириш вазифалари – Medium-term planning functions -</b>	узок муддатли режалаштириш дастурларини амалга ошириш учун молиявий, иқтисодий ва техник нуқтаи назардан замин ҳозирлашдан иборат.	long-term planning for the implementation of the programs of financial, economic and technical point of view, prepare the ground.
<b>Қарор қабул қилиш – Decision-making -</b>	бу иккинчи даражали шароитларни ҳисобга олган ҳолда мақсад кўйилганда оптимал муқобил вариантни танлаш.	The purpose of this second level, taking into account the conditions required to select the optimal alternative.
<b>Қарорлар қабул қилиш мантиғи нуқтаи назардан баҳолаш – The assessment in terms of the logic of the decision-making</b>	бу муқобил вариантлар ёрдамида мақсадга эришиш даражасини тавсифловчи катталиқ.	these alternative options to reach the level of explanatory variable.
<b>Қадрсизланиш – devaluation -</b>	миллий валютанинг нархи чет эл валюталарининг баҳосидан камайиши.	The decrease in the price of foreign currency to the value of the national currency.
<b>Қисқа муддатли режалаштириш мақсади – The purpose of the short-term planning -</b>	бир ой мобайнида бизнеснинг ривожланишини назарда тутиш, ишлар натижалари режалардан четга чиқишининг бутун режа горизонтини режалаштиришга таъсирини ҳисоблаб чиқиш ва ушбу ривожланишни ихчам бошқаришдан иборат.	the development of business in a month to keep deviations to the plan, the results of the entire planning horizon to calculate the impact of planning and management of the development of this compact.
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш	the regional socio-economic development of the city, the

<p><b>Вазирлари Кенгаши, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимиятлари</b> – The Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, regions and Tashkent city government -</p>	<p>кўрсаткичлари, маҳаллий бюджетнинг шаклланиши ва бюджетдан молиялаштиришга талабномалар прогнозини амалга оширадилар.</p>	<p>formation of the local budget and budget to carry out the forecast of applications for financing.</p>
<p><b>Экстраполяция усули</b> – Extrapolation method -</p>	<p>аввалги даврлар амалиётидан келиб чиқиб истиқболларни тузиш.</p>	<p>to conclude, based on the practice of previous periods prospects.</p>
<p><b>Экстраполяция усули</b> – The method Ekstrapolyatsion</p>	<p>чизикли ва экспоненциал функциялардан, яъни давр мобайнида аҳоли сонининг ўртача йиллик абсолют ўзгаришлари тўғрисидаги ёки ўртача йиллик ўсиш суръатлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишга асосланган усул.</p>	<p>linear and exponential functions, ie the period, the average annual absolute change or an average annual growth rate method is based on the use of information.</p>
<p><b>Эксперт баҳолаш усули</b> – Assessment method -</p>	<p>фан ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида ваколатли мутахассислар томонидан берилган ва асосланган баҳолар негизида қилинган прогноз.</p>	<p>science and private sectors of the economy have been authorized on the basis of evaluations by experts and based on the forecast.</p>
<p><b>Экспорт</b> – export -</p>	<p>ташқи бозорда товарлар, хизматлар ва капиталларни реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.</p>	<p>foreign markets for goods, services and capital in order to make the sale.</p>

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

### **Махсус адабиётлар**

1. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.
3. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
5. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
6. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation, and Economic Development. UK, 2011, English.

### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.mineconomi.uz>.
2. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)
3. [www.reuter.com](http://www.reuter.com)
4. [www.ebrd.com](http://www.ebrd.com)
5. [www.forexite.com](http://www.forexite.com)
6. <http://www.wordbank.org>.
7. <http://www.ebrd.org>.
8. <http://www.imf.org>
9. [www.undp.org](http://www.undp.org)
10. [www.ecb.int](http://www.ecb.int)